

Шарҳ назариди

1998

4

67-ЙИЛ ЧИҚИШИ

АДАБИЙ-ИЖТИМОИЙ
ЖУРНАЛ

БОШИ МУХАРРИР

Ўткир ҲОШИМОВ

НАХАРРИР ҲАМКАРАМИ

Омон МУХТОР,
Бахтиёр КАРИМ,
Юсуф ФАЙЗУЛЛО,
Мурод МАНСУР,
Икром ОТАМУРОД,
Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,
Асад ДИЛМУРОД

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ

Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўраемиз. Техник тараққиёт ҳозиргидек юксак босқичга кўтарилмаган бир даврда дунёнинг тартиботи ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равишда содда ва аниқ-равшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг «Ғирвонлик Маллавой» деган кичик бир асарини ўқиб қолдим. Унда асри-миз бошида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома кулгили шаклда акс эттирилади. Наманганга темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган бўлади. Паровози умрида кўрмаган одамлар уни буғ қуввати билан юрадиган «жонивор» деб тасаввур қилишади. «Ўзи қоп-қора бўлса, юрганга дам-бадам пишқирса, чанқаганда қичқирса, минг челақлаб сув ичиб, очиққанда бўкирса, бу — албатта, зўр бир ҳайвон бўлса керак», деб уйлашади. Кимдир унга «қора айғир» деб ном ҳам кўяди. Синов паровози келишидан бирор кун илгари уни кутиб олишга тайёргарлик кўрилади. Станция ёнига «қора айғир»га атаб ун арава кўк беда, эллик пудча арпа тайёрлаб кўядилар...

Албатта, бу асарда жиндак муболага, ҳазил-мутоиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурларию дунёқарашлари нақадар одми, содда, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек халқига хос хусусият эмас, бошқа халқларнинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳатларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, «уяли» телефон, параболик антенна, электрон почта каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Лекин ҳозир шу мўъжизалар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоғида яшаётган мактаб ўқувчисини ё бўлмаса бирор отахонни ҳайратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб турар, аммо кейин худди бу асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўни-киб, ўзлаштириб кетади.

Ислом КАРИМОВ
«Тафаккур» журнали 1998 йил 2-сонидан.





Гулнора Раҳмон

Марварид шодаси

Қисса

Мен севмасам, китоб ёзармидим.

О. Мухтор

Баланд бўйли, қалин сариқ сочлари ёйилиб белига тушган, оқ юзли қиз халатининг тигиз қадалган тугмаларини шошилмай ечди-да, пиллапоялардан ўзи ўтирадиган баланд курсига кўтарила бошлади.

Кенг ойнаванд деразадан тушиб турган ёғду унинг катта-катта мовий кўзларини, ёйилиб ётган олтиндек сочларини, тўнтариб қўйилган икки жонон пиёладек кўкракларини, узун, оппоқ оёқларини ёритди. Силлиқ елкалари: нозик кўллари нур ва соя уйинида янада гузаллашди. Имтиҳон сўзининг залвори бир зум чекиниб, кирувчи йигитлар ҳайрат ичра қотдилар. Сўнг ўзларига келиб, ҳалиги натуршитса ҳусни-жамолини рангтасвирга туширишга киришдилар.

Аёл кўлларини чаккасига тираб, бошини хиёл энгаштирган эди, сочлари «тўкилиб» узун бўйинини ёпиб қўйди.

— Шею! Шею откройте, пожалуйста, — деб илтижо қилди туркменистонлик йигит. Имтиҳонда одам ниҳоятда кўплигидан қаҳрамон аниқ ва кўркам кўринадиган нуқта доим талаш, ҳозир ҳам тожикистонлик қизга жой тегмай қолган, у бир четда

нима қилишини билмай турар эди. Бошланган озгина сурондан фойдаланиб, у мольбертини натуршитсанинг нақ оёқлари остига қўйиб олди. Унинг бу қилиғи инсон образи рангтасвирда яратилаётганда орадаги масофа икки ярим, уч метр бўлиши керак, деган қоидага мутлақо зид эди. Ҳам унинг мольберти қизнинг оёқларини кўпчиликдан тўсиб қўяётган эдики, бу ҳол барчанинг норозилигига сабаб бўлди. Равшан ёнидаги Мадинага қараб, секин шивирлади:

— Биз гапирсак жаҳли чиқар, сен қиз боласан, сўраб кўрчи, олдин ҳам ўт-бўтда ўқиганмикан?

Орқа томонда ўтирган қалами ажабтовур Дилбар ўзини туюлмайдик қиқирлади.

Имтиҳоннинг учинчи куни Наталиянинг қўлида таҳсил олганларнинг ишлари бошқаларнинг олдида ярақлаб кўзга кўришиб қолди. Ишлари мундайроқларнинг кўзларида бир қадар ташвиш ифодалари зоҳир, баъзилар эса, қиқарида имтиҳондан йиқилишларини ҳам бўйинларига олиб қўйган эсаларда, ноумид шайтон деб, сўнгги соатлардан ҳам яхшироқ фойдаланишга интилар эдилар...

Имтиҳон натижалари ёзилиб қўйилган тахтага яқин бориб бўлмас, одам товсалишини кутишга, худо шоҳид, ҳеч кимда тоқат йўқ эди. Рўйхатга яқин бориш насиб этганлардан эса, кимдир енгил нафас олар, кимдир жимгина қайтар, баъзи қизлар эса, ҳалитданоқ кўз ёшига зўр берган эдилар.

Мадина елкасига кимнингдир тирсаги ботиб кетаётганига қарамай, нигоҳини қоғоздан узмасди. Ниҳоят, ўз фамилиясини топди: қаламтасвир — 4, рангтасвир — 4, композиция — 4.

Нафасини ичига ютиб, Равшаннинг фамилиясини қидирди. Ёқубов Р. 4,4,4 эди. Яна Ҳакимни қидирди: топди ва ўз кўзларига ишонмай қолди. Унинг фамилияси қаршисида 4,2,4 турарди!

Сирғалиб оломон ичидан чиқди. У айни вақтда жуда қувонар ва яна шунинг учун қувонар эдики... Равшан ҳам ўтган эди. Ҳаким ўтмаса ўтмабди, масалан, у эмас, ўзим ўтолмасам, нима бўларди, деб ўйлади у. Лекин қувончга тўла юрагига қандайдир чангак чўзилар, унинг нима эканлигини англолмас эди.

Институт учун қурилаётган бино саҳнида бетартиб сочилиб ётган қувурлардан бирида қайғуга ботган Ҳаким ўтирарди. Олти ёшдан бошлаб уста рассом қўлида таҳсил олган, тўрт йил давомида деярли аълога ўқиган йигит «ўзининг бу қулаши» сабабларини англаёлмай ўз ёғига ўзи қовриллар, қуяр эди.

У рўйхатлар осилган тахта ёнидаги тўдадан ажралиб, бир четда турган йигитлардан кўзини узмасди. Уларнинг кулгилари, бир-бирларини турткилашларидан сездики, собиқ курсдошлар асосий касб имтиҳонларининг учаласидан ҳам ўтишган эди.

Этти киши топширган эдилар, наҳотки ўзидан бошқа ҳамма ўтган бўлса? Ахир, уларнинг гуруҳи билим юртининг олди эди, шундай бўлиши табиий, лекин нега энди анави маиший темани меҳнат темаси билан чалкаштириб, кир ювиб ўтирган аёлни чизган қиз ўтади-ю, ўзи ўтолмади? Қани адолат?

Курсдошлари эса, Ҳаким ўтолмаганидан заррача хафа эмас, ҳатто ёнларига чорлаш у ёқда турсин, биронтаси у томонга қайрилиб қараб қўймасди.

Ҳаким уларнинг ёнига жудаям боргиси келди. Борса, ҳамма нарса илгаригидай бўладигандай, яна елкама-елка туриб, бирга суратлар чизишадигандай эди.

Унинг келаётганини биринчи булиб Мадина кўрди. Қизнинг қиёфаси жиддийлашди. Қолганлар ҳам хушёр тортдилар.

— Ҳаким ака, ҳозир ҳамма ўтганларни бўлим-бўлими билан деканатга қақришаркан. Бизни қақришганда, секингина, чизганингизни кўрсатишларини, нега икки қўйганларининг сабабини сўрасакчи, — деди учта уч олган Қодир.

Йигитнинг кўнглида ялт этиб, умид учқуни порлади.

Дилидаги хижиллик бироз тарқаб, яна шу укаларидек яқин бўлиб кетган болалар билан бирга ўқиши ҳақиқатга яқиндай туюлди. Деканатда кириш имтиҳонларининг баҳоларини қўйган ҳайъат аъзолари йиғилган, сочлари оппоқ, тепакал, бурундор киши — армани бўлса керак, кўзойнаги устидан қараб, шериги — ёшгина аёлга гап ўқтиради, яна бири кукрагини столга бериб, китоб ўқиради, яна бири, чарчаган шекилли, иккала қўлини иягига тиради, мизғиб ўтиради эди.

Каттакон бурнининг тагида кўнғиз мўйлови бор, сочлари оқ аралаш жингалак, баланд бўйли киши столни қалам билан уриб, ҳамманинг диққатини ўзига жалб этди. Ўрнидан туриб, имтиҳонларнинг асосий қисмидан ўтган бўлажак талабаларни табриклади. Сўнг:

— Факультетда янги бўлим очилди. Хоҳловчилар бўлса, ўтсин. Бўлим уй ичини безовчи рассомларни тайёрлайди. Ўз ихтиёри билан ўтганларни қолган имтиҳонларда қўллаб-қувватлаймиз. Ўрта баҳо олганларни мажбуран ўтказамиз, — деди у. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, учта уч олган Қодирни ўша бўлимга ёзиб қўйди.

— Кетаверишингиз мумкин, — деди у, ниҳоят.

Ҳаким бир қадам олдинга чиқди.

— Мен нега икки қўйганларининг сабабини билмоқчийдим.

Гулнора — рангларни нозик илғайдиган рассом. Аниқроғи, рангасвир устаси. Биз уни шундай танир эдик. Ўзи ҳам истеъдодини шу вақтга қадар қилқалам ва мойбўёқларда намоён этиб келар эди.

Энди биласан, у қалб титроқлари ва изтиробларини ҳам нозик тасвирлай биладиган адиба экан. «Марварид шодаси» қиссаси, ундаги фожиялар ва тақдир «уйин»ларининг тағ змирилари тасвирлари шундан далолат бераётгандек. Дарвоқе, унинг бир қатор ҳикоялари турли йилларда вақтли матбуотда босилган. Бу қисса журнал ҳукмига ҳавола этган биринчи йирик асари.

Қисса маҳоратли ёзувчи қалами остидан чиққандек таранг туюлмаса-да, унда ижодкор кўзи ила илганган топилдиқлар, қалб товганишининг самимий тасвирлари таллийганики, бу Гулнора Раҳмон асарининг ўзига хослигидан дарак бераёттир.

Шу жиҳатларини назарда тутиб, муаллифнинг «Марварид шодаси» асарини Сизга илдиндик.

Мурод МАНСУР.

Эснаб ўтирган ҳайъат аъзолари бирдан хушёр тортиб, унга қарадилар.

— Бу ерда саволни биз берамиз, — деди қатъий қилиб декан.

Унинг ёнида ўтирган киши — ўринбосари бўлса керак, шивирлади:

— Шошилма, Коля, эҳтимол бирорта бойваччанинг эркатойидир.

— Фамилиянг?

— Рустамов Ҳаким...

У телефон рақамларини терди.

— Менга Рустамов Ҳаким деган кирувчининг ишини келтиринг. Ҳа, живописга топширган! Ҳа, ялангоч аёл сурати!

Бўйи паст, бадбашара йигит Ҳакимнинг бир метрдан баландроқ рангтасвир ишини киритиб, ҳайъат қаршисидаги шкафга суяб қўйгач, чиқиб кетди. Ўтирганлар бу ишни гуё биринчи марта кўраётгандай қизиқсиниб тикилдилар.

— Ашот Оганесович, сиз нима дейсиз? — деди декан ишдан кўз узолмай.

Кўзойнакли тепакал киши курсини ғижирлатиб, зўрга ўрнидан турди, кенг хона ўртасига келиб, суратга тикилди.

— Тўғриси айтсам, сен, бола, мёндан яхшироқ чизаркансан, ўқиб нима қиласан? — деди у дабдурустан.

— Диплом керак, — деди Ҳаким.

Декан билан ўринбосар яна пичирлашиб олишди.

— Ота-онанг рассомми? — деб сўради декан.

— Йўқ, болалар уйида ўсганман.

Декан билан ўринбосар бир-бирига маъноли қарашди.

— Энди гап мундоқ: келгуси йил уриниб кўрасан. Картинани сенга диплом эмас, қўлларинг чизиб беради.

Кабинетдан болаларни деярли ҳайдаб чиқаришди.

Ҳаким олий мактаб ҳовлисида йиғлаудек бўлиб чиқиб кетди. Бироқ йигитнинг кўзлари қуриб қолган, хаёлидан бошимни қайси тошга урай, деган савол бот-бот ўтар ва ҳақиқатан ҳам бирорта харсанг топиб бошини урса, енгил тортадигандай туюларди.

У Бўрижар ёқалаб, Бешоғочга чиқиб борди-да, билим юрти яқинидан ўтаётиб, беихтиёр бурилди.

Энди қайтиб ҳеч қачон бу ерга қадам босмайди. Қачон муаллимага уйланасиз, деб ҳазиллашадиган Дилбар ҳам, Мадина ҳам йўқ энди. Тамом. Ҳаммаси ўтмиш.

У ҳайкал қаршисидаги скамейкага бориб ўтираркан, беихтиёр бошини эгиб, чаккаларини қўллари орасига олди.

— Рустамов!

У чўчиб, ўгирилди.

Бошига шамсия тутиб олган бўлса-да, кун иссиғида буртиб кетган Наталия у томонга бир-бир босиб келар эди. Уни кўриб, йигитнинг бирдан ўпкаси тўлди, овози чиқмаса ҳам, иккала кўзидан дувиллаб ёш оқди.

— Нима бўлди, Ҳаким, утолмадингми?

У ҳа дегандай, бош силкиди.

Муаллима кўлидаги шамсияни шошилмай ёпиб, сумкачаси билан скамейканинг бир четига кўйди-да, тик турганча Ҳақимнинг бошини бағрига босди. Сочларини силади:

— Хафа бўлма, бу ҳам эҳтимол, яхшиликкадир. Сен шундоқ ҳам яхши чизасан.

Муаллима собиқ талабасининг ёнига чўқди.

— Хафа бўлма, келгуси йил уриниб кўрасан.

Ҳақим яна санъат саройида афиша чизувчи рассом бўлиб ишлади бошлади. Унинг биттагина жомадонга сигадиған камтарона бисоти эски бир афиша ортига жойлашди. Йигма каравоти ҳам шу ерга сиғди. Санъат саройининг кенг ва ўнлаб неон чироқлари билан ёритилган бу ертўласида бир амаллаб кун кечирса бўладиган барча нарса мавжуд эди. Чой қайнатиш учун электр пилита, тўшаб ётиш учун, тўп-тўп бўзлар, эски афишаларни ювиб ташлаш учун мослаштирилган иссиқ-совуқ сув жумраги...

Болалар уйда ҳеч қачон битта каравоти ва битта жавончасидан бўлак нарсаси бўлмаган йигит, шоҳона ҳаёт у ёқда турсин, ҳатто эл қатори яшаш учун нима қилиш кераклигини ҳам билмас эди.

Тўғри, унинг яна бир бисоти ҳам бор эдики, бу унинг расм тўғараги ўқитувчиси берган эски, аммо мустаҳкам этюдниги эди. У буни ётоққа фақат бир марта олиб келди. Ва олиб келганига пушаймон бўлди.

— У-у-у, рассом! Интеллигент! — деди ойна ромида ўтириб, газета қоғозига аллақандай барглари ураб чекиб ўтирган Кот лақабли бола. Агар бирор қилгулик қилиб қўйса, тарбиячиларга уни тутиб олиб жазолаш деярли насиб қилмасди. Асли исми Корэн бўлса ҳам азбаройи чаққонлигидан мушук, яъни Кот деб лақаб қўйган эдилар унга. Кот ўзидан кичик ва кучсиз болаларнинг барчасига бирдек азоб берар, катта бўлсам, разветкачи бўламан, разветкачи эпчил ва шафқатсиз бўлиши керак, дер эди доим.

У икки сакрашда Ҳақимнинг ёнида пайдо бўлди.

— Давай, — деди у, — мен ўтираман, сен чизасан. Яхши чиқса омон-омон, ўхшамаса кўрасан!

Кейин... қолганини Ҳақимнинг эслагиси келмайди. Аксига олиб эртаси куни расм тўғараги ишламас эди. Унинг оёқлари синган, бўёқлари эзгиланган этюднигини эса уша куни бетоб бўлиб дарсга чиқмаган Клара деган қизча ёстигининг тагига қўйиб, асраб берди. Расм муаллими крим-татар чол Ҳақимни бошқа болаларга қараганда жуда-жуда қадрлар, энг муҳими, ўзини, дунёни унутиб ишлагани учун яхши кўрарди.

Мен яратмаган, яратолмаган нарсаларни сен чизасан, дер, ўзи ҳам шундай бўлишига ишонарди. Боланинг этюднигини яхшилаб тузатгач, чизган суратлари билан бирга расм дарсига оид ашёлар турадиган темир қутига солиб қўйди. Сўнг Ҳақимни елкаларидан кўчди.

— Чида, болам, чида, тўрт-беш йил ичида шу ҳунаринг сени боқадиган бўлади. Уқийсан, одам бўласан.

Уша куни директордан рухсат сўраб, уйига олиб кетди.

Кечаси ёғоч сўрида бағрига босиб олиб ётди, елкаларини, сочларини силади.

Нега инсон сўз билан, кўз билан суюб кўя қолмайди? Менга шу боланинг, бир мурғакнинг меҳри, унга эса менинг меҳрим, дагал қўлларим керак. Нега инсон ўзига азиз бир жонни бағрига босмагунча соғинчи қонмайди?

Бағримдан азизларим узилиб кетганига неча йил бўлди!

Оллоҳ ўша йўқотганларимнинг ўрнига шу болани бериб утирибдими?

Шуни ўзимга фарзандликка олсам бўлмасмикан? Хунаримни ўрганади. Қарияпман, бир суюнчигим бўлади, деб ўйлади.

Бироқ, маъмурият унинг турар-жойи муваққат бўлгани ва оиласи бут эмаслиги туфайли болани фарзандликка бермади. Ҳақим муаллимникига тез-тез келиб турадиган бўлди, холос.

У Ҳақимнинг бутун эътиборини қаламтасвирга қаратди.

— Рангларни севишинг Оллоҳдан. У бир умр ёр бўлади. Лекин қаламда бир кун ишламай кўйсанг, кўлинг ўша кунни қотади. Менинг гапимни олсанг, қалам билан чизмаган кунинг бўлмасин, — деди у ганч ҳайкални чизишга буюраркан.

Ҳақим бироз улғайгач, муаллим унга композициядан таълим беришга киришди.

— Композиция — бу ҳаёт акс эттирилган асардир. Унинг асосида ҳаёт ётмаса, мазмуни теран, ўзи юракка бориб етадиган бўлмайди. Бир кўришадую, бирваракай унутишади. Кейин композиция ишлаш учун хотира ҳам кучли бўлиши керак. Масалан, сен болалигингдаги уйингни эслай оласанми?

Муаллимнинг саволи болани ўйлантириб қўйди:

— Билмадим, — деди секингина, кўз олдига чинор тагидаги кулбани, онасини келтираркан.

— Чизиб кўр-чи! Бирон жойи тушиб қолмасин. Мукамал эшлашга ҳаракат қил.

Муаллим шундай деди-да, кечки овқатга бирон нима пишириш тараддудига тушди. Бола суратни деярли чизиб бўлганда, у кўлидаги пичоқ-қошиқни пилита ёнида қолдириб келиб, суратга тикилди.

— Ҳу, зурсан-ку! Энди тагига фалон жой, фалон қишлоқ, уйим, деб ёзиб қўй, — деди.

Бола ҳайрон бўлиб, устозига қаради:

— Қишлоқнинг ҳам оти бўладими, бобо?

Чолнинг юраги шувв этиб кетди.

— Бўлмаса вилоятингни, туманингни ёз.

Ҳақимнинг кўрқув аралаш ҳайрон бўлиб турганини кўриб елкасидан тутганча, кутилмаганда аччиғи чиқиб силкилади:

— Билмайсанми? Билмасанг, уйингни қандай топиб борасан?! Юртингга қандай қайтасан? Эсла!

Бироқ, бола ҳеч нарсани эслаёлмади.

Муаллим қозон-товоқни ҳам унутиб, утириб қолди.

— Эҳ пешонам-а, ўзим бахтиқаро эдим, иккита бўлдикми? — деб қайта-қайта куйинаркан, унга хомуш тикилиб ўтирар эди.

Ниҳоят, чол бошини илқис кўтарди. Ёнида ўтирган болани қучоқлаб, сочларини силашга ва ютиниб-ютиниб сўзлашга тушди:

— Бу ерда ўқишларинг рус тилида. Тарбиячилар ҳам ўрисча гапиришади. Энди нима бўлганда ҳам, она тилингни унутма. Ўзбек болалар билан фақат ўз тилларингда гаплашинглар. Қишлоғингнинг номини билмасанг ҳам сураб-суриштириб топишинг мумкин. Аммо тилингни унутсанг ёмон! Сени эҳтимол онанг кутаётгандир, эҳтимол укаларинг бордир. Нима бўлганда ҳам Ватан-ватанда-да. Беватанлик қурсин, болам.

Амет Зикриё ўгли деса, бутун қрим халқи танир, у — ҳам ҳофиз, ҳам рассом эди. У жуда кеч — ўттиз беш ёшида уйланди. Инзиле ундан ўн беш ёш кичик эди. Улар бир-икки йил қандайдир илоҳий, муқаддас муҳаббат оғушида сархуш яшадилар. Амет бу орада янги полотнолар чизишни ҳам, бирорта янги қўшиқ яратишни ҳам ўйламади. У гўё қилқалам ва рангларни ҳам, мусиқани ҳам Инзилега алмаштиргандай эди. Гўзал малак Инзиле уни ижодидан қизганар, эри бирор куй басталашгами, ҳеч бўлмаганда, кичикроқ манзара ишлашгами киришган маҳали, чалғитиш учун бор аёллик маҳоратини ишга соларди.

Бироқ, Амет барибир озми-кўпми ижодга қайта бошлади. Инзиле буни ўзича тушунди. У мендан совияпти. Борди-ю, бошқа аёлни ёқтириб қолган бўлса-чи? Аёлнинг бундай қайта-қайта бостириб келадиган ўйлари бир жумла билан яқин топарди. Йўқ, йўқ, ундан ажралиб қолишдан кўра ўлим яхши!

Инзиле фарзанд кўриш иштиёқига тушди. Бироқ ҳадеганда бўйида бўлавермади. Унинг безовталиги қирққа кириб қолган Аметга ҳам юқди. Бир куни Инзиле ўзини докторга текширтиришга кетаётиб, «мени бугун ҳам ноумид чиқарсалар, уйга қайтмайман, кутиб ўтирма», деди эрига. Амет эса «беорчи гапларни куй, бир умр бефарзанд утсак ҳам сендан кечмайман, Инзиле» деди-да, секин келиб бағрига босди. «Ўзимнинг рашкчигинам, гўзалим, маликам...» деди.

Илло, беш йил мобайнида қилинган тиловат ижобат бўлган эди. Доктор аёл Инзилени табриклади:

— Ана бўлажақсен.

— Иншолло, айтқанингиз келсин... Шу сўзларингизга суюнчи, — деб у қулоғидаги олтин зиракни ечиб, аёлга тутқазди. — Олингиз.

— Адамларга сўйлениб юрмесинми?

— Йўқ, йўқ, асло.

Доктор аёл хурсанд бўлиб, Инзилени кузатиб чиқди. Ўпиб, хайрлашди. Уша куни Амет хотини қулоғига янада қимматбахорқ зирак тақди.

Улар бахтиёр эдилар.

Тоза ҳаволи, тоғли денгиз бўйи ўлкасида асрлар оша яшаб келган, фақат Ватан гўзаллиги эвазига Гитлернинг «марҳамати»га сазовор бўлган халқ, бир минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг ёзида Сталиннинг ғазабига учради. Аметнинг оиласи бадарга қилинган халқ, ўтиндай босилган узун-

дан-узун эшелон вагонларидан бирининг томида келарди. Унинг фарзанди ўқдек учиб келаётган поезднинг томида тунги изгирин шамолда туғилди. Фарзанд ўғил эди. У туққиз кун яшади. Инзиле ўлик чақалоқни икки кун бағрига босиб йиглади. Поезд ҳар тўхтаганда вагонлардан пастдаги нотаниш элатларга ўнлаб қазо қилганлар туширилар ва инсон ҳаётининг қиймати йўқотилган шароитда тирик келаётганлар марҳумларни кўмиш эвазига сўралган барча нарсаларни берардилар. Узларига ерга оёқ босиш ман қилинган эди. Инзиле кулоқларидаги зиракни ечиб, духобага ўралган гўдагининг устига қўйди. Учинчи кун тунда кутилмаганда Инзиле вагон тоmidан пастга, қоронгуликка сакради. Амет ўзига суюниб ўтирган Инзиленинг секин сирғалганини сезган эди, аммо сакрайди деб ўйламаганди. У ҳам хотинининг кетидан ўзини пастга отди. Яқинда туғиб беҳоллашган аёли ўнганмади. Уни Аметнинг ўзи кўмди. Поезд ўша тонг қоқ чўлнинг ўртасида барча вагонларни бўшатди-да, орқасига қайтиб кетди. Мирзачўлда ўлим, ўлим билан кураш ва ҳаёт бошланди. Ёлғиз бўридай увлаб, дарбадар юрган Амет элатдошларига дуч келди. У янги ҳаёт бошлашдан ожиз, унинг дунёси ўтган эди...

Амет чол Ҳакимни бағрига босиб ётар, бола аллақачон пишиллаб ухлаб қолган, у эса тонгни кутарди. Архивга бориб Ҳакимнинг туғилган жойини аниқлаб, қулоғига қўйиш керак. Ишқилиб детдом кўчирилаётганда йўқолмаган бўлсин. У туғилган юртига қайтиши керак. Эртаси куни архивда ишлайдиган, кексайиб қолган татар кампир ҳаммиллатига сирни очди. Амет ўғлингнинг адреси йўқ. Йўқолиб кетган. Кўчаётганда кўп нарса йўқолди. Хужжатларнинг ҳам бир қисми йўқолган эди... Ўша куни Амет чол илк бор саждага бош эгди.

— ... Гайрил мағзуби алайҳим валаззолийн, омин, — дер экан, ортидан кўшди: — эй карами кенг Оллоҳ, бизлар адашгувчи, бизлар янглишгувчи, фақат сенгина янглишмайсан, нима қилсанг тўғридир ва тўғри бўлур. Киндик қоним қайда тўкилди, деб азоб чеккувчиларни, Оллоҳ, Ўзинг юртига бошла, ота-боболарининг тупроғига бошла, хоки-пойига етказ...

Афишалар ишлаш цехининг бошлиғи Ҳакимнинг ўқишга киролмаганини эшитиб, олдига чақирди.

— Сен ишлайвер, бўшаб кетишни ўйлама, — деди.

— Пропискамининг муддати тугаяпти. Қандай буларкан? — деди Ҳаким.

— Бу ёғини қўявер. Бир йўли топилар.

Мадина кутди. Тўрт йил бадиий билим юртида, сўнг олий мактабнинг учинчи курсига қадар Равшаннинг ўзига бирор нима дейишини кутди. Бу курсдоши Мадинани нафақат йигитларнинг гап ташлашидан, ҳатто уларнинг нигоҳидан ҳам асрар, чизган суратларини кўрик-имтиҳонларга тайёрлашар, деворларга осишар, манзара ишлашга чиқишганда оғир буюмларини кўтаришарди. Аммо бирор марта на қўлидан ушлаган, на умид қилса буладиган бирор сўз айтган эди. Уйда энасининг қистовлари, бу ерда йигитнинг жимлиги...

Қиз эса, йигит ундан фақатгина розилигини эмас, жонини сўраса ҳам беришга тайёр эди. Бир куни айна кўрик-имтиҳон-

лар олдидан Самарқанддан ҳуқуқшуносликни битириб ишлаётган синфдоши Мустафо келди.

Мадина унинг машинасини узоқдан таниди. Келиб саломлашгач, ёнидаги ўриндиққа утирди. Улар бўлажак тўйни режалаштириб, зарурий майда-чуйдаларни муҳокама қилишар экан, магнитоладан ташқарига қўшиқ қўйиларди:

— «Агар ошиқларинг юз мингта бўлса, билгинки, аларнинг сардори менман»...

Қизга бирдан айтилган гаплар, режадаги тўй ва қаршисидаги йигитнинг ўзига ҳеч қандай алоқаси йўқдай туюлиб кетди. Юраги сиқилди.

— Бўпти, сен боравер, мен кетдим, имтиҳонга тайёрланишим керак, — деди.

— Бироз ўтир, Мадина... Мени тўйдан кейин ҳам сенсирайсанми?

— Э, ҳали тўй бўлаверсин, кейин кўрармиз.

Қиз энди машина эшигини очиб, ташқарига чиқмоқчи эди, нигоҳи олий мактаб дарвозасидан шу томонга келаётган курсдошлари — Баҳодир, Собир ва Равшанларга тушди. У ўтирган жойида тош қотиб қолди. Ташқарига эса ҳамон қўшиқ тараларди:

— «Билгилки, энг аввал келгани менман»...

Йигитлар машинага эътибор қилмай ўтиб кетишди. Қизга алам қилди: у мени кўрмади, сезмади ҳатто. Мен уни минг одам ичида бўлса кўраман, миллион одам ичида бўлса-да, кўнглим сезади. Аммо у мени кўрмайди... Нега? — дерди ичидан.

Мадина алам билан йиглаб юборди. Мустафо шошиб қолди.

— Ҳа, нима бўлди, Мадина, мазанг йўқми?

— Йўқ, ўзим шунчаки... Майли, сен бугун қайтиб кетавер, совчиларингни эса, истаган пайтингда юбор. Мен розиман.

— Йўқ. Икки-уч кундан кейин кетаман.

Равшан сокин оқиб ётган дарё эди, Мадинани бегона йигит билан кўриб бир тошди. Эртасига санъат тарихидан имтиҳон топшираётганларида ўша йигит қўлида бир даста гул билан эшик ёнида турганини кўриб, иккинчи бора яна тошди.

Кечки пайт ўқитувчи Мадинага, бугун туни билан ухламасангиз ҳам чала суратларингизни ишлаб тугатинг деганида у, «бунинг иложи йўқ, йигитимга тунги шаҳарни бирга айланишга ваъда берганман» деган жавобини эшитиб, учинчи марта тошди.

Устоз кетгач, Равшан индамай, Мадинанинг ишларини деворга оса бошлади.

— Вой, бормисан! Осиб бўлгунимча, нақ учрашувга кеч қолардим-а, раҳмат, ҳаммасини ўзинг осиб қўяқол, мен югурдим, ҳали кийинишим, пардоз қилишим керак!

Йигит миҳ қоқиб турган еридан пастга сакради.

— Ҳали шунақами, кеч қоляпсизми? Куёв бола кутвоттилами? Нима, бу ёқдагиларни ўлган деб ўйлаётсанми? — У Мадинанинг қўлидан тутганча зиналардан пастга қараб югурди. Пастга тушишгач, қиз «қўйвор мени, совқотиб турибман, шамоллаб қоламан», деганига қарамай, куртқасини

ечиb, унинг энига илдирди-да, кўлидан тутиб анҳор бўйига бошлаб кетди.

Куюқ дарахтзор ўртасига етиб тўхташди.

— Гап шу, бугун ҳеч қандай томошага чиқмайсан. Эртага куёв-болага бутунлай рухсат берасан! — Сунг қандайдир бўғиқ, титроқ овозда қушиб қўйди: — Мен сени ҳеч кимга бермайман, билдинг!..

— Шу гапингга ишонсам бўладими, Равшан? — деди у.

— Ишон! Ишонмагинам-чи!.. — Йигит қизни бағрига тортиб, сочларини силади ва ёқаларини дунёдаги энг бокира оқ атиргулларни ҳидлагандек, маст бўлиб ҳидлади.

Ҳаким энди телестудия ёнидан ўтиб, санъат саройининг хизматчилар кирадиган эшигига етган ҳам эди, нигоҳи тўрт-беш ёшлар чамаси болани гоҳ алдаб-сулдаб, гоҳ пўписа ила судраб келаётган аёлга тушди.

Она боласига ҳарчанд гап уқтирмасин, у тушунишни истамас, нуқул кинозал томон талпинарди.

У тўхтаб, буларга бироз қараб турди. Сунг гап нимадалигини фаҳмлагач, яқинлашди. Баланд бўйли, қорақош, қоракўз йигитни кўриб, аёлнинг лабларига табассум югурди, овози ҳам мулойим тортди. Боласига энгашиб:

— Агар хархашангни қўймасанг, сени мана шу амакингга бериб юбораман, — деди.

— Шунақами, унда берақолинг.

Йигит болани кутариб олди. Хаёлидан йигирма бешимда уйланганимда менинг ҳам шундай болам бўлар эди, деган фикр ўтди. Уввос солаётган бола эса, юзини унинг елкасига босиб бирдан бўйнидан маҳкам кучоқлади ва хўрсина-хўрсина йигидан тўхтади.

— Ну, всё, успокоился, теперь пошли, — деди аёл.

Бола эса йигитнинг қўлидан тушишни истамасди.

— Кинога келган эдик. Билет ололмадик. Ўғлим ичкаридаги ўйин автоматларини яхши кўради. Болага билетсиз кириш мумкин эмаслигини қандай тушунтирасан? — деди у хижолат чекканнамо.

— Юринг, хизматчилар эшигидан кира қоламиз. Уйнаса, уйнайқолсин, — деди Ҳаким, сунг йўл бошлади. Аёл индамай эргашди. Ҳаким табиатан камгап эди, улар жимгина ўтирдилар. Аёл ўзини сипо тутишдан фойда йўқлигини фаҳмлади.

— Сиз шу ерда ишлайсизми?

— Ҳа, — қисқа жавоб берди Ҳаким.

— Ким бўлиб?

— Афиша чизаман.

— Рассомсиз?

— Ҳа, кичкина бир рассомман.

— Гавдангизга қараганда, сизни кичкина деб бўлмайди.

— Бўлади, — деди Ҳаким хаёлидан билим юртида бирга ўқиган дўстларини ўтказаркан, — ана улар олий маълумотли, мен ким бўпман.

— Қаерда турасиз? — Йигитнинг қиёфаси тундлашганини сезган аёл гапни бу томонга бурди.

— Ҳозирча шу ердаман, сизнинг ёнингизда...

Ҳаким ишхонасида яшабини айтгиси келмади...

— Шунча гаплашиб утириб танишмабмиз, исмингиз нима? — деди ниҳоят.

— Светлана. Света дейишингиз мумкин.

— Келинг, сенлашиб кўяқолайлик.

— Майли. Менинг исми Ҳаким.

Улар кейинги сеансга кинога кирдилар. Югуравериб чарчаган Витя (боланинг исми шунақа экан) йигитнинг қўлида ухлаб қолди.

Ҳаким ўзи ҳам англамаган ҳолда кўнглида қандайдир илиқлик, бахтиёрлик туйди, номсиз ҳаяжон вужудини қамраб олди, ҳар доимги ҳаёт тарзидан жозибалироқ яшагиси, улгуроқ бир иш қилгиси келди.

Улар Санъат саройидан чиқиб, бино олдидаги мрамартошлар ётқизилган хиёбондан кетдилар. Навоий шоҳқўчасига чиқишгач, ҳеч қачон ҳеч қаерга шошилмайдиган, шу боисдан такси хизматидан умуман фойдаланмайдиган йигит чап ёнидаги яшил чироғи ёниб келаётган енгил машинани қўл кўтариб тўхтатди. Олдин Светани ўтқазиб, сўнг ўзи қўлидаги болани авайлаганча унинг ёнига ўтирди.

Ҳаким тўрт қаватли гиштин уйнинг зиналаридан кўтариларкан, бир зум шу уй ўзиникию бағридаги бола ўз пуштикамаридан бўлган, ёнидаги сариқ сочлари елкаси билан битта бўлиб бораётган бўйни узун гўзал аёл хотинидай туюлиб кетди ва шу сониядаёқ, кимнингдир яратиб ташлаб кетганини кўтариб юрганини ҳамда аёл ҳам бокира эмас, бир бева эканлигини эслаб, нафрат аралаш ўзига ҳам, уларга ҳам раҳми келди.

Ичида кимдир «болани қўй-да, қайтиб кет, ҳозир кирсанг, ипсиз боғланасан, яхшиси қишлоғингни қидир, бирон бокира қизни ҳам ўша ерда учратасан», дегандай бўларди. Бироқ ахийри бошқа нарса устун келди. У остона ҳатлаб ичкари кирди.

Светанинг уй шароити зўр эди. Замонавий ётоқ, каравотлар, ойнаванд деворий шкафлар, биллур қандил ва идишлар — барчаси муҳайё эди. Ҳаким Витяни болалар каравотчасига ётқизди.

— Мен унга бошинг каравотнинг бу томонига, оёгинг у томонига етса, ука олиб келаман, деганман. Ҳали унга бир-икки йил бор шекилли, — деди кулиб Света.

— Яхши фикр, биздан ёрдам керак эмасми? — деди йигит ботиниб-ботинмай. Аммо аёлнинг кулиб турганини кўриб, кейин белидан шарт кучоқлаб олди. У ҳам юзини йигитнинг юзига яқин келтирди.

Йигит ҳаяжон оғушида Светанинг ёқимли атир ҳиди анқиб турган бўйнидан, сочларидан ўпаркан, аёл шундоқ гилам устида ётган эркаклар даструмолчасини оёқ учида каравот остига туртиб юборди.

— Бўлди, бас, — деди Света Ҳакимнинг оғушидан чиқиб, — юр ошхонага, овқатланамиз.

Йигит курсига ўтирди. Сўнг ошхона жиҳозларига кўз югуртирди. Оқ рангга мойил замонавий ошхона ускуналари ялтирар, деворлардаги кафел ҳам гулдор эди.

Ё эри билан беш-олти йил бирга турган, ё ота-онаси бадавлат одамлар... Ёки... Йўқ, бу аёл меники, нега мен унга шубҳа билан қарашим керак? Жуда ҳам гўзал... Мен уни севиб қолдим шекилли...

Света Ҳақимнинг олдига пишириб, эзилган картошка, қайла ва бир неча хил салат қўйди. Сўнг деворга осилган шкафчадан коньяк олиб, биллур қадаҳда аввал йигитга, сўнг ўзига қўйди. Бахт учун ичишди.

Ҳақим овқатланаётганда Света қўлларини иягига тираб, катта-катта зангор кўзларини унга қадаб, жилмайиб ўтирди.

Ҳақим ҳеч қачон маст қиладиган ичимликларга ишқибоз эмасди. Светанинг қўлидан бир... икки... уч... ичди. Сўнг негадир, йиғлади. Сўнг унинг олтин сочларига кўмилди.

Эрталаб Ҳақим ювиниб бўлгач, Светанинг нонуштага чақирганига ҳам қарамай, қизиқсиниб балконга чиқди. Чиқдию кўзи ҳайратомуз манзарага тушди. Шундоқ боғ эшикка кирди-веришда баланд чинор кўр тўкиб турар, унинг соябон шохлари нафақат Светанинг, балки ҳар икки ёнидаги барча хонадонларнинг тўртинчи қаватигача соя ташлаган эди.

— Эй худо, — деди ичида йигит, — бу сенинг уйинг шу, деганингми, ёки уйингни, ўз чинорингни унутма, деганингми?

Света уни нонуштага чақирди.

Ҳақим қайтиб Светанинг қаршисига ўтираркан, бу уйлар қачон қурилган, деб сўради.

— Олтмиш олтинчи йилда. Нима эди?

— Анави дарахт кўпдан буён борга ўхшайди.

— Ҳа, бу ердаги ҳовлилар бузилгандан кейин кўп дарахтларни кесиб ташлашди. Фақат бир чол келиб шу дарахт остида ётиб олган экан. Нима қурсанглар ҳам шу дарахтни кесмайсизлар, деб.

Ҳақимнинг хаёлига яна болалигидаги ўша дарахт тушиб кетди.

— Уни кесишмаганмикан? Илоҳим, ўзинг асра, мен учун, — деб пичирлади у.

Мадина орқаворатдан келган гапларни эшитди: Равшанинг ойиси ўглига андини олиб бермоқчи эмасмиш! У Ўзбек-ойимни эслади. Шаҳарликлар ҳалиям четдан келганларни анди, дەر экан-да! Ҳам ҳайратга, ҳам даҳшатга тушди. Диплом картинасини чизиш учун кўраётган тайёргарлиги ҳам сусайди-қолди.

Кечалари йиғлар, яратгандан фақат бир нарсани — унинг ойисининг кўнгли юмшашини тилар эди. Қўлимни косов, сочимни супурги этаман, неки иши бўлса барини қиламан, ўз қизидек кўрмагунича, рангтасвирни ҳам қўйиб тураман, фақат, фақат, Оллоҳим, мени ундан айирма. Усиз яшай олмайман. Мен унинг палитраларини тозалайман, мўйқаламларини юваман, унинг ижод қилиши учун қўлимдан келган барча шароитни муҳайё қиламан. Фақат айирма, Худойим... дёрди.

Шу орада кенжа ўғил Равшан онасини тўй қилишга, «анди»га совчи юборишга кўндирди.

...Улар бахтиёр эдилар. Мадина газетада рассом бўлиб ишлаётган дугонасининг ҳар замонда шеър ва ҳикоялар учун чиздириб оладиган суратларини ҳисобга олмаганда, қилқаламни йиғиштириб куйди. У эрта тонгда туриб, уйига кечки ун иккиларда кирар эди. Юмуш айланиб келаверар, рангасвирдан фарқли ўлароқ, бу юмуш тугамас эди. Шунга қарамасдан, келин норизо ҳам эмасди, аксинча, барибир, бахтиёр эди. Равшан деразадан супага шалоплатиб сув сепиб юрган Мадинага разм солиб турарди. У то хотини ҳовли саҳнини супуриб бўлгунча ҳам қараб тураверди:

Бечора! Узи билан иши йўқ. Товонлари ҳар куни совуқ сув тегавериб, ёрилиб кетибди.

Мадина ишини тугатгач, шошилиб қўлини ювди-да, даҳлизга кирди. Равшан ҳам нигоҳини ойнаванд эшик оша яна аёлига қадади: энди у оёқ кийимларини артарди. Келинчак аввал қайнотасининг туфлисини ҳул латта билан артиб тозалади. Сўнг қайнонасиникини, қайинсинглисиникини. Энг охирида эрининг туфлисини худди қушнинг боласини авайлаб қўлига олгандай олди. Ҳул латтани бир четга қўйиб, пойафзалнинг чангларини кафти билан сидирди. Унинг нозик бармоқлари туфлини сийпаларкан, у ҳатто чокгуллар орасидаги чангларни тирноқлари билан тозалагудек булар эди.

Эр ҳайрон бўлди. Нима қиляпти ўзи?!

Секин даҳлизга чиқди: «Нима қиляпсан, Мадина? Қўлинг ифлос бўляпти-ку! Латта билан артсанг бўлмайдими?»

Келинчак секин ўрнидан турди:

— Сизнинг... туфлингиздаги чангларни латтадан қизганиман... Қўлим билан эмас, киприklarим билан артсам кам.

Равшан хотинини бирдан қучоқлаб олди. Мадинанинг туфли тутган қўли ёнига осилиб тушди.

— Мадижон, Мадинам...

— Равшан, қўйиб юбор. Биласанми, баҳорга чиқиб, биз... ўғилли ё қизлик бўламиз...

Витя ўз каравотчасини укасига ойиси назарда тутган муддатда топширди.

Ҳаким Света билан никоҳдан ўтган ва ўз-ўзидан уйли-жойли бўлиб қолган эди. Энди икки фарзандни боқиб кийинтириш ҳам унинг зиммасида эди. Шунга қарамасдан, у воқеабанд рангасвир ишлашни канда қилмасди. У ҳар тонг соат олтидан саккизгача ўзини шу рангасвир ишига бағишлар, руҳий эҳтиёж қондирилгачгина, бошқа ишларга қўл урар эди.

Ҳаким шунчаки, пул учун қиладиган ишга ҳам жон киритиб юборарди. У айниқса, ҳар икки йилда бир бўладиган ҳинд кинофестивалига келадиган чет эл актёрларининг ўзи чизган суратларга анқайиб қарашларини яхши кўрар, ўз тилларида ҳайратларини яширолмай чуғурлашларига беш кетарди. Шундай байрамларнинг бирида Раж Капурнинг «Бобби» кинофильмида ўйнаган ўгли ўзининг афишадаги баҳайбат портре-

тига қараб, жуда қувониб кетди. Сўнг таржимони орқали Ҳақимдан кичикроқ қилиб бўлса-да, ўзини чизиб беришини илтимос қилди.

У суратни қўлга оларкан:

— Ес, ес, вер гуд, пикче, вер гуд, пикче! — дея хитоб қиларди. Сўнг Ҳақимнинг қўлига эллик доллар пул тутқазди.

Рассомнинг кўнгли ифтихорга тўлди. Эҳ, ўқиб юришганида Бешоғочдаги кинотеатрга «Бобби»ни кўриш учун ўн марта-лаб боришган эди. Агар Дилбар билан Мадиналарга мана шунақа, Риши Капурнинг суратини чиздим десами, улар, албатта, ҳайратга тушган бўлардилар.

Бироқ унинг кайфиятини қора костюм-шим кийган, галстук таққан қандайдир киши бузди. У ҳужжатини чунтагидан чиқариб кўрсатди-да, чет элликларнинг суратини ҳам чизмасликни, пулини ҳам олмасликни буюрди.

Ҳақим унинг юзига бирпас қараб турди-да:

— Корэн, — деб юборди ҳайрат аралаш.

— Ҳа, Ҳақим. Янглишмадинг. Бу сафар пулингни муқодара қилмайман. Бироқ буйруқни бажармасанг, кейин ўзингдан кўр!

У шарт бурилиб кетаркан, Ҳақим бошида қаттиқ оғриқ туйиб, кўзларини юмди. Света эса эллик долларнинг жойини тез топди: «Березка» магазинига бориб, икки касетали магнитофон сотиб олиб келди.

* * *

Шоир Евгений Евтушенконинг ўзи сценарий ёзиб, бош ролни ижро этган «Болалар боғчаси» фильми журналистлар орасида жуда машҳур бўлиб кетди. Шу сабаб бўлиб, Мадина ўзи ишлаётган журналдаги шоира қизлар билан тушлик пайтида хиёбон оралаб ўтиб, Санъат саройига келишди.

— Мен билет оламан, сизлар кафетерийдан музқаймоқ олиб, кутиб туринглар, — деди Мадина навбатга тураркан.

Иккала қиз кетишди. Сўнг билетни олиб, кафетерийга кириб бораётиб эди, биров дабдурустдан ўз отини айтиб чақириб қолди.

— Мадина!

У тўхтади. Бироқ ким чақирганини билолмай атрофга аланглади.

— Мадина, — бу гал у шундай ён томондан секингина овоз берди.

Мадина ўгирилиб уни кўрдию кўзлари қувончдан порлаб кетди.

— Ҳақим ака!

У ўзини кутиб турган шерикларига билетни тутқаза қайтиб келди.

— Вой уйландингизми, Ҳақим ака!

— Ҳа, уғлим бор. Исми Рашид.

— Менинг қизим бор. Исми Гулранг.

— Турмушга чиқдингизми? Кимга?

— Равшанга.

— Ҳа-а, ўзим ҳам шунақа бўлса керак, деб ўйлардим.
— Нега, Ҳаким ака, шундай деб ўйлардингиз?
— У сизни яхши кўришини сезардим.
— Мен-чи? Менинг ҳам ёқтиришим сезилармиди?
— Сезмаган эканман, — деб ёлгонлади Ҳаким.
— Кинога бир ўзингиз келдингизми, Ҳаким ака?
— Йўқ. Мен шу ерда ишлайман. Ўша трамвай йўлининг шундоқ ёнидаги ҳамма афишаларни мен ишлаганман. Биласан-ку, мен умуман, ҳинд кинофильмларига афиша ишлашни яхши кўраман. Эсингдами, «Бобби»га югурганларимиз?

— Вой, бўлмасам-чи? Равшан менга ҳар борганимизда, албатта, музқаймоқ олиб берарди.

— Хуллас, Мадинахон, мен ўша Риши Капурнинг портретини чиздим.

Мадина вуйй, деб юборди.

— Ростдан-а! Худди ўзини-я!

— Ҳа! — Мадинанинг ҳайратидан хурсанд бўлиб кетган Ҳаким беихтиёр мақтанди: — Суратини мендан эллик долларга сотиб олди!

Мадина қизини қайнонасига қолдириб, ишга чиқаётганига ҳам икки йилга яқинлашиб қолган, машхур журналда бош расом эди.

Ҳар куни ишчилар шаҳарчаси томондан марказга ишга келаётиб, хоҳ трамвайда, хоҳ автобусда бўлсин, нигоҳи албатта, Санъат саройининг афишаларига тушар, у бу суратлар истеъдодли мусаввирнинг қўлидан чиққанини, шунингдек, уларнинг муаллифи айнан битта ижодкор эканлигини ҳам аллақачон сезган, кимнингдир услубига ҳам ўхшатар, бироқ эслаёлмас, қачонлардир бирга ўқиган Ҳаким эса, унинг хаёлига ҳам келмасди.

— Ҳаким ака, сиз чиндан ҳам генийсиз!

— Қизиқсиз, Мадина, гениал асарлар музейларда сақланади. Бу суратларнинг умри бир ҳафталик, холос. Ўз қўлим билан устидан қайноқ сув куй-и-и-и-б... ювиб ташлайман-да, кейин...

У «ўлдираман» демоқчи эди, қаршисидаги таъсирчан қизни аяди.

Мадинанинг эса, шундоқ ҳам юраги ачишиб кетди. Анча вақт жимиб қолдилар.

Биринчи бўлиб у сўз очди:

— Ҳаким ака, журналнинг безакларига ёрдам бериб туролмайсизми?

Йигит ҳайрон бўлиб қаради:

— Менинг чизганларимни, чиқаришадими?

— Нега ундай дейсиз?

— Ҳалиги, мен институтни тамомламаганман-ку!

— Э, топган гапингизни қаранг-у! Қоядаги ибтидоий одамлар чизган суратларни жаҳондаги энг зўр нашрлар китоб қилиб чиқаришган-ку. Яхши асар ишлаш учун диплом керак эканми?

Ҳакимнинг кўнгли ёришиб кетди:

— Бўпти, чизганим бўлсин!

У кўзойнагини хиёл кўтариб қўйди.

Улар ўринларидан турдилар.

— Мадина, менинг уйим сизларнинг редакцияларингизга яқин, юринг, йўл-йўлакай кўрсатиб қўяман. Кейин безакларни ўзим олиб боролмасам, ўзингиз утиб, Светадан олаверасиз.

— Ким у, Ҳаким ака?

— Хотиним.

Йигит эшикни ўз калити билан очди.

Даҳлизда бири оқ-сарикдан келган каттароқ, иккинчиси қорачадан келган кичикроқ болалар тарвуз палларидан аскарча каска ясаш билан овора эдилар. Кичикроқ бола ўрнидан туриб салом берди.

— Ассалому алайкум!

Мадинанинг қошлари ҳайратомуз кўтарилди:

— Ваалайкум ассалом! — деб ичида Ҳаким акага қойил қолди. Бу албатта унинг саъийи-ҳаракати! Йўқса, ҳеч замонда шундай мурғак бола она тилида эмас, отанинг тилида сўзлайдими?

— Исминг нима, ширинтой?

— Рашид!

— Ҳаким ака, ўглингизнинг тили ширин экан, кўзmunчоқ тақиб қўйинглар.

— Сизга ўзбекча сўзлаши ёқдими?!

— Жуда ҳам.

— Ўзим ўргатяпман. Бир кун насиб қилса, юртимга... — Ҳаким тилини тишлади, шу пайтгача топмаган уйингиз энди топилиб қоладими, деб юбормасмикин деган хавотир билан Мадинага боқди. Аммо аёлнинг юзида истехзо ифодасини сезмадими, қўшиб қўйди: — борсам, болам бегона бўлиб ўтирмасин.

— Қишлоғингизни топдингизми, ўзи?

— Йўқ. Ҳар таътилимда қидираман. Бормаган жойим қолмадиёв. Аммо бобомни, отамни эслайдиган одамни топмадим. Шундай бўлса ҳам умидимни узганим йўқ.

Мадинанинг кўнглидан беихтиёр: «Худоё, шу бандангни ҳам ниятига етказ», деган тилак кечди. Бу орада Ҳаким:

— Света! Светахон! Қаердасиз, хоним! — деб қичқирди-да, ичкарига кириб кетди.

— Ойим касалла, — пичирлади Витя. — Ҳар сафар ичганларида, касал бўлиб қоладилар.

Ичкаридан хомуш чиққан Ҳаким елка учирди:

— Бироз шамоллаган шекилли... ётибди, — деди хижолат бўлиб.

Мадина хайрлашишга чоғланган эди, Рашид ёпишиб олди: «Холажон, жон холажон, кетманг...»

Мадина болани бағрига босиб, қандайдир илиқ меҳр туйди. Хайрлашиб чиққанидан кейин ҳам Рашиднинг мунгли кўзлари хаёлидан кетмасди.

— Сени бошлиқ чақиряпти, иши бор шекилли, — деди Яша.

Унинг гап оҳангидан негадир кўнгли ғаш тортди. Аммо миқ этмай устахона бошлиғи хонасига қараб юрди. Бошлиқ унинг саломига бош қимирлатиб жавоб қилгач, стол устида турган телефонга ишора қилди.

— Ол.

Ҳаким собиқ курсдошининг овозини дарров таниди.

— Табриклайман, дўстим, чизиб берган ҳамма безакларингиз ўтди! Йилнинг охирида энг яхши муаллифларимиз деган рукнда суратингизни ҳам берамиз.

— Раҳмат! — деди Ҳаким қувониб, сўнг бошлиққа ҳар эҳти-молга қарши, —журналдан сўрашаётган экан! — деб кўйди.

— Хўш? Бирон ювадиган янгилик борми? — деди у.

— Шунақароқ. Расмларим утибди.

— Вой, азамат-эй, тагин журналга ишга ўтиб кетмагин!

Ҳакимнинг хаёлига «кошкийди», деган фикр келди-ю, ди-лидагини тилига чиқармади.

У ишхонадан чиқиб, оҳиста қадам ташлаб борар экан, Санъат саройи олдида бўй чўзган баланд чинорларга ҳавас-ланиб қаради. Секин бориб бир навқирон дарахтга суянди.

— Эҳ, чиноржон, чиноржон, сенга суянмай, кимга суянай? Сенга яхши, Ватанинг ер, соябонинг осмон! Мен эса, ким-ман?! Етим ўсмоқ оғир экан. Етимхонада яшамоқ ундан қўя-Уйланиб, хотин кишининг уйида яшаш-чи? Айтмай ҳам қўяқо-лай! Бизнинг чинор, оға-чиноримиз омонмикан, бормикан?!

Уйимизнинг томида қизғалдоқ очиларди. Энди томида қизғалдоқ очиладиган уйларнинг ўзи йўқ. Юрт европалашгани сайин унақа тупроқ томлар ҳам, қизғалдоқ ҳам йўқолиб бор-япти. Энди топиб бўлармикан уйимизни?..

Биз ҳам янги уй қурмоқчи эдик. Отам супага қатор-қатор қилиб гишт қуяётганди. Шунда ҳам томини... томини...

Унинг хаёли бирдан бошқа ёққа чалғиди. Болалар қан-дайдир ўйин ўйнашарди. Ҳакимнинг кўз ўнгига кичикроқ бир таёқни нимагадир итқитаётгани келди. Таёқ кетма-кет нишон-га теккач, бир бола алам билан унинг юзига урди. Ҳаким йиглаб юборди. Сўнг учинчи бола ўша зўравондан кичкина Ҳакимнинг бошлаб ўчини олди...

Сўнг Ҳакимни қўлидан ушлаб, ер бағирлаб ўсиб ётган ток-зор оралаб, ўзлариникига олиб кетди. Ушанда уфқ қип-қиза-риб, қуёш ботаётган маҳал эди. Улар бироз ўйнаб, яна Ҳаким-ларникига қайтдилар. Аксига олиб Ҳакимнинг отаси ўша куни даладан эрта қайтди ва...

У қўл ушлашиб, айланиб ўйнаётган болалардан каттароги-нинг қулоғига жаҳл ила ёпишди ва шу тутганича чирқиратиб, ётқизилган ҳўл гиштар томон судради.

— Аҳмоқ, бу нима қилганинг, бир қатори расво бўлса май-лийди, икки қатори бузилса, майли эди, ҳаммасининг устидан ҳам юриб чиқасанларми?

Чиндан ҳам биров гиштарнинг устидан эринмай юриб чиққан эди:

— Тоғажон, ўлай агар, мен қилганим йўқ. Қуйворинг, — деб тавалло қиларди бола.

— Сен қилгансан, ана, оёгингнинг изи, Барака...

Ҳақим отасининг уша сўзларини эсларкан, лоп этиб ёдига кўшни боланинг исми тушди.

Ҳа, ҳа, бир тоқзор нарида Баракалар турар эдилар. Кейин Ҳақим ҳам келиб, отаси қуйган уша гиштардаги изларга қаради ва бақириб юборди:

— Ота, ахир Бараканинг ортиги нариги оёғида-ку!

Отаси дафъатан ҳайрон бўлиб қолди. Чиндан ҳам Бараканинг ўнг оёғи бармоқлари олтита эди. Бу ишни қилган қитмир эса, гишт устидан аввал юриб чиқиб, сўнг жимжилоғи билан олтинчи бармоқ изларини чизиб чиққан-у, бироқ оёқнинг ўнг-чапида адашган эди...

Шу баҳона Ҳақимнинг кўнглида яна умид чироғи ёнди.

— Ҳа, шундай қиламан. Таътилга чиқишим ила Баракани излашга тушаман...

У сариқ чумолилар гужгон ўрмалаётган дарахт танасини силаркан, аёл кишининг шикаста овозидан чўчиб ёнига ўғирилди.

— Гугуртингиз борми?

— Йўқ эди-я, кечирасиз, — нимага кечирим сўради, ўзи тушуна олмади.

Бу орада аёл сигаретини ўткинчилардан тутатиб, айнан шу дарахт остидаги скамейкага келиб жойлашди. Унинг узун ва рангпар бармоқлари титраб турар, ёноқлари туртиб чиққан, бўйни узун ва жуда ингичка эди. Бир тутамгина белига қалин, қора тасма тақиб олган, чалиштириб ўтирган оёқлари узун-узун бўлса ҳам, азбаройи озгинлигидан аёлни асло жозибадор деб бўлмасди. Унинг нозик қирғий бурни, туташ қора қошлари, катта-катта кўзлари йигитга таниш туюлди. У бироз синчиклаб қараб турди-да, секингина отини атаб чақирди:

— Манзура?

Аёл бир зум довдираб туриб, сўнг қичқириб юборди.

— Вой Ҳақим, сенмисан? Учрашган жойимизни қара! — У йигитни маҳкам кучоқлаб олди.

— Манзура, ҳозир қаердасан, нима иш қиляпсан? Ҳаётингдан мамнунмисан?

Манзура елка қисди.

— Очиги, билмайман, Ҳақим. Бахтли ҳам бўлдим, бахти қаро бўлишга ҳам улгурдим. Болалар уйдан кетгач, консерваторияга ўқишга кирдим. Бир қирғиз йигит билан севишиб, турмуш қурдик. У мени ташлаб, ота-онасининг олдига кетиб қолди. Ўғил кўрдим. Мен уни ўзим тарбия қиламан, деб қаттиқ янглишдим. Боламдан ўн бир ойлик бўлганида ажралиб қолдим.

— Хафа бўлма, Манзура, ҳали бахтинг олдинда, — юпатган бўлди Ҳақим.

— Йўқ, — бош чайқади у. — Мен энди турмуш қурмайман. Бошқага кўнгил қўя олмайман.

— Ҳозир қаердасан?

— Яшаш жойимми? Ҳув анави ётоқхонада тураман. Акам бир хонали бўлса ҳам уй олиб бермоқчи. Тезроқ олиб берса, чиқиб кетардим. Ётоқхонада туришдан тўйганман. Ҳамхонам заҳар бериб қўядими, деб, жуда қўрқаман.

— Ие, нега заҳар беради, Манзура, — ҳайрон бўлиб сўради Ҳаким.

— Негаки, бир хонада иккита аёл тураминиз... Унинг... нима десам экан сенга, юрадигани бор. Учрашишга ҳеч жой топишолмай юришади. Юр, Ҳаким, сумкамни кўтаришиб ол. Ипи қўлимни қийиб юборди. Баҳонада қандай яшаётганимни кўриб кетасан.

Улар ёнма-ён Ҳамза театри ёнидан ўтиб боришаркан, йигит яна сўради:

— Манзура, сен ўша аёл овқатингга бирор нарса солмоқчи бўлганини сезганмисан?

— Йўқ, лекин кўнглим сезиб туради. Бир кунмас бир кун...

Улар индамай лифтдан тўққизинчи қаватга кўтарилдилар.

Манзура чой дамлаб келиб, пиёлаларга қуйди-да: «Вой, газни ўчирмадим шекилли», деб югуриб кетди ва зумда қайтди. «Йўқ, ўчирган эканман, хайрият».

Утиришди. Ҳаким чой ҳўплади. Манзура пиёлани қўлига олди-ю, ичмай ўтираверди.

— Ўзинг нега ичмаяпсан, Манзура.

— Ҳаким, кечирасан-у, мен ҳали чиққанимда чойимга дори-пори ташламадингми?

Йигит ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Нималар деяпсан, Манзура?

— Биламан, ҳаммаларинг мени ёмон кўрасизлар.

Ҳали ёнма-ён ўтирганда сезмаган экан, энди аёлнинг кўзларида аллақандай бежолик бордай эди. Бечора қиз!

Йигитнинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди, кўзларига ёш келиб, кўнгли бузилди. Сўнг ўзини зўрга босиб олди:

— Манзуражон, синглим...

Унинг овози титрарди. Унидан туриб келиб, унинг бошини бағрига босди.

— Сенинг онанг ўлмаганда, менинг отам ўлмаганда жонимиз бу қадар азобга қолмаган булармиди...

Манзуранинг қуюқ қора сочларига Ҳакимнинг кўз ёшлари томди.

Манзура мажолсиз ҳолда унинг кўксига бошини яширди. Ва шу билан бирга, у ўзини шу дақиқада барча-барча гараз сўзлар, нигоҳлардан тош девор билан ҳимоялангандай ҳис қилди.

— Ҳаким, мендан хабар олиб тур, зора душманларим сендан биров ҳайиқсалар, — деди.

— Ҳўп, Манзуражон, фақат сен жудаям ҳар нарсадан қўрқаверма. Иложи бўлса, дўхтирга курсат ўзингни.

— Ҳаким, эсингдами, болалар уйида ёмон қизлар мени Корэнга рўпара қилишгани. Ўшанда кимдир мени қўтқарган эди. Ким қўтқарганини ҳамон билмайман. Мен ўша халоскоримни узоқ кутдим. Назаримда, у мени фақат севгани учунги-

на қутқаргандай. Қисқаси, ўша воқеадан кейин бошим огрийдиган бўлиб қолган. Энди тутқаноқ ҳам кўшилди. Дўхтирлар болаликда миянг чайқалганми, даволанмаганмисан, дейишяпти.

Ҳақим Корэн билан боғлиқ воқеаларни нечоғли унутмасин, улар бирон-бир сабаб билан барибир хотирига келиб қоларди.

У болалар оғзидан «Кот у қизга тегиб қўйибди, бу қизга тегиб қўйибди» деган гапларни тез-тез эшитар, номуси топталган қизлар ҳам йиғлаб-йиғлаб тақдирга тан бериб кетаверар эдилар.

Ҳақим ёши ўн тўрт, ўн бешга бориб қолгани билан етимликда, ҳимоясизликда номуснинг поймол бўлиши нечоғли аламли фожиа эканлигини ҳали билмас эди.

— Ҳақим, — деди бир куни қўшни каравотда ётадиган Зоир деган бола. — Кот Манзурани кўлга туширмоқчи. Эртага кечкурун у қўрқитиб олган қизлар Манзурани ҳовлига, ҳожатхонанинг орқа томониغا алдаб олиб ўтадилар.

— Сен буни қаердан билдинг?

— Кеча, Корэнларнинг хонасига нон ўғирлашга кирувдим, Корэн келиб қолди-да, шартта каравотнинг тагига кириб кетдим. Кейин унинг ёнига икки катта қиз келди. Анув, ўнинчи «Б»дагилар... Ушаларга буюрди... Мен Манзурани яхши кўраман, Ҳақим, ёрдан бер, уни қутқарайлик, — деди охирида.

Ҳақим рози бўлди. Эртаси куни у дарсдан эртароқ қайтди-да, ётоққа кирса, Зоир ўрнида аделга бурканганча, дағ-дағ титраб ётибди.

Зоирнинг тили гўлдирар, тушунтириб гапиролмасди. Кейин билса, Кот унинг қўлоғи орқасига бармоғи билан босиб, шунақа қилиб қўйибди, агар бундан буён Манзуранинг орқасидан қолмаса, қўлоғи ортига нина тиқиб ўлдиришини айтиб қўрқитибди.

Ухлаганча қотасан, ўлганингни ҳам билмай қоласан, дўхтирлар ҳам билмайди, дебди. Зоир ҳиқиллаб йиғлар эди.

Ҳақим уни жаҳл билан силтаб, ўрнидан тургизди. Бироқ у оёқда туролмас, тиззалари букилиб-букилиб кетарди.

Ҳақим бориб дўхтирни чақириб келди. У эса, куриб тинчлантирадиган дори ичириб кетди. Сўнг Ҳақим тарбиячидан рухсат олди-да, ҳамманинг кўз ўнгида кўчага чиқиб, трамвайга ўтириб жўнаб кетди. Бир бекат ошгач тушиб, жин кўчалар оралаб, болалар уйининг деворига яқинлашди. Йўл-йўлакай учраган каттакон арматурани кўлига олволди. Пайт пойлаб, ҳеч ким йўғида кўз очиб юмгунча деворга чиқиб, у ёқдан ҳожатхона томига сакради.

То қоронғу тушиб, ётишга рухсат бўлгунча кутди. Минг йил ўтдиёв.

Етимхонанинг ҳар иккала биноси сукунат ва тун қаърига чўккач, аввал Корэн пайдо бўлди. У аллақандай нарсани кўтариб келарди. Яқин келгунча Ҳақим у нима кўтариб келаётганини фаҳмлай олмади. Корэн олдиндан мўлжаллаб қўйган ерига қўлидаги нарсани ёйди. Кўрпа экан. «Эҳ, ҳайвон, ҳали шунақами!» — деб у ёнидаги темир калтакни пайпаслаб қўйди.

Сунг қизлар пайдо бўлишди. Улар гув ҳожатга чиққандек, хотиржам эдилар. Манзура ҳеч нарсани пайқамасди. Қизлар орқага қайтишаётганларида Корэн беркинган жойидан чиқиб, югуриб бориб қизчанинг оғзини беркитдию бояги жойга судради.

Ҳаким ётган жойида қотиб қолди. Улар айнан томдан тушиш мумкин бўлган томонда эдилар.

Корэн эса, қизнинг устидаги кийимларини юлқиб, йиртиб улоқтирар, Ҳаким эса қорни билан сурилиб, томдан тушишга жой ахтарар эди. Ниҳоят, сакраб тушди-да, шоша-пиша ечи-найётган Корэннинг бошига темир билан жони борича туширди.

Корэн ким урганини кўрмай ҳам шилқ этиб йиқилди...

«Тез ёрдам» келганда Корэн ҳам, Манзура ҳам беҳуш ётардилар. Ҳаким тонг отгунча девор ортида, супурги буталари орасида беркиниб ўтириб чиқди. Тонг ёриша бошлагач, яна ўша жин кўчалар оралаб, Амет Зикриёниқига югурди.

Унинг аҳволини кўрган муаллим кўрқиб кетди. Сунг «сени кўрмагани аниқми, йўқса, бу итваччадан кўрқулик», деди.

Манзура касалхонада узоқ ётди. Тузалиб чиққанидан кейин ҳам, баъзан кечалари додлаб юборар, соппа-соғ юрган ерида бирдан кўзига ҳамма Корэн бўлиб курина бошларди.

* * *

Ҳаким туш кўрди. Тушида ўгли касал бўлиб қолганмиш-да, у боласини бағрига босиб, кўтариб олганмиш, ёнида онаси ҳам бормиш.

Духтирлар болани шифохонага элтишни буюрганмишлар.

Улар таксига ўтириб, шифохонани излай бошлабдилар. Машина гоҳ баланд, гоҳ паст кўчалардан ўқдек учиб борар, бу шаҳар уйлари бири тепаликда, бири жарликда қурилганлиги билан ҳайратланарли эди. Ва ҳамма кўчада, албатта, қадимий обидалар услубида қурилган мачитлар учрарди.

Бир кўчадан ўтаётганда онаси машинани тўхтатиб, улар тушдилар. Онаси катта бир чинор остидаги кафтдек ҳовлини кўрсатиб, ўғлим, шу ота-бобонгдан қолган кулба, ҳозир бу ерда бегоналар туришади. Қара, уйлар қандай хароб аҳволга келибди. Бегона-бегона-да, дермиш. Ҳовли ўртасида эса, ҳеч нарсага осилмаган, еру осмон ўртасида муаллиқ бир чироқ ёниб турганмиш. Шу чироқни бизга бобонг берганди, ҳали ҳам бор экан, дермиш онаси.

Эрталаб нонушта пайтида ҳам, кийинаётиб ҳам Ҳакимнинг фикри-хаёли шу тушида эди. Ишхонасига ҳам анҳор бўйлаб, пиёда ўтиб келди. Чироқ — ёғду, дерди ўз-ўзига, демак, уйимизнинг чироғи ҳали ёниқ экан.

Демак, киндик қоним тўкилган юрт бор, уни топишим мумкин.

У ишхонасига кириб келганида ҳамкасблари бисотларида бор курсиларда давра қуриб ўтиришар, ўртада бош рассом жаҳли чиқиб, ниманидир тушунтирар эди. Ҳаким тушундики, бу ойда рассомларга янги буз берилмайди. Ҳатто энг янги афишаларни ҳам қайноқ сув билан ювиб ташлаш керак.

У ўзининг сўнги иши «Ўтган кунлар» фильмига ишланган Отабек билан Кумушнинг суратларини ўчириши керак эди. Унга кино лентасидаги от унчалик ёқмаган, шунинг учун ҳатто Чиноз отбоқарига бориб, ўзига ёққан отни чизиб келиб, афишага кўчирган эди. Кумуш-чи, Кумуш! Жилмайиб елкаси оша қараб турибди. Кўзлари эса ёнади. Ҳозир шу кўзлар тасвири устидан қайноқ сув қуйиб, ювиб ташлашга мажбур. Бунга ўйлаб, уни қандайдир оний даҳшат босди. Ҳатто кўлидан шланг сирғалиб тушиб, сув шиппақларига урилди ва бармоқлари ораси куйди. Жон ачиши билан юрак куйиши бир хил экан, деб ўйлади у оғриқ аралаш. Ва бу ишхонани бутунлай тарк этиб, чиқиб кетди.

* * *

Мадина Ҳакимнинг ишлари босилиб чиқиши арафасида Санъат саройининг устахонасига кўнғироқ қилиб эди, бош рассом кўтарди. «Биз унга энг яхши участкани безашни бериб қуйиб эдик. Негадир аразлаб кетиб қолди», — деди.

— Агар келса, илтимос, айтиб қўйинг, қалам ҳақини олиб кетсин, — деди ноилоҳ.

Аммо орадан икки ҳафта ўтди ҳамки, Ҳакимдан дарак йўқ эди.

Мадина кейинги сон безакларини босмахонага топширдида, ўзи таътилга чиқиб кетди.

* * *

Гузал май оқшоми. Эски шаҳарнинг қоқ ўртасидаги тугруқхонанинг иккинчи қаватида Мадинанинг кўзи ёриди.

Доя аёл боланинг икки оёғидан маҳкам тутганча бошини пастга қилиб, уралиб қолган эшидан эпчиллик билан озод қилар экан, Мадина фарзанди ўғил эканлигини фаҳмлади. Ва, яна ўзи рассом эмасми, боланинг қоши-кўзию, узун-узун оёқлари ҳам худди отасиникига ўхшаш эканлигини куриб улгурди.

Ташқарида кўзи тўрт бўлиб ўтирган эри эса бу вақт тузуккина суюнчи эвазига ҳамширадан халат олиб елкасига ташлаганча, юқорига югуриб чиқарди. Суюнчи бера-бера ўзига йўл очиб бораркан, ниҳоят, аравачада жилмайиб ётган хотини олдига етиб келди.

— Мадина, Динагинам... қийналмадингми?

Ранги докадек оқариб ётган Мадина эса ҳечам... дегандек базур жилмайди.

Равшан энгашиб хотинининг пешонасидан ўпди.

Равшан уюшмадан ҳам хурсанд чиқди. Қаранг, энди дунёга келган дилбандининг қадами қутлуғ келди. У ўз хаёллари билан қаршисидан келаётган устози Ботир Муродовни пайқабди.

— Эй, Маэстро, йўл бўлсин?! — деб қақирди устоз.

— Э, ассалому алайкум, Ботир ака, азбаройи қувонганимдан учиб кетаётувдим.

— Ҳа, нечук?

— Ҳам ўғил кўрдик, ҳам устахонали бўлдим, Ботир ака!

— Э, муборак бўлсин! Бир байрам қиларканмиз-ку!

— Гап йўқ, Ботир ака!

— Ҳай, майли, энди гап бундай. Миллий галерея очаётганимдан хабаринг бор. Энг аввало шогирдларимнинг ишларидан олсам, дегандим. Ишларингни тайёрлаб қуй. Эртага кириб ўтаман.

— Шошманг, Ботир ака, аввал Мадина чиқсин, биратўла меҳмон бўлиб...

— Меҳмондорчилик қочмайди, ука...

Ботир Муродов ҳақиқий санъат асарини кўз қирини шунчаки ташлашдаёқ беҳато англарди. Унинг дунё миқёсида яратган асарларига туланаётган ҳақ ниҳоятда катта эди. Рассом бу маблағларни ёш истеъдодларнинг асарларини сотиб олиш ва шу билан бирга уларни моддий таъминлашга сарфлай бошлаган эди.

Равшан энди ишларини саралаб бўлган эди, дарвоза ёнида ёнгил машина гийқиллаб тўхтади. Сўнг пешайвонга ўрнатилган кўнгиракқушнинг ёқимли сайроғи янгради. Муродов ёлғиз эмасди. Унинг ёнида тасвирий санъат дунёсида таниқли машҳур ҳомий ўз таржимони билан келар эди. Устоз шогирдининг «Ғули» асарини ҳамда оқ атиргуллар натюрмортини танлади. Бундан қувонган Равшан гап орасида:

— Энди Навоийнинг «Ҳамса» асаридаги аёллар образлари устида ишляпман, — деб юборди.

— Бир кўрсат, маъқул бўлса кейинроқ сотиб оламан, — деди устоз. Равшан ҳали тугалламаган ишларини бировга кўрсатишни ёқтирмас эди. «Бекор айтибман!» деб ачинди-ю, энди кеч эди. Учта ишини истар-истамас меҳмонлар қарши-сига қўйди...

Шу пайтгача жим ўтирган чет эллик меҳмон расмларни кўриб, чуғирлай кетди. Равшаннинг синглиси киритган қаҳвадан жимгина ҳўплаб ўтирган таржимон қиз унинг сўзларини шошиб ўзбек тилига ўгира бошлади.

— Эй худойим, жуда гўзал, жуда гўзал! Ҳаммасини оламан, — дерди у.

Ботир Муродов бир даста пул чиқариб, Равшаннинг олди-га қўйди: «Ол, буюрсин!»

Меҳмон эса, ўз юртининг яшил пулларидан бешта чиқарди.

— Мана, розимисиз, маэстро?!

Равшан таржимон қизга мурожаат қилди:

— Агар ҳурматли меҳмон икки-уч кун сабр қилсалар расмларнинг чаласини ишлаб, тўхтаган манзилларига етказардим.

Аммо меҳмон «ноу-ноу» деб кўнмади. У Павел Кузнецовдек, Сарьяндек, ҳатто Врубелларнинг тугалланмаган ишлари ҳам нега музейларда осиглиқ туришининг сабабини энди англагандай бўлди.

Кейин билса, меҳмон пойтахтдан жўнаб кетаётиб, сотиб олган асарлари ҳақида журналистларга интервью берибди.

Шундан сўнг «Оқшом» газетасининг мухбири Равшаннинг ҳам суҳбатини олгани келди.

— Барча муваффақиятларимни ўғлим Шухратнинг қутлуг қадами шарофати деб биламан, — деди у қисқагина қилиб.

* * *

Мадина дугонаси олиб келган егуликларни олиб ўралган газетани очдию, нигоҳи «Санъатнинг сеҳрли олами» рукни остида берилган мақолага тушди.

«Истеъдодли ёш rassom Равшан Ёқубовнинг ижоди том маънода равшанланиб, ёғдуланиб бормоқда. Унинг энг сара асарлари Миллий галерияга сотиб олинди. Энг сўнгги учта асарига эса ҳали тугалланмасданоқ америкалик санъатсевар жаноб Томас Дэйл харидор бўлиб чиқди. Санъат оламига даядил кириб келаятган ёш мусаввирни rassomлар уюшмаси янги қурилган ижодхона билан тақдирлади».

Мақола сўнгида Равшаннинг сўзлари айнан келтирилган эди.

Қувончдан Мадинанинг кўзларига ёш қуйилиб келди: «Қандай яхши!»

У палатадош келинчакка табассум ила қаради: «Шоҳидахон, қаранг, менинг ўғлимни ёзишибди».

Келинчак тушунмади. Ҳайрон бўлиб ҳамхонасига тикилди. Газетадаги мақолани ўқиб чиққач эса, «Илоҳим, сизнинг кунингизни менга ҳам берсин, қизимдан кейин ўғил кўрай, даядаси жуда орзу қиладилар», деди.

Равшан ойиси пишириб берган товукшўрвани кўтариб тугруқxonанинг сердарахт, кенггина ҳовлисига кириб келганида кўёш ботаятган эди. Келишилгандай, иккинчи қаватнинг ойнасига кетма-кет иккита нўхатдек тошча отди.

Мадина эри айни чақалоқларни эмизिशга беришадиган вақтда келганидан хурсанд бўлиб кетди. Деразани очди-да, «ассалому алайкум, келинг, даядаси, Шухратжонни кўрманасиз ҳам кўраверасизми?» — деди қувлик ила.

— Ие, ҳали исмиям тайёр денг?

Мабодо газета мақоламни босиб чиқарган бўлса ҳам хотиним ўқиган бўлиши мумкин эмас-ку, деб ўйлади ичида.

— Узингиз мухбирларга шунақа деб овоза қилиб юборибсиз-ку, мен розиман, — деди. Кейин табриклади, — қолаверса, ишларингиз юришиб кетибди. Муборак бўлсин.

Равшан хотинига миннатдор боқди:

— Раҳмат сенга, Мадина, сенсиз мен нима қила олардим. Газетани кўрдингми?

— Эрталаб Хулкар келган эди. Қургур нон ўраб келибди, денг шундай суючилик нарсага...

— Бир келса қўшалоқ келаркан.

— Илойим, кўз тегмасин...

Одамларнинг марди мард бўлади-да, Ботир Муродов кўярда-қўймай ресторанга бошлаб кетди. Жой ҳозирлашиб улгурмай таклиф этилганлар қаторлашиб кела бошладилар.

Наманганнинг аллақайғидан етиб келган Равшаннинг ҳам, Мадинанинг ҳам курсдоши Ҳайдар қадах сўз айтаётганда барча утирганлар бирдан бурилиб эшик томон қарадилар. Ҳаммадан кейин ҳеч қутилмаганда, остонада белидан юқориси алоҳида, пасти алоҳида ялтироқ кийим кийган, ниҳоятда келишган санъатшунос қиз Анжелика кўринди. Унинг орқасидан метро бекатларидан бирига фаришта қанотлари шаклида чироклар ишлаган Шоҳиста кирди. У кийган қора ялтироқ кўйлагининг энглари узун, ёқаси томоғигача бўлиб, олд томонидан роҳибаларникига ўхшаса ҳам, елка томони белигача очиқ эди. Қизларнинг учинчиси эса — Гузал. У рассомлар орасида анча истеъдодли саналади. Гузалнинг ёшини ҳеч ким билмас эди. Кишида Гузал қизалоқдек таассурот қолдирарди. Унинг эғнидаги энгсиз атлас кўйлаги тиззасидан баландроқда, сочини битта қилиб ўриб, ташлаб юборган, этагидан-да узунроқ эди.

Улардан сўнг баданига сириб турган бир хил майка ва жинси шим кийган қизлар киришди.

Булар Гузал ёки Анжеликадек офатижон бўлмасалар-да, ҳарҳолда, бир қадар келишган қизлар эдилар.

Равшан таомил бўйича ўрнидан туриб, уларга пешвоз чиқди. Қизлар столлар оралаб ўтар эканлар, утирганларнинг кўпчилиги уларга суқ ва қувонч билан боқардилар.

Бўйнига капалак нусха галстук таққан ресторан ходими зум ўтмай қизларнинг олдига ҳар хил таомларни тўкиб ташлади. Енгил мусиқа янграрди. Қизлар бир оз қизиб олган йигитлар билан ўйин-кулгуни давом эттиришар, фақат Равшан билан Муродов нима ҳақдадир жиддий суҳбатлашиб утирардилар. Шу тоб Анжеликанинг таклифи билан рақс эълон қилинди ва қизнинг ўзи келиб, Ботир Муродов кўли устига кўлини қўйди. Орқасида чиройли кўзларини Равшанга тикканча Гузал турарди. У тагидаги курсини суриб, ўрнидан оҳиста кўзгалди. Улар оврупоча рақсга туша бошладилар.

— Сиз катта истеъдод эгасисиз, мен сизнинг ижодингизни талабалик йилларимизда ҳам кузатар эдим, — деди Гузал.

Равшан хотиржам тикилди.

— Ростдан-а?

— Ҳа-ҳа, сиз менга ишонмаяпсиз шекилли?

— Йўғ-э, нега?

Шу пайт ресторан хизматчиси келиб Равшанга: «Сизни ўйингиздан сўрашаяпти», деб кетди.

У узр сўраб, хизматчининг кўлидан симсиз телефонни олиб ташқарига юрди.

— Алё, Мадина, сенмисан? — Унинг овози ниҳоятда ширали ва майин бўлиб кетди. — Ҳа, ҳа, ҳаммаси яхши кетяпти, ўзинг яхшимисан, Шуҳрат тўполон қилмаяптими? Ойим, Гулранг қалай? Майли. А-ҳа, хуп, хуп, майли, Динажон.

Равшан бирон ширин гап айтмаган бўлса ҳам, унинг овозидан нақадар хотинига меҳрибон эканлигини Гузал сезди.

Улар яна ичкарига қайтдилар.

— Аёл киши фарзанд кўрса жуда очилиб кетади, дейишадди. Кеннойим ҳам чиройли бўлиб кетгандирлар? — деди Гузал.

— Ҳа, албатта, жуда чиройли бўлиб кетади. Шундай бахт сизга ҳам насиб этсин, — деди Равшан сидқидилдан.

Гузал ўзини қорни қаппайиб, юзига доғ тушиб юрган ҳолда тасаввур этди-ю, шарақлаб кулиб юборди.

* * *

Мадина тонг саҳар туриб сут-қаймоқ кўшиб, хамир қорди. Юмалоқ-юмалоқ қилиб, ўн бешта кулча ясади. Газнинг иссиқ-хонасига териб майда-чуйда юмушлар орасида пишириб ҳам олди.

Набирасига атаб тикилган зарбоф тўнчани битириб улгурган бувиси уни Шухратга кийгизиб, «Илоё йўлларинг равон бўлсин, қоқилма, йиқилма» деб дуо қилди, кейин бир-икки кундан буён алпанг-талпанг қадам ташлай бошлаган болакайнинг оёқлари орасидан кулчани юмалатиб олди. Шухрат атак-чечак қилиб бориб, кулчани олиб келди.

Мадина эса ҳадеб кулча юмалатаётган бувига ва олиб келишдан эринмаётган боласига завқ билан қараб ўтирарди. Бирдан жириглаган телефон ҳар учаласини чўчитиб юборди.

Мадина дастакни кўтарди. Кечагина келиб кетган дугонаси Хулкарнинг овозини эшитиб ҳайрон бўлди: бирор нарчасини унутиб қолдирдимикан?

— Мадина, мени кечирасан, сенга кеча бир гап айтмоқчи эдим, айтмай кетаверибман. Анави Гузал бор-ку, ўша Равшан барибир меники бўлади деб, Анжелика билан гаров ўйнабди. Ўзини топдим-да: «Сен тинч юр, улар севишиб турмуш қуришган, болалари бор десам, нима дейди дегин?! «Мен бор ерда севги бор, мен йўқ ерда севги йўқ! Менинг ишларимга аралашма» дейди балогинага йўлиққур... Мадина, эрингга эҳтиёт бўл, бу шарманда ёмон хилидан. Мени кечир, балки бу гапни сенга айтмаслигим керакмиди.

Мадина нима деб жавоб қилди-ю, қандай хайрлашди, ўзи билмади. Унинг кўкрагида қандайдир нохуш, нафасни сиқадиغان гашлик пайдо бўлди.

Мадина Гузални яхши биларди. Фақат у эмас, уни кўпчилик қизлар яхши биладилар. Гузал чиройли оёқларини кўз-кўз қилиб, калта кўйлак кияди-да, сочини кўпинча қирққокил ўрдириб юради. Дўппи киймаса-да, сочининг чеккасига албатта бирон гул қистириб кўяди. Унинг ошиқлари сон-саноксиз. Кайф-сафо унинг жони-дили. У институтга кирган йили Раҳмон деган йигит билан юрарди. Раҳмон гул кўтариб ётоқхонага келса, уни бошқа биров бағрига босиб турганмиш. Стол устида турган пичоқни олиб, рақибига ташланибди. Қаттиқ яраланган талаба ногирон бўлиб қолди. Раҳмон эса қамалиб кетди. Гузал барча келишган ва истеъдодли йигитлар фақат

мени севишлари керак, деб ҳисобларди. У чиройли лабларини бироз чўчайтириб, нозланиб гапирарди. У ҳақда ҳар хил узун-қулоқ гаплар юрса ҳам, йигитлар бу гийбатлар замирида қизларнинг ҳасадгўйлиги ётади, деб уйлашар ва кўпроқ Гузалнинг ўзига ишонишарди.

Йилнинг ўртасидаги имтиҳон — кўرғазма кунлари эди. Ижодхонага Гузаллар курсининг ишлари осилган, Мадиаларнинг курси эса тушдан кейин, шу хонанинг бўшаган деворларига асарларини осишлари керак эди. Ҳамманинг кўзи Гузалнинг автопортретида. Суратнинг таърифи оғиздан-оғизга кўчиб, талабалар бу ижодхонага тўхтовсиз кириб чиқишарди. Сурат Мадинани ҳам бефарқ қолдирмади. Киприклари қуюқ, қоп-қора чарос кўзлар, салгина очик, гилосдек кип-қизил лаблар. Юнон маъбуда ҳайкалларидаги сингари бежирим оппоқ қирра бурун... Ҳаммадан ҳам ҳайратланарлиси — сочлари... Қуюқ қора сочлар либоссиз ўтиргани қизнинг бутун вужудини ўраб, яшириб турар, салом бермоқчидек, кўксига қўйилган бир қўли ёнида бир кўкраги салгина очилиб қолган эди. Нариги томондаги тиззасини ҳам ёпишга соч толалари ожизлик қилганди.

Мадина суратнинг автопортрет эмаслигини дарров пайқайди. Узларининг курсига ҳам раҳбарлик қиладиган профессор Маҳмудовнинг услуби. Тўғри, Маҳмудов бошлаб берган, Гузал тамомлаган...

У суратни кўраётганда олдига Равшан келди. Унга қараб:

— Автопортретини яхши ишлабди, а? — деди Мадина.

— Автопортрет эмас шекилли, — деди унга жавобан Равшан.

Мавриди келган эди, кўнглини очди.

— Равшан, Гузал сени ёқтирармиш, деб эшитдим.

— Ким айтди?

— Мурод.

— Равшанни ёқтиради, дедими?

— Ҳа...

— Йўқ, мени эмас, Сарикни ёқтиради, — деди у. — Биласан, курсда иккита Равшанмиз.

Равшан Гузалнинг қармоғини аллақачон пайқаган бўлса ҳам Мадинанинг асоссиз изтироб чекишини истамади. Бир куни Гузал Равшандан ётоққа келиб нусха кўчиришда ёрдамлашиб юборинг, деб илтимос қилди. Йигит у нусха кўчиришни ажабтовур эплашини яхши биларди. Шунинг учун:

— Узингизни қийнаб, нусха кўчириб нима қиласиз, келтириб беринг, уйда ишлаб келаман, — деди.

Нусха кўчиришга муккасидан кетган Мурод бу ишни бир-икки кун ичида қотириб ташлади.

Гузал Мадинанинг хонасига келди-да:

— Равшан акамлар менга оригиналдан нусха кўчириб бердилар, бир кўрмайсизми? — деди.

Қиз картинани кўрди-ю, Муроднинг иш услубини дарров таниди. Танидию енгил нафас олди.

— Равшан нусха кўчиришни жуда яхши кўради, қачон ишингиз бўлса, илтимос қилаверинг, у йўқ демайди, — деди

маслаҳат тарзида. Ғузал унинг овозидаги истехзони пайқад-ю, сабабини тушунмади.

Бу қандай жодуки, етсак ўлармиз,
Етмасак ўтармиз дунёдан хароб...

Ҳалима Аҳмад

Мадина бу аёлни деб қаттиқ изтироб чеккан йигитларнинг бир-иккитасини яхши танирди. У қизиқ, шуларга кечаги ошни иситиб берсанг ичмайди, бироқ шу бузқўни деб мунча ўзларини адо қилишади, деб ўйлар, сабабини тушунмас, тушуна олмасди. Ғузалнинг ахлоқи садоқатли ошиқларнинг ичган қасамлари туфайли деярли парда ортида эди. У сўзсиз ғузал эди, қалбларга берухсат кирарди. Институтдаги унинг ҳуснидан жабр курган қизлар буни тан олишдан ожиз эдилар.

Равшан машҳур бўла бошлагани сайин, атрофида санъатшунос қизчалар гирдикапалак бўлишларини тахминан Мадина биларди. Аммо Ғузал ҳам олдинги уринишларини янгилайди, деб сира ўйламаган эди. Равшан ҳали уylanмаган пайтларидаёқ унинг тўрига тушмаган эди. Аммо яна ким билади...

Равшан ҳовлига кириб келганида хотини сури четда тиззаларини кучоқлаб, бир нуқтага қадалиб ўтирарди. Эрини кўргач, ўрнидан кўзгалди. Бироқ унинг ҳаракатлари суст, қандайдир гайритабиий эди. Йигит бу ўзгаришни пайқамай қолмади.

— Яхшимисан, Мадина, ё мазанг йўқми, нима бўлди?

Мадина эрига бир зум тикилиб турди. Унга бирдан шу жондан ортиқ суюкли эри омонатдай, эртага биров тортиб оладигандай туюлиб кетди. Юраги ҳапқирди. Бироқ ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб, эрининг саволига:

— Йўқ, сизга шундай туюлгандир, яхшиман, — деб жавоб қилди.

— Яширма, тинчликми?

— Ҳеч, — деди у секингина, — знамни жуда соғиндим...

— Ҳа-я, майли, кўпга чўзмай обораман, кўй, йиглама...

— Равшан, сизни мендан худди биров тортиб оладигандай, жуда кўрқаман баъзан.

— Очирқоқ гапир! Нима бўлди?

Мадина эрини чандон яхши кўриши баробарида, унинг жаҳлини чиқаришдан жуда кўрқарди ҳам. Ҳеч қачон баҳслашмас, унинг ҳар қандай хоҳишига қулоқ қокмай бўйсунарди.

— Хўп, майли, кейин, ҳозир чучвара тугаётувдим, — деди кулимсираб.

Равшан ҳам бир зумда очилди.

— Биласанми, бугун жуда иштиёқ билан ишладим. У ёқда ишлаганларимни, ҳали сен кўрганинг йўқ. Кўргани бор-майсанми?

Мадина суюниб кетди:

— Қачон олиб борасиз?

У эрини қанчалик яхши курса, асарларини ҳам шунчалик севарди. Мадинанинг кўнглидаги ғашлик бир оз тарқагандай

бўлди: йўқ, мен ҳам жуда чиройлиман, эрим фақат мени, менигина яхши кўради... У шу фикрдан юпанч топди.

Овқатдан кейин улар ётишиб, эри ижодхонасига кириб кетди. Бир маҳал чўчиб уйгонса эри бугун ҳам кирмабди. Мадина ўглининг каравотчасига илиб қўйган қўл соатига қаради: тунги икки ярим. У беихтиёр эрини соғинди. Мадина Равшанни беҳад севишни яширмасди-ю, лекин ижодхонасига бостириб кирмас, бундай ҳаракат унинг табииятига мутлақо зид эди. Аммо ушбу дақиқада ухлаётган эрининг ёнига сездирмай кириб, тўйиб-тўйиб термулгиси келди. Секин ўрнидан туриб, сочларини қўли билан силаб текислади. Эшикни тутқичидан бироз кўтариб, секин очди. Айвондан оёқ учида ўтиб, ижодхона эшиги остидаги зинапоёга оҳиста кўтарилди. Равшан ҳали ухламаган экан, сассиз шарпани дарров пайқади. Унга ухлаб ётганида хотинининг секингина ёноғиданми, сочлариними, авайлабгина ўпиб кетиши жуда ёқарди. Ҳозир ҳам шунинг илинжида, ўзини ухлаганга солиб жимгина ётди. Хотини эшикни авайлаб очиб кирди. Бироқ эрининг бош томонига ўтмади. Эшикка суяниб бироз турди. Сўнг, оҳиста энгашди-да, эрининг бармоқларини кичигидан каттасигача секин ўпа бошлади.

Эрини қандайдир ноаниқ таҳлика босди.

— Мадина, — деди кўзларини очиб.

Шунда у эшикка отилди.

— Тўхта, Мадина, нега қочасан?

Мадина тўхтаб қайтди-да, диван ёнига чўнқайди. Равшан унинг белидан даст кўтариб, ёнига ўтказди.

— Мадина, — деди у овози бироз бўғилиб, — нима гап, нега айтмайсан?

Мадинаниннг кўзига дув этиб ёш келди.

— Анув, ҳалиги Ҳулкар телефон қилувди. Гўзал Равшан ака барибир меники бўлади, деганмиш.

Равшаннинг хаёлига Шоҳимардонда манзара чизиб юришганларидаги бир воқеа келди. Рассом йигитлар Қўли-қуббонинг бир-икки тасвирини ишлаб олиш ниятида зиёратчилар деярли чиқмайдиган тепаликка энди этюдникларини ўрнаштириб бўлгандиларки, уларнинг олдида қаердандир бир аёл пайдо бўлди. У кела солиб Равшанни кучоқлади-да, вой болам, бор экансан-ку, сени ўлди деганларининг ўзи улсин! Қошу кўзингдан айланай, Раҳмонжон, деб юзларини сийпалаб, елкаларига қоқа бошлади. Тепаликка бирга чиққан Собир билан Мурод ҳам, Равшаннинг ўзи ҳам ҳанг-манг бўлиб қолган эдилар. Равшан, холажон, сиз мени бировга ўхшатдингиз, деган эди, ҳа ёлгончи, ҳамманг мени алдаш учун Раҳмонжонникидай қути кўтариб олгансанлар, мени алдаб бўлсан, бор, йўқол деб, итариб юборди. Равшаннинг қоқилиб, пастга қулашига оз қолди. Сўнг яна Равшан чизаётган суратга қараб олди-да, болагинам, сенга халақит бердим-а, майли, ишлайвер, мен қараб ўтираман, деб, шундоқ оёғининг остига ўтириб олди. Шу куни Равшан бирорта ҳам манзара чизмади, чизолмади. Сўнг, суриштиришса, ҳалиги аёл Гўзални деб пичоқлашган, сўнг турмада вафот этган йигитнинг онаси экан.

Равшаннинг жим қолганига хотини чидамади:

— Шунга жуда хафа бўлиб утирибман.

— Менга қара, — деди Равшан жиддий, — дунёни гўзаллик кутқаради, дейишни яхши кўраман. Лекин менимча, дунёни виждон кутқарса керак. У аёлнинг (қизнинг демаганига хотини эътибор қилди) табиатида қандайдир маҳв этувчи нарса бор. Унинг қўлига тушган одамнинг ё руҳи, ё жисми ўлади. Ке, кўй, ёмон хаёлларга борма.

— Агар ижодхонангизга борса-да, утириб олса, менинг портретимни бир чизинг, деб. Сунг, ҳалиги... ул-бул қилиқ қилса... кейин...

— Мадина! Чиройли одамни ишлаш яхши... Бироқ мен унинг суратини чизмайман. Ботир ака, Собир ака, Махмуд ака, эҳ-ҳе, кимлар унинг суратини чизмаган! Мен эса бировларни такрорламайман. Менга ҳамманикига ўхшайдиган картина керак эмас. Биласан-ку, оқ мато мен учун меҳроб. Унинг қаршисида туриш учун одамда маънавий ҳуқуқ бўлиши керак. Энди сенга айтиб ўтирмасам ҳам бўлади, ўзинг ҳаммасига тушунасан. Кўпчилик рассомлар билан бирга ўқидик. Ҳайрат билан фахш ўртасида чегара қўймайдиганларнинг ишлари ҳам ҳалигидай... Яхшимас. Айниқса, ранглари кирми-ей, бир бало... Хуллас, ке, кўй шуни, битта айтган гапи шунча хафа бўлишинга сабаб бўлди. Ўзи яқин йулса, билмадим нима бўларкан, худо кўрсатмасин... Хўп, бўпти, тамом. Вой-бў, қо-воқларини қаранглар, қани битта кул-чи!

Мадина жилмайди. Сунг эрининг кўзларидаги шумликни англади-да, уялиб, юзини кўллари билан беркитди.

* * *

Равшан метро поездининг санжоб вагонида ўтираркан, хаёлга чўмди: «Э тавба, шунинг исмини айтганда ҳамманинг тилидан бол томади. Қўлма-қўл бўлиб юришдан узининг нафсонияти оғринмасмикан? Ё ҳар эркаки алмаштирганда, бир картинани ишлаб тамомлаб, бошқасига қўл ургандек, завқ олармикан? Ёки бирор китобни ўқиб бўлган, бошқасини қўлга олишдек, табиий бир жараёнга айланиб кетармикан?»

Кутилмаганда, бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади, деганларидек, Улугбек бекатидан Гўзал чиқди-да, вагоннинг олд томонига юрди. Кираверишда ўтирган уч йигитча секингина о-о-о-у деб юборишди. Сунг оғизларини хиёл очганча унга термулдилар. Равшан ҳам унга шунчаки, қизиқсиниб назар ташлади. Аввало дид билан кийинганини эътироф этди. Гўзал қўлда тўқилган нафис оқ кўйлақда эди. Кўйлақ унинг жуда нозик белига ёпишиб турар, кўкраклари анордек бўртган бўлса ҳам мутлақо қорни йўқ эди. Қўллари оппоқ ва узун, бироқ озгин эмас, тўлача, қизларники сингари силлиқ эди. Оёқлари ҳам, худди уйғониш даврининг ҳайкалтарошлари ижодиға мансуб, юнон маъбудалариники сингари оппоқ, узун... Равшан энди уни бир қадар кашф қила бошлади. Юзи-чи, юзи, бежирим қилиб турмакланган, қуюқ қора сочлар, очиқ, чиройли пешона, қошлари... қошни шунақа чизишни Чингиз ака

яхши кўрадилар. Катта-катта қора кўзлар, бежирим бурун ва беихтиёр суқинг тушадиган ширин лаблар... Бўйничи, худди оққушникидек...

Равшаннинг кўзига Гўзал бегуноҳ фариштадек, гўё унинг ҳақидаги гаплар асоссиздек туюлиб кетди. Ҳа, деди ўзича, унинг қилган барча гуноҳларини гўзаллиги худди меҳнаткаш фаррошдек ювиб, артиб, тозалаб кетади-ю, у яна қайтадан фаришта бўлаверади.

Гўзал эшикка йўналди. Ҳалиги йигитлар унга эргашдилар. Равшаннинг кўнглида унинг тушиб кетганидан ачинишдек бир нарса пайдо бўлди.

Гўзал йигит томонга ўгирилмаган бўлса ҳам тўғрисидаги дераза ойналаридан бирида унинг аксини яққол кўрди ва ўзига қараб турганини ҳам билди. Хаёлида нима, ёлғиз худо билади. Лекин суқланибми, нозланибми қараб турибди.

Равшан хушини йиғиб олди. У ижодхонасига бориб дўстлари Асқар билан Тўлқинга тайинлади.

— Агар мени Мадинадан бошқа аёл зоти сўраб-суриштирса, йўқман. Яқин орада бўлмайман ҳам!..

— Ҳа, кимдан бекинвотсан! Машхур бўлиш яхши-да, ҳамма сени излайди, гаплашгиси, ошна бўлгиси келади.

— Анави, оти нима эди, бор-ку... Гўзалмиди... бир суҳбатлашмоқчи эканлар.

— Э, уми? Келасан, ўзим суҳбатлашаман. Яхши айтдинг, шоколад-поколад олиб кўяман, — ҳазиллашди Тўлқин.

* * *

Замирахон келинидаги безовталикни сезган, сабабини ҳам бироз пайқагандек эди.

— Келинпошша, — деди у хамир қораётган Мадинага, — сиз ишга чиқа қолмайсизми?

— Вой, ойижон, ҳали отпускам тамом бўлгани йўқ-ку! Сиз рухсат берасизми?

— Келинжон, ўғлим иккалаларинг худди узукка кўз кўйгандайсизлар. Бир-бирингизга меҳрибончиликларингизни кўриб, доим қувонаман. Энди уни ҳадеб газеталар ёзиб, суратини чиқариб ётибди. Ким кўп, ёмон кўп. Биронта мегажин йўлдан ўриш пайига тушмасин, дейман. Ишхонангиз яқин. Тушликларда ёнига боринг, хуллас, ёнида бўлинг. Сиз бу ёқда рузгор билан бўлиб, у ёқда у буйдоқдек бўлиб қолмасин. Яхши-яхши кўйлақларингизни кийиб, ҳар куни ишга бирга жўнайверинг. Ойим тайинлаганлар, деб иложи бўлса, бирга қайтинг.

Мадинанинг кўзига яна дувв этиб ёш келди.

— Вой, ойижон-эй, ўзимнинг ойижоним-эй! Сиз шунақа яхши экансиз-а, ҳали ўқиб юрганимизда узокдан келин қилмайман деганингизни эшитиб, куйиб адо бўлгандим. Рози бўлганингизда ҳам, сиздан роса қўрққандим. Сиз эса, бунақа экансиз-ку...

Замирахон ийиб кетиб, келинини қучоқлади:

— Ўзим айланай сиздан... айланай сиздан..

Давоми келгуси сонда.



Рузи Қодирий

ЖОН ХУРРИЯТ ОҒУШИДА, ЖУШАР ЭРКИМ ЧАШМАСИ

Саодатим

Мен саодат куйчисиман, саодатим кулса, бас,
Дилсозимдан, қўшигимдан қилча мамнун бўлса, бас.
Мен наволар туқигайман юрагимнинг кўридан,
Куйларимга тикиб кулоқ, бир ишорат қилса, бас.
Тилларимда номи такрор, дилда доим ёдланар,
Нурдек балқиб ҳар субҳидам бир башорат қилса, бас.
Қувонтириб дўстларимни, камолимни ардоқлаб,
Барча рақиб дамин бўғиб, бир каромат қилса, бас.
Бахтиёрман бир умрга ишқи ёнса жисмимда,
Қайноқ меҳри оташидан чин ҳарорат солса, бас.
Яйрагайман, яшаргайман кўриб ҳуршид юзини,
Уфқ буйлаб зарга буркаб, нурга чулғаб келса, бас.
Гулларинг оч, ҳидларинг соч, хазон кўрма, баҳорим,
Саодатим қучоғига сўнмас гуллар тўлса, бас.
Саодатга боғланган бу эътиқодим беқиёс,
Унга севгим, садоқатим чашма бўлиб қолса, бас.
Ён ловуллаб, бахтим порлат, чарақлайбер, осмоним,
Бир юлдузчанг бўлай дейман, саодатим билса, бас.
Саодатнинг муҳаббати кимни қилмас газалхон,
Газалхонлар қаторида назарига илса, бас.
Бу хуррият диёрида куйлар хушнуд Қодирий,
Куйига жўр дилнавозлар дилкаш созин чалса, бас.

Сенинг

Сенга яшаш на керак, бўлмаса хуш онинг сенинг,
Мақтанмоқ оқилга ёт, бўлмаса жавлонинг сенинг.
Аросатда мудраганнинг манзилга етмоғи гумон,
Олга бошлаб бонг урар бўлмаса карвонинг сенинг.
Кайси дил ёлқинланар ёндирмаса юрт оташи,
Умрингга татир шаъмин ёқмаса маконинг сенинг?!
Одам забт этолмагай юксак чўққилар бошини,
Элдур умиду таянчинг, кучу дармонинг сенинг.
Ҳеч қачон қулоч ёзолмас на камол, на бир мурод,
Маслак машъалинг ёқиб, боқмаса замонинг сенинг.
Ким қувонч торин чекур тотмаса ҳаёт лаззатин,
Билки, манглай теридир, у роҳат уммонинг сенинг.
Кўнгулни яйратар куйлар янграмас ғам дастидан,
Хур диёр имконлари бўлмаса имконинг сенинг.
Қодирли саодатинг бу, диёрингнинг тўқфаси,
Таралса хушнуд оҳангинг, кулмасму армонинг
сенинг?!

Насиб бўлибдир

Гуллар завқи, сеҳри, ишқи кўнглумни ром қилибдир,
Тоза гулга жонни фидо этмоқ насиб бўлибдир.
Тугилдимки, гулга шайдо, гуллар танлаб терарман,
Менга гард кўнмаган гулга етмоқ насиб бўлибдир.
Гулга қиёс, ёрга қурбон, жон олиб, жон берарман,
Мушки анбар гул васлида утмоқ насиб бўлибдир.
Дилимни ёқди гулнурлар, яшолмам гулнурларсиз,
Гулнурларимга бир қўшиқ битмоқ насиб бўлибдир.
Бунчалар орли, ҳаёли, иболи дилоромлар,
Уларни қалбим тўрида кутмоқ насиб бўлибдир.
Сўйлаяпман раънолар-чун ғазаллару дostonлар,
Ҳар қайсига меҳрим сатрин битмоқ насиб бўлибдир.
Мўъжизалар яратмишким, тенгсиздир бир-биридан,
Бунёдкор қўлларга кўзим суртмоқ насиб бўлибдир.
Фасоҳату нафосатда баҳордаин тенгдошсиз,
Кашфиётчиларга салом айтмоқ насиб бўлибдир.
Озод, жўшқин салоҳият намойиши эрур бу,
Қодирийга эркнинг тотин тотмоқ насиб бўлибдир.

Тингласин

Эй дил, ёниб сўйлашларинг еру осмон тингласин,
Ошиқлардек нолишларинг дardли жаҳон тингласин,
Диллар аро оқишларинг ҳамдard, ҳамжон тингласин,
Юракларни ёқишларинг малҳам, дармон тингласин,
Булбулга жўр сайрашларинг шодон ҳар он тингласин,
Савти наво куйлашларинг назмий ошён тингласин!

Жон хуррият оғушида, жўшар эрким чашмаси,
Қалбимдан-қалбларга оқар: дустлик, меҳрим
нашъаси,

*Унда ёнмиш кўзим шамъи, мавжда руҳим шуъласи,
Эшилмиш тонг ёгдусига, оҳанрабо наъмаси,
Булбулга жўр сайрашларинг саболи тонг тингласин,
Савти наво куйлашларинг мунаввар онг тингласин!*

*Мен саболар қанотида, дил садо осмонида,
Мен нигоҳлар оташида, дил зиё уммонида,
Мен вафолар бўстонида, дил меҳр достонида,
Мен висоллар масканида, дил мурод бўстонида,
Булбулга жўр сайрашларинг баҳор, бўстон
тингласин,
Савти наво куйлашларинг гул-гулистон тингласин.*

*Бу — фидолар маскани бу, жасур мардлар қайнагай,
Терларидан зар ундириб, бахтин ҳар кун туйлагай,
Муборақлаб дўст-ошнолар бир-бирини қутлагай,
Саккиз ёшдан саксон қадар қинга сиймай уйнагай,
Булбулга жўр сайрашларинг васли армон тингласин,
Савти наво куйлашларинг давру даврон тингласин!*

*Бу қисматим маъвосидир, посбонлигим куйлагум,
Авлодлардан-авлодларга етқизмоқни уйлагум,
Бу қиёмат қарзлигини чўнг-кичикка сўйлагум,
Ватан тинглар, олам тинглар, сирим ошкор айлагум,
Булбулга жўр сайрашларинг аҳду паймон тингласин,
Савти наво куйлашларинг ору иймон тингласин.*

*Бенавога хониш ўргат, чектиргил наволи соз,
Бенавога ризо берма, мудом билдир эътироз,
Бедардлар сўнгани сайин, ундан кетар баҳор, ёз,
Сайра ушшоқ мақомига Қодирийким жўровоз,
Булбулга жўр сайрашларинг ошуфта жон тингласин,
Савти наво куйлашларинг элга қурбон тингласин!*

1999 йилда журналимиз саҳифаларида ўқийсиз:

«АЛПОМИШ» достони 1000 йиллигига. Бу кунги назар.

Абдурауф Фитрат.

ОИЛА ЁКИ ОИЛА БОШҚАРИШ ТАРТИБЛАРИ.

Рисола.

Сизга нотаниш асар.

Шароф Рашидов, ИСМОИЛ АКРАМ. РАВШАН.

Драма.

Усмон Носир. ДУШМАН.

Драма.



Гулчеҳра Нур

Қотуқлик

*Достондан кичик,
шеърдан катта битик*

1

*Ажойибот, гаройиботдан
Ёза билмас митти қаламим.
Оддийгина кулбали, зотан,
Сўз оламим, хаёл оламим.
Буролмасман дарёлар сари
Ярқираган ойли ирмоқни.
Эгілолмасман кўплар сингари
Қизиқ қилиб сўзлаб бермоқни.
Билганларин, шундай бўлса ҳам,
Айтмоққа ўч хаёлкаш қалам.*

2

*Ўн еттига кирган Дилобар
Сулувлиқда мислсиз эди.
Сочи куйлак билан баробар,
Кўрганларнинг дили «жиз» эди.
Қоп-қора қош, кўзлари, алҳол,
Қаймоқ юзда «мана мен»ларди.
Ўнг яноқда турган дона хол
Қорачигдай жойни энларди.
Кимлар суқин солган эканми,
Қорачиги қолган эканми?!*

3

О, қиз юрса... О, қиз юрганда,
 Сарви сунбул айлар хиромон.
 Йигит кўзлар ногоҳ кўрганда
 Дерки: «Э воҳ, жаннат ароман!..»
 Бунча хусн, малоҳат, ибо
 Бир рухсорда ҳеч зуҳур бўлмас.
 Ҳур қизлар ҳам бунчалар зебо,
 Парилар ҳам бунча ҳур бўлмас.
 Уз зоти ҳам боқаркан гирён,
 Онасида бормикин армон?!

4

Йигитларни ўртарди малак,
 Ўртар эди мулзам бўлишлар.
 Билолмасдан кўплар жонҳалак:
 Бу қиз қандай умрдош хушлар?!
 Қайтишганди остонасидан
 Талайгина совчилар қуруқ.
 Бир бор кўрар ё кўрмасидан
 Қиз жавоби бўлар эди: «Йуқ»!
 У қалбидан туғён кутарди,
 Туғёнга бек ўғлон кутарди.

5

«Кутганим шу!» — ўйлади гўзал,
 Бошин эгиб турганида алп.
 Айтмади у сеҳрли сўзлар,
 «Мен, — демади, — ошуфтаҳол қалб».
 «Майлими...» — деб, қиз раъйин сураб,
 Сўнг бошлади қабристонга у.
 Қабртошга лаб босди, ё раб,
 Бу соҳир кўз, бу латиф туйғу.
 Сўзларининг жодуси борми,
 Қиз орзуманд ёгдуси борми?

6

«Бувижоним, айлангиз дуо,
 Шу қиз менинг оқ гулим бўлсин!
 Уни бахтли кўрмоқ — муддао,
 Севгим бўлсин, севгилим бўлсин!
 Майли, қабрим тўлдирсин илон,
 Ишқ фармонин бажо этмасам.
 Буви, сизнинг руҳингиз билан
 Севги учун ичаман қасам.
 Шу париваш истаги бўлай,
 Мен ҳам унинг меҳрига тўлай!..»

7

Қиз дегани қадим-қадимдан
 Дил бўлади, дилдор бўлади.
 Ипак тортиб қатим-қатимдан,
 Гул бўлади, гул ёр бўлади.
 Йигит эса нигоҳи чақмоқ,

Мард бўлади, мардон бўлади.
Қиз кўксини айлағувчи тоғ,
У гуркирар майдон бўлади.
Шу бўларки қиссадан ҳисса,
Жаннат бўлар, икков севишса.

8

«Яқин эмиш Дилобар тўйи...»—
Хабар зумда тарқалди-кетди.
Кимлар боши эгилди қуйи,
Кимлар қалбин ўкинч чок этди...
«Куёв киммиш?» «Қўшни қишлоқлик
Шариф деган муаллим эмиш...»
Маҳалла-қуй кўнглуда оқлик,
«Икков қўша қаришсин», — демиш.
О, сиз — менинг дуоғўй халқим,
Тоза ният, тоза ўй халқим!..

9

Лабларида қип-қизил чечак
Баҳор чирмаб юзу кўзини,
Оқ кўйлақлик оппоқ келинчак
Гушангада кўрди ўзини.
«Жоним!..»
Гўзал кетди сесканиб:
Ё раб, бу не бегона товуш?!
«Ие, сиз... сиз... Шарифжонмасми?..»—
Қиз бошидан учди буткул хуш.
«Мен кўрқиб... рад этмогингиздан...
Дўстим кўнгул олганди сиздан...»

10

Ўлди, ўлди, қиз кўзидаги
Қайноқ-қайноқ меҳрлар ўлди.
Ўлди, ўлди, наргизидаги
Булоқ-булоқ сеҳрлар ўлди.
Сийнасида эди, ўлди, оҳ,
Одамларга ишонч каптари.
Гул эмас, йўқ, кул бўлди ногоҳ,
Ишқ дафтари, умр дафтари.
Номард атаб куёвни қалам,
Ёзолмади ҳатто номин ҳам.

11

Бир нуқтага тикилганича
Ўлтирди қиз бир кеча-кундуз.
Осмонида тўкилганича,
Ниҳон бўлди куёш, ой, юлдуз.
Кейин, деди: «Қотилсиз. Лекин
Обрўйингиз тўка олмасман.
Эл-юртга ош тортсангиз букун,

Номусингиз бука олмасман.
Чиқмагайман остона босиб,
Лекин сизга... бўлмасман насиб...»

12

Нима қилиб қўйдинг сен, макр,
На айтиб, на солиб бўлар дод?!
Икков кирар эшик биттадир,
Икки юрак айродир, ҳайҳот!
Аросатга ўшар робита,
Топталган қалб неларга қодир:
Ўртадаги дастурхон битта,
Фотиҳалар буткул айродир.
Кун келарми шифоли, нурли,
О, бу дўзах қанча умрли?!

13

Бошда куёв қилганди хаёл:
Кун, ой ўтар... қолгай қиз кўниб.
Йуқ! Йуқ!!!
У мунг тўқди бемажол...
Зор қақшади... Кўрди юкиниб...
Йуқ! Йуқ!!!
Ёниб минди ғазабга...
Қилиб кўрди дағдагаю дўқ...
Изн берди титроқ асабга...
Куч курсатди...
Барибир... Йуқ! Йуқ!!!
Найранг кўксин поралаган қиз
Асаб, кучга букарканми тиз?!

14

Бу шундай дард, шундайин сазо,
Икки дилни айларди ғариб.
Топиб бўлар на унга қазо
Ва на бўлар уйдан чиқариб.
Чиқарсангиз... Бу юҳо-ютоқ
Кўзларингиз баттар ёшлагай:
Қиз-иффатни айлагай-да доғ,
Эр-номусни букиб ташлагай.
Иффат — ҳижоб фариштага хос,
Номус эса — йигитга либос.

15

Кунлар ўтар, ўтар ой, йиллар,
Қиз алдовни кечира олмас.
Бир афсуски, ўқрар, чийиллар,
Йигит дилдан ўчира олмас.
Бу — ҳаётмас, томирлардаги
Борки қонни сургувчи каззоб.
Уқубатнинг кўринмас таги,

Тугагувчи эмас бу азоб.
Ўлиб сурур, ёшлик — тик қоя,
Яшар фақат икковда соя.

16

Йигит борар тобора нураб,
Дилни-дилга пайванд этолмай.
Юпун қалбни қўймайди ўраб —
Қиз, алдовни ёнлаб ўтолмай.
Йигит ўхшар тугаган шамга,
Нурни тунга кўчиrolмасдан.
Қиз эса-чи, содиқ — қасамга,
Ҳийлаларни кечиролмасдан.
Алдов, макр кечирилса гар,
Ҳаёт тугар, коинот тугар.

17

Бўларкансиз «Ёр-ёр»ларга сас,
Эй янгалар, келинчакка сиз
Остонаси тилло уй эмас,
Қалби тилло ёрни тилангиз.
Самоларнинг кўклигин тиланг,
Тиланг яна юксаклигини.
Мардлиги, чин сўзлиги билан
Энг покиза юраклигини.
Поклик, ахир, ҳаёт устуни,
Келин-куёв сеп билсин уни.

18

Кувлик тўн тўзиди, бироқ
Тўзимасди бедаво оҳи.
Янгиларди ҳар соат, ҳар чоғ
Дилбарнинг маънос нигоҳи.
Янгиларди муттасил, тинмай
Ҳатто саси, ҳатто шарпаси.
Эр кўкракка тушар пайдар-пай
Хатосининг чўқмор зарбаси.
Насиб этмай жаннатий васл,
Зарбалардан йигит бўлди сил...

19

Қабр турар, қабрлар аро,
Тупроғини шамол юлқийди.
Ўтлар босган... бейўл... бедуо...
Кўрган кўздан савол силқийди.
Ким ётибди? Жувонмарг орзу,
Муҳаббатнинг ботилимасми?
Тубанликка, риёга кўзгу —
Ишқу ишонч қотилимасми?
Худо билар, эҳтимолки, ул
Ҳам қотилу ҳам мақтул, мақтул?!

Нажмиддин Мирмаҳмуд

Имом ал-Бухорий ва «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»

Таржимаи ҳоллари

Уламолар пешвоси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Жуъфий ал-Бухорий ҳижрий 194 йили Бухорода туғилиб, отадан етим ўсдилар. Боболари Муғийра Бухоро волийси Исмоил ал-Жуъфийнинг хизматкори эди. Ун ёшга етмай ҳадисларни ёдлай бошладилар. Илм талабида Шом, Миср, Жазира ва Ироқларга бордилар. Ҳижозда олти йил қолиб, ҳадис илмининг пешволаридан ҳадис ургандилар. Ун саккизга тўлмасларидан одамлар у кишидан ҳадис оладиган бўлишди. Мингга яқин устознинг суҳбатини олганлар. Биронта ҳадис олими ҳақида эшитсалар, албатта бориб, у ҳақда сўраб, унинг илмидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилганлар. Турли шаҳарларга борганларини баён этиб, ўзлари ҳақларида шундай деганлар: «Шом, Миср ва Жазирага икки марта борганман, Ҳижозда олти йил турганман, Куфа ва Бағдодга муҳаддислар билан неча марта борганимни ҳисоблай олмайман». 600 мингдан ортиқ ҳадис йиғганлари ҳақида маълумотлар бор. Ниҳоятда тақводор, Оллоҳдан кўрқадиган зот эдилар. Оз овқат ер, кечалари кам ухлар, илм олиш ва илмий китоблар ўзишга жуда тиришқоқ эдилар. Кечаси ўн саккиз марта ёки ундан ҳам кўп туриб чироқни ёқар, баъзи ҳадисларни эслаб ўзиб кўяр, баъзиларининг устида изланиб, аниқлаштириб олар эдилар.¹ У кишининг Пайғамбар (а. с.) ҳадисларидан бошқа ташвишлари йўқ эди. Шунинг учун ҳам кечаю кундуз шу илм билан машғул бўлдилар. Талабаларга кўп яхшилик қилар, уларга нисбатан мулоим эдилар. Ўзларига қарши бўлган одамлар билан ҳам одоб сақлаб гаплашардилар. Ривояти қабул қилинмайдиган кишилар (мажруҳ) ҳақида кўп гапирмас, агар бирон кишининг ривояти қабул қилинмаслигини айтиб қўймоқчи бўл-

¹ Ибн Абу Шаҳба. «Аълум ал-муҳаддисийн».

салар, «Бу ҳақда фикрлаб кўриш керак»; ёки: «У ҳақда индашмаган», деб кўярдилар. Ҳадис ривоятчилари ҳақида танқидчиларнинг фикрини келтириш билан кифояланардилар. Кунлардан бир куни:

— Оллоҳ таолога йўлиққанимда мени бировни гийбат қилганим учун ҳисоб-китоб қилмаслигини умид қиламан, — дедилар. Шунда ўтирганлардан бири:

— Сиз баъзи ривоятчиларнинг ривояти қабул қилинмаслигини айтгансиз, — деганида, у киши:

— У (гаплар) ривоятдир, биз ўзимиздан чиқариб айтмаганмиз, — дея жавоб берганлар.

Оллоҳ таоло ҳамма уламоларнинг қалбига у кишига мойилликни солган.

Маҳмуд ибн Нозирийн Сахл аш-Шофиъий шундай деган эди: «Басра, Шом, Ҳижоз ва Куфага бориб олимларни кўрдим. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан сўз очилса, уни ўзларидан ҳам устун кўярдилар».¹

У киши етуклик (камолот), хотира ва зийраклик бобида инсонларга ўрнак бўладиган эдилар. Бағдодда бўлиб ўтган бир ҳодиса буни тасдиқлайди. Бу воқеани тарих ва ҳадис уламолари ўз китобларида келтирганлар. «Бағдод уламолари Имом ал-Бухорийнинг хотиралари, зийракликлари ва етукликларини синая кўрмоқчи бўлдилар. Муҳаддислар юзта ҳадисни матни билан ривоятчиларни (иснодини) чалкаштириб, уларни ўн кишига ўнтадан бўлиб бердилар ва мажлис вақтини белгилаб, бу ҳадисларни ал-Бухорийга айтишни буюрдилар. Мажлисга Бағдод ва бошқа шаҳарларнинг ҳадис уламолари йиғилдилар. Ҳамма келгач, мазкур ўн кишидан бири рухсат олиб, Имом ал-Бухорийдан ҳозирлаб кўйилган ҳадис ҳақида сўради. Ал-Бухорий: «Билмайман», деб жавоб бердилар. У киши бирма-бир ўнта ҳадисни айтиб чиқди. Шу йўсинда юзта чалкаштирилган ҳадисни айтиб бўлишди ҳамки, «билмайман»дан нарига ўтмадилар. Улар ҳамма ҳадисни айтиб бўлишгач, ал-Бухорий биринчи айтган одамга қараб: «Сиз айтган биринчи ҳадис мана бундай эди, иккинчи ҳадис мана бундай эди», деб то юзта ҳадиснинг ҳаммасини матни ва ривоятчилари билан жойига келтириб айтиб бердилар. Шунда йиғилганлар у кишининг хотиралари мустаҳкамлигига иқрор бўлиб, моҳирликларини тан олдилар».²

Имом ал-Бухорий фақатгина ҳадис йиғувчи бўлиб қолмай, балки аҳли раъй (фикрга таянувчилар) ва Ибн ал-Муборакнинг (118—181) китобларини кўриб чиққан ва мужтаҳид олимлардан бўлган эдилар. Имомнинг фақиҳ ва мужтаҳидликларига ўзларининг тупламлари гувоҳлик беради. аА-Бухорий тўпламларини илмий ва фикҳий бобларга бўлганлар, бу билан ҳадиснинг фикҳи ва (ички) қирраларини кўрсатмоқчи бўлганлар. Гоҳида ҳадисдан чиқадиган маъноларни бобга сарлавҳа қилиб кўйганлар.

¹ Имом Нававий. «Саҳиҳи Бухорий шарҳи».

² Хатиб Бағдодий. «Тарихи Бағдод».

Баъзида ҳадислар бир неча ўринда такрорланиб келади. Бу эса ҳадисдан чиқадиган турли узига хос маъноларга ишорадир.

Боблардаги фикъий маънолар ва уларни далил қилиб олиш мумкинлигини кўрсатиш учун бобларнинг сарлавҳасида оятлар, ҳадислар, саҳобалар ва тобеъинларнинг фатволаридан келиб чиқадиган кўплаб илмларни айтиб кетганларидан уламолар орасида: «Ал-Бухорийнинг фикъи сарлавҳаларда», деган гап тарқалган.¹

Уламолар у кишининг олимликлари ва фозилликларига гувоҳлик беришган. Ал-Бухорийнинг устозлари Муҳаммад ибн Башшор ал-Ҳофиз (ҳ. 167—252) шундай деган эдилар: «Дунёда зехни ўткирлар тўртта: Райда Абу Заръа, Нишопурда Муслим ибн ал-Ҳажжож, Самарқандда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Даромий, Бухорода Муҳаммад ибн Исмоилдир». Ибн Башшор ал-Бухорий ҳақларида яна: «Бизларга ҳали ал-Бухорийга ўхшагани келмади», деганлар. Имом ат-Термизий (ҳ. 209—279): «Ироқда ҳам, Хуросонда ҳам иллатлар² маъносини, тарихини ва ривоятчилар тартибини билишда Муҳаммад ибн Исмоилдан олимроқ одамни кўрадим»,³ деган.

Ишончли тўпламлари

Имом аз-Заҳабий (ҳ. 673—748) шундай дейди: «Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»и ислом (олами)да Оллоҳнинг китобидан кейинги энг улуғ ва афзал китобдир. Агар бир киши уни эшитиш учун минг фарсах йўл босиб келса ҳам, сафари зое кетмайди». Одамлар битта ҳадис эшитиш учун кунлаб йўл юришарди. Минглаб ишонарли ҳадислари бор бўлган китоб учун қанча изланса, шунча оздир. Бу фақат саҳиҳ (ишонарли) ҳадислар киритилиб, бошқалари қўшилмаган илк китоб эди. Фақиҳ ва муҳаддис Имом Киттоний айтган эдилар: «Саҳиҳ ҳадисларни бошқаларидан ажратиб олиб тўплаган киши битта Имом Абу Абдуллоҳ ал-Бухорийдир (Оллоҳ у кишини раҳмат қилсин). Ундан олдинги китобларда саҳиҳ ҳадислар билан бирга бошқалари ҳам аралаштирилган эди. У бизнинг олдимиздаги Куръондан кейинги энг ишонарли китобдир».⁴

Бу китобни ёзишга у кишининг устози Исҳоқ ибн Роҳувайҳ (ҳ. 161—238) сабаб бўлган эди. Ал-Бухорий шундай ҳикоя қиладилар: «Исҳоқ ибн Роҳувайҳнинг ҳузурда утирганимизда, у: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳиҳ суннатлари тўпланган ихчамгина китоб қилингиз», деди. Шунда бутун вужудимни шу фикр қамраб олди ва «ишонарли тўпламни» жамлашга киришдим».⁵ Уни ёзишни Ҳарами Шарифда бошлаб, ўн олти йил давомида ёзиб, Бухорода тугатганлар. Ҳар бир

¹ Ибн Хажар. «Фатҳ ал-Борий» муқаддимаси.

² Ҳадисларнинг ишонарсиз иснод ила ривояти.

³ Имом Термизий. «Китоб ал-Илал».

⁴ Тақийиддин ан-Надавӣ. «Илм рижол ал-ҳадис».

⁵ Имом аз-Заҳабий. «Сияр аълом ан-нубало».

ҳадисни ёзишдан аввал гусл қилиб, истихора¹ намозини ўқиб, кейин ёзардилар.

Фирабрий² (х. 231—320) ривоят қилишича, ал-Бухорий ҳазратлари: «Бирорта ҳадисни истихора қилиб, саҳиҳлигига ишонч ҳосил қилмагунимча, тўпламга киритмадим»,³ деган эканлар.

Ал-Бухорий тўпламига фақат саҳиҳ ҳадисларнигина кири-тиб, китоб узайиб кетмаслиги учун ҳаммасини олмаганлар.

«Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ҳадисларининг сони

Тўпламдаги ҳадисларнинг сони ҳақида маълумотлар манбаъларда келтирилган. Улар бизга қуйидаги хулосага келишимизга сабаб бўлди: Абу Амр ибн ас-Салоҳ (643/1245) ўзининг «Ибн ас-Салоҳ муқаддимаси» номли асарида «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» тўпламидаги такрорланмаган ҳадисларнинг сони «тўрт минг»тадир, такрорланиб келадиганлари билан «етти минг икки юз етмиш бешта», деб айтади.

Бироқ ибн Ҳажар (852/1449) жуда синчковлик билан санаб, ҳадислар сонини ўзининг «Фатҳ ал-Борий фи Шарҳи ал-Бухорий» номли асарининг муқаддимасида қуйидагича келтиради:

1. Мутабаъат (кетма-кет давом этувчи) ҳадисларнинг сони 344 та.

2. Таъалиқ (ҳошиясида изоҳ билан келган) ҳадисларнинг сони 1341 та.

3. Такрор келмайдиган мавсула (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга боғланган) ҳадисларнинг сони 2602 та.

4. Такрор келадиганлар билан сони 7397 та.

5. Тўпламдаги барча ҳадисларнинг сони 9082 тадир».

Мазкур тўпламнинг асримизда нашр қилинганларидаги ҳадислар саногои ҳақида сўз юритсак, бир-биридан бир оз фарқ қилади. Чунки улар турли котиблар томонидан турлича рақамлангандир.

Тартиби ва боблари

Имом ал-Бухорий ҳадисларни мавзуларга ва бобларга ажратиб тартибга солганлар. Бошқа муҳаддислар ҳам у кишининг услубларига ва тартибларига эргашдилар. Бу тартибларни ўзлари (Оллоҳ у кишини раҳмат қилсин) ёзганларидек келтириб ўтиш фойдадан холи бўлмаса керак:

Ваҳийнинг бошланиши; Иймон; Илм; Таҳорат-гусл; Ҳайз; Таяммул; Намоз; Намоз вақтлари; Азон; Жума; Қурққанда (хавф туғилганда) ўқиладиган намоз; Икки ҳайит намози; Витр; Сув (ёмғир) сўраб ўқиладиган намоз; Қуёш тутилганда ўқиладиган намоз; Қуръон саждаси (саждаи тиловат); Намоз-

¹ Икки ракат намоз ўқиб, ишининг охирини хайрли қилишини Оллоҳдан сўраш.

² Бухорийдан жуда кўп мартаба «ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» асарини ривоят қилган шогирдларидан.

³ Тақийиддин ан-Надавий. Имом ал-Бухорий ҳаёти.

ни қаср ўқиш; таҳажжуд; Макка ва Мадина масжидларида ўқиладиган намоз; Намоздаги амаллар; (Намозда қилинган) хато; Жанозалар; Закот; Ҳаж; Умра; Ҳаж ё умра йўлида тўсқинликка учраган киши; Мадина фазилатлари; Руза; Таровиҳ намози; Лайлатул-қадр кечаси фазилати; Эътикоф; Савдолар; Осойишталик; Ижара; Пул утказиш; Кафолат; Ваколат; Деҳқончилик ва боғдорчилик; Юриш (ўйинда); Қарз олиш ва узиш; Келишмовчиликлар (хусумат); Топилдик; Зулм билан олинган нарсалар ва газаб; Шерикчилик; Гаров, қул озод қилиш; Озод қилинишга шартнома тузилган қул; Ўзини бахшида этиш; Гувоҳликлар; Сулҳ; Шартлар; Васиятлар; Жиҳод ва саёҳат; Беш фарз; Жузя (тўлов); Яратишнинг бошланиши; Пайғамбарлар; Хулқ-атворлар; Саҳобаларнинг фазилатлари; Ансорийларнинг хулқ-атворлари; Қуръон тафсиридан чиқадиган маънолар; Қуръон фазилатлари; Никоҳ; Талоқ; Нафақа; Таомлар; Жонлиқ сўйиб ақиқа қилиш ва ов; Қурбонликлар; Ичимликлар; Касаллик; Табобат; Кийим; Одоб; Ижозат сўрамоқ; Дуолар; Латиф сўзлар; Тақдир; Қасамлар ва назрлар; Каффоратлар; Мерос; Дарралар; Хунлар; Диндан қайтганларни тавба қилдириш; Мажбурлаш; Ҳийлалар; Туш таъбири; Фитналар; Ҳукмлар; Орзу; Ёлғиз ривоятчилар (оҳад) орқали келган хабарлар; Китоб ва суннатга бирлашиш; Тавҳид.

Тўпلامдаги мавзулар (китоблар) сони 97та бўлиб, ҳар бир китобни бобларга бўлганлар ва ҳамма бобнинг сони 3405 тага етади.

Бу тартибни ўргансак, китобнинг нима учун «Тўпلام» деб номланганининг сабабини тушуниб етамиз. «Тўпلام» деб ҳадисшунослар тилида қуйидаги саккиз бобни ўз ичига олган асарга айтилади:

1. Ақида боби.
2. Ҳукмлар боби.
3. Латиф сўзлар боби.
4. Ейиш-ичиш одоби боби.
5. Тафсир, тарих боби.
7. Фитналар боби.
8. Таржима ҳоллари боби.

Бошқа тўпلامлардан фарқи

Аввало, ундаги ҳадисларнинг ҳаммаси саҳиҳ бўлиб, заиф¹ ва ҳасан² ҳадислар йўқ.

Иккинчидан, ҳадисларнинг ривоятчилари (исноди) кетма-кет бир-бирига уланиб келган, узилиб қолган жойлар баъзи бир сабаб билан бўлиб, жуда кам.

Учинчидан, бу китоб саҳиҳ ҳадисларнинг қисқача тўплами бўлиб, ҳамма саҳиҳ ҳадисларни ўз ичига олмаган. Имом ал-Бухорий бу хусусда шундай дейди: «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ»ни ўн

¹ Заиф — ишончсиз ва асоссиз ҳадис.

² Ҳасан — ишончли, аммо, саҳиҳдан қуйи даражадаги ҳадис.

олти йил давомида туздим. Уни юз минг саҳиҳ ҳадислар орасидан танлаб олиб, ўзим билан Оллоҳ ўртасида ҳужжат қилдим.»¹

Туртинчидан, бу китобни ёзишдан мақсадлари фикҳ аҳкомларини чиқариб олиш, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таржимаи ҳолларини келтириш ва Қуръонни тафсир қилиш эди.

Бешинчидан, китобдаги ҳадислар такрорлаб ёки бўлиб келтирилган. Бунинг сабаби: битта ҳадис гоҳида бир неча ҳукмларни ўзида мужассам этади, натижада бу ҳадисни ўзидан келиб чиқадиган ҳукмга мос келадиган турли хил сарлавҳалар остида келтиради. Шунинг учун ҳам Ибн Ҳажар: «Албатта, ал-Бухорий ҳадисни бирон-бир фойдаси учун такрорлаб келтирган. Бу фойда гоҳида ҳадис матнида, гоҳида ривоятчилар тартибида, гоҳида эса, икковида бўлиши мумкин. Тўпلامда бир хил суратдаги ҳадис икки ёки ундан кўп жойда келган ҳолатлари жуда оз», деган эди.²

Олтинчидан, бу асар ҳадис, фикҳ ва ҳукм чиқариб олиш китобидир. Имом ал-Бухорий ҳадисларни фақат айтиб ўтиш билангина кифояланмай, уларнинг фикҳи, шарҳи ва ўрганилиши ҳақида ҳам сўз юритади. Гоҳида сарлавҳани оят ёки ҳадис билан боғлайди. Натижада изланувчи-тадқиқотчига айланади.

Масалан, жоҳилият ишларидан ғуноҳ ҳисобланганлари ва уларнинг ширкдан бошқасини қилган одам кофир бўлмаслиги бобини олайлик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Заррга: «Сен жоҳилияти бор одамсан», деган сўзларига ва Оллоҳ таолонинг: «Оллоҳ ўзига ширк келтиргани кечирмайди ва ундан бошқасини хоҳлаган одам учун кечиради», деган сўзига биноан. Сулаймон ибн Ҳарб айтади: «Бизга Шуъба ибн Восил ал-Аҳдаб Маърурдан шундай деганини айтиб бердилар: «Рабазда Абу Заррни кўриб қолдим. Эғнида кийимнинг бир қисми, хизматкорининг эғнида бир қисми. Ундан бу ҳақда сўраганимда, у: «Бир киши билан айтишиб қолиб, уни онаси билан айбладим. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Абу Зарр, онаси билан айбладингми? Сен жоҳилияти бор одам экансан. Хизматкорларингиз — биродарларингиз. Оллоҳ уларни сизнинг қўл остингизда қилиб қўйибди. Кимники биродари қўл остида бўлса, унга ўзи еганидан едирсин ва ўзи кийганидан кийдирсин. Уларга қилолмайдиган ишларини буюрманглар. Агар буюрсанглар, ёрдамлашинглар», дедилар.³

Еттинчидан, шарҳ, ривоятчиларнинг таржимаи ҳоли ва мундарижа борасида Бухорийнинг тўпلاميға бирорта ҳадис китобиға қилинмаган кўп хизматлар қилиниб тадқиқотлар ўтказилди. Бу ҳақда доктор Шавқий Зойф⁴ шундай деган эди: «Ўтмиш уламоларимиз бизга, яъни, олимларга матнлар тадқиқоти борасида уларга аниқлик киритадиган бирон-бир қўшимча қилишға арзиғулик нарса қолдирмадилар».

¹ Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Фатҳ ал-Борий» муқаддимаси.

² Ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Фатҳ ал-Борий» муқаддимаси.

³ Саҳиҳи Бухорий.

⁴ «Ал-Баҳс ал-Адабий» китобининг муаллифи.

Бошқа китоблари

Имом ал-Бухорий ёшликлариданоқ ҳадис ёдлаб, уларни ёзиш билан машғул бўлдилар. Ўзлари ҳақида: «Ўн саккиз ёшга етганимда, саҳоба ва тобеъинларнинг сўзлари ва воқеаларини ёзар эдим. Ушанда ойдин кечалари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрлари ёнида «Тарих»ни¹ ёзган эдим», деганлар. Яна у кишининг «Мингдан ортиқ киши ҳақида ёздим», деганлари ҳам ривоят қилинади.

Ёзган китобларининг орасида «Катта тарих» китоби ҳам бўлиб, унда саҳобалар замонасидан ўз замоналаригача ўтган давр ичида ҳадис ривоят қилган кишиларнинг исмлари ёзилган. Улар эркагу аёл, ишончли ва ишончсизларни қўшиб ҳисоблаганда 40 мингга яқинлашиб қолади. Ҳоким² бу 40 минг киши орасидан ишончсизларни йиғиб чиққанларида улар 126 тадан ортмаган. Тож ас-Субкий шундай деган эди: «Бундан олдин бундай китоб ёзилмаган. Бундан кейин ёзилган тарих, исмлар ёки кунялар³ ҳақидаги асарлар шу китобдан келиб чиққан».

Ал-Бухорийнинг яна «Ат-Тарих ал-Авсат» (Ўрта тарих) ва «Ат-Тарих ал-Сағир» (Кичик тарих) китоблари, «Ал-адаб ал-Муфрад» (Адаб дурдоналари) номли ҳадис китоблари, «Ал-Куня» (Кунялар), «Ал-Ваҳдон» (Яккалик), «Аз-Зуафо» (Заифлар) китоблари мавжуд.

Вафотлари

Рамазон ҳайитига ўтар кечаси, шанба куни хуфтон намозидан кейин вафот этиб, ҳижрий 256 йили рамазон ҳайити куни пешин намозидан кейин Самарқанд яқинидаги Ҳартанг қишлоғига дафн қилиндилар. Пайғамбаримизнинг суннатларига кўп хизмат қилиб, ҳаётларини шунга бағишладилар. Келажак авлодга катта мерос — Оллоҳнинг китобидан кейинги энг ишончли китоб бўлмиш «Саҳиҳ ал-Бухорий»ни қолдириб кетдилар.

Оллоҳ ул зотга охиратда хайрли ажру мукофотларни берсин.

¹ Тарих — «Ат-Тарих ал-Кабир» китоби.

² Ҳоким — Абу Абдуллоҳ ан-Нисобурий (384—456).

³ Куня — кишиларни «фалончининг ўғли ё қизи» ёки «фалончининг отаси ё онаси» деб номлаш.

Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига

Иброҳим Раҳим

Аҳмад Фарғоний

Драма

Қатнашувчилар

АҲМАД ФАРҒОНИЙ — фалакиётчи олим

Ал-ХОРАЗМИЙ — математик олим

АБДУЛМАЛИК — фалакиётчи олим

МАЪМУН — Араб халифаси

АЛ-ФАЗЛ — вазири аъзам

КОТИБ — «Байтул-ҳикма» котиби

ГУЛАНДОМ — соатсознинг қизи

ШАЙХУЛИСЛОМ — уламолар раҳбари

ҚОЗИЮЛ КУЗЗОТ — шаҳар қозиси

ЯҲЁ — хуфя ишлар нозири

ЗОБИТ — хуфя ишлар ходими

ДАСТЁР — Аҳмад Фарғоний хизматчиси

МАССОҲ — ер ўлчовчилар вакили

Муфтий, олимлар, уламолар, хизматчилар, картограф, ҳаммомчи, феллох (деҳқон), соатсоз, йўловчи, ҳарам бекаси ва бошқалар.

Воқеа IX аср бошларида Арабистон халифалигининг пойтахти Бағдод шаҳрида юз беради.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРНИШ

Аҳмад Фарғонийнинг «Байтул-ҳикма»даги хужраси. Олимнинг кутубхонаси ила ишхонаси ҳам шу ерда.

Хонтахта атрофида ал-Хоразмий, Абдулмалик, Аҳмад Фарғоний суҳбатлашиб ўтиришибди.

Абдулмалик. Вақт қандай тез ўтапти. Бағдодга келганимда менинг ҳам соқол-мўйловим Аҳмад Фаргонийникидай қоп-қора эрди. Ҳозир қаранглар, мош-гуруч бўп қолди...

Аҳмад Фаргоний. Сиз кўрган мушкулотни кўрган ҳар қандай инсоннинг ҳам соқол-мўйлови тугул сочи ҳам оппоқ бўларди.

Абдулмалик. Мен кўрган хунрезликни кофир ҳам кўрмасин. Бирмас уч вазирнинг қатл қилинишини кўрдим. Маъмуннинг отаси Хорун эроний вазири Жаъфарни қатл қилганди. Шундан кейин Эрон ва Хуросонда қанча хунрезликни кўрдим. Орадин сал ўтмай, Хоруннинг ўзи кўз юмди. Ундан кейинги ота биру она бошқа ака-ука Амин билан Маъмун орасидаги жоғролар ҳам тинкамни қуритди.

Ал-Хоразмий. Ана ўшандин мени воқиф қилинг, оқсоқол. Мен Бағдоддин узоқда эрдим.

Абдулмалик. Хорун иккинчи хотинидин бўлгон ўгли Аминни тахт вориси қилиб кетди. Бундин ғазабланган Маъмун бизнинг туркийлардин аскар тўплаб, пойтахт Бағдодни қонга белади. Мана шу кўрган деворларига шоти қўйиб чиқаётган қийиқ кўзли аскарларнинг «урҳор!» деган овозларидин юраклар титраган. Кўксига найза санчилгон аскарларнинг инграшидин, аёлларнинг дод-фарёдидин бағрим порাপора бўлгон.

Аҳмад Фаргоний. Араб ақобирлари мажусийларни қийма-яйма қирғонини мен ҳам кўрганмен. Энг фожиалиси Маъмун ўз укаси Аминнинг бошига қилич тортгон эрди...

Ал-Хоразмий. Ана шу боис Бағдодга мен сизлардин анча кейин келдим. Маъмуннинг ўзи кўп даъват этди. Вазири аъзам ал-Фазл махсус мактуб йўллади. Аммо мен Қутайба бинни Муслим менинг боболаримни қирғонидин норизо эрдим. Қолаверса, ислом динига кирмагани оташпараст деб, Хоразм ёзувини биладигонларни мажусий деб бошларига қилич тортганларини кечиролмасдим. Нима қилай, сиз Аҳмад Фаргоний, сиз Абдулмалик ва Мусо ибн Шокирларни соғинганим учун келдим. Сизларни кўроққа дил хуммор эрдим.

Аҳмад Фаргоний. Келишингизни орзиқиб кутгон эрдик. «Байтул-ҳикма» калити ҳам сизни кутур эрди. Келишингиз заҳоти ани вазири аъзам ал-Фазлнинг ўзи икки қўллаб сизга тутқазди. Мана эмди олам гулистон. Анинг оламшумул меваси ҳам пишди. Бугун сизнинг «Ҳисоби ал-ҳинд» асарингиз дунёда момоқалдиروق бўлиб янграйдур. Иншооллоҳ.

Ал-Хоразмий. Ёш бўлсангиз ҳам ниҳоятда камсухан, камтар олимсиз-да, мавлоно. Ўзингизнинг «Самовий ҳаракатлар ва илми жунун» асарингиз ҳам шул «Байтул-ҳикма» меваси-ку! Меваси бўлгонда ҳам мазаси оламга татийдургон анвойи-ку!..

Абдулмалик. Куёш тутилишини олдиндин башорат қилиб, ягона жадвал яратгонингизни айтмайсизми? Дунёда ягона Ер юзи харитангиз-чи? Ул харита хусусинда Италия, Дониё ва Нидерландия денгизчилари харидор бўлиб турибдурлар.

Ал-Хоразмий. Энг муҳимини айтмадингиз...

Абдулмалик. Энг муҳими бугун «Байтул-ҳикма» муҳокамасинда айтиладур. Билишимча, шайхулисломнинг уламолари қилич яланғочлаб турибдилар.

Аҳмад Фаргоний. Шайхулислом ўзимга ҳам мушт ўхталиб кетди. Кўзингни оч, иккала кўзинг бирдан ўйилур, деди менга... Расадхона қурилиши шариятга хилоф эрмуш.

Фарғонача яқтак кийган дастёр бола киради.

Дастёр. Гуландомхон келибдур, кирсинму?

Аҳмад Фарғоний. Кирсин.

Атлас кўйлак, йўрмадўзи дўппи кийган гўзал Гуландом салом бериб, дастурхон кўтариб киради.

Гуландом (*дастурхонни хонтахтага кўяркан*). Аям анжумандин олдин еб олишсун, деб чучвара бериб юбордилар. Манави идишларда бехи шарбати...

Аҳмад Фарғоний (Ал-Хоразмийга), Соатсоз Кубовий дўстимнинг қизи. Исми Гуландом. Ўзи ҳам чевар, ҳам пазанда...

Ал-Хоразмий. Фарғона қизларининг кўллари ипак, мана бу неъматнинг гўзаллигини қаранг.

Аҳмад Фарғоний. Дадангиз келмадиларму?

Гуландом. Куёш соати юмуши бирлан бандмушлар, кечроқ бир ров кириб ўтурмен, дедилар.

Вазири аъзам ал-Фазл киради. Ҳамма ўрнидан туриб қаршилайди. Гуландом чопиқиб кетади.

Ал-Фазл. Оҳ-оҳ, қандай хушбўй таом устидан чиқибман.

Аҳмад Фарғоний. Яхши меҳмон ош устида, дермушлар, ҳозирча бодом чучварага марҳамат.

Ал-Фазл. Уйингизда фарғонача паловни кўп еганмиз. Бодом чучвара биз учун ниҳоятда тансиқ. (*Утириб, бир донасини оғзига солади*). Бай-бай! Жаннат меваси ҳам бунчалар бўлмас. Чучварага кўшиб тилимни ҳам ютиб юбормасам бўлгани...

Ал-Хоразмий. Хоразм дўлмасиндин татмагансиз-да. Дим лаззатли бўлади, ёшулли.

Ал-Фазл. Минг эшитгандин бир бор кўрган маъқул дейдилар. Дўлмани эшитамизу кўрмаймиз...

Ал-Хоразмий. Иншооллоҳ келаси ҳафтада Хоразмдин аймоқларим келадур. Ана ўшанда дўлма сайтига чақирурмен.

Ал-Фазлнинг хизматчиси киради.

Хизматчи. Ҳазратим! Шайхулислом жаноблари сизни қидириб келган экан. Қасрда бўлсалар ўша жойга мени бошлаб бор, дедилар. Дарвоза олдида турибдур.

Ал-Фазл. Ул зотнинг қайнонаси севмас эркан, таом тутағонида келибдур. Майли, кирсинлар.

Дастурхонни йиғиштирадилар. Оқ салла, ялтироқ чопон кийган оқ соқолли шайхулислом киради.

Шайхулислом (салом-алиқдан сўнг). Анжуманга кечикдимму деб ташвишда эдим.

Ал-Фазл. Яна бироз фурсат бор.

Шайхулислом. Анжумандин олдин сизга холий бир калима айтгум бор эрди...

Ал-Фазл. Маҳқамага борайликму?

Ал-Хоразмий. Вазири аъзам жаноблари, биз, анжуман ҳозирлигидан хабар олиб келурмиз.

Аҳмад Фарғоний. Сизлар бемалол ва хотиржам шу жойда гаплашаверинглар.

Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий ва Абдулмалик чиқиб кетдилар.

Ал-Фазл. Гапиринг, шайхулислом жаноблари, иккала қулоғим сизда.

Шайхулислом. Очиғи шуким, адолатгўй, маърифатпарвар, олижаноб ал-Фазлдай одамга бор гапни хуфя ёинки локлаб гапиргум йўқ.

Ал-Фазл. Мен ҳам сиз бирлан кўпдан берли ошқора мулоқот орзусинда эрдим. Аммо давлатнинг зарурий юмушларидин бош қашлағони ҳам пурсат йўқ.

Шайхулислом. Давлат ишларидин кўра кўпроқ мажусий олимлар юмуши бирлан банддурмен, десангиз ярашуғли бўлур эрди.

Ал-Фазл. Локланмогон, хуфя бўлмагон хилватий гапингиз шудурму, шайхулислом жаноблари?..

Шайхулислом. Ушал локланмагон хуфяси ана, ўз хонтахангизда турибдур. Аҳмад Фарғоний мажусий Батлимуснинг ислом динига хилоф ақидасини бизга кўчириб келмоқчи.

Ал-Фазл. Янглишмаяписизму, шайхулислом жаноблари? Аҳмад Фарғоний ёш бўлса-да, фанимизга барча араб олимларидин зиёд ҳисса кўшмоқдадур. Ул зот қураётган расадхона ва ундаги амалиёт аниқ фанлар кўзгуси бўлиб, худди ал-Хоразмий кашфиётидек фанимизни гафлат уйкусидин уйғотиб юборадур.

Шайхулислом. Муносабатингизни мунчалар ошкор айтурсиз, деб чамаламогон эрдим. Бизнинг ҳам ошкор гапимиз шулки, шариат оёқ ости бўлмоқда, «Байтул-ҳикма»да уя қуриб олгон келгинди жолугарлар динимизга хилоф ақидаларни, мажусий маслакларни тарғиб айламоқдалар.

Ал-Фазл. Боя «мен» деб гапиргон эрдингиз, энди бўлса «биз» дея бошладингиз, буниси локлангон гап эрмасму?!

Шайхулислом. Хуфяси ҳам эрмас. Муфтилару уламолар, мерос тақсимотчилари, массоҳлару қозиюл куззот ҳам шул фикрдалар. Анчайин аскарбошилар ҳам шу томондадур. Касални яшурсанг, иситмаси ошкора қилур. Иситма эрса ловулляпти! Наҳотки, хуфя ишлар вазири ани сизга шипшитмагон бўлса?

Ал-Фазл. Аларнинг ҳам фикрини билинг, демоқчимусиз?

Кўнғироқ чалади. Хизматчи киради.

Хизматчи (*таъзим қилади*). Буюрсинлар!

Ал-Фазл. Чой!

Хизматчи чойнакда чой, патнисда ширинлик келтиради. Чой баҳона суҳбат давом этади.

Шайхулислом. «Байтул-ҳикма» атрофинда буруқайтган қора тутунни сезмаяписиз, вазири аъзам жаноблари. Ул қора тутун алангалаб кетишдин хавотирдамен.

Ал-Фазл. Нима қилмоқ керак, деб ўйлайсиз?

Шайхулислом. «Байтул-ҳикма»ни жодугарлардин тозалаш керак. Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ва Абдулмаликлардин биринчи галда!..

Ал-Фазл. Аларнинг араб фанига кўшган, кўшаётган ва яна кўшажак ҳиссаларидин тўла воқиф бўлайлик. Сўнгра идао қилайлик. Йўқса, олимлар олдиди, Оллоҳ ҳузуринда ҳам жавоб тополмай қолурмиз. Ҳар қандай чигаллик ҳам мантиқ калити бирлан очилур. Мантиқ эса, муҳокама, мунозара ва мутолаа якунидин ҳосил бўлғай.

Шайхулислом. Мажусийлар чигалини ҳам муҳокама майдониға ташларсизму, жаноб вазири аъзам. Оқибати не бўлғай?.. Яқин ўтмушнинг сабоги ёдингиздин чиқдиму?..

Ал-Фазл. Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, дейдур туркийлар. Масала ўртага тушғонидагина мантиқ қозонида қайнаб пишадур. Қозонда қолғони чўмичга чиқадур. Олимлару уламолар юзма-юз бўлиб баҳс мушоираси ўтказсунлар, музокараю мунозаралардин чўмичга чиқғонини ҳалол билурмиз.

Шайхулислом. Ким ҳакамлик қиладур?

Ал-Фазл. Оллоҳ ҳакам, халифа Маъмун ҳазратлари гувоҳ. Келишдикму?

Шайхулислом. Келишдик!

Шайхулислом чиқиб кетади.

Ал-Фазл (*хуноб бўлиб, уйга ботганча*). Ажиб жумбоқ ташлаб кетди ул айёр шайх. Марҳум вазири Жаъфар тақдирини эслатмоқчи бўлдиму! Ул зот бир чигални ечишда қатл қилингон эрди. Кўзингни оч, Жаъфар

хам эрди сенингдек, сен хам бўлурсен анингдек, демоқчими? Гаплариндин қон иси буруқсайду. (*Жойига ўтиради, ниманидир эслаб, яна туриб кетади*). Сен ҳақиқат ҳимоячисидурсен. Ҳақиқат сеvimли олимларинг тамонинда. Аларни бидъат кушхонасига ташлаб қўйма!

Кўнғироқ чалади. Таъзим билан хизматчи киради.

Хизматчи. Буюрсинлар.

Ал-Фазл. «Байтул-ҳикма» бош китобдори бирлан мавлоно Аҳмад Фарғонийни ҳузуримга даъват этинг.

Хизматчи чиқиб кетади.

Илм бирлан шарият — ўт ила сув... Аслида шундоқму? Дин пешволари нега дунёвий илмларни ёқтирмайдурлар. Ҳадисларда ундоқ фатво йўқ-ку!

Оқ шойи кўйлак, қизил чопон кийиб, оқ салла ўраган ал-Хоразмий, ундан сал ёшроқ кўринган, чакмон кийиб, салла ўраган Аҳмад Фарғоний кирадилар.

Ал-Хоразмий. Йўқлағонингиз учун ташаккур. Хизматингизга шайдурмиз.

Ал-Фазл. Сизларни кўргонимдин гоят шоддурмен, жаноблар. «Байтул-ҳикма»да қандай янгиликлар бор?

Ал-Хоразмий. «Ҳисоби ал-ҳинд» китоби бирлан мавлоно Аҳмад Фарғонийнинг расадхона лойиҳаси ҳукмингизга тайёр, вазири аъзам жаноблари.

Ал-Фазл. Шул хусусда йўқлаб эрдим сизларни. «Ҳисоби ал-ҳинд» китобингизни туни бирлан кўз юммай ҳижжалаб чиқдим. Мавлоно ал-Хоразмий, бир тунда мени хам риёзиётчи қилиб қўйдингиз.

Ал-Хоразмий. Миннатдормен, вазири аъзам жаноблари.

Ал-Фазл. Сизлар бирлан маслакдошдурмен, бас шундоқ эркан, қуролдош хам деяверинг.

Ал-Хоразмий. Куллук!

Ал-Фазл. Сиз мавлоно Аҳмад Фарғоний, илмга шунча кўп хизмат қилиб чарчамадингизму?

Аҳмад Фарғоний. Чарчашга вақт йўқ, ал-Фазл жаноблари.

Ал-Фазл. Боракалло! Юртингизни соғинган бўлсангиз, бир муддатга юборурмен.

Аҳмад Фарғоний. Соғинишга вақтим йўқ!

Ал-Фазл. Дам олишга таътил берайинму?

Аҳмад Фарғоний. Дам олишга имкон йўқ.

Ал-Фазл. Ер, сув, фалакиёт ва фалсафа хусусинда олтита рисола битибсиз. Ҳисоблашни осонлаштириш борасинда хам тадқиқ қилурмишсиз. Буниси хам битдиму?

Аҳмад Фарғоний. Битиришга вақт йўқ, вазири аъзам жаноблари.

Ал-Хоразмий. Мавлоно ишлағонда бир кундуз баҳору ёзга тенг бўлса, тунда иш соати кузо ила қишча чўзиқ бўлса, ҳўрозлар қичқирмасаю соатлар бонг урмаса ва сўфилар азон чақирмасалар. Вақт хам қозикдай муқим турса! Ана унда мавлоно вақтдин рози бўлғай.

Ал-Фазл (*хахалаб кулади*). Бундан чиқди тўхтаб тур, қуёш, тўхтайлар Ой ила юлдузлар, дейиш керак бўладур. Мавлоно, ўзингиз бу шиорга тескарисиз-ку!

Аҳмад Фарғоний. Устоз ал-Хоразмий аския қилиб ўтдилар. Мен фақат вақтни қизганадурмен. Вақт фикрловчи инсоннинг тахту бахтидур. Вақтнинг беҳудага кетгани нақднинг кетгонидур. Не-не олиму фузалолар борлиқ фикрини битиб улгуролмай армонда кетдилар. Қўли гул устаю устозлар хунарларини меросхўрига юқтиришга вақти етмай ўтиб кетдилар. Шул сабабдин вақт ғаниматдур. Жами ғанимат нарсаларнинг қадрига етмоқ иймондандур, деб билурмен.

Ал-Фазл (*ал-Хоразмийга қараб*). Шул сабабдин ғанимат вақтни ўтказмай, мавлононинг бошини жуфтлаб қўйсақ. Фарзанд кўрса, анга «ал-вақт» деб ном қўйиб олсалар.

Хахолаб кулишади.

Ал-Хоразмий. Қайлиғи нақд. Гуландом исмли хурилиқо маъшуқа атрофинда парвона. «Хўп» дейишга алломанинг вақти йўқ.

Ал-Фазл. Совчиликка ўзимиз борурмиз. Бўптиму?

Аҳмад Фаргоний «йўқ» дегандай бош чайқаб қўяди.

Ал-Хоразмий. Мавлоно Кубода қолган вафодорини кутадур.

Ал-Фазл. Ундоқ бўлса лавз...

Ал-Хоразмий. Олимларимиз танобий жомий хонага жам бўдилар. Борурмизму?

Ал-Фазл. Қаттиқ тортишув бўлиши кутиладур. Билишимча, уламолар тилларини чархлаб турибдурлар. Уйлайманки, сизлар ҳам ҳимояга шайдурсизлар.

Аҳмад Фаргоний. Энг яхши ҳимоя — ҳужум!

Ал-Фазл. Қани, юринглар!

Чиқишади.

Иккинчи кўриниш

«Байтул-ҳикма» саройининг дарвозаси олдида котиб «Солнома» ва-рақлаб ўтирибди.

Котиб. Бугун ҳаво очиқ, оппоқ булутлар сайр қиладурлар. Ногаҳон кўкда қора булутлар ҳам пайдо бўлиб, ҳавода мисоли бўтқа қайнатур. Кўкдаги бул ҳодисанинг ерда ҳам инъикоси — акси бордурки, бўлажак анжуманда икки қирғоқ рўбару, юзма-юз, гўёки жиққа муштдурлар...

Дарвоза очилади — парда кўтарилади. Саҳнада — катта танобий хонашоснинг ўнг томонида олимлар, чап томонида уламолар тизилиб ўтирибдилар.

Марказда — фил суягидан ясалган курсида Маъмун, ундан настрокда Ал-Фазл.

Ал-Фазл. Мўътабар жамоа. Бугун Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Ҳисоби ал-ҳинд» асари бирлан мавлоно Аҳмад Фаргонийнинг расадхона лойиҳаси «Байтул-ҳикма» муҳокамасига қўйилгондур. Анжуманга олимлардин ташқари уламолар ҳам чақирилгон. Тортишувларга йўл очиқ. Ҳозир ал-Хоразмий ўз тадқиқотини баён қилғай. Андин сўнг фалакиёт илмининг дарғаларидин бири Аҳмад Фаргоний кашфиёти ўртага ташланур. Ал-Хоразмий жаноблари, марҳамат, сўз сизга!

Ал-Хоразмий. Араблар ва аларга тобе мусулмон халқларнинг ҳисоб амалларини тубдан ўзгартириш лозим. Такрор айтаман, тубдан ва бутунлай! Ҳисоб амалини кулоч-кулоч сўзлар бирлан бажариш осонму ёки ҳар бир сонни алоҳида рақам ила ифода этгон осонму? Биринчиси бир кулоч, иккинчиси бир энлик ҳам эмас. Хулоса — ҳиндларнинг ҳисоби оддий ва маданий!

• **Шайхулислом.** Эртақ айтурмусиз, мавлоно, ёйинки исботи ҳам борму?

Ал-Хоразмий. Мана, масалан (*деворга қадалган қора тахтада тўққиз рақам ёзиб кўрсатади*) кўринг, мана буниси бир, буниси икки, бу эса, уч... тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз... Қандай ихчам, нақадар содда! Биз шул рақамларни қабул қилиб олайлик!

Шайхулислом (*ўрнидан туриб кетади*). Маърузачи бизга буддани қабул қил, дейишдин ҳам тоймайдур.

Қозимол кузот. Нафаси етурмикин?

Муфти. Қазисан, қартасан, ўз зотингга тортасан. Мажусий зотидан нима ҳам кутурсиз?

Массоҳ. Мен қизиқиб қолдим. Охиригача эшитайлик-чи, биз ер ўлчови массоҳларга не каромат кўрсатуркин бул жадид ҳисоб усули?

Аҳмад Фарғоний. Массоҳ жанобларининг гапи тўғри. Маърузанинг қаймоғини тотиб кўрайлик. Анда илму амалнинг янги дарвозаси очилаётир.

Ҳамма жим бўлади.

Ал-Хоразмий. Ҳиндларда тўққизлик санок тартиби жорий бўлиб, алар «1» рақами ёнига бир ҳалқа, яъни юмалоқ сифр қўйиб, ани «ўн» деб ўқийдурлар. (*Қора тахтага бурда «10» рақамини ёзади*). Ўнлик санок тартиби бирлан катта сонларни жам ва тарҳ қилиш, зарб ва тақсим этиш осон бўладур.

Олимлар жонланиб маъқулласалар, уламолар томони безовта, норизо тебранади.

Шайхулислом (ўрнидан туриб кетади). Латифа айтурсиз. Ишониш қийин!..

Ал-Хоразмий. Мана бул мисолларга ҳам эътибор беринглар. (Тахтага тўртхонали сонларни ёзиб, уларни бир-бирига кўпайтириб кўрсатади). Мана булар риёзиётнинг жадид — яъни янги назарияси эрур!

Аҳмад Фарғоний (*ўрнидан сакраб туради*). Офарин! Риёзиётни Ердин Осмонга кўтаргувчи кашфиёт! (*Ал-Хоразмийни қучоқлайди*). Дунё турғунча туринг!

Залдан овоз. Боракалло! Боракалло!

Аҳмад Фарғоний. Устоз ал-Хоразмий шул чоқгача эшиклари берк турғон илми риёзийнинг калитларини топиб қўлимизга бердиллар. Биз бул нодир кашфиётни «Ўнлик санок усули», деб, арабчасига эрса, «ал-жабр» деб атайдурмиз!

Залда икки хил жонланиш кўринади.

Шайхулислом. Нима учун биз, араблар, ҳиндларга тобе бўлурмиз?! Булдин буён биз ҳам ҳиндлардек ҳандасий шакллар ва рақамлар бирлан фол очурмизму? Не мақсадда ҳинд урф-одатини қонимизга сингирмоқчи бўлурсиз?

Аҳмад Фарғоний. Бул майдонда насл савдоси эмас, илм ривожини борасинда холис баҳс бўлмоғи лозим. Шул чегарадин нари ўтмоғонимиз маъқулдир, жаноблар.

Ал-Фазл. Аҳмад Фарғоний минг бор ҳақлидур. Биллоҳ, бул улуг кашфиёт ҳеч бир араб олими ҳал қилолмагон муаммоларни ечиб, бизни ҳинд рақами бирлан ошно қилди. Энди аларни араб рақамлари деб, Аҳмад Фарғоний айтғонидай «ал-жабр» деб атаймиз.

Шайхулислом. Ал-Хоразмийнинг ота-бобоси оташпараст мажусий эркан, ўз зотиға тортибдур. Аҳмад Фарғоний, сиз ҳам мажусий бўлсангиз керакки, ал-Хоразмийни жон-жаҳд бирлан ҳимоя қиладурсиз. Ёшлиқда янглишманг, бўтам. Ёшлиқда янглишгон банданинг умри зимистон бўлур.

Аҳмад Фарғоний. Насиҳатингизга қуллуқ, шайхулислом жаноблари, ammo балиқни илон, деб тасаввур қилмайлик, бинобарин, ҳиндлардек буюқ халқ меросидин ҳазар қилиб бўлмайдур, демоқчимен. Ҳар бир халқда ҳам бидъату хурофот бор. Лекин мунаввар фикрли одамлар яратгон илм-фан ҳам мавжуд! Биз олимлар ана шулар уруғини териб олиб, ўстиришимиз лозим.

Қозиюл қузот. Тўхтанг, тўхтаб туринг, ёш мардон. Ҳинд ила араб бир бўлолмайдур. Биз ўнгинд чапга қараб ёзурмиз, алар чапдин ўннга... Ҳисоб илми ҳам чапақай диний эътиқоди бирла эгизак. Аларнинг ҳар бир рақами ясама худодларнинг рамзидур. Мисол келтирайми? Ҳўп! Мана, масалан, бир сони — ота, икки сони — икки кўз, уч сони — агний

деган ясама худосининг рамзидур. Айтинг-чи, қандай қилиб аларни араб рақамлари деб атаймиз? Бўлмайди!

Аҳмад Фарғоний (*ал-Хоразмий қулоғига*). Бул мутаассуб муллолардин ҳар балонинг ҳиди буруқсайдур.

Ал-Хоразмий (*шивирлаб*). Бор бисотини сеп қилиб ёйиб қўйишсинчи...

Қозиюл куззот (*гапида давом этиб*). Ҳиндлар ирқит сеҳргар ҳамдур. Алар сочларини қирдирмай, тирноқларини кесдирмай кирини сўриб юрадурлар.

Шайхулислам. Сигир гўштини емасалар ҳам, тезагини баданлариға суртишлари-чи! Ушал қўллари бирлан қора тахтаға оқ кесак ила ёзатурғон рақамлари араб шаъниға қопқора доғ эмасму!

Утирганлар орасида тебраниш, висир-висир...

Аҳмад Фарғоний. Бир қўлдин қарсак чиқмас. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донғи чиқмас. Яна қанча мақол келтирай? Ўрик ўрикни кўриб оқадур. Бордин юқадур. Халқ донолигин, ҳар қанча тақрорламайин, маъноси битта: бири бирига устоз, шогирд. Ҳиндлар ҳам араблардин ўрганурлар, араблар ҳинд неъматидан баҳраманд бўлсалар не гуноҳ бўлибдур! Эндиликда маромиға етган кашфиётдин жаҳон-олам манфаат кўрур!

Абдулмалик (*қўшимча қилиб*). Ҳадийси муқаддасда илми Чинмочинға бориб бўлса ҳам ўрган, дейилгон. Қарангки, хитойлар ҳам ҳиндлар сингари ит, илон, калтакесак гўштини ейдурлар. На бўпти! Миллиард инсонни ҳаромға чиқарамизму?

Аҳмад Фарғоний. Хитой яратгон ойна бирлан ипакни нари тур, деймизму! Ҳар бир халқнинг мўъжизаси умуминсон мулкиға айлансун.

Ал-Фазл. Иншооллоҳ ал-Хоразмийнинг сиз таклиф этгон ал-жабр илми ҳам умуминсон мулкиға айланур. Энди иккинчи масалаға ўтурмиз. Лойиҳа бирлан танишмагонлар бўлса, андак фурсат берурмиз.

Маъмур, ал-Фазл қоғозларға тикилади. Гуруҳлар бошларини бир қилиб, шивирлашадилар.

Қозиюл куззот (*шайхулисламға*). Бул лочиннинг номаи аъмолини аниқ билурмусиз?

Шайхулислам. Ул лочинмас, бургут! «Байтул-ҳикма»да ҳамма уни ўзидан бир бош баланд билур. Эртанги бош китобдор шул зотдур. «Миқёси жадид» китоби оламға тарқалгон эрмиш. Массоҳлар ани бошиға кўтарур.

Қозиюл куззот. Намунча!

Шайхулислам. Риёзиётда ўзингиз кўрдингиз. Фалакиётда тенги йўқ эрмуш. Хуллас, ҳозир кўрамиз ул дулдул қаёнғача чопадур...

Қозиюл куззот. Лойиҳаси хусусинда фикрингиз?..

Шайхулислам. Мажусийнинг лойиҳаси нима бўлар эди? Батлимуснинг «ал-Мажустий» китобидан кўчирмадин бошқа нарса эмасдур. Яъни, арабчаға ўзи ағдаргон...

Қозиюл куззот (ёнидаги массоҳдан сўрайди). «Миқёси жадид»ни ўқидингизму?

Массоҳ. Шу соҳа илминда катта воқеа бўлди, деяпгилар. Арабча чақиримни километр, сув ўлчовини кубометр дебдурлар. Бул бизға қўл келаду.

Шайхулислам. Ана сизға тўнтариш, ана бизға инқилоб!

Ал-Фазл кўнғироқ чалади. Ҳамма жим бўлади.

Ал-Фазл. Иккинчи масалами хусусинда Аҳмад Фарғоний маъруза қиладу. Марҳамат!

Аҳмад Фарғоний (*деворга осилган лойиҳа олдиға келиб қисқа, лўнда гапирди*). Расадхона мана бу тўртбурчак қоғозда аранг кўринса-да, уч

қаватли доира шаклида кўркам Шамосия қишлоғида бежирим қуриладур. Икки қаватинда осмон жисмларини кузатувчи ўтқир дурбунлар ўрнатиладур. Учинчи қаватинда қуёш соат, қум соат, сув соатлари бетиним ишлайдур.

Гуруҳларда икки хил вазият: олимлар эътибор ила тингласалар, уламолар беписанд, ҳатто мазахлаётгандай.

Муфтий. Шамосиядай гўзал бир жойда мажусийлар хотирасига мақбара қурасизму?!

Ал-Хоразмий. Санамай саккиз демайлик. Дунё фани учун муҳим масалани ҳал қилиб бературғон бениҳоя нодир ишдур бу!

Шайхулислом. Қани, Аҳмад Фарғонийнинг ўзлари хотима луқмасини ҳам айтсунлар-чи...

Аҳмад Фарғоний. Халифа Маъмун ҳазрат олийларининг шаҳсан фармони олийлари бирлан Холид ибн Абдулмалик иккимиз икки расадхона бунёд этмоқдадурмиз. Бирининг Шамосияда қурилиши халифамизнинг хоҳишидур. Ул жой Бағдоддин нари, шаҳар чанги ва тутунига тескай бўлиб, осмони бепоён, ой ила юлдузлари аён кўринур. Бул жой илми амалимизга айни муддао бўлиб тушди. Самовий жисмларни ўрганиш учун Бағдодда бундин аъло макон йўқдур!

Шайхулислом. Расадхона мажусий файласуфларнинг яна битта уяси бўлурму?! Аларга «Байтул-ҳикма»даги уяси торлик қилдиму!..

Уламолар яйрайдишлар.

Олимлар норози тебранадишлар.

Ал-Фазл. Фафлат уйқусидин уйғонган илми амалимиз давон ошмоқда. Ани ал-Хоразмий ила Аҳмад Фарғонийдек олимларимиз чўққи-га чиқариб кўйдилар, десак лоф бўлмас, шундай эмасму?

Шайхулислом. Алар ул чўққидин юз тубан кетмасларму?

Ал-Фазл. Холис ният, халқчил хизмат, мақбул мақсад эзгуликка ёр бўлса ҳеч қуламайдур. Аларнинг иликлари ана шундин тўлиб, куч олгон деб билурмиз.

Олимлар Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғонийларни табассум ила қутлайдишлар, уламолар ғийбатга бериладишлар.

Муфтий. Вазири аъзам ўз ҳамқишлоқларига тил теккиздирмайдур.

Қозиюл куззот. Бир товоқдин фарғонача палов ейдурлар-да.

Шайхулислом. Қарга қарғанинг кўзини чўқимайдур!

Ал-Фазл. Муҳокамамиз сиёсат ва шахсият мунозарасига айланиб кетмасун. Расадхона лойиҳаси хусусинда гаплашайлик.

Ал-Хоразмий. Ажойиб лойиҳа яралибдур! Батлимуснинг «ал-Мажустий»синдин мутлақо ўзгача, жадид ва мукаммал расадхонага ягона ва энг пухта асосдир бул лойиҳа!

Ал-Фазл. Демак, лойиҳанинг сифати устинда айри ва ғайри фикру қарши даъват йўқ, деб билурмиз.

Қозиюл куззот (ўрнидан туриб кетади). Савол!

Ал-Фазл. Марҳамат.

Қозиюл куззот. Аҳмад Фарғоний Шамосияда кўп уйларни бузиб текислашни лойиҳа қилибдур. Қанча бечора жабрдийда бўлиб қолса, қарғишга дуч бўлиб, Оллоҳ қаҳрига учрамайдиларму?

Ал-Фазл. Ҳаммаси ҳисобга олингон. Ҳеч кимга ҳеч бир зиён-заҳмат йўқ. Тарикча ҳам!

Шайхулислом. Ичкарининг гапи ташқарига тўғри келмайдур. Ҳеч вақт ва ҳеч қачон! Эсон бўлсак кўрурмиз...

Ҳанузгача ўз курсисида мунозара тинглаб, жим ўтирган халифа Маъмун баҳсларга ҳакамлик якуни ясайди.

Маъмун. Ҳар икки томоннинг фикрларини холисона эшитдик. Хулоса шулки, ал-Хоразмийнинг ёзгон китоблари Аҳмад Фарғоний айтго-

нича бордур! Биз ўз ишимизда ҳадийси муқаддасга амал қилиб, дунёда яратилгон илму билим уруғларини бидъату хурофот курмагинин тоза-лаб, аҳли муслимнинг мясиға қалошимиз лозим!..

Аҳмад Фарғоний расадхонаси лойиҳаси ҳам менға маъкул ва мақбул. Ал-Хоразмий худди менинг гапимни айтгондай бўлди. Нафақат араб фани, балки дунё тараққиёти учун муҳим илмхона лойиҳаси яратилибдур. Мен сизни кутлайман, мавлоно Аҳмад Фарғоний жаноблари. Қурилишингизга нима зарур бўлса аямаймиз! Қанча дирхам, қанча динор — оғизингизга сиққаннича олинг! Расадхоналар қурилиши ўз назоратимда бўлур, нимаики керак бўлса вазири аъзам ҳам зудлик бирлан муҳайё қилур. Оллоҳ сизга ёр бўлсун. Омин!

Чиқиб кетади. Кетидан бошқалар ҳам чиқадилар.

Учинчи кўриниш

Тун. Аҳмад Фарғоний ўз хужрасида етти дона шам ёруғида ишлаб ўтирибди. Куча эшиги тарақлайди.

Аҳмад Фарғоний. Ким у?

Массоҳ киради.

Аҳмад Фарғоний. Сизму?

Массоҳ. Ёрдамингизга муҳтожмиз, бемаҳалда безовта қилғоним учун узр сўрайман.

Аҳмад Фарғоний. Хўш, яна қандоқ зарурат? Ёки ўша расадхона чекига тушгон уй эгаси можаросиму?

Массоҳ. Мерос тақсимотинда масофани сизнинг «Миқёси жадид» усулингизда ўлчаб, восиқаларни анинг асосинда тузгон эрдик. Ишимизни беҳудага чиқармоқчилар. Мажусийча эмас, арабча ўлчанг, демоқдалар. Одимлаб ўлчаш бирлан бақириб-чақириб овозда ўлчаш тинкамизни қуритди.

Аҳмад Фарғоний. Одамнинг орқасинда кўзи йўқ-ку. Нега ортга қарайдурлар? Шунча заминун шунча масофани одимлаб ёки бақириб-чақириб ўлчаб бўлурму? Қолаверса, ҳамма массохнинг овози бирдай бақироғу нафаси карнай эмас-ку!

Массоҳ. Энди нима қилайлик? Маслаҳат беринг, мавлоно!

Аҳмад Фарғоний. Қозиюл куззотға учрамадингизму?

Массоҳ. Аларнинг уруғи битта. Тили ҳам бир. Сарой жиловни туронийлар қўлида тураркан, акобирлар тўсқини тўхтамас эрмуш. Аммо биз массохлар сизнинг оддий ҳисоб саногингиздин нари кетмаймиз! Ортга қайтиш учун, ўзингиз айтгонингиздай, орқада кўзимиз йўқ!

Аҳмад Фарғоний. Боракалло! Бундин буён ўлчовларда одим ёки чақирим йўқ энди. Масофалар, турли ўлчовлар шуъла ва нур тезлигинда ўлчанур. Аларнинг хожаси «Миқёси жадид», пири «ал-жабр»дур.

Массоҳни кузатиб, энди ишга ўтирганида яна эшик тарақлайди.

— Кимсиз?

Овоз. Йўловчидурмен. Совға халтаси келтирдим сизга.

Аҳмад Фарғоний (ўзича, ошиқиб). Қайдин? Кимдин? Юртимдинму? Падари бузрукворим, қиблагохим ила Парчинойлардинму!

Халта кўлтиқлаган йўловчи киради.

Йўловчи. Кубодин келиб қолган мусофир Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Каср Аҳмад Фарғоний сизму?

Аҳмад Фарғоний. Ҳа, ҳа, мен.

Йўловчи. Шомдин сизга шул омонатни келтирдим.

Аҳмад Фарғоний (халтани кўлига олиб, бағрига босди). Ўтиринг, бирга баҳам кўрурмиз.

Йўловчи. Карвон кутиб қоладур.

Шошиб чиқиб кетади.

Аҳмад Фарғоний (*халта ичидаги хатни олиб, ўқийди*). «Аҳмад ибн Муҳаммад! Оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўринг. Шаҳрингиздан эсдалик. Шом шаҳринда савдомиз охирлади. Тонгда изимизга қайтурмиз. Хайр, омон бўлинг. Дуои салом ила Сатим карвон».

Халтадан анор олади, ўпади, кўзига суртади.

— Кубо анори!.. Анормас, ҳақиқ! Юрак қони...

Беҳини ўпади. Кўзига суртади.

— Беҳимас, олтин! Минг дардга малҳамдур. Малҳам!..

(Хатни яна ўқиб чақади). Нега Кубо ҳақинда ёзмабдур? Падари бузрукворим, қиблагоҳим онам ҳақинда сўз йўқ. Парчиной хусусинда ҳам битта сўзга хуммор эрдим... Эҳ, воҳ, мусофирлик шу қадар зимистонлиқму!? Сизларни соғиндим. Эзилиб, эзилиб соғиндим. Бир кўрмоққа ташнаю хуммордурмен. Сизлар-чи? Менинг бу ҳолимни кўрсаларингиз эрди... Жоним азобда. Дилу бағрим йиғлайдур. Бўзлаб, бўзлаб йиғлайдур. Юрт гадоси йиғисини ҳеч ким эшитмасун. Ул ҳам эзилиб йиғласинму? Кимга керак? Ҳеч кимга! Юртидин айрилиб, кафангадо бўлгон дайди кимсалар озму? Етар! Бас! Сен озод қушдурсен!

Эшик тарақлайди. Совға халтани беркитиб, эшик олдига боради.

— Ким у?

Овоз. Менман, очинг!

Аҳмад Фарғоний. Кимсиз?

Овоз. Очинг, мен соатсоздурмен.

Аҳмад Фарғоний (эшикни очади). Келинг, уста. Не боисдан қуёшдин олдин уйғонибсиз. Ва бомдоддин аввал ташриф буюрдингиз?

Соатсоз. Сабаби шулки, бул қуёш соатни яширмасам, беўхшов миждларим кўпайиб қолди.

Аҳмад Фарғоний. Харидорлар чиқяптиму?

Соатсоз. Қаёқда! Ани айғоқчилардин асрамоқчимен.

Аҳмад Фарғоний. Нималар бўляпти ўзи?

Соатсиз. Расадхона пештоқига қадалгунча шу жойда яширин турғони афзал. Негаки, кимлардур араб тақвимидин ҳосил қилингон бул мулкнингизни «шайтон пилдироқ» деб ваҳима қилибдур. Ёмон кўздан асраш учун юзига ниқоб тутиб, хилватлаб, яширинча келдим...

Аҳмад Фарғоний. Оллоҳ паноҳ берсун!

Икковлашиб ниқобланган қуёш соатни кўтариб кириб, китоб жавонига яширадилар.

Соатсоз. Ҳамма айни ноз уйкуда ётибдур. Сиз бўлсангиз пилла қурти даҳасидай шитирлатиб ёзиб ўтирурсиз. Қачон ухлайдурсиз?

Аҳмад Фарғоний (*ҳазиломуз*). Соатингиз ухлагонда мен ҳам ухлайдурмен.

Соатсоз (*кулмсираб*). Мен уйқучи соат ясамайдурмен. Соатнинг ухлагони ўлғони.

Аҳмад Фарғоний. Билингки, мен ҳам баъзи соатларга ўхшаб ётоқ эмасдурмен ва асло илмни уйқуга айирбош қилмасмен. Илм, фан уйқучини ёқтимайдур. Олимлар ухласалар — фан ҳам ухлаб қолур.

Соатсоз (*қандилга кўз ташлаб*). Халифамизнинг қандилида ўн бешта, ал-Фазл жанобларида ўн учта, ал-Хоразмий жанобларининг қандилида ўн битта, сизникида еттита шам ёнадур. Бунинг бирор рамзий маъноси борму?

Аҳмад Фарғоний. Қандилда етти шам нурлати — шамнинг маъноси шулки, аларнинг шуъла жамолида мен ҳозир Етти қитъа тасвирию тавсифини кўрурмен. Навбатдаги битигим «Етти қитъа тавсифи» деб аталур.

Соатсоз. Илҳомлариға халақит бергон бўлсам мени афв эттайлар. Рухсат этинг, мен борай, ҳадемай тонг отур.

Хайр-хушлашиб чиқиб кетади. Аҳмад Фарғоний яна ишга мукка чўкади. Азон товуши эшитилади. Эшикда дастёр бола кўринади.

Дастёр. Иссиқ сув тайёр, пирим. Офтово бирлан чилопчин даҳлизда.

Аҳмад Фарғоний. Мачитдин қайттунимча қимирлама, бўтам. Мободо мени сўроқлаб келгувчилар бўлсалар қутсунлар.

Чиқиб кетади.

Дастёр (кетидан ачиниб гап қотади). Куну тун ишлағони ишлагон, бечоранинг қалласи хум бўлиб, ичи бўёқчининг нилига тўлиб қолгон шекилли, шунча ёзиб ташласа ҳамки, бўёғи тугамайдур.

Эшик тақиллайди.

— Ким? Ҳа, «Байтул-ҳикма»динму? Марҳамат.

Котиб киради.

Котиб. Эрталаб ўқурга сўрагон китобларини келтирдим.

Китобларни хонтахтага қўйиб, чиқиб кетади. Дастёр хужрани сарамжон-сарийшта қилаётганида эшик яна тақиллаб, картон қўлатиқлаган картограф киради.

Картограф. Манави Дониё жугрофлари тузган хариталар. Мавлоно кўздан кечириб берармушлар. Жавобиға асирдин кейин келадурмен.

Чиқиб кетади.

Эшик очилиб ал-Хоразмий билан Аҳмад Фарғоний ҳозир бўлади.

Ал-Хоразмий. Оҳ, оҳ, жаннату беҳишт анволари болқирму? Нималарнинг анқойи хидидур бу? Бағдодники эмас, беҳиштники-я!

Аҳмад Фарғоний. Чандонам нозик табиатли, ўткир ҳиссиётли улуг зотдурсиз. Топдингиз, бу анқойи хушбўй чинданам Бағдодники эрмас, жаннатмакон Фарғонадин учиб келгондур.

У ичкари хонадан қип-қизил анор, яна бир жуфт олтиндай пишиб етилган нонбеҳи кўтариб чиқади. Ал-Хоразмий уларни ўтиб, кўзига суртиб, бағрига босади.

Ал-Хоразмий (болалардай яйраб). Иллоҳ жаннатмакон юртимизнинг боғи Эром меваси анқийдур! Бай! Бай! Ҳой! Ҳой!..

Аҳмад Фарғоний. Шомға Кубодин савдо қарвони келгон эркан. Менга андақ насиба юборибдурлар. Буларни менга барака топкур бир йўловчи аттор етказди.

Ал-Хоразмий. Тарих гувоҳ, шаҳрингиздин ўтган замонларда қовуну анорни оқ туяларда, узум шарбатини олтин кўзаларда Месопотамиядек жаннатмаконға ҳам келтириб савдо қилгонлар. Ул қарвоннинг Шомға етгон оёғи Бағдодға ҳам етгусидур.

Аҳмад Фарғоний. Иншооллоҳ. Сатим қарвон исмли ҳамшаҳарим ўшал аттордин айтиб юборибдур. Унинг қарвони эндиғи сафар Бағдодға келурмуш.

Жаловзар пичоқ билан бир дона анорни сўйиб, ўртага қўяди.

— Жаннатмакон музофатдин мазор босиб келгон бул анор сизнинг насибангиздур.

Ал-Хоразмий. Араб тарихчилари ва сайёҳлар она шаҳрингиз хусусинда кўп ва хўп мақтовлар битдилар. Бул беҳиштий меваларга Ҳазрат Сулаймон пайғамбар, улуг авлиё Қоравул ота бирлан Саидваққос пийримнинг оғзи теккан эрди, бизға ҳам насиб айлабдур. Шукр. Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм.

Кесиб қўйилган анор палласини олиб, шундай хуммор бўлиб ейдик, роҳатланган ёноқлари порлаб, кўзлари чақнаб кетади.

Аҳмад Фарғоний. Хув анавинда вазири аъзам «Юртингизни соғинмадингизму?» — деб сўрагон эрди-ку, ўшанда кўзларимға жиққа ёш келдию ютиб юбордим. Шундай юртни соғинмай бўлурму! Тушларимда боғ-роғларинда кезурмен. Тоғларидин эсган оромижон шаббодаларға

бағримни тутурмен. Жаннати меваларию анвои гулларининг доимий шайдосидурмен. Гуллар бул жойда ҳам бор, аммо уйимиздаги оқ ўрикнинг оппоқ бўлиб гуллагани сира-сира кўзимдин кетмас. (Жимлик). Ул ватанга гадодурмен, гадо! Алар ҳам ёдлармикин мендай дарбадар фарзандини?..

Ал-Хоразмий. Йўқлабдур-ку... Мана шу мевалар ватан йўқлови эрмасму?

Аҳмад Фарғоний. Беҳидин ҳам артайму? Нонбеҳи минг бир дардга малҳам эрур!

Ал-Хоразмий. Бир донадин анор ила беҳи инъом этсангиз жужуқларнинг кўзларини ўйнатур эрдим.

Аҳмад Фарғоний. Ҳаммаси сизники!

Ал-Хоразмий. Ташаккур! Демак, расадхонага эртага борурсиз...

Аҳмад Фарғоний. Шундоқ. Эртага пешинда қуёш соатни ўрнатурмиз.

Ал-Хоразмий. Айтмоқчи, қуёш соатнинг ишини вазири аъзам кўрмоқчи эдилар. Ул зот Шамосияга қачон борсунлар?

Аҳмад Фарғоний. Ўзим айтурмен. Ҳамма соатлар растаси бирга ишласа, қуёш соатнинг чиройи кўринур.

Ал-Хоразмий. Ал-Фазл жаноблари бориб қайтгач, расадхонада самовий кузатишларни бошлаб юборасизму?

Аҳмад Фарғоний. Биринчи дурбунни ул зот кўзига тутамиз. Кўкдаги юлдузларнинг энг гўзалини танланг, ўшани сизга ушлаб берамиз, деймиз.

Ал-Хоразмий. Арзийди! Ул зотнинг ҳомийлиги, саъи ҳаракатисиз илму амалимиз туёқсиз туя бўлиб қолур эрди. Хўп, кўришгунча хайр, қадрон дўстим!

Чиқиб кетади. Дастёр киради.

Дастёр. Пийрим! Анорни меҳмонларга едирдингиз, аммо ўзингиз нега емайсиз?

Аҳмад Фарғоний. Эй, бўтам, кўриб турибсенму, бу Оллоҳ неъматининг бағри тўла қон. Ана шу қора қон менинг узоқдаги юртимни, тўхтовсиз урушлару ўзаро жангу жадалларда қонга боғган Қубонни эслатадур. Гўё халқимнинг қонга тўла бағрини бодроқ қилиб менга юборгандай кўринмоқда. Қандай қилиб қонга қўйилғон юртим бағрини оғзимга солай?..

Оппоқ соқоли Халид ибн Абдулмалик киради.

Абдулмалик. Ассалому алайкум Аҳмад ибн Муҳаммад жаноблари, яхши ўтирибсизму!?

Аҳмад Фарғоний. Ўтириш қаёқда, манави хонтахта устида ётибдурмен. Узингизда аҳвол қалай?

Абдулмалик. Бизнинг ишлар ҳам сизга қараб турибдур. Ҳа, деган тунга мадор. Яна бир борсангиз, туйнуқларни, дурбунларни кўздин кечириб, қуёш соатингизни юрғизиб берсангиз, олам гулистон.

Аҳмад Фарғоний. Ҳозирча зимистон денг...

Абдулмалик. Ҳозирча мисоли сири йўқ ойнаю, тиши йўқ жонон.

Аҳмад Фарғоний. Эртагаёқ жононимизга тилла тиш ўрнатамиз, андин сўнг очилиб-чарақтаб кетадур.

Абдулмалик. Айтмоқчи...

Аҳмад Фарғоний. Гапираверинг, нега аланглаб қолдингиз?

Абдулмалик. Миш-мишлар хусусинда эшитгандурсиз.

Аҳмад Фарғоний. Сиздан эшитгум бор.

Абдулмалик. Расадхонамиз атрофинда қора мушуклар ўралашиб қолишди...

Аҳмад Фарғоний. Ундай бўлса кўриқчилар кўяйлик. Эрта-индин вазири аъзам ташриф буюрадурлар. Эҳтиёт бўлайлик, ул зотга ҳам ёмон кўзлар қадалиб турибдур...

Абдулмалик чиқиб кетади.

Эски рўжага ўраниб олган Гуландом киради.

Гуландом (саломдан сўнг). Тога! Мени дадам юбордилар. Кўёш соатга иккита олтин миҳча бермоқчи бўлгон экансиз.

Аҳмад Фарғоний (*ёпинчиқни кўрсатиб*). Нега бул жулдирвақага ўраниб олдингиз?

Гуландом. Ёмон кўздан нари юр, деб аям бошимга ташлаб кўйдилар.

Аҳмад Фарғоний. Шайхулисломдин кўзтумор ёздириб берайму?

Гуландом. Йўқ унғамас. Ҳарамнинг ялмоғиз кампири кўриб қолмасун, дедилар.

Аҳмад Фарғоний. Жуда тўғри айтибдур. (*Қоғозга ўралган икки нарса беради*). Мана бу падари бузрукворингиз буюртмаси... Мана буниси сизларга ота ватанингизда етишгон неъматдин насиба...

Гуландом. Анорму? Ие, беҳиси ҳам бор экан-ку!

Аҳмад Фарғоний. Падари бузрукворингиз бирлан волидаи мукаррамангизга мендин дуо айтинг.

Гуландом. Раҳмат. Яхши қолинг.

Аҳмад Фарғоний. Аянгиз айтган ёмон кўздин эҳтиёт бўлиб, паналаб кетинг.

Ёпинчиққа ўраниб чиқиб кетади.

ПАРДА

ИККИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Қозиюл куззот ўз уйида болишга суяниб, ўзи билан ўзи гаплашиб ўтирибди.

Қозиюл куззот. Ҳаёт гўё манави Дажла дарёси экан. Файласуфлар тўғри айтибдурлар. Сувини тўхтатсанг қўлайди, тўхтаб қолғони сасийди. Сассиқ сувда на гиёҳ ўсади ва на балиқ урчийди. Ҳаёт Оллоҳ яратганидай оқаверса кимга зарар? Ҳеч кимга! Аммо бул «Байтул-ҳикма»да уя қурғон жодугарлар на заминни ва на осмонни тинч кўядурлар. Жинларни кўзгаб юбормасмиканлар?..

Шайхулислом киради.

Шайхулислом. Ассалому алайкум! Мутолаангизни буздимму?

Қозиюл куззот. Хуш келибсиз, шайхулислом жаноблари. Мутолаа эмас, мунозара. (Жимлик). Бул мунозарага сиз ҳам қўшилғайсиз, деб ўйлаймен.

Шайхулислом. Чигал вазиятдин мунозара қилиб ўтирган кўринурсиз.

Қозиюл куззот. Қани, ўтирсинлар.

Хонтахта ёнида юзма-юз ўтирадилар.

Шайхулислом (*қўлларини юзига тортиб*). Арабларнинг қадимий анъанасига қасд қилгонлар паст бўлсун!

Қозиюл куззот. Мен ҳам ана шул хусусда ўзим бирлан ўзим мунозара қилурмен. Қизиқсиниб овозим баланд бўлди шекилли, эшитибдурсиз...

Шайхулислом. Дилимиз яқин-да. Яқин диллар бир-бирини узоқдин эшитадурлар. Афсуски, эшитадурлар холос. Ўшал «Байтул-ҳикма»даги

тортишувлардан сўнг Дажла дарёсида қанча лойқа сувлар оқиб ўтди. Ақобирлар жим. Жодугарлар шаккоклиги эрса, дим бўлғони йўқ. Аҳмад Фарғонийнинг расадхонаси битяпти. Эртага коинотга чанг соладур.

Қозиюл кузот. Тўсқинлик қилолмадик. Халифа бирлан вазири аъзамга кўндаланг бўлиш анойими? Томири узун, тўсини йўғон! Айтгандай... *(Нимадир эсига тушиб, ичкари хонага киради-да, кумуш кўзача кўтариб чиқади)*. Бу кўзача Шомдин мазор босиб, табаррук бўлиб келди. Қиттак-қиттак шаръи қилсак, руҳият андак дадиллашармиди?..

Шайхулислом. Насиб қилса келур Шомдин, узоқдин. Бу ҳам Оллоҳнинг неъматидир. Ангушванангиз бордур?

Эшик тақиллайди. Шаробни яшириб кўядилар.

Қозиюл кузот. Ким у?..

Овоз. Мен, зобит Хориндундурмен.

Эшик очилиб, пўлат совут, дубулға кийган зобит киради, ҳарбийларча салом беради.

Зобит. Мутолаангизни бўлиб кўйғон бўлсам узр сўраймен..

Қозиюл кузот. Тинчликму?

Зобит. Шаҳарда тинчлик, аммо бу томон осойишталик, деганим эмас.

Қозиюл кузот. Нималар безовта қиладур сизни?

Зобит. Бир лаҳзага эшикдин нари чиқсак, майлиму?..

Чиқаюлар. Ҳаял ўтмай, Қозиюл кузот қизариб қайтиб киради.

Шайхулислом. Вазиятда ўзгариш борму?

Қозиюл кузот. Бўлғонда қандоқ!

Шайхулислом. Яна кўзғолонму?

Қозиюл кузот. Ўшанинг шарпаси. Вазири аъзам Аҳмад Фарғонийнинг расадхонасига борурмиш. Феллоҳлар анинг йўлини тўсмоқчи эмишлар.

Шайхулислом. Зобитнинг ўзи-чи?

Қозиюл кузот. Ул ҳам ақобирлар тарафинда.

Шайхулислом. Кўрдингизму, аскарбошилар ҳам норизо! Халифанинг ўзи бу шаккокларга бош бўлиб, шарият булоғини лойлатмоқда. Марв вилоятининг келган ал-Фазл вазири аъзам бўлиб олиб, саройини Фарғония Хўқандий, Хоразмию Қубовийларга бостириб юборди. Давлатда аларнинг айтғони айтгон, дегони дегон. Оғзи қийшиқ бўлсалар ҳам ал-Хоразмию Аҳмад Фарғоний гапирсинмуш...

Қозиюл кузот. Бул баланд парвоз қаергача ва қачонгача!.. Ёдингиздаму, бир вақтлар Хорун ар-Рашид замонида ҳам худди шундай бўлғон эрди...

Шайхулислом. Бугунгидек кўларим олдидадур. Ўшанда давлат ишларини эронийлар эгаллаб олиб, арабларни саҳройи қилғон эрдилар.

Қозиюл кузот. Парвозлари қаергача бўлғонини ҳам ёдларсиз?

Шайхулислом. Марҳум халифа Хорун ар-Рашид бир баҳона топиб, ўзининг эроний хотинидин бўлғон вазири аъзамни ўлдириб, ақобирларга йўл очғон эрди. Оғаси қилғон ишни боласи қилмайдур дейсизму?

Қозиюл кузот. Халифа Маъмун ўта мураккаб ва жуда шаккокдур, Маъмун бу йўлга сира юрмас. Қолаверса, Жайхун ва Сайхундин келғон олим муҳандисларни вазири аъзам паноҳига топшириб кўйибдур. Олам жаҳон таниб қолғон ал-Хоразмию Аҳмад Фарғонийлар эрса ўз юртдошлари вазири аъзам учун жабилғаю шамширдурлар.

Шайхулислом. Бояги зобит айтғон шарпа шамолға айланиб кетса-чи?

Қозиюл кузот. Бул ишорада жон борға ўхшаб кўринур...

Шайхулислом. Жони йўқ бўлғонда ҳам анга жон киритса бўлмасму? Қани бояги?

Қозиюл куззот. Бояги зобитму?

Шайхулислом. Йўғ-ей, бояги Шому узоқдин келгон шаръини сўрайдурмен.

Қозиюл куззот. Қитдай-қитдайни айтурсизму? Майли, қитдай-қитдай куйиб, тил остига ташлайлик-чи, зеро ишимиз ҳам қизишиб кетса.

Қозиюл куззот пиёлага қуя бошлаган эдики, эшик тақиллади. Иккови шошилинч ютиб олиб, идишларни яширадилар.

Паҳмоқ сақол, дарвешона феллоҳ кириб келади.

Феллоҳ. Улуғлар, биздай тубон мусулмонларга ҳимоячи борму? Дардимга даво излаб қайларга борай?..

Қозиюл куззот. Қандайин дард?

Феллоҳ. Худо урди бизни...

Шайхулислом. Узингизни босиб, аста гапиринг.

Феллоҳ. Отамни уйи ўрнига жинхона қурдилар... Энди Аҳмад Фарғоний исмли бир келгинди зиндон ичинда туриб, осмондин инсу жинсларни чақирарму. Ота арвоҳи доду фарёд солмайдурму?..

Қозиюл куззот. Узингиз кўчада қолмагандурсиз?

Феллоҳ. Уй-жой бердилар. Ёмонмас.

Қозиюл куззот. Анда нега мунча фарёд?

Феллоҳ. Қозиюл куззотга арзингни айт, деб эди бир зобит. Ўшанга келдим. Ўзи мени бул ерға кузатиб қўйди.

Шайхулислом (*бироз жимиб тургач*). Қозиюл куззот арзингизга амал қилмаса-чи?

Феллоҳ. Вазиру аъзам жанобларига борурмен. Аммо акобирларнинг айтишича, вазири аъзам ўшал Аҳмад Фарғонийнинг иши маъқул, деб мени зиндонга соладурмуш.

Шайхулислом. Зиндонга ташласа топпида чўкиб кетаверасизму?

Феллоҳ. Ётиб қолгунча отиб қол (*бош бармоғи билан кафтини эзиб кўрсатади*), мундоқ қилурмен, кўямен. Вассалом...

Шайхулислом билан қозиюл куззот бир-бирларига маънодор қараб қўядилар. Қозиюл куззот бояги «шаръи»дан бир пиёлага тўлдириб, феллоҳга узатади.

Қозиюл куззот. Ушбу дармон дорини таомил қилиб олган кишининг бармоғига қудрат кирадур.

Феллоҳ (*пиёладагини симириб олади*). Менга фотиҳа беринглар.

Шайхулислом билан қозиюл куззот, омин, деб фотиҳа беради. Феллоҳ чиқиб кетади...

Шайхулислом. Оғзи маҳкам одамму бу феллоҳ, важоҳати бежороқ?!

Қозиюл куззот. Оёқ ташлашларини кўрдингиз шекилли...

Шайхулислом. Хуфя ишлар вазири ал-Яҳё «деворнинг ҳам қулоғи бор» деб эрди...

Қозиюл куззот. Вақанавуз юбормадимикин?..

Шайхулислом. Ҳозир ул қаёнга йўл олди, деб ўйлайсиз?

Қозиюл куззот ташқарига чиқади. Кетидан шайхулислом эргашади. Кўчада Аҳмад Фарғонийга дуч келиб қоладилар.

Аҳмад Фарғоний. Ассалому алайкум, азизлар!

Қозиюл куззот. Ваалайкум ассалом, қайдин келурсиз, мавлоно?

Аҳмад Фарғоний. Хаттотга қўлэзма бериб келурмен.

Шайхулислом. Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний жаноблари!

Аҳмад Фарғоний. Лаббай, шайхулислом жаноби олийлари! Буюрсинлар!

Шайхулислом. Сиз мен бирлан ҳамиша дадил беллашадурсиз. Қойилман. Аммо...

Аҳмад Фарғоний. Ёшлик ўтида бирор масалада ёниб кетгон бўлсам, узр.

Шайхулислам. Беллашгонда отангни аяма, дейдурлар. Хавотир тортманг. Бўтам. Мен сиздин бошқа нарсани аниқлагум бор.

Аҳмад Фарғоний. Буюрсинлар!

Шайхулислам. Сиз бир асарингизда Батлимушни танқид айлаб, Ер шаклию қомати хусусинда ўз фикрингизни баён қилибдурсиз. «Ер юмалоқ» дебсиз. Шул хусусда сиз ёш олимни шариятни унутмасликка чақирмоқчи эрдим.

Аҳмад Фарғоний. Бош устига, шайхулислам жаноблари. Ҳақиқат муҳокама, мунозаралару баҳслар орқали ойдинлашур, буюрсинлар, хизматингизга тайёрмен.

Шайхулислам. Хизмат эмас, баҳс!

Аҳмад Фарғоний. Баҳс-икки қаватли кўзгудир. Бир қавати мунозара, иккинчи қавати эзулик!

Шайхулислам. Боракалло! Мен сизни бетгачопар, деб билувдим. Сиз маърифат йўлдошидай кўрунурсиз. Биллоҳ, ўшал баҳсни қачон, қаерда, қандай муаммо хусусинда ижро қилурмиз?

Аҳмад Фарғоний. Уч кундин сўнг бомдод намози ўқилғач, расадхонага марҳамат. Расадхона иши илмий муҳокама этилур. Мен ёқловчи, сиз эса, таҳлилчи... Ўйлайманки, ул ерда ҳар қандай баҳс, муҳокамаю мунозара учун кенг майдону имконият мавжуд. Сизнинг ҳам, қозиюл кузот жанобларининг ҳам ташрифларингиздин бошим осмонга етур...

Учаласи уч томонга ғойиб бўлади.

Иккинчи кўриниш

Ғира-шира. Қабристон сўқмоғида тугунчасини таёғи учига илиб, елкаб келаятган Аҳмад Фарғоний гўрковга йўлиқади.

Гўрков. Мавлоно!

Аҳмад Фарғоний (*чўчиб тушади-да, кўкрагига туфлаб олади*). Сизга не керак?

Гўрков. Қайға борурсиз?

Аҳмад Фарғоний. Расадхонадин келурмен. Бугун ҳамма ўша жойда бўладур.

Гўрков. Ҳамма борадур дедингизму?

Аҳмад Фарғоний. Вазири аъзамдин тортиб, шайхулисламгача ул жойга даъват этилгон. Мен ҳозирликни аниқлаб қайтурмен.

Гўрков. Қабрни кимга қазийтганимиздин хабарингиз йўқму?

Аҳмад Фарғоний. Кимга? Тезроқ гапиринг!

Гўрков. Вазири аъзам ал-Фазл жаноблариға.

Аҳмад Фарғоний. Нега? Нима учун? Ким буюрди? Гапиринг!

Гўрков. Бундан чиқди бахтсизликдин беҳабар экансиз-да? Ал-Фазл жанобларини шул мудҳиш тунда ўлдириб кетибдурлар.

Аҳмад Фарғоний (*қўлидаги тугуни тушиб кетади*). А!!!

Гўрков. Ул азиз зотни шаҳидлар қаториға кўмурмиз. Анави қабрда ар-Рашид қатл қилгон вазир ал-Жаъфар ётур, мана буниси Маъмун қатл қилгон ўғай укаси Аминнинг гўрн. Вазири аъзам ал-Фазлнинг жасади ўртада абадий ухлайдур. Тупроғи тоза, юмшоқ ва енгил чиқмоқда.

Аҳмад Фарғоний. Қасддин ноҳақ қатл қилингонларнинг жойи жаннатда бўлур. Оллоҳ марҳамат қилғай.

Уларнинг олдиға ковлаб ташланаётган тупроқ аралаш бир мия суяги топ этиб тушади.

Гўрков. Нарироқ туринг, мавлоно.

Аҳмад Фарғоний. Епирим-ей, ал-Жаъфарнинг ёки Аминнинг мия суяги эмасму?

Гўрков. Бул нарса ар-Рашиддин олдинги замон одамига мансубдур. Ал-Жаъфар бирлан Аминнинг суякларидин ҳали таналари ажралгонича йўқ.

Аҳмад Фарғоний (*қиблага қараб нидо қилади*). Одамнинг охирати шулму! Неча йиллар елкада ғоз юргон бош, не ишларни фикрлаб, инсонга хизмат қилгон ва кимларгадур ақл-заковат инъом этган бул калла энди кимларга керак? (Жимлик). Не-не меҳрибон кўлар силамагон бу азиз бошни... Балки, ботмон-ботмон оғирликлару не-не савдолар ҳам тушгондур бу азиз бошга... Эҳтимолки, ар-Рашид янглиг кимларгадур қотиллик фикрлаб, жабрлагондур, балки, ал-Фазлдек бировларга яхшилик ўйлаб, тошдек қотгондур бул калла суяк. Ким билсун, бева-бечораю етим-есирлар гамида фуғон бўлиб, куйгон бўлса ҳам ажаб эрмас. Эҳтимолки, бу қуруқ суяклар ичиндаги ақл-ақида сенинг бу сўқир бошингдек заминун фалакни инсон ҳаётига унум бериши орзусинда эзилиб, минг пора бўлгондур. Худо билгай, балки, ул ҳам рақибларинга ўхшаб талаш-талаш қилгондур. Ҳарна бўлса бўлгондур, мана энди бул суякка не керак? (Жимлик). Наҳотки, яхшиликдин ўзгани сиедирмагон ал-Фазлнинг улуғ калласи ҳам шул кунга тушур? Э, воҳ!

Тобутни келтирадилар-да, ерга қўядилар. Икки гўрков жасадни қабрга туширади... Устига тупроқ ташлайдилар.

Қабр атрофида, ўнгда — шайхулислом, қозиюл кузот, муфтий, чапда — ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абдулмалик, орқада марҳумнинг қариндош-уруғлари.

Уламолар тиловат қилишдан бош тортиб, безрайиб турадилар. Мунгли сукунат. Вазият сирини анлаган Аҳмад Фарғоний юракларни ийғалатгудай оҳангдор Қуръон тиловат қилади.

Кўпчилик тарқалади.

Қабристонда Аҳмад Фарғоний, ал-Хоразмий, Абдулмалик, гўрков қолади.

Аҳмад Фарғоний. Гўрков жаноблари!

Гўрков. Лаббай, мавлоно! Буюрсинлар!

Аҳмад Фарғоний (*бояги мия суягини унинг қўлига тутқзади*). Мана бу топилдиқни эъзозу эҳтиром ила дафн қилинглар.

Гўрков. Шаръиму?

Ал-Хоразмий. Мусулмон қабристонида насронийча дафн бўлмайдур.

Гўрков. Чикими?..

Аҳмад Фарғоний. Чикими менинг зиммамда (*ҳамёнидан тилла тангалар олиб беради*). Мана бунинг ҳаммасини сарфлаб, бошқатдан кафанлаб кўмилсун. Бул мусулмон суягини қабрдан кўзгаб, қилгон гуноҳингизни авф этсун Оллоҳ.

Гўрков. Куллуқ!

Аҳмад Фарғоний билан ал-Хоразмий, Абдулмалик сал нари бориб оладилар.

Абдулмалик. Хўб савоб иш қилдингиз, мавлоно Аҳмад ибн Муҳаммад. Оллоҳ даргоҳида қабул қилгай.

Ал-Хоразмий. Мусулмон мўмин суягини хор қилмас. Бул гўрковлар ўлик кўпайсун, деб дуо қилсалар керак. Одам суягини улар сағиз кесак бирлан баробар кўрурлар.

Аҳмад Фарғоний. Топдингиз, мавлоно. Ул инсон мия суягини гўрковлар гўр поёнидин улоқтирдилар. Аранг тўхтатиб қолдим, йўқса белкуракда мажақлаб ташлар эрди гўрков.

Абдулмалик. Ал-Фазл жаноблари қабринда беписанд сузилиб ўтиргон заминдорларни кўрдингизму? Аларнинг ер жанжаллари ал-Фазлнинг бошини еди. Охиратда бир қарич ер ҳам буюргонга буюрар эркан-ку!

Аҳмад Фарғоний. Оч кўзларга шунча замин камлик қилса — келиб кўрсун гўристонни. Ҳаммага етадур. Келсун расадхонага — ойнаи осмонга боқсун, олам бепоён ва ҳаммага баробар эканин кўрсун. Ёйинки, жуғрофий хариталаримизга боқсунлар-да, Ер торвузининг қайси карчи маъқул бўлса, танласун ва марҳамат айлаб ани ишга солсун. Талаш-талашга кетгон идрокни дунёвий илм ўрганишга, кучга тўлгон билакни фан арбобларини ўлдиришга эмас, дунёвийликка ишлатиб, одамзотга ҳазина яратсунлар.

Абдулмалик. Ал-Фазл жаноблари ана шундай фикрнинг қурбони бўлди. Ул зот бирор васият қолдиролмай кетдилар. Афсус...

Ал-Хоразмий. Ул улуг зотнинг васияти дилимиздадур! Шамосия расадхонасини ишга солиб, кетидин Шомда янгисини қуриб олсак, марҳумнинг арвоҳини шод, фанимизни обод қилурмиз.

Аҳмад Фарғоний. Ҳақ гапни айтдингиз. Қанча-қанча итлар ақиллагони бирлан неча-неча карвонлар Ипак йўлидин қатнаб турибдур, анчайин каллакесарлар не-не улуг золарни қақшатгани бирлан ҳаёт Жайхуну Сайхун, Нил ва Дажда янглир тошиб оқмоқда. Сиз бирлан бизга Тангри таоло ана шул ҳаёт сувининг мироблари бўлишдек савоб ишни топширибдур. Бул улуг бурчни бажармоқ учун беармон курашмоқ буюрилгон. Курашурмиз. Ҳаёт курашлардин иборатдур.

Ал-Хоразмий. Кураш қурбониз бўлмаслигини заррача ҳам унутмайлик. Вазири аъзам мана шу кураш қурбони бўлди.

Аҳмад Фарғоний. Минг афсуски, ул аслзоданинг ўлимига мен ҳам сабабчидурмен. Надоматдин бошим қотиб, гўё бояги мия сунгига ўхшаб қолгондай...

Абдулмалик. Гуноҳ қилгонлар топилур ва жазоланур, айбсиз бошингизни алар болтаси тагига тутманг, мавлоно.

Аҳмад Фарғоний. Ул аслзода вазири аъзам расадхонага нима керак бўлса, ўшал заҳот муҳайё қилдилар. Куёш соат яратишимда гўёки пойипатак бўлдилар. Замин, масофа ўлчовию мерос қатқимоти ва ҳисоблаш жадвалимни уламолар депсаламоқчи бўлгонда қаттиқ туриб тарафимни олдилар. Ана шулар боис мен ул зотга душман орттириб бердим.

Ал-Хоразмий. Мен ҳам чандон афсусдамен. «Байтул-ҳикма»нинг гуллаши вазири аъзам саъи ҳаракатининг натижаси, мард-мадатининг мевасидур. Бундан рақиблари жиғи-бийрон бўлғони эсингизда. Менга «Байтул-ҳикма» раҳбари сифатинда тила тилагингни, деб турур ва озимдин чиққанини муҳайё қилур эрди. Менинг Бағдоддаги соям ҳам акобирларга аждарҳо бўлиб қўринур эрди...

Абдулмалик. Тангрига шукрки, буюк халифамиз Маъмун ҳазратлари бизга паноҳдурлар. Ул давлатпаноҳ бундин буён ҳам «Байтул-ҳикма»нинг ҳомийсидурлар. Шунинг ўзи кифоя қилмасмикин?

Аҳмад Фарғоний. Шайхулислом идаосини эшитмабмидингиз? Мен эшитгонмен. Эмиш, Памир баландлигининг то Испания чўққиларигагача бўлгон тумоноту музофотларга ҳокиму муғлоқ бўлгон Маъмун давлат жиловини Турон мажусийларига бериб қўйди, араб уламоларию акобирлари аларга югурдак бўлиб юрибдурлар. Унг қўли бўлгон вазири аъзамни қатл қилгонларидин сўнг ул инсон, подшо бўлса ҳам жонли одам ахир, ўзи энди қандай кайфиятда бўладур? Буёғи қоронгу!

Абдулмалик. Расадхонамиз ишга тушмай туриб, анга қарши латифа тўқимоқдалар. «Ой ила юлдузларни ўлчаш нега керак? Олтоҳ яратгон ой ҳар тунда чиқаду, кундузда ботаду. Аларни кўзгаш гуноҳ-ку! Алар бирдан тумонот инсу жинслар кўзгалгудай бўлса, қиёмат қойим буп кетаду-ку!» — демоқдалар.

Аҳмад Фарғоний. Аларга ўхшаш хомхаёллар бир замонда қуёшга қараб: «Эй, Қуёш, тўхта!» — деб эрдилар. Ҳа, шундайлар тушларини

Дажла сувига айтсунлар, оқизиб кетадур. Чигирткадин кўрққан феллох дон экмас!

Абдулмалик. Эсон бўлсак кўрурмиз.

Учовлон кўзгаладилар.

Учинчи кўрinish

Расадхона. Телескоплар олдидан дафтар қўлтиқлаб чиққан Аҳмад Фарғоний тепадаги ойнаванд хужрага кириб, кузатув дафтарини варақлаб ўтиради.

Абдулмалик киради.

Абдулмалик. Ҳормасунлар, мавлоно!

Аҳмад Фарғоний. Келсунлар, хуш келибдурлар! Қалай, яхши дам олдуларму, оқсоқол?

Абдулмалик. Унумли хордиқдин калла пишди. Энди сиз ҳам бироз мизғиб олсангиз яхши бўлурди. Кузатувни мен давом эттирурмен. Фақат бугун чапдаги дурбунларни самонинг қайси бурчагига буриб, қай бир юлдузни назорат қилишни айтсангиз бас.

Аҳмад Фарғоний. Мендин сизга фалакда юлдуз қолмади.

Абдулмалик (кулади). Ҳаммасини ўзингизники қилиб олдингизму?

Аҳмад Фарғоний. Ҳазиллашдим. Фақат бир мингту йигирма иккисини ўлчаб улгурдим, холос. Ҳали кўз етмагон юлдузлар кўкда қумурсқадай қумлаб юрибдур.

Абдулмалик. Муфтий ҳазратлари қайдин билибдур, «ал-Фарғоний мингдин ортиқ юлдузни буткул ўлчагани ростму?» — деб савол ташладилар.

Аҳмад Фарғоний. Дунёвий илмларга нечук қизиқиб қолибдур?

Абдулмалик. Ҳадийси муқаддас ул зотга энди таъсир қилгон кўринадур. «Мусулмон зотиға дунёвий илм ҳам керакдур», дедилар менга.

Аҳмад Фарғоний. Ундай бўлса муфтий жаноблари марҳамат қилиб, расадхонамизга келсунлар. Оллоҳнинг осмонини дурбунда кўрсатурмиз.

Абдулмалик. Гапимиз бир жойдин чиқди. Ул зот ҳали ҳозир келиб қоладур. Мачитда ваъдалашгон эрдик. Ие, ана, Хизирни йўқласак бўларкан, ўзлари келиб қолдилар.

Муфтий киради.

Муфтий. Ассалому алайкум, азизлар!

Ўтириб дуо қилади.

Аҳмад Фарғоний. Ниятингизни оқсоқол айтиб эдилар, ташрифингиздин кўп мамнунмен.

Муфтий. Бир эмас, икки расадхона осмон бирлан гаплашиб турсаю уламолар четда бўлсалар. (*Жимлик*). Ақобирлар орасинда гап сўз мўю-малоқ!..

Аҳмад Фарғоний. Ташрифингиздин шайхулислом хабардорму?

Муфтий. Йўқ.

Аҳмад Фарғоний. Жасорат қилибдурсиз, муфтий жаноблари. Энди буёғига андин катгароқ жасорат талаб қилинур.

Муфтий. Ният қилгон одам жабрдин чўчимас!

Абдулмалик. Муфтий жаноблари жами шарт-шароитни мендин сўраб, билиб олгондурлар.

Аҳмад Фарғоний. Ундай бўлса, чилла сарпосини кийиб чиқсунлар.

Муфтий (тушунмай аланглайди) Чилла? Қирқ кун ўтирадурменму?

Аҳмад Фарғоний. Ер бирлан осмон миллиард-миллиард йиллик йўл. Аммо аларнинг кўшничилигини кўрмоқ учун сизга бир ёруғ кун бирлан, бир қоронғу тун кифоя...

Муфтий ичкарига кириб, оқ кулол, халта кўйлак кийиб чиқади.

Муфтий. Оқ фотиҳа берсунлар, мавлонолар.

Аҳмад Фарғоний (*ўрик, майиз, ёнғоқ беради*). Мана буларни қўйниққа солиб олсунлар.

Муфтий. Жаннат мевалариму булар?

Аҳмад Фарғоний. Ўрик — юрак дармони. Қора майиз — қон томир арқоғи. Ёнғоқ мағизи — ҳушёр тутувчи омил.

Муфтий. Денгизчиларнинг сафар таоми-ку!..

Аҳмад Фарғоний. Сиз алардин мушкулроқ сафар қилурсиз. Алар фақат сувда юрадулар. Сиз Ерда, сувда, кўкда сузурсиз.

Абдулмалик муфтийни қоронғу йўлакка бошлаб кетади.

Бошида тугун кўтарган Гуландом киради.

Гуландом. Ассалому алайкум, тоға! Дадам бирлан аям ош дамлаб бериб юбордилар. Паловни соғинган бўлсалар керак, дейишди.

Аҳмад Фарғоний. Барака топкурлар. Паловхонтўрани ким соғинмайду?

Гуландом кўлига сув беради.

Аҳмад Фарғоний (*мириқиб ош ейди*). Жиққа мой! Шириндин ширин! Иш билан бўлиб, қорним очғонини билмагон эканмен.

Гуландом. Хоҳласангиз ҳар куни келурмен. Эртага лағмон ейсизму ёкин манти яхшиму?

Аҳмад Фарғоний. Овора бўлманглар. Ҳамшаҳарларимиз бизни тансиқ таомга мўл қилиб турибдулар. (*Бўшагон товоқни қайтариб беради*). Ота-онангизга мендин икки кучоқ салом айтиб қўйгайсиз. Яхши боринг!

Гуландом бирпас олимга термулиб, гап айтолмай турадида, қиёлаб чиқиб кетади.

Котиб. Неча кундин бери «Байтул-ҳикма»да бўлолмадингиз. Қоғозлар йиғилиб қолди, жаноб бош китобдор. (*Қоғозларни саралаб, бир-бир узатади*). Мана буниси олиму мулозимларнинг маошлари йўқламаси. Имзо чекурсиз... (*Кўл қўйдириб олади*). Мана булар четдин келгон ёзишмалар.

Аҳмад Фарғоний. Қаерлардин ва не хусусларда?..

Котиб. Мана бунда Дониё қиролининг денгиз вазири сиздин Ер юзи харитангизни сўрабду. Рухсат бўлгач, анга элчи келармуш.

Аҳмад Фарғоний. Аларнинг тошбосмасинда кўпайтириб ҳам олурмиз. Хўш, яна нима хабарлар келтирдингиз?

Котиб. Яна икки давлатдин даъватномалар. Бири Миср подшосидин, яна бири Испаниядин (*Узатади*). Миср подшоси «Миқёси жадид» асарингизни ўқибду. Шул асосда Нил дарёси феъл-атворини билиб беришга чақирибду.

Аҳмад Фарғоний (*мактубни ўқиб, кулади*). Буни қаранг, хизмат эвазига бошингиздин олтин сочурмен, депти. Нилдай серсув дарё оқиб тургон бепоён ерларда қурғоқчилик. Нил дарёси беҳаё ва телба. Гоҳ қирғоқларига чиқиб, экинларни пайхон қиладур, гоҳида ўзанидин ғойиб бўлиб, қурғоқчилик қиладур. Анинг бул феъли-атворини рисолага солгондим, мисрликлар эътиборга олибдулар. (*Жимлик*). Бул савоб ишни олтин бирлан ўлчаб бўлурму? Савобга қилурмен. Савобга! Савоб — олтиндин афзал!

Котиб. Аларни хурсанд қиладургон жавоб мактуби битайликуму?

Аҳмад Фарғоний. Битурмиз. Албатта битурмиз! Аввалон юртдош муҳандислар бирлан келишиб олмоғим зарур.

Котиб. Испанияга не дермиз? Ваколатхонасидин бугун хабар олғали чопар келадур.

Ахмад Фарғоний. Бул даъватнинг ижроси анча вақт талаб қиладур. Аларнинг талаби қанчалик катта бўлса, ижроси шунча мушкул. Алар дорилфунун очмоқчи эрмушлар. Бул олий даргоҳ овруподаги илк дорилфунун бўладур. Анга мен Марказий Осиёнинг бир гуруҳ ёш олимларини эргаштириб боришимни ўтиниб сўрабдурлар. Аларнинг бошларини қовуштириб олмоққа ҳам вақт керак.

Котиб. Дарс бериб келмоққа борурсизларму?

Ахмад Фарғоний. Ўтроқликка чорламоқдалар. Ўтроқликка!

Котиб. Қизиқ. «Байтул-ҳикма»дай Шарқ академиясининг сиздай улуг раҳбарини олиб кетишга қандай журъат этибдурлар?

Ахмад Фарғоний. Орзуга айб йўқ. Бул қоғоз шу ерда қолсун. Анинг хусусиндаги гап-сўзлар ҳам...

Котиб. Куллуқ. Тушундим.

Чиқиб кетади.

Ахмад Фарғоний ишга берилиб, ниҳоятда чарчаганидан ёнбошлаб ухлаб қолади. Оз вақт ичида туш кўриб ҳам улгуради.

Тушда овоз. Фафлат уйқусидин уйғон, Ахмад ибн Муҳаммад!

Ахмад Фарғоний (*уйқу аралаш*) Ухлагоним йўқ, андак кўзим кетибдур, лек фикрим уйғоқ!

Тушда овоз. «Самовий жисмлар ва юлдузлар ҳаракати» китобинг поёнига етдиму? Китоби улуг?..

Ахмад Фарғоний (*уйғониб кетади*). Шу ерда... мана... мана... (*Ўрнидан туриб, кўзларини ишқалаб олиб, яна ишга чўмади*). Батлимус адашғони рост эркан... Расадхонасининг чала бўлғони ул зотни янглиштиргон чиқади. Шукрки, биз ул буюк олимнинг хатоларини тузата билдик. Ҳаммаси мана шул китобда битилди.

Қоронғу йўлакдан Абдулмалик, муфтий чарчоқ ҳолда чиқиб келишади.

Муфтий. Бир кеча-кундуз шунча узунму?! Бир умрга тенг бўлиб кетди!.. Билло, оламни кездим. Гўё миям ўзимники эмас...

Ахмад Фарғоний. Бир кеча-кундузга шунчаму, биз бул даргоҳда неча йилдин берли илм қиладурмиз. Сиз бирон бир юлдузни ўлчадингизму?

Муфтий. Қаёқда! Тегирмон тоши қандоқ айланадур, худди ўшандай. Юлдузлар гоҳ тепамда, гоҳида биқинимда, баъзан остимда пайдо бўладур. Юрагимни ҳовучлаб, ўрик чайнадим. Бир вақт қарасам, юлдузлар остимдаю, ўзим океан ичинда... Чўқаётгандай бўлиб, қора майизни оғзимга солдим. Кейин қарасам, поёни йўқ куруқлик. Саҳройи Кабиранинг олдинда гўё бир тишлам! Кейин Куёш чарақлади! Кўзим тинди. Кўзларимни юмиб олдим-да, ёнғоқ мағзини чайнаб, айтгонингиздай хушёр тортидим. Гўё қайиқда ўтирибману мен тушган қайиқ думалаётгандай... Мисоли туш кўргондек бўлдим, мавлоно!.. Оллоҳнинг қудрати беармон!

Ахмад Фарғоний. Ўша қайиқ деб айтгонингиз мана шу сиз бирлан мен ўтиргон заминнинг ўзгинасидур. Гоҳ биқиндаю гоҳида ост-устингизда юргон Ой ила юлдузлар Куёш атрофиндаги сайёраларнинг ҳаракатидур. Батлимус «Ер қотиб қолгон жисмдур, ул силжимайдур» деган эрди. Сизлар эса, ерни қора ҳўкизнинг шохи кўтариб турадур, бир шоҳидин иккинчисига олғонида зилзила бўлур, деб баён қиласизлар. Дурбунларда бирон жойда ўша қора ҳўкиз кўриндиму?

Муфтий. Сизлар ани бидъат ила хурофот дейсизлар. Не қилайлик, олимлар онгига ўрнашиб қолгон азалиятни энгиш осон эмасдур.

Ахмад Фарғоний. Ани дунёвий илм ила маърифат энгадур. Биз одамзоднинг мушкулини осон қилиш хизматиндадурмиз... Токи, танада жон, томирларда қон, қалбда иймон борича!..

Аҳмад Фарғонийнинг уйи. Кечки пайт. Қандидаги ўн битта шам ёруғида ишлаб ўтирган, соқол-мўйлови мошгуруч Аҳмад Фарғоний эшик қаттиқ тақиллашидан чўчиб тушади.

Аҳмад Фарғоний. Ким у?

Қиз бола овози. Очинг, тоға! Очинг, оча қолинг!

Аҳмад Фарғоний эшикни очади. Суқсурдай гўзал қиз ичкарига отилиб киради.

Аҳмад Фарғоний. Гуландом? Сизму? Ит қувладиму?!

Гуландом. Ундан баттар! Мени яширинг, тоға! Тез яшириб қўйинг, тоғажон!

Аҳмад Фарғоний. Не бўлди, синглим! Гапиринг!

Гуландом (*эс-хушини аранг йиғиштириб олгач*). Мени ҳарам бекаси қуллаб юрибдур...

Аҳмад Фарғоний. Кузғунлар яна овға чиқибдурларму?

Гуландом. Алар изимға тушғонидин берли қочқодурмен. Қаерларда юргонимни ота-онам ҳам билмайдурлар. Мусофирлик. Ҳамшахарим, деб паноҳ излаб ҳузурингизга кирдим. Қолаверса «Байтул-ҳикма» раҳбаридин ҳайиқсалар керак, деб ўйладим. Паноҳингизга олинг!..

Аҳмад Фарғоний (*ўзига ўзи*). Оллоҳ бундайин соҳибжамолни бахт учун яратгон-ку! Бахти қароликка эрмас, албатта. Гўзаллиги ўзининг бошига бало бўлди! Парчинойнинг айна нодир нусхаси-я! (Жимлик). Парчиной! Қайларда сен, Парчиной!.. Сени ҳам бул гўзалнинг кунига солмасин Худо, Парчиной!..

Гуландом. Лаббай! Мени чақирдингизму? Менинг исмим Гуландом-ку!

Аҳмад Фарғоний. Афв этгайсиз, синглим... Мен... мен ўзим...

Эшик қаттиқ тақиллайди. Гуландом китоблар жавонига паналаб олади. Ҳарам бекаси киради.

Ҳарам бекаси (*Аҳмад Фарғонийга чақчайиб*). Ҳарамдин қочгон канизак шул ерга кирди. Қаерга яшурдингиз?

Аҳмад Фарғоний. Ҳарамдин қочгон дейсизму? Ишонмайман!

Ҳарам бекаси. Мавлоно! Сиз яшургон ўшал қочоқ ҳарамнинг мулки...

Аҳмад Фарғоний. Гуландомни айтурсизму? Ул қизнинг отасини яхши билурмен. Ҳарамға қиз узатадургон ножинслардин эрмас! Ул қиз ҳам зотан ҳарамдин осмонча узоқдадур!

Ҳарам бекаси. Ана жавонда кимдир гимирляпти... Ҳо, келинчак, буёққа чиқинг, сизни остонаси тилло уйлар кутяпти...

Аҳмад Фарғоний. Англатинг менға: гоҳ қочоқ, гоҳ ҳарам мулки, гоҳ келинчак дерсиз...

Ҳарам бекаси (*Гуландомни жавондан чиқариб оларкан*). Олдимға тушинг, эъзозли келинчак. Сиз жаноб олийлари Маъмун амри бирлан лашкарбошига тортиқ қилинғонсиз. Тахти равон, бахти жаҳон кутадур сизни...

Гуландом. Ўшал тахти равонни елкамининг чуқури кўрсун. Ва ҳарам йўлиқтиргон бахтни ўлигим кўрсун!.. (*Аҳмад Фарғонийга қараб*). Сиздин ўзга бахт менға гўристондур!..

Дабдаба билан хуфя ишлар зобити киради.

Зобит (*Гуландомга*). Сизни ота-онангиз кутмоқдалар. (*Ҳарам бекасига*). Сиз, бул қиз бирлан бирга боринг!

Ҳарам бекаси қизни етаклаб кетади.

Гуландом. Қидиргон кимсалар мени қабристондин топадур.

Аҳмад Фарғоний. Нималар бўляпти ўзи?!..

Зобит. Кўзголончиларни бостирғон лашкарбошиға халифамизнинг инъомидур бул гўзал қиз. Сиз эрса ул жононни ўз никоҳингизга олмоқ учун яширибсиз... Ростму?..

Аҳмад Фарғоний. Ҳалимдин хабарим бор, зинҳор-зинҳор бул бўҳтондин хабарим йўқ!

Зобит. Гапингизни еткизурмен. Лекин уёғи не кечишини олдиндин айта билмасмен, мавлоно бош китобдор. Узр.

Чиқиб кетади.

Аҳмад Фарғоний (*ўзига ўзи*). Эй, бу хом калла, қачон пишурсен? Қабристондаги мия суякка айланганинда пишурмисен? (*Бошига уради*). Нега ул париштани ялмоғиз жодугар қўлига тутиб бердинг? Бечора, бегуноҳ қиз сендин паноҳ излаб келгон эрди-ку! Умиди пучга чиқди шўрликнинг. «Ундай бахтни ўлигим кўрсин!»[°] деб эрди-ку! Нега англамадинг, хом калла?.. Бир ночор бечоранинг заволига қолмадинмикин? Охиратда жавоб берурсен, эй, ахмоқ Аҳмад!

Эшик тақиллайди.

Аҳмад Фарғоний. Кираверинг, эшик очиқ.

Шайхулислом киради.

Шайхулислом. Ассалому алайкум, бош китобдор жаноблари!

Аҳмад Фарғоний. Ваалайкум ассалом, қаёқдан кун чиқди?

Шайхулислом. Менинг ташрифим сизни мамнун қила олмас, деб ўйлаймен.

Аҳмад Фарғоний. Ал-Фазл ўлими етмасмиди? Яна бирор фожиа юз бердиму?!

Шайхулислом. Ўшанинг шарпаси келиб турибдур.

Аҳмад Фарғоний. Оқиқчасиға гаплашишни яхши кўрар эдингиз шекилти?

Шайхулислом. Андин бери Дажладин қанча сув оқиб ўтди. Айни замонда Дажла суви лойқаланиб оқмоқда.

Аҳмад Фарғоний. Хўш? Боиси?..

Шайхулислом. Боисини ўзингиздан эшитгум. Қахрамон лашкарбоши қаллиғини шарманда қилибдурсиз. Ҳам бошдин, ҳам тошдин, ҳам аштдин, ҳам даштдин бадном бўлиб турурсиз. Муфтий жанобларини расадхонадин кофир қилиб чиқарғонингиз етмағонмиди?

Аҳмад Фарғоний. Ё Оллоҳ, бу тўхмат тошлари қайдин ёғилур? Одамға олам шунчлар тораийб қолғони ниманинг аломатидур? Ёки маҳшаргоҳ эшиклари ланг очилиб, қиёмат аждарлари овға чиқдиларму?! (*Шайхулисломга яқинлашади*). Кимнинг гуноҳи бўлса Оллоҳға солдим. Оллоҳ кечирмайдур бўҳтонни ҳам, иғвони ҳам!..

Шайхулислом тесқари қараб олади. Хуфя ишлар вазири Яхё киради.

Ал-Яхё. Ширин суҳбатни бузғон бўлсам узр сўраймен.

Аҳмад Фарғоний. Буюрсинлар, вазир жаноблари.

Ал-Яхё. Сизнинг уйингизга бостириб кирғони учун ҳарам бекаси жазоға тортилди, бизнинг зобит оддий аскарликка туширилди.

Аҳмад Фарғоний. Шунча иғво кимға керак эрди?..

Ал-Яхё. Биллосини эшитдингиз, индаллоси сизни беҳад хуноб қилишинин кўркувдадурмен.

Аҳмад Фарғоний. Ахборингизнинг бундин ҳам қумортқиси борму?

Ал-Яхё. Ул қиз сиз бирлан ўлим хусусинда гаплашғонмиди?

Аҳмад Фарғоний. Аҳ! Бирор фожиадин даракдурму бу сўров?!

Ал-Яхё. Ул қиз ҳарам бекасининг қўлидин чиқиб, ўзини Дажла дарёсиға ташлабдур. Ўз жонига ўзи қасд қилғони ҳақинда битик ёзилмуш...

Аҳмад Фарғоний. Кетинглар! Бўшатинглар кулбамни! Холи қўйинг мени!

Эшик-дөразаларни очиб юборади. Шайхулислом, ал-Яхё чиқиб кетади.

— Тор бўлди сенга бул макон. Гиппа бўтур сени бул шаҳри азим... Олимлар орасинда, юртдошларинг кўзи олдинда қандоқ бош кўтариб юурсен? Қизнинг ота-онаси ким дерлар сени?..

Уйни гир айланиб чиқади-да, эшик, дөразаларни қайта ёнади.

— Бул маскандаги ишларинг паёнига етди. Улуғ китобинг сўнгги рисоласи ҳам бут бўлди. Яна нима қолди? Энг муҳими ишларинг мана энди бошланур. Назарияни амалияга кўчирмогинг ҳам қарз, ҳам фарз! (*Жимлик*). Амалиётсиз илм — эски увада. Меҳнату машаққатда топгонингни увадага айланторма, ишлат, борлигингни халқларга бер!

Жавонларни очиб, китоблари, қўлёмаларини йиғиштира бошлайди.

— Шунчалар бевафому бу ёруғ дунё!.. Шунчалар тордурму бу торвуз янглиг юмалоқ замин!.. «Байтул-ҳикма» даргоҳи ҳам сенга тор ўлди, тор ўлди... Кет бул ердин ақлинг борида...

Китобларини туга бошлайди.

— Кетурмен, оёқларим етгунча борурмен. Кўш ҳўкиз ортидин бугдой сепган деҳқондек илм, маърифат уругини Оврупага ҳам сепгаймен. Битталаб, битталаб ботмон бўлгунча сепгаймен!

Китобларини рўмолга тугади. Ортганини иккинчи рўмолга.

— Эҳ-ҳе, кўп экан-ку. Қўлёмалар яна бир тугун. Хариталар-чи?.. Ҳаммасини олиб кетурмен. Дастёр эмас, ўзим кўтариб кетурмен.

Туғунларни таёғига илади. Опкачага ўхшатиб бўйнига илиб кўради.

— Огир... Огир бўлса ҳамки, ўз ақл-идрокинг мевасидир бу юкинг. Йўқ, йўқ, юк эмас, фарзандинг. Билиб кўй. Булардин ўзга фарзандинг йўқдур сенинг. Эҳ, тақдир. қаёқларга, кимларга ташладинг мени? Сабр... Сабр қил, Аҳмад, сабр қилсанг гўрадин ҳолва битур!..

Утуриб олиб, ўзи тузган харитани кўради.

— Қайларга борай? Ушбулардин нари Испанияга йўл олайму? Йўқ, Испания ҳам Маъмуннинг ери. Қўл-оёгингдин боғлаб бергувчилар топилур. Миср-чи? Ул мустақил давлат. Подшоси ўзи чақиряпти. Амалиётингга кенг майдон. Маслаҳатим битди. Мисрға йўл олурмен. Анда телба азим дарёга «Нилометр» дастгоҳи ўрнатурмен. Ани мен бирлан бирга лойиҳа қилгон ҳамюртларим ортимдин борурлар. Мисрға йўл, Мисрға!..

Дастёр бола киради.

Дастёр. Лаббай! Мисрғаму, қачон? Вой, кўч-кўрон бирланму?

Аҳмад Фарғоний. Жим! Ҳеч кимга ҳеч нима лом-мим!

Дастёр ҳайрон лабини тишлаб қолади.

Дастёр. Мен ҳам сиз бирлан...

Аҳмад Фарғоний (*ёнидан олтин тангалар чиқариб беради*). Беминнат хизматинга рози бўл, бўтам.

Дастёр (*ийглаб юборади*). Энди кўришолмаймизму? Мени ташлаб кетурсизму...

Аҳмад Фарғоний. Йиғлама, бўтам. Насиб этса кўришармиз. Сендин битта илтимос: мабодо Кубодин, Фарғонадин мени йўқлар киши келса, Аҳмад Фарғонийни Нил дарёси соҳилларидин, андин нари Принея оролларидин қидирсунлар. Сени Оллоҳга омонат қолдирурмен. Хайр!

Туғунларни икки елкасига хуржун қилиб осганда ал-Хоразмий киради.

Ал-Хоразмий. Оллоҳ дилимга солди. Йўқса армонда қолур эканмен. (*Аҳмад Фарғонийни қучоқлайди*). Иним! Ишларингизни охирига етказинг! Қаерларда бўлсангиз ҳам Оллоҳ сизга соябон бўлсин. Сафарингизни бехатару осон айласун!..

Икковлон яна бир бор қучоқлашадилар. Аҳмад Фарғоний қоронғуликда гойиб бўлади.

Парда



Чоршамъ

Куйламоқ шавқида Тонг..

Келмагай

Ҳар баҳор боғ ичраман,
боғимга бону келмагай,
Токи ул келмас экан,
кўнгулга ёғду келмагай.

Шода гул шабнамларини
сочади сайёрига,
Гулларим очилди деб,
гул узра гулру келмагай.

Аркини тарк айлабон
чиққанда ҳам ширинзабон,

Йулларида бор каби
ҳар бора бору келмагай.

Ошиги анзорини
кўрганда боғ ҳам оҳ уриб,
Дам-бадам қайғу келур,
гоҳ-гоҳи жоду келмагай.

Куйламоқ шавқида тонг
чорлайди булбул чаҳчаҳи,
Замҳарирдай ҳар ёғи
Чоршамъга туйғу келмагай.

Дийдорлашиб

Ўтмади умрим мани
ёр ила дийдорлашиб,
Битмади кўнглум гами
зор ила дийдорлашиб.

Ёздиғимда бор экан,
чекканим озор экан,

ҳолу жон ночор экан
хор ила дийдорлашиб.

Бевафо деб дайру-дун,
йигладим танҳо, нигун,
йўқни йундирмоқ нечун
бор ила дийдорлашиб.

Орзуи армон ўлур,
бўғзима нолон келур,
дийдаи гирён тулур
ор ила дийдорлашиб.

Кун келур — жон кетгуси,
руҳият тарк этгуси,

кўкка бошим етгуси
дор ила дийдорлашиб.

Сунгра тин олгай юрак,
кенг-да осмону фалак,
менга Чоршамъ на керак
нор ила дийдорлашиб.

Уйқу келмас кечалар

Тин олур сокин гўша,
мен уша, дунё уша,
тун бирам осойиш-а,
уйқу келмас кечалар.

Пойларим-ку толдилар,
сўзларим ҳам қолдилар,
фикратимни олдилар,
уйқу келмас кечалар.

Ухлаюр «пиш-пиш» болам,
қўлчалари мушт болам,
балки кўргай туш болам,
уйқу келмас кечалар.

Турмушим кўзғар ғашим,
сўндирар ҳар оташим,
қайдасиз, эй дардкашим,
уйқу келмас кечалар?!

Кўзларим осмон кезар,
бир буюк нигоҳ сезар,
ҳис этолмаслик эзар,
уйқу келмас кечалар.

Лабларим ноб истаюр,
ноб ичра бир тоб истаюр,
сўнг ажиб хоб истаюр,
уйқу келмас кечалар.

Бир куни келгай ўлим,
бошлаюр қайга йулим,
қайда у сўнгги қўним,
уйқу келмас кечалар?!

Балки руҳ лош устида,
бир умр бош устида,
чирқирар фош устида,
уйқу келмас кечалар.

Уйқусизлар, бормисиз,
оламда устивормисиз,
соғмисиз, бемормисиз,
уйқу келмас кечалар?!

Чоршамъи даргоҳ ўзим,
ҳам гадо, ҳам шоҳ ўзим,
берғуси Оллоҳ тўзим,
уйқу келмас кечалар...

Камол Ҳўжандий ғазалига мухаммас

Муҳаббатсиз наво борму, билолмам,
Навоси йўқ бақо борму, билолмам,
Бақосиз ҳеч сафо борму, билолмам,
Дилингда бир вафо борму, билолмам,
Вафоли дилрабо борму, билолмам?!

Умр бойланди ечгум деб тугунга,
Оқибат — чиқди ҳол зору забунга,
Кўнгул тушганда гирдоби қуюнга,
Висол кўрмоқни қуйдинг бошқа кунга,
Ўлимдан сўнг раво борму, билолмам?!

Дедим: Бағрим тўла оташ — даводур,
Меҳр қўйгил, меҳрсизлик — балодур,
Деди: Ошиққа бермоғим — қазодур,

*Дедим: Ўлдирма! Деди: Бу — раводур,
Раво бўлмиш жазо борму, билолмам?!*

*Тиловат айлагум ҳар тонг отаркан,
Мунаввар шамс чиқиб токи ботаркан,
Фироқингда сазойи жон этарсан,
Дуони олмайин дашном этарсан,
Дуо олмай сахо борму, билолмам?!*

*Ажаб айёми гунча, лола сайли,
Висолга ташна қалблар авжи — майли,
Кел-эй, бўлгунча то кибрингни сайди,
Қониққум кўрмоқинг-ла дедим, айди:
Қаноатли гадо борму, билолмам?!*

*Садоқат тахтли бу улкан саройда,
Бирор кунж бор турур мендек гаройда,
Тилим ожиз, дилим воиз бу ройда.
Дединг менга: Дилингни жойи қайда,
Бу мискин дилда жо борму, билолмам?!*

*Билар бўлсам — сенга ҳамдам керакдур,
Тунинг равшан этар Чоршамъ керакдур,
Кўзингда акси ишқ ҳар дам керакдур,
Қамоли хастага марҳам керакдур,
У сенда йўқми ё борму, билолмам?!*

Баҳром Рўзимуҳаммад

Қамадак рангини қўшар ғунчага

*Қушлар сайроғини синдиради дераза
ичкарида кучга минади сукунат
эриб бораёттир бир яшил одам
бир дарахт яшар эди бунда*

*нақадар халал берар қуёш нури
кундуз кундуз билан тўқнашар
тилладан ясалган кундуз (уйдаги)
кунда урнатилган ёстиқ ўрнига*

суҳбатлашар бунда темир-терсақлар
чиқар ташқарига жарангсиз товуш
сўзлар қўшилолмас сукунатга ҳеч
гул очилолмас қаттиқ муҳитда

шаробни тўқади ям-яшил одам
ўткир ҳид тутади хонани шунда
кимки нафас олса деразадан чиқиб
кўз очиб юмгунча учиб кетади

халал бермасайди ҳеч ким Муъжиза
ҳар лаҳзада такрор тўғилиб билар
қушлар сайроғини синдиради дераза
уй кўзини чўчиб очади

* * *

Тун эринчоқ ваҳимаси
сув сокин шалдираши билан
иштирок этишар бу анжуманда

изимдан эргашар
ажал каби олча сояси

гул ифорини тарқатмай турар
нур ялтирамай турар бир нафас
мен қаерга сиғишим мумкин

нега сен кечикиб келдинг
кечкикиб тушдинг руҳимга шабнам

дарахтнинг шохларида қон
гулми шу япроқми шу

оёқяланг эдим бошяланг эдим
қайғу дунёсига кираётганда
исмимни йўқотиб қўйдим ҳаттоки

* * *

Тўкилгим келади сувдек шалдираб
ялтираб қалтирагим келади менинг
эсимни йўқотгим келади жуда
янгидан эс кирса бир сабо эсиб

тинглагим келади сени бир аср
тилимни тунларга улашиб чиқдим
менга сендан ўзга ҳеч не керакмас
ёлгончи дунёда рост сўзла юпат

гўё кераксизми ортиқча бир кас
кўп нарса изладим оз нарса топдим
дунёнинг кўзига чўп бўлиб тушдим
тушунганим сари тушунолмадим

бир кетгим келади этакни силкиб
тўкилиб ёйилиб кетгим келади

* * *

Қаҳқаҳа яшайдиган уйда
ясан тусан қиларкан байрам
мунгайиб кўринади ярим қиёфа

кимга тегишлидир адашган йиғи
думалаб думалаб тушайтган нур
томчидек кириб кетди ковакка

Камю каламуши пуфақдек шишиб
ваҳимага солар қуёшни шунда
ўрин алмашади ой била қуёш

тунда сувда аксланади у
севишганлар мажнунтол соясида
бир-бирига сепишар қип-қизил шуъла

биноқ кимникидир бу етим йиғи
япроқ титроғига беркиниб ётган
кимга тегишлидир ярим қиёфа

мажнунтол тагида севишганлар
эрмакка уйнарган сўнгги шуълани
қуёшнинг устига қулаб тушар ой

* * *

Нафас совқотади
деразадан мўралар гуллар
жунжикади қушчалар
тойиб йиқилади хаёлим

ширин туш каби гир атроф
деразадан қараган каби
хаёл ойнасидан қарайман
тикиламан иссиқ ойнадан

пуфлаб ташлайдирман нафасни
ғижимланиб қолар кечаги тушим
сабабсиз хурсандчилик руҳимда
жим одимлагим келмоқда жуда

бир ўзим яшагим келади қишда
миттигина қор ёгса менга аталган
совқотади нафас қушчага ўхшаб
мамнуният ила термулар бир гул

атроф сокинлиги
сокинлигимдан юз бора улкан
қандай сиғди экан бу фаслга у

* * *

Қандай тушунтирсам экан
бу чуққи ёлғизлиги
музга дунган чуққинингмас
қуёшни тешиб ўтган чуққининг
ёлғизлиги
бу

қандай тушунтирсам экан
бир ҳовуч ҳаво йуқ унда
ранг йуқ рангсизлик йуқ
ўлик тириги
маълум эмас сукунатининг

яна қандай тушунтирсам экан
нигоҳ етиб бормас қарасанг
у эса фикрингга етиб келмайди
шундай қарахт ёлғизлик бу

улуғворми у билмайман
даъвоси йуқ ҳеч бир сифатга
қўлга ўргатилмаган ёлғизлик
жаъми ёлғизликлар подшоҳи

қандай тушунтирсам экан
ўзим тушунмаган нарсани

* * *

Камалак рангини қўшар гунчага
ярқ этиб очилар гунча руҳимда
ва чопиб кетади бинафшаранг от

шуълалар етолмас изидан унинг
хаёл чарчаб қолар қувиб изма из
тилла тўёғининг излари шафақ

ўша гул руҳимда сўлар зум ўтмай
тун ва кундузнинг ичидан ўтиб
мен етиб оламан отнинг изидан

кишнамоқчи булар от шунда
сачрайди ҳар ён камалак ранги
сочилиб кетади ширин бир ифтор

Дилором Исмоилова

Кўзларида парчаданар ой

Августда

Музаффар қуёшга тенглашгим келар,
Югурук ел билан тиллашгим келар,
Ифторли гуллар-ла сирлашгим келар,
Учинчи августда

*Шу кун ёлгиз қолгим келаверади,
Рух танбур овозин тилайверади,
Шамоллар бошимни силайверади,
Учинчи августда*

*Чиқиб хаёлотнинг қирғоқларига,
Кунни буяб соғинч буюқларига,
Йиқилсам мен унинг оёқларига,
Учинчи августда.*

Дийдор

*Дийдор — кипригимга кўнган капалак,
Қарашлари майин қаноти янглиғ.
Юзим лолазордир, юрагим булбул,
Фигон, тилимдан туш, кўзларимдан чиқ.*

*Ёниб кетаверсин кўнглумдаги ғам,
Кел, сени бағримга босайин, дийдор.
Бундайин неъматдан дийдаларим нам,
Юрагим булбулдир, юзим лолазор.*

Иқрор

*Ишқим — гуноҳларим тўкилиб кетди,
Қўлларим — қушини учирган дарахт.
Булутлар — оҳларим, фалакка етди,
Қароқ — муҳаббатга ўрнатилган тахт.*

*Ҳар йил кутаман, деб куртак очар лаб,
Дарахтлар учмоққа ёяди қанот.
Осмонга чўзилар гуноҳин сўраб,
Заминга чуқурроқ ботаётган сабот.*

*Новдалар тароқдек елни тарайди,
Япроқлар юзида тун чеккан оҳлар.
Буйларини чўзиб йўлга қарайди,
Учирган қушини соғинган шохлар.*

Таъсир

*Сен сўзладинг, тошлар эриб томдилар,
Иқрорлар ҳам иқроридан тондилар.
Йиғлайвериб тўлиб кетган бағирлар,
Узин шўроб ёшларига қондилар.*

*Сўзлайвердинг, бардош ипи узилди,
Тугунчаси қолди менда, тугилди.
Э воҳ, кўнгул манзилининг йўллари
Бузилмади, бузилмади, бузил...ди!*

Интизорлик

Ваҳоланки, қуёш йўқ турур,
Ваҳоланки, висол ҳам йироқ.
Мен нимага умид боғлайин,
Гул вужудин босганда титроқ.

Аёзларда қолди кунимиз,
Ҳимояга келмас ул қароқ.
Нима учун, нега, не сабаб,
Юрагимни ўртайди сўроқ?!

Қуёшнинг бир тилим нурига
Булган каби гунчалар муштоқ, —
Васлингтадир дилим интизор,
Кўрсат жамол, тугасин фироқ.

Боғда гулга қўшиб жуссамни
Совуқ уриб кетмасдан ногоҳ,
Кўзларимга қадам қўй, энди,
Ясалмасдан умримга адоқ.

Соғинч

Булбул хонишидан, сувлар куйидан
Садолар теради бу жоним.
Дарахт гуллашини кўриб ҳар баҳор,
Адолар бўлади бу жоним.

Кўзларимнинг оппоқ майдонларида,
Кезинади икки сазойи қароқ.
Бошимда парвона бўлса-да қуёш,
Негадир кўнглумга ёқолмас чироқ.

Илтижо

Кўнгулга йўл топиш қийин, дейишади.

Қошим билан суйгани келдим,
Кўзим билан суйгани келдим,
Мен жонимдан туйгани келдим,
Эшигингни оч!

Оёғимда бошлар изи бор,
Қароғимда тошлар изи бор,
Ёноғимда ёшлар изи бор,
Эшигингни оч!

Дийдаларим сачратар вола,
Кўкрагимга сигмайди нола,
Чиқиб кўнглум олгин-ей, ола —
Эшигингни оч!

*Кўзларимда парчаланар ой,
Кипригимда дойра чалар ой,
Тўкилади дардларим хумой,
Эшигингни оч!*

*Очилмаса кўнглунг дарчаси,
Сувга оқса нолам барчаси,
Бўсағангга қоқ дил парчасин,
Эшигингни оч!*

Йўлингга тўшалар кўзларим

*Кўнгул боғларига тушганда қиров,
Аёзда қолганда хаёл қушлари.
Эшигимдан йўқлаб келмаса биров,
Менга таскин берар кўрган тушларим.*

*Милтираб туради умидим шаъми,
Эшик тутқичидан тутар қўлларим.
Кипригимнинг қотиб қолганча нами,
Йўлингга тўшалар кўзларим.*

Ташриф

*Илиқ кафтларига олиб кафтимни,
Етаклаб келади мени шеърингиз.
Даштдайин бепоён нигоҳларимга,
Ҳайратнинг сувратин чизингиз.*

*Хонангизга кирар бир тилим зиё,
Ёришиб кетади ҳаттоки синчлар.
Яшира олмайин қувончларини,
Қичқириб юборар со-ғинч-лар.*





Аҳмад Лутфий

Кум Ботлаб арафотлари

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон
ва Абдумурод Тилов таржималари¹

Ортиқ кутишдан фойда йўқлигига кўзи етган Абу Убайда қайтишга амр берди. Қуёшда қурилган бостирмалар хуржунларга тўлдирилиб, Мадина сари ҳаракат бошланди.

Манзилга етилгач, Пайгамбар (с.а.в.) афандимизга кўрган-кечирганлари сўзлаб берилди. Роббул Оламийнинг севиклиси:

— У балиқ Оллоҳ таоло сизлар учун чиқариб ҳозирлаган бир ризқдир. Ёнларингизда унинг гўштидан яна борми, бизга ҳам тоттирсангизлар, — деб марҳамат қилдилар.

Мужоҳидлардан бири дарров туриб бориб, балиқдан олиб келди. Фахри Коинот афандимиз бостирмадан пича узиб едилар. Сайфул Баҳр (бошқача аталишига кўра, Жайхул ҳабат) сафарда иштирок этганлар хато қилмаганларини шу тариқа тушуниб етишди, қалбларига бир фараҳлик инди.

Саъд ибн Убоданинг саховатли (жўмард) угли Қайс Мадинага қайтгач, дўстларидан сотиб олган туяларининг ҳақларини утади ва, шундай қилиб, сафарда олган ажр-мукофотни яна қават-қават кўпайтирди. Оллоҳ ундан, у билан бирга юришда иштирок этганлардан, кўнгиллари улар билан бирга бўлганлардан рози бўлсин.²

¹ Охири. Боши утган сонда.

² Муслим, 3/1535

Бир сирини фош бўлмиш

Ҳазрати Ҳафса Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиздан изн олиб отаси Ҳазрати Умарни кўришга кетди. Бир муддат уша ерда қолди. Қайтиб келганда хонасида Расули Акрам (с.а.в.) бир хотин билан гаплашиб турганларини эшитиб қолди. Эшикни очиб, у хотинни таниди. Миср подшоҳи Расулуллоҳга тортиқ қилган жория Марям эди. Ҳазрати Ҳафсанинг юраги тўлиб кетди.

— Ё Набийаллоҳ, бу чўри билан бирга бўлишга менинг уйимними муносиб кўрдингиз?.. — деди ва йиглаб юборди.

Набийи Ақмал (с.а.в.) унга тасалли бердилар. Бошқа бундай иш такрорланмайди, деб сўз бердилар.

— Бу сир иккаламиз орамизда сир бўлиб қолсин, — дедилар.

Ҳазрати Ҳафса индамади. Бу билан таклифни қабул этган бўлди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимиз хотиржам бўлиб чиқиб кетдилар.

Аммо сир тугилиши атай тайинланган бу иш Ҳазрати Ҳафсанинг юрагини сиқийштира бошлади. Кимгадир айтиш орзуи ичини кемирар эди. Ниҳоят ҳазрати Ойишани бир чеккага тортиб, бўлган воқеани гапириб берди.

Шундан кейин у енгил тортди. Бир қалбга сигмай кетган маълумот икки қалбга бўлиштирилган эди. Сирини очаётганини ҳеч ким эшитмаганига, кўрмаганига у амин эди. Атрофини қуршаган деворларнинг қулоғи йўқдир, ахир... Унинг устига, Ҳазрати Ойиша ҳам Расули Акрамнинг бир хотинлари, бинобарин, сир ошкор қилинган ҳисобланмайди.

Орадан кўп вақт кечмади, Жаброили Амин (а.с.) келди. Ҳафса сузида турмаганини ва сирни сирликдан чиқарганини билдирди. Расули Акрам афандимиз Ҳафсанинг ёнига кирдилар ва унинг қилмишини сўзма-сўз айтиб бера бошладилар. Ҳафса шунақа довдираб қолдики, Расули Ақмалнинг сўзларини ҳам охиригача эшитиб туролмади. Буткул узини йўқотган эди.

— Буларни сизга ким айтди?.. — дея олди базўр.

Бундай савол дарҳақиқат довдираб қолганининг ифодаси эди. Кимдир бошқа одам шундай сўраса, жоҳиллигига йўйилиши мумкин эди, аммо Пайгамбар афандимиз билан неча йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб яшаб келаётган, Жаброили Амин келтирган ваҳийларга кўп шохид бўлган Ҳафсадай бир завжалари бундай савол бермаслиги лозим эди.

Саййидул Аввалин вал Охирин (с.а.в.) гоят сокин бир овозда:

— Ҳар нарсани билгувчи, ҳар нарсадан хабардор Оллоҳ етказди менга, — дедилар.

Бу жавоб кифоя эди. Энди Ҳазрати Ҳафсанинг: «Мен Ойишага айтаётганимда ҳеч ким йўқ эди», дейишига ўрин қолмади. Худди: «Йўқ, мен ҳеч кимга ҳеч нарса айтмадим...» дейишининг иложи бўлмагани каби.

Яна Жаброили Амин (а.с.) келди, Расули Амин (с.а.в.) афандимизнинг қалбларига ушбу оятларни нақшлади:

«Пайгамбар жуфтларидан бирига (яъни, Ҳафсага) бир сузни пинҳона айтганини эсланг! Энди қачонки (Ҳафса) у (сир) ҳақида (Ойишага) хабар бергач ва Оллоҳ (Жаброил фаришта воситасида Пайгамбарни Ҳафсанинг қилмишидан) баъзисини билдирди ва баъзисидан юз ўтирди — билдирмади. Бас, қачонки (Пайгамбар Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг баъзиси ҳақида) хабар бергач, у: «Ким сизга бу хабарни берди!» деган эди, (Пайгамбар) «Менга билгувчи ва хабардор зот берди», деди. (Эй Ҳафса, Ойиша) агар сизлар (бу қилмишларингиз учун) Оллоҳга тавба қилсангизлар (узларингизга яхшироқ бўлур). Чунки сизларнинг дилларингиз (ҳақ йўлдан) тойиб кетди! (Аммо) агар сизлар (Пайгамбарнинг) зиёнига (яъни, у зот билан аёллари ўртасини бузадиган ишлар устида) бир-бирингизга ёрдам берсангизлар, у ҳолда шак-шубҳасиз, Оллоҳнинг ўзи ҳам, Жаброил ҳам, аҳли солиҳ мўминлар ҳам унинг мададкоридир. Яна булардан кейин фаришталар ҳам (Пайгамбарга) ёрдамчидир. Эҳтимол Парвардигори — агар у сизларни талоқ қилса — унга сизлардан яхшироқ жуфтларни — муслима, мўмина (Оллоҳ ва унинг пайгамбарига) итоат этувчи, тавба-тазарру қилгувчи, обида (мудом Оллоҳнинг йўлида кетгучи) жувон ва қизларни алмаштириб берур»¹.

Бу оятларни мўминларга ва хоссатан Ҳафса ва Ойиша она-ларимизга биззот Расули Роббул Оламийн жанобимиз ўқиб бердилар.

Оятларни охиригача эшитгач, Расулуллоҳга чеврилган кўзларда фақат пушаймонлик, «жоҳиллик қилдик, тавба қиламиз...» маъносига келадиган бир ҳол бор эди.

Ҳазрати Ҳафса аввалроқ отаси Ҳазрати Умарнинг келиб ўзини огоҳлантирган кунларни ва айтган гапларини эслади. «Расулуллоҳ афандимиз балки сени менинг юз-хотирим учун қўйиб юбормаётгандирлар, ҳушингни йиғ. Дустининг Пайгамбар ёнларида қадрли бўлиши сени алдаб қўймасин», деган эди. Яна Ҳафса онамиз унинг: «Ё сизлар Расулуллоҳга нисбатан тавирларингни ўзгартиринглар, ё Оллоҳ сизларнинг ўрниларингга янада хайрли завжалар бериб у зотнинг кўнглини олади», деганларини хотирлади.

Энди отаси яна бу ишга аралашиб, «Мен сенга нималар деган эдим...» деб қолса...

Лекин Ҳазрати Умар берадиган ҳар қандай жазо оятлардаги таҳдид олдида ҳеч гап эмас эди.

Ҳасана Жобирни Эмрлати

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) покиза бир йигит эди. Отаси Абдуллоҳ Уҳуд жангида шаҳид бўлгач, уйдаги етти нафар сингилларига қараш вазифаси унга қолган эди. Уҳуд ҳарбидан кейин уни гузал хотиралар ила таниймиз.

¹ Таҳрим сураси, 3-5-оятлар.

Шу Жобир хасталаниб қолди. Хабари Расулуллоҳга (с.а.в.) ҳам етди. Жанобимиз ёнларига қадрли биродарлари Ҳазрати Абу Бакрни олиб, унинг зиёратига бордилар.

Жобир беҳуш ётарди. Расулуллоҳ афандимизнинг келганларини фарқламади ҳам. Набиййи Акмал таҳорат оддилар, таҳорат сувидан пичасини унга сепдилар. Жобир кўзларини очди. Боши устида Фахри Коинотни (с.а.в.) кўриб, кулимсиди. Ҳаётининг охиригидан онларини яшаётгандай ҳис қиларди. Шу сабабдан Набийлар Сарвари ҳол-аҳвол сураб бўлганларидан сўнг:

— Ё Набийаллоҳ, менинг ўғил-қизим йўқ. Меросим сингилларимга қолади. Бу вазиятда молимнинг тақсими қандай бўлади, бу борада нима қилишимни амр этасиз? — деди.

Расули Ақрам (с.а.в.) афандимиз жавоб бермадилар. Чунки Нисо сурасининг охиригидан ояти бу саволга жавоб ўлароқ ваҳий этилди: «Эй расулим, сиздан фатво сўрайдилар. Айттинг: «Оллоҳ сизларга на ота ва на боласи бўлмаган одам тўғрисида фатво берур: агар фарзандсиз бўлган ёлғиз бир эркак ўлса, (агар) унинг сингисиди бўлса, (акаси) қўйиб кетган мероснинг ярмини олур. Агар сингилсининг фарзанди бўлмаса, ака унга меросхўр бўлур. Агар сингиллар иккита бўлса, улар учун ака қолдирган нарсадан учдан иккисиди тегур. Агар меросхўрлар ака-сингиллар бўлса, бир эркак учун икки аёл ҳиссасиди берилур. Адашиб кетмасликларинг учун Оллоҳ сизларга (ўз ҳукмларини) баён қилур. Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчидир».

Ояти карима хос ўлароқ Жобир ибн Абдуллоҳга етказилди. Ётоғида ўқилган бу оятни тинглаб, Жобир Роббига ҳамд айтди.

Келгусида Жобир шифо топиб, оёққа туриб кетади ва яна узоқ йиллар яшайди. Жуда кўп ибратли воқеаларнинг шохидиди бўлади.

Мутта Жанон

Расулуллоҳ (с. а. в.) элчилари Ҳорис ибн Умайрни ўлдирган Гассон амираи Шураҳбилга бир сабоқ бериб қўйиш учун ҳозирлик кўришга амр бердилар. Дарҳол уч минг кишилик бир қўшин тўпланди. Ўзлари бу юришда иштирок этмасдилар. Қўшин йигилган Журф деган жойга бориб, қўшин қўмондонини эълон қилдилар:

— Сизларга Зайд ибн Ҳорисани амир этиб тайинлайман, — дедилар.

Жаъфар ибн Абу Толиб (р. а.) овозида хиёл ранжиш оҳанги ила:

— Ё Набийаллоҳ, Зайдни менинг бошимга амир қилиб қўясиз деб сира кутмаган эдим, — деди.

Жанобимиз унга ўтирилдилар:

— Сенга нима яхшилигини ўзинг билмайсан, — дедилар. Сўнгра сўзларини шундай давом эттирдилар: — Лашкар бошлиги Зайд ибн Ҳорисадир. Бордию Зайд ўлдирилса, Жаъфар қў-

мондон бўлади. Агар Жаъфар ҳам ўлдирилса, амирлик Абдуллоҳ ибн Равоҳага ўтади. Абдуллоҳ ҳам ўлдирилса, мусулмонлар ўзлари рози бўладиган кишини ораларидан амир қилсинлар.

Бу йул-йуриқ кўнгилларда нозик бир оғриқ туришига сабаб бўлди. Хомушланган, гамгинлик босган кўзлар қурбон сифатида тақдим этилган у уч зотни изларди. Уларга энди ҳеч қачон Мадинага қайтмасликлари, ўзлари кираётган у жангда шаҳидлик шарбатини ичажаклари маълум бўлган эди.

Кетаётганлар қолаётганлар ила видолашишди. Кимдир:

— Нимага йиглаяпсан, эй Равоҳа ўгли? — деб сўраб қолди.

Ажаб савол... Албатта йиглайди, албатта кўзёши тўқади-да. Энди ҳеч қачон Мадинага қайтмаслигини ва Хотамул Анбиёни (с. а. в.) ҳам ортиқ кўрмаслигини билган инсон кулмайдикун, ахир...

— Валлоҳи, мен дунёга боғли бўлганимдан ёхуд сизларга бўлган севгим туфайли йигламаяпман. Мен фақат Расулуллоҳ афандимизнинг: «Сизлардан ҳар бирингиз чорасиз жаҳаннамга бир тушиб чиқажақдир. Бу Роббингизнинг мутлақо адо этадиган бир ҳукмидир», оятини ўқиётганларини эшитганман. Мен у ерга тушиганимдан кейин айрилиш, жаҳаннамдан қутулиш қандай бўлишини билмайман. Йиги сабаби будир, — деди Абдуллоҳ ибн Равоҳа.

— Оллоҳ ёрдамчиларингиз бўлсин, узи муҳофаза айласин...

Бу сўзлар сўйланаркан, қалбларга «Мана шу кўришувимиз охиргисидир, сунгги дийдор...» деган маънодаги туйгулар тўлиб борарди.

Абдуллоҳ ибн Равоҳа Фахри Коинот (с. а. в.) билан бирга сунгги дафъа бир жума намозини ўқишни ва биродарларига орқадан етиб олишни хаёл қилди. Аммо Саййидул Анбиё бунга рози бўлмадилар.

— Ер юзини тўлдириб садақа улашсанг ҳам, уларнинг тонгдаги сафариди оладиган ажр ва мукофотга эриша олмайсан, — деб марҳамат қилдилар.

Бу муборак сўзлар Абдуллоҳ ибн Равоҳага кифоя бўлди. Жавобан: «Йўқ, ҳақиқат унақа эмас», дея оладиган ҳеч бир инсон йўқ эди.

Абдуллоҳ Ҳабиби Худо афандимизнинг кўзларига яна бир марта боқди. Бу кўзларда теран маънолар бор эди. Гуё: «Боравер, эй ибн Равоҳа. Кўнглинг биз билан бўлсин, бизнинг кўнглимиз ҳам сизлар биландир», деяётгандек...

Абдуллоҳ хассос бир одам эди, яхшигина шоир эди. Султон Анбиёнинг боқишларидан шу маъноларни ўқиди. Хато қилган ҳам бўлиши даргумон. Роббул Олабийн расулининг кўнгилларида албатта улар учун бир жой топилажақдир. Негаки улар Буюк Мавлога ва Расули Кибриёга бўлган боғлиқликлари сабаби-ла, уларнинг розилиklarини қозонмак учун библиб туриб ўлимга боришяпти, жонларини фидо этишяпти. Мўминларга гоят шафқатли ва гоят марҳаматли эканликлари Оллоҳ томонидан билдирган Севгиллар Севгилиси уларни уйлама-син-да, ким уйласин?!

Ортиқ вақт ўтказишда маъно қолмаган эди. Саййидул Мур-салин (с. а. в.) билан тез видолашди ва дўстларининг ёнларига қайтди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимиз ўзлари гоёт севадиган биродарларининг шаҳид бўлажagini билиб туриб нимага юбора-вердилар? Ёнларида қолишса, жанг майдонида оёқ остиларида қолиб кетишмаса бўлмасми эди?

Тақдир қалами улар ҳақларида шундай ҳукм ёзган бўлса, қўлдан нима келарди? Кучиш ногоралари чалинган, ажал ўқи отилган бўлса, бошқа нима иш қолади инсонга? Оллоҳнинг тақдирига Оллоҳнинг расули рози бўлмаса, бу таслимиятни бошқа кимдан кутилажак?

Қолаверса, улар Мадинада эмас, у ёқларда ўладиган бўлишса, бунга қандай куч тўсқинлик қила оларди?.. Қуръони карим: «...ҳеч бир жонли қаерда ўлишини билмайди», деган. Пайгамбарлар Буюги ҳам бу оятни тушунтирарканлар: «Оллоҳ бир кимсанинг руҳини бошқа бирор жойда оладиган бўлса, у қул учун ўлажagi ерда бир эҳтиёж чиқарар», деб айтмаганми эдилар?.. Булар ҳам кетишади, ўзларига тақдир қилинган тупроққа боришади, ажал шарбатини ўша ерда ичишади.

. . .

Гассон амири Шураҳбил атрофдаги одамлари воситасида Мадинадан ўзи билан жанг қилиш ниятида келаётган лашкар ҳақида хабар топгани заҳоти дарҳол қўшин тўплашга киришган эди. Тез орада юз минг кишилик бир ўрду тўпланди. Тевараклардаги араб қабилаларидан келиб қўшилганлари билан аскарининг сони юз элик мингга яқинлашиб қолди.

Мўминлар Моанга келишганида душман ўрдусининг миқдори ҳақида хабар эшитишди. Утириб маслаҳатлашишди. Ўзларидан элик баробар кўп бўлган куч билан урушиш қанақа натижа бериши равшан эди. Баъзилар:

— Душман сони ҳақида Расулуллоҳга хабар йўллашимиз керак. Ё ортимиздан мадад юборадилар, ёки бўлмаса нима қилишимиз ҳақида йўл-йўриқ кўрсатадилар, — дейишди.

Абдуллоҳ ибн Равоҳа суз олди:

— Биродарлар, валлоҳи, сизларга ёқмаётган шу нарса Мадинадалик пайтларингизда орзу қилганларингиз шаҳидлик эмасмиди?.. Биз душманга қарши сонимиз ёки кучимиз билан урушадиган эмасмиз. Оллоҳ бизга икром қилган бир динга таяниб солишамиз. Юринглар, икки яхшидан бири бизни кутмоқдadir. Ё голиб келамиз, ёки шаҳид бўламиз! — деди.

Бошқалар уни қўлашди:

— Ибн Равоҳа тўғри гапларни айтди.

— Валлоҳи, тутиладиган йўл шудир!..

Ҳамманинг фикри ифодаланган эди бу эътирофларда. Тезда бир қарорга келиниб, такрор йўлда давом этилди. Охириги етиб борган жойлари Мута қишлоғи эди. Душман лашкари ҳам келган, қаршиларида турар эди. Собит ибн Арқам ёнида турган ҳамроҳининг қўлига туртди:

— Бунақа катта лашкарни кўрмаган бўлсанг керак-а, эй Абу Ҳурайра, — деб суради.

— Ҳа, кўрмаганман.

— Сен Бадра бизнинг ёнимизда йўқ эдинг. Биз у пайтда зафарни сонимиз билан эмас, Оллоҳнинг ёрдами билан қозонганмиз.

Уруш бошланмасдан аввал бош қўмондон Зайд ибн Ҳориса (р. а.) Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизнинг амри шарифларича рақибларни Исломи динига даъват этди. Лекин бу даъватнинг қабул этилмаслиги маълум эди. Чунки Пайгамбар алайҳиссаломнинг элчилари ҳам шу даъватни қилгани учун улдирилган.

Уруш бошланди. Икки тараф бир-бирининг устига ташланди. Зайд ибн Ҳориса бу муҳорабада шаҳид бўлишини ўз исмини билгани каби аниқ биларди, аммо асло чекинмасдан душман сафларига отиларди.

Дарҳақиқат, ҳеч қанча ўтмасдан душман найзалари уни жонсиз ҳолда ерга қулатди. Расулуллоҳ афандимизга хизмат ва муҳаббат билан безанган қийматли бир умр шу тариқа поёнига етди. Энди «Ишчига хизмат ҳақини пешона тери қўримасдан бер», деб марҳамат қилган Пайгамбар келтирган аҳкомга кўра, Мута тупроқларига тўкилган қони ҳали қўримасдан Зайд ибн Ҳориса ҳам Роббул Олабийн қурадиган дастурхонда иззат ва икром кўражақдир.

Зайд шаҳид бўлар-бўлмас байроқ тез унинг қўлидан олинди ва Жаъфар ибн Абу Толибга етказилди. Жаъфар бир қўлида қилич, иккинчи қўлида байроқни тутганча жангга киришиб кетди.

У душман билан савашаркан, жаннатнинг исини туяётгани ҳақида шеърлар айтиб турарди. Унг-сўлларидан берилган зарбалар уни қизил қонга бўяди. Бир қилич зарбаси байроқни тутиб турган қўлини узиб юборди. Жаъфар дарров иккинчи қўлига олди байроқни. Энди бу қўли ҳам кесилди. Қўллари орасида қаттиқ уралиб қолган байроқни у энди қачонгача тутиб тура оларди? Қўлларида отилиб чиқаётган қон кучини тобора тугатиб борарди. Душман зарбаларига вужудини қалқон қилишдан бошқа чораси йўқ эди. Ниҳоят танасига ҳам бир қилич тушиб, унинг вужудини иккига бўлиб ташлади. У билан бирга байроқ ҳам ерга тушди, лекин шу заҳоти олиниб, Абдуллоҳ ибн Равоҳага етказилди.

Абдуллоҳ бу шарафли байроқни даст кўтарди. Оллоҳнинг расули берган хабарга кўра, жон бериш навбати энди унга келган эди. Жон бозорига отилажак, «Менинг ҳам Роббул Олабийн йўлида қўрбон қиладиган жоним бор», дея шаҳидлик шартини ичажак эди. Бу савашдан соғ чиқмаслигини оқшом вақти қуёшнинг ботажагини билганичалик биларди. Унинг байроқни кўтарганча олға талпинаётганини кўрган ва шаҳидлик навбати унга келганини билганлардан бири «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» («Албатта, биз Оллоҳникимиз ва албатта ҳаммамиз Унинг ҳузурига қайтажакмиз») оятини ўқиди. Абдуллоҳ бу оятнинг ўлим фармони қаршисида итоат ифо-

даси эканини биларди. Бир он тухтагандай булди. Сунгра куйидаги маъноларни билдирадиган шеър ўқий бошлади:

— Эй нафс!.. Истасанг ҳам, истамасанг ҳам, қасам ичаманки, Оллоҳнинг ҳукмига буйин эгажаксан. Агар инсонлар «Инна лиллаҳ...» дея бақириб-чақирган булсалар, шуми сени кўрқитяпти? Бу не ҳолки, сени жаннатни орзу қилмаётган ҳолда кўряпман! Роса кўниқиб қолганинг шу баданимда, пиёладан тукиладиган сувдан бошқа бир нимамисан сен?.. Эй нафс!.. Бугун улмасанг, ҳеч қачон улмаяжакмисан?! Мана улимнинг иссиқлиги... қаршингда ҳилкиллаб турибди... Ўзинг орзу қилган шаҳидлик шарбати тутилган ҳолда. Агар сен ҳам икки биродаринг каби иш қила олсанг, ҳидоят йўлини тутдинг демақдир...

Шеърни ўқиб булиб отидан тушди. Шу пайт амакисининг ўғли унга гўштли бир суяк узатди.

— Икки лўқмагина еб олгин, қачонлардан бери ҳеч нарса емадинг. Озми-қўпми белингни тиклаб ол, қилич солишга ҳам қувват керак, — деди.

Абдуллоҳ жуда очикқан эди. Суякни олди, тишлади. Айни шу паллада жанг майдонидан кўрқинчли бир фарёд юксалди. Биронтаси мутлақо найза еган ё қилич билан танаси тилкаланган эди. Сабри чидамади, қўлидаги устихонни бир тарафга отиб, қиличини силтаганча оломон ичига ўзини урди.

Ёнида у билан бирга жанг қилганлар шеър ўқиётганини эшитишди:

«Эй нафс!.. Хотиндан айрилмак истамайсан, яхши биласанки, уни қайта олмаслик учун талоқ қилдим. Қўлларга кўзингни тиккан бўлсанг, ҳаммасини озод қилдим. Мол ва мулк савдосига берилган бўлсанг, ҳаммаси ҳам Оллоҳга ва расулига қолдирилгандир...»

Шундан кейин атрофидагилар Абдуллоҳдан фақат калимаи тавҳид ва калимаи шаҳодатни эшитишди. Тез орада у ҳам биродарларининг қонлари билан сугорилган тупроққа қулади.

Шундай қилиб, кетма-кет уч қўмондон ҳам шаҳид бўлишган эди. Байроқ ерга тушди. Уни дарҳол Собит ибн Арқам исмли бир аскар қўлга олди.

— Эй мусулмонлар, ўзларингга бир амир сайланглар, қўмондон топинглар, байроқни унга берайин, — дея бақирди.

— Ўзинг қўмондон бўл! — деди кимдир.

— Йўқ, бу иш менинг қўлимдан келмайди.

Шу пайт кўзлари Холид ибн Валидга тушди, унга томон борди.

— Ол, эй Холид, бу байроқни кўтариш сенинг ҳаққингдир, — деди.

— Йўқ, мен уни ололмайман. Сен мендан кўра ёши каттасан. Балки Бадрда ҳам қатнашгандирсан.

Холиднинг бу эътирози ўринсиз эди. Бадрда қатнашганлик билан жанг йўл-йўриқларини билиш орасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин? Аммо у бу сўзларни айтаркан, эҳтимол яқиндагина мусулмон бўлган бир одамнинг байроқни олиши эски мусулмонларни ранжитиши мумкин, деб ўйлаган эди.

Вақт зиқ эди. Бу ер баҳслашиб ўтирадиган мажлис эмас. Собит Ёлборди:

— Эй одам, ол бу байроқни! Уни олиш фақат сенинг ҳаққингдир. Мен бу байроқни олганимда сенга беришдан бошқа мақсадим йўқ эди. Сен урушда кўзи пишган йигитсан, — деди. Кейин атрофдагиларга хитоб қилди: — Сизлар Холидни қўмондон ўлароқ қабул қиласизларми?

Ҳеч ким тараддуд этиб ўтирмади.

— Ҳа, қабул қиламиз, — деб овоз бердилар.

Шундай қилиб, Холид қўмондон этиб тайинланди. У байроқни қўлга оларкан, дарҳол ҳужумга ўтди. Унинг ортидан олга ташланган мусулмонлар душман қаршисида қалъа каби туриб бердилар. Бир вақт бўлдики, душман сафлари бузилди. Шунда мусулмонлар тонгдан бери ўлдирилган дўстларининг интиқомини олиб хумордан чиқишди. Роса кўп кофир аскарлари ўлдирилди.

У кун муҳораба поёнига етиб, икки томон ўликлари ва ярадорлари билан машгул бўлди. Жаъфарнинг вужудида тўқсондан ортиқ жароҳат кўришди. Бошқа амирларнинг аҳволи уникидан кам эмасди.

Кетма-кет уч қўмондонини бой берган лашкарнинг бирдан ўзини тиклаб олишини ақлига сиғдира олмаган душман қўшини тонг отгач, иккинчи бир саросимага йўлиқди. Қаршисидаги қўшин тамоман бошқа эди. Булар кеча жанг қилишган одамлар эмасди. Гуруҳлар бошқа, бошлиқлари бошқа, байроқлари бошқа эди. Мутлақо янги бир аскарый бирлик ёрдамга келган бўлиши лозим... Бу тушунча душман лашкарининг руҳиятини пароканда қилди, уларнинг тиззасини қалтиратди.

Ҳолбуки Холид ибн Валид қўшинда ўзгариш қилган, ўнг қанотнинг ортида турганларни чап қанотнинг олдига, чап тарафнинг ортида жанг қилганларни ўнг тарафнинг олдига ташлаган эди.

Душманнинг бу довирашидан фойдаланиб у кун мусулмонлар жон-бошларига қарамай жанг қилишди. Холид ибн Валид мукамал бир жангчи ва ўхшаши йўқ қўмондон эканига ҳар икки томон ҳам тан берди. Мисли кўрилмаган бир жасорат билан соатларча олишди, арслонлар каби бепарво ҳужум қилди, кетма-кет синган қиличларни душманнинг башарасига иргитаркан, ёнида бир мусулмоннинг:

— Ол, эй Холид, ота-онам сенга фидо бўлсин! — дея узатган иккинчи, учинчи, тўртинчи қиличларни олиб, тўхтамасдан, тин олмасдан урар, урар эди.

У солган қиличлар зарбасидан неча кофир аскарларнинг ҳаёт дафтари ёпилди. У урушмас, балки нуқул ўлим сочар, қаршисида туриш бахтсизлигига йўлиққан одамнинг ўлим фармонини қўлига тутқазар эди. Ўша куни қўлида тўққиз дона қилич синган, унинг қиличнинг қабзасидан чангалаб олган эди. Энали бир яман қиличи эди. Арслон каби ўкириб олга босар, қай томонга йўналса, ўша томонда бир майдонни очиб қўяр эди.

Холид Уҳуд урушининг аламини чиқараётган эди. Уҳудда бўлган мусулмонлар узларини паришон қилган йигитнинг ким эканини мукамал бир тажриба охирида англаб етишди. Уҳуд куни пайгамбарларининг амрини унутиб ганимат кетидан тушиб кетган қисмнинг бошида ўлим шабадасини эсдириб жазо берган ва зафарнинг йўналишини узгартириб юборган қилич-боз бугун ҳам айна ишни қилар, юз элик минг кишилик қўшин қаршисида мардликнинг, жасоратнинг шонли бир обидаси каби турар эди. Уни бу ҳолда кўриб ҳам табрикламаслик, тақдирламаслик, ҳайратдан ёқа ушламаслик, «Сен Оллоҳнинг қиличисан, эй Холид!» демаслик ҳақни камситиш, ҳақни яшириш бўларди, холос. Унинг ер искамаган курагига, Оллоҳ йулидаги саботига лол қолганларнинг саломларини, ҳурмат ва муҳаббатларини ўзинг етказгин, Оллоҳим!..

Ниҳоят, урушнинг яна бир куни тугади. Иккала томон ҳам ўликларини кўмиш, ярадорларини даволаш билан овора бўлишди.

Ҳазрати Холид (р. а.) уч минг киши ҳар ҳолда юз элик минг киши қаршисида бундан ортиқ бир иш қила олмаслигини, кундан-кун камайиб кетишини ҳисоблади. Кофирларнинг улкан қўшини агар уч минг кишини қамал қилиб ўртага олиб қолса, бир неча соат ичида ҳаммаси йўқ бўлиб кетар, ҳеч ким қутулиб қололмас эди. Кура-била туриб шунча одамнинг қирилиб кетишига йўл қўйиш ақлдан эмасди. Бу лашкар улиб битса, Мадинада яна бунақа қўшин барпо этиш осон эмасди. Ҳолбуки, Ислом дини маънавий кучга қанчалик муҳтож бўлса, душманга бас кела оладиган моддий кучга ҳам шунчалик муҳтождир.

* * *

Мадина...

Мутада жанг бошланган куни Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимиз гоят қайгули бир алфозда ўринларидан турдилар. Минбарга чиқдилар. Асҳобларига эмас, шундоқ кўз ўнглирида жараён этаётган муҳорабага боқаётгандай эдилар гўё. Кўзларидан ёшлар оқа бошлади.

— Биродарларингиз душман билан жангга киришишди. Зайд ибн Ҳориса шаҳид бўлди, — дедилар.

Кейин Буюк Мавлога хитоб қилдилар:

— Оллоҳим, Зайдни магфират айла. Гуноҳларини кечир, — дея ниёз қилдилар.

Яна асҳобларига боқдилар.

— Сизлар ҳам унга магфират тиланглар, — дедилар.

Минбардан тушиб, Зайднинг жаноза намозини ўқидилар. Сунгра такрор минбарга чиқдилар.

Масжидга тўпланганлар мароқ, ҳаяжон ва безовталики ичида Расули Кибриё афандимиздан кўз узмай ўтиришарди. Орадан пича вақт ўтди. Расулуллоҳ (с. а. в.) яна гўё олисларга тикилиб қолдилар.

— Ҳозир байроқни Жаъфар олди... душман устига шиддатла ташланди... у ҳам шаҳид бўлди, — дедилар.

— Оллоҳим, Жаъфарни кечир. Оллоҳим, Жаъфарнинг гуноҳларини мағфират айла.

Асҳоби киром ҳам Жаъфар учун мағфират ниёз қилишди.

Кейинроқ Расулуллоҳ афандимиз Абдуллоҳ ибн Равоҳанинг ҳам шаҳид бўлганини айтиб, байроқни Холид ибн Валид олди, дея хабар бердилар.

— Оллоҳим, у сенинг қиличларингдан биридир. Ўзинг унга ёрдамчи бўлгайсан, — дедилар.

Кўзлари жанг майдонига қадалган ҳолда: «Мана ҳозир тандир роса қизиди», деб марҳамат қилдилар. Бу муборак сўзлари билан савашнинг энг қизгин палласи бошланганини айтмоқчи эдилар.

Шундан кейин асҳобларига учала қумондон ҳам жаннатга киришга ҳақли бўлганининг хушхабарини бердилар. Юракларда тўлиб турган қайғу-ҳасратлар шу тариқа озми-кўпми енгиллашган эди.

* * *

Жаъфар ибн Абу Толибнинг хотини Асмо ибн Умайс уша куни болаларини ювинтириб-тарангирган, кейин уйидаги бир терини ошлашга киришган эди. Бирдан Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизнинг овозлари қулогига чалинди. Тез эшикка шошилди.

— Ичкарига марҳамат қилинг, эй Оллоҳнинг пайгамбари, — деди қувониб.

Саййидул Анбиё ҳовлига кирдилар, утирдилар.

— Менга Жаъфарнинг болаларини олиб кел-чи, — дедилар.

Болалар келишди. Набийи Ақмал уларни бир-бир ҳидладилар, суйиб эркаладилар. Бу палла Асмо опаси Маймуна (р. а.) туфайли ўзига почча бўлган Пайгамбаримизга боқар эди. Кўзларини намли кўрди. Шунда юрагига нозик ва аччиқ огриқ оралади.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, ота-онам сизга фидо бўлсин, Жаъфардан ва дўстларидан бирон хабар келдими? — деб сўради.

— Ҳа, бутун шаҳид бўлишди, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ (с. а. в.).

Асмо фарёд кўтариб ўрнидан туриб кетди. Унинг фарёдига қўни-қўшни хотинлар дарров чопиб чиқишди. Жанобимиз унга танбеҳ бердилар:

— Эй Асмо, қаттиқ куйинма, беҳуда сўзлар айтиб йиғлашдан тийилгин.

Йиғлама, демадилар. Чунки бундай қайғули бир ҳолат қаршисида йиғламаслик инсон тоқатидан ташқаридадир. Қолаверса, инсон табиати йиғини тақозо этади. Бундай вазиятда йиғлаш куракка тўлиб кетган дардни ва аламни бир даража озайтиради. Аммо Пайгамбар афандимиз Асмога жоҳилият одатига берилиб ярашиқсиз сўзлар айтиб йиғламасликни, Жа-

ноби Мавлонинг розилигига уйгун келмайдиган сўзлардан узоқ туришини ва шундай сабр мартабасидан олинажак ажр ва мукофотни қўлдан чиқармасликни тавсия этган эдилар.

Сунгра Расули Акрам у ердан чиқиб, уйларига келдилар.

— Жаъфар оиласига овқат чиқаришни унутманглар, чунки уларнинг қозон-товоқ билан шугулланишга ҳол ва вақтлари йўқ, — дедилар.

Фахри Коинот афандимизнинг бу амрлари дарҳол ижро этилди.

. . .

Уша куни масжиддан чиққанлар ичида бир ёш йигит ҳам бор эди. Соқоли нам бўлиб кетган, қайгу дарёсига ботган каби, ўзи билан ўзи бўлиб борарди. Ё кўзларидан оқаётган ёшларни сезмаяпти ва ё уларни артиб ташлашни лозим деб билмаётган эди. Кекса бир хотин унинг йўлини тўсди.

— Нимага бунча маҳзунсан, эй Усома? — деб сўради меҳрибонлик ила.

— Отам шаҳид бўлибди.

— Оллоҳ раҳмат қилсин, болам. Кўнглинг ёмон бўлмасин.

— Сенинг ҳам бошинг омон бўлсин, холажон.

— Хабарчи келдими? — деб сўради холаси.

— Йўқ, Пайгамбар афандимиз бир оз аввал айтдилар.

Усома тўғри уйига борди. Кекса Умму Айман ундан бу аччиқ хабарни олгач, уй бирпасда мотамхонага айланди.

...Фахри Коинот (с. а. в.) афандимизнинг ҳузурларига бир қиз келди. Ҳали балоғат ёшига етмаган бу қизча Набийлар Султонининг юзларига маҳзун кўзларини тикди. Йиглаб юбормаслик учун лабларини зўрлаб юмиб туришга уринаётган бу қизнинг ҳолати «мен етим қолдим», дейишга эҳтиёж қолдирмаган эди. Хотамул Анбиё афандимизнинг кўзлари ёшга гарқ тўлди. Бу қизалоқ Зайд ибн Ҳорисанинг қизи эди.

Шу вазиятнинг устига Ҳазраж қабиласининг раиси келиб қолди.

— Нима сизни бу ҳолга туширди, эй Оллоҳнинг пайгамбари? — деб сўради.

— Севгилининг севгилига соғинчи, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ.

Шу кундан эътиборан Фахрул Мурсалин (с. а. в.) афандимиз Зайд оиласининг ҳам таъминотини зиммаларига олажаклар, «етимнинг қафили» бўлиш йўлида бошқа мўминларга ур-нак бўлажаклар.

Шаҳид адади уч кишидангина иборат бўлмасди, албатта. Янада кўп шахсларнинг шаҳидлик шарбатини ичишлари гоят табиий эди. Уч шаҳид ҳақида олинган бу хабар билан юракларни бир ҳаяжон долғаси қоплаб олди. Хоссатан лашкар сафида кетганларнинг яқинлари «Нима бўлди экан?» деган ички бир хавотир қаршисида бежавоб лол туришар эди.

Ислом лашкари Мадинага қайтыпти экан, деган хабар тарқалди. Уч қумондон шаҳид бўлганидан кейин яна бир кун жанг қилиниб, сўнг орқага қайтилгани маълум қилинди.

Пайгамбари Зишон (с. а. в.) афандимиз дарҳол туяларига миниб, уларга пешвоз чиқдилар. Кўпчилик ҳамроҳ бўлди. Болалар чопқилар, қелганларни тезроқ кўрмоқчи булишар эди. Набийи Акрам дедилар:

— Болаларни уловларингизга мингаштириб олинглар.

Жаъфарнинг ўгли Абдуллоҳни ҳам чопиб бораётганлар орасида куриб қолдилар.

— Жаъфарнинг ўглини менга беринглар, — дедилар.

Абдуллоҳни кўтариб, Жанобимизнинг олдидарига ўтиргизишди.

Узоқдан ўруду кўринди. Бир-бирларига яқинлашиб, улар келаверишди, булар бораверишди. Саф олдиди Жаноби Пайгамбаримиз «Сайфуллоҳ» (Оллоҳнинг қиличи) деб лақаб берган паҳлавон йигит Халид ибн Валид келарди. Муборак байроқ ҳам унинг қулида. Бу байроқ энг камида уч буюк шаҳиднинг қонига буланган эди.

Шу пайт оломон орасида бир ҳаяжон кўпди. Баъзилар ердан ҳовучларига тупроқ олиб, аскарларнинг юзларига сочишди.

— Қочоқлар!.. Уруш қочоқлари!.. — дея бақира бошлашди.

Набийи Акмал афандимиз дарҳол вазиятга аралашдилар:

— Йўқ, улар қочоқ эмаслар, иншаоллоҳ, такрор урушга кирадиган йигитлардир, — деб марҳамат қилдилар.

Халид қочмайди. Қоча олмасди ҳам. Қўрқув ва қочиш туйғуси унга ёт. Минг бора улиши мумкин, аммо бир марта қочишга кўнглини рози қила олмасди. Унда шунақа бир хислат бўлганида Пайгамбарлар Буюги унга «Сайфуллоҳ» лақабини берарми эдилар?..

«Қочоқ» деган сўз ҳар кимдан ҳам кўра унинг шахсига тегарди. Чунки орқага қайтиш амрини шахсан у берган эди. Анча йиллар кейин ўлим тушагида ётган чогида ҳам бу аччиқ сўзлар қалбида очган чуқур яранинг огригидан инграяжак, инграяжак...

Лашкар Мадинага кирди. Тез орада кимлар келганию кимлар Мута саҳросида қолгани маълум бўлди. Уйлардан фарёдлар кўпди, кўзешлар тўкилди.

Урушга бормаганлардан баъзилари Халид ибн Валидни айблай бошлашди. Аммо жангда қатнашган Мута гозийларидан бири дарҳол уларнинг сўзини кесиб ташлади:

— Ҳеч ким ўзи биламаган сўзни айтмасин. Сизлар уни жанг майдонини остин-устин қилиб юборганида кўрганларингда эди, душман устига арслон каби ўкириб ҳужум қилганларига шоҳид бўлганларингда эди, бунақа дейишга ҳаққиларинг йўқлигини билардиларинг. Муҳораба майдонида тўққиз дона қилич унинг қулида синди. Бу воқеанинг жонли гувоҳларидан

бири менман. На душман урдусида ва на бизнинг орамизда унга тенг келадигани йўқдир.

Орадан бир неча кун ўтди. Баъзилар масжидга келаятгани билинди. Шундайлардан бирининг хотини бир куни мўминларнинг онаси Умму Саламани зиёрат қилиб келган эди, онамиз ундан ҳол-аҳвол сўраб булгач:

— Эринг касал бўлиб қолдими? — деб суриштирди.

— Йўқ, эй мўминларнинг онаси, касал эмас.

— Масжидда кўринмай қолибди, шунга сўраганим.

— Ҳа, масжидга келмаяпти, намозларини уйда ўқияпти. Чунки ташқари чиқди дегунча, кайфиятини бузишяпти. «Сизлар Оллоҳ йўлида урушишдан қочдиларинг!» деб таъна қилишяпти.

— Бу ишлар тўғри эмас, мен Расулуллоҳ жанобимга хабар бераман.

* * *

Айни соатларда Одам болаларининг Саййиди (с. а. в.) ҳам зиёратларига келган бир киши билан суҳбатлашиб ўтирар эдилар.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, биз қочоқ саналамизми?

— Йўқ, сизлар қочоқ эмассизлар. Иншооллоҳ, қайтадан бориб урушадиган инсондирсизлар.

Бу одам Расулуллоҳнинг уйларидан кўнгли анча таскин топиб чиқди.

Салдан кейин Набиййи Акмал афандимиз севгили завжалари Умму Саламадан зиёратчи хотиннинг арзларини эшитдилар. Энди бу тотсиз вазиятнинг олди олиниши лозим эди. Дарҳол амр бердилар, Мадина кўчаларига жарчи чиқарилди.

— Хабарларингиз бўлсинки, Расулуллоҳ жанобимиз Мута гозийларини қочоқ дейишни манъ этдилар. Ҳеч ким уларни безовта қилмасин, — деб эълон қилиб чиқди жарчи.

Шу эълондан кейин Мута гозийлари эркин нафас ола бошлашди. Масжидга ҳам бемалол бориб келадиган бўлишди.

Умму Сулайм фарзандли бўлди

Умму Сулайм кенжа ўгли Абу Умайрнинг вафотидан тўққиз ой-у ўн кун кейин яна бир ўғлон кўрди. Чақалоқни кўтариб Набиййи Акрам (с. а. в.) афандимизнинг ҳузурларига келтиришди. Расулуллоҳ чақалоқни бағриларига олдилар, у билан бирга олиб келинган хурмодан бир қисмини чайнаб, боланинг оғзига солдилар, танглайини кўтардилар.

— Ё Набийаллоҳ, бу болага ўзингиз муносиб кўрган бир исм қўйиб беришингизни истаймиз.

Пайгамбар афандимиз боланинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига қомат айтиб, унга «Абдуллоҳ» исмини бердилар.¹

¹ Имоми Бухорий, 6/216.

Бир вақтлар Жаноби Пайгамбаримиз: «Исмларнинг энг гузали Абдуллоҳ билан Абдурахмондир», деган эдилар.

Кичик Абдуллоҳ катта бўлганида исмини Расули Акрам жанобимиз қўйганларини ота-онасидан эшитажак. Ўзи ҳали икки-уч ёшдалик чоқларида охират оламини шарафлантирган Саййидул Мурсалин (с. а. в.) жанобимизни яқиндан ва яхшигина таниш саодатига етишажак эди.

Умму Сулайм Набилар Сарварининг ислари билан ўзгарган боланч бағрига олиб, отининг «Абдуллоҳ» қўйилганини эшитган заҳоти айрича бир ҳузур туйди. Бу фарзанд руҳлар оламидан она қорнига тушган илк кунда Расулуллоҳнинг хос ўлароқ дуоларини олиш бахтиёрлигига эришган бир инсон бўлажак. Кўнгли доимо Пайгамбарлар Султони ила бирга бўлган, Мавлосига нисбатан ҳурмати ва севгиси тобора ортган, асло қаймаган Умму Сулайм бу чақалогини оти ҳам, тоти ҳам, иси ҳам Пайгамбар билан алоқали бир севги парчаси ўлароқ қўрарди. Катта ўгли Анас ҳар куни Буюклар Буюгининг хос хизматларидадир, ҳар куни у зотнинг ислари билан уйга қайтади. Эри Абу Талҳа Расули Акрам афандимизга зиён-заҳмат етмасин дея неча марта вужудини қалқон этиб, у зотга отилган ўқларни биззот вужуди билан қарши олган бир инсон эди. Умму Сулаймнинг ўзи йилларча аввал Набилар Сарварининг бир содиқ тушларида жаннатда таҳорат олаётган ҳолда қўрилган бир аёлдир. Бу хонадонда ҳозирданок жаннат ҳаёти яшашпти дейилса, унча муболағали сўз ҳисобланмасди.

Ҳазрати Умарнинг (р. а.) ҳоли

Бир куни Ҳазрати Умар хонадонидида оилавий гиди-биди чиқди. Ҳазрати Умар асабийлашди, хотинига бақириб-чақирди. Хотин ҳам тек қараб ўтирмади, жавоб берди. Унга сари Ҳазрати Умарнинг хуноби ошди.

— Менга қара! Сен кимга бунақа муомала қилаётганингни биласанми?! — деб ўшқирди.

— Сизга бунинг нимаси гаройиб туюляпти, эй Умар? — деб жавоб қилди хотини бепарвогина.

Буниси энди ортиқча эди. Хотинининг юзига ажабланиб боқди. У эса сўзида давом этди:

— Жаноби Расулуллоҳнинг хотинлари ҳам, хоссатан узингизнинг қизингиз ҳам Пайгамбаримизга гап қайтаришяпти, ҳатто тонгдан оқшомгача ҳам аразлаб юришибди.

— Жиддий гапиряпсанми? — деб сўради Ҳазрати Умар.

— Албатта.

Кескинлиги билан шуҳрат тошган, унча-мунча ўзига ишонганлар ҳам қаршисида гап айтишдан ўзини тортадиган Ҳазрати Умардек бир одамга буларни эшитиш гаройиб бўлмаса, нима бўларди!..

Ҳазрати Пайгамбардан (с. а. в.) аразлашга журъат қилган хотиннинг бошига фақат бало ёғади. Буларни эшитгандан

кейин ҳам хотини тўғри сўзлаётганлигига тан бермаслик маъносизлик булар эди. Шундай бўлса ҳам:

— Сизларни эркалатаётганлар ҳаммаси ансор хотинлардир... — деб гўлдираб қўйди.

Сўнгра уйдан шитоб чиқиб, тўғри Ҳафса онамизнинг ёнига борди.

— Эшитишимга қараганда, Расулуллоҳ жанобимизга баъзан гап қайтарар эмишсизлар? — деб суради қатъийат билан.

Ҳазрати Ҳафса онамиз беҳижолат жавоб берди:

— Ҳа, баъзан тортишиб қоламиз, ҳатто аразлаган кунларимиз ҳам булади.

Ҳазрати Умар титраб кетди. У тушунмайдиган, зеҳнига сигдиролмайдиган бир ҳол эди бу.

— Ким бундай қилаётган бўлса, адо бўлди, паришон бўлди демақдир, қизим! Эҳтиёт бўлгинки, Расулуллоҳга гап қайтаришга, у киши билан тортишишга журъат этиб, то бошингга бир бало орттириб олмагин. Агар бирор истагинг бўлса, менга айт, мен бажарай. Дўстинг Ойишанинг чиройлилиги, Набиййи Акрамга кўпроқ суюкли эканлиги сени алдаб қўймасин.¹ У бу севгига суяниб бир ишлар қилса, сен ҳам ўшанақа қилишинг шарт эмас, — деди.

Кейин Умму Саламани топди. Чунки Пайгамбар жанобимизнинг хотинлари ичида биргина у қабиладоши эди. Унга ҳам масалани тушунтирди, огоҳлантирмоқчи бўлди. Аммо Умму Салама (р. а.):

— Ҳайратланарли иш, эй Хаттобнинг ўгли!.. Пайгамбар билан хотинлари орасига киришни истаясиз?! — деб қолди.

Ҳазрати Умар шаштидан қайтди. Учинчи хотинларига ҳам бориб мақсадини айтишга ҳожат қолмаган эди.

Ҳазрати Умар бу фаолиятини тўхтатди. Мўминларнинг оналарининг бу ишлари ич ачийдиган бир натижа бермайди, деган ишончда эди. Келажақда бу ишлари бошларига бир савдо келтирса, ҳайрон булмаслик лозим эди.

Денгиз сувига таҳорат

Расулуллоҳ (с. а. в.) жанобимиз масжидда асҳоблари билан суҳбатлашиб ўтирган эдилар, Фиросий исми бир киши келиб қолди. У денгиз қиргоғида яшайдиган балиқчилардан эди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, биз баъзан денгизга чиқиб кетамиз. Ёнимизда озгина ичимлик сув ола оламиз колос. Ўша сувда таҳорат қиладиган бўлсак, буткул сувсиз қоламиз. Бунинг учун денгиз сувига таҳорат қилсак бўладими? — деб суради.

Жанобимиз жавобни янада кенг қилиб бердилар:

— Ҳа, булади. Денгиз суви тоза, уликлари ҳам ҳалолдир, — деб марҳамат қилдилар.²

¹ Имоми Термизий, 5/420.

² Ибн Можа, 1/136.

Жавоб Фиросийни хурсанд қилиб юборди.

Асҳоб орасида баъзилар нигоҳлари ила бир-бирларини ахтара бошлашди. Кузларга мамнунлик балқди. Эски кунларни эслаб, юзлари ёришди. Денгиз соҳилида, бир тепаликчадай ағдарилиб ётган китга йулиққанларини хотирлашган эди. Демак, у ҳам ҳалол. Гоҳида биргина хурмо еб кун кечеришди, айрим кунлари дарахтларнинг барглари билан қоринларининг исёнини бостиришга уринишди, баъзан эса, Саъд ибн Убоданинг жўмард угли Қайс сўйиб тортиқ қилган туя кабоби билан меъдаларини тўйдиришди. Эҳ, кунлар...

Бир сунъатда тартиб

Амир ибн Туфайл Гатафон қабиласининг кўзга кўринган шахсиятларидан эди. Шу одам бир кунни Арбад ибн Кайс исмли қабиладоши билан бирга Мадинага келди. Расулulloҳнинг (с. а. в.) динга даъватларини қабул қилмади.

Унда у одамнинг мақсади нима эди? Тижорат учун келмаган. Хешини ё дустини зиёрат этиш дардида ҳам эмас. У Мадинага: «Мен Ислом динига киришни истамайман», дейиш учунгина келмагандир, ахир?

Иккинчи кўришувда унга яна, мусулмон бул, деб таклиф қилинди. Бу гал сал юмшагандай бўлди.

— Мусулмон бўлсам, менга қандай ҳуқуқлар берилади? — деб сўради.

— Мусулмонлардан ҳар бирининг ҳуқуқи қандай булса, сенинг ҳуқуқинг ҳам шундай бўлади. Уларнинг вазифалари сенга ҳам вазифадир, — деб жавоб қилдилар Саййидул Анбиё.

Амир ҳар ким бўлишга асло рози эмасди. Ўзини жуда баландларда кўрар, баландларда учиш ҳаваслари бор эди унда. Ниҳоят, шундай бир таклиф киритди:

— Хул, мусулмон булман, аммо бу ишни иккаламиз шерик бўлиб юртамиз. Шаҳарлар аҳолиси сенга, саҳрода яшовчилар менга ишлашади. Сен ўлганингдан кейин ўрнингга мен ўтаман.

Бу таклиф тараддудсиз рад этилди. Амир туриб жўнади. Биродари иккиси бир хилватроқ жойга етишганда, хаёлида режаллаган қўрқинчли таклифни ўртага ташлади:

— Уни бир чеккага олиб ўтамиз-да, ўртага оламиз. Бир қўлинг қиличингда булсин. Мен уни гап билан чалгитиб турганимда сен қилични бошига соласан.

— Келишдик, хотиржам бул, — деди шериги ҳам.

Султони Анбиё (с. а. в.) ҳузурларига учинчи дафъа боришди.

— Мумкин булса, ёлғиз гаплашмоқчийдик, — дейишди.

Расули Кибриё дарҳол рози бўлдилар. Амирнинг ичида бир ҳаяжон бўрони турди. Режасининг илк саҳифаси осонгина амалга ошган эди-да. Энди гап Арбадда қолди, қўрқмасдан битирса бўлади.

Одамлардан холи бир ерга боришди. Амир сўз бошлади... У анчагача гапга тутиб турди, аммо Арбад... Қўли қиличининг қабзасида, аммо ҳайратланарли ҳолки, энди қиличини сўтурман деса, қаршисидаги одам Амир бўлиб қоларди. Бошқа тарафга ўтди, ҳайрати баттар ортди, чунки рўпарасида яна Амир турарди.

Шундан кейин Арбад бир у томонга-бир бу томонга ўтди, аммо ҳар гал Амир ўнг келаверганини кўриб, бу ишни уддалай олмаслигига кўзи етди. Уддалайман деса, балки узининг шериги Амирни ўлдириб қўйиши мумкин эди.

Амирнинг юраги сиқила бошлади. Ора-сира кўз қири билан Арбадга қараб қўяди, аммо ҳануз бир иш чиқмасди. Суҳбат ҳам чўзилиб кетди, бироқ бир тўхтамагга келишолмади. Амир ҳар кимдай мусулмон бўлишга ўлса ҳам рози эмасди. Гапларини шундай якунлади:

— Мана кўрасан, эй Муҳаммад, валлоҳи, бу шаҳарни отликларга, яёвларга тўддириб ташлайман. Гатафондан мингларча йигит опкеламан. Ҳар дарахтнинг тагида боғли бир от бўлажак! — деди.

Бунга жавобан Расули Акрам афандимиз:

— Оллоҳ сенинг йўлиниги тўсади, — дедилар.

Суҳбат шу ерда битди. Амир кетаркан, орқасидан Саййидул Анбиё Буюк Мавлога: «Оллоҳим, Амир ибн Туфайлни ўзингга ҳавола этдим, мен учун унинг жазосини бер!.. Қавмини эса ҳидоятга бошла!» деб ниёз қилаётган эдилар.

Амир Арбад билан ёлғиз қолганида:

— Сендан бунақа лапашангликни кутмаган эдим. Валлоҳи, шу пайтгача сендан ҳайиқиб келардим, бутундан бошлаб сендан ҳам кўрқмайдиган бўлдим, — деди.

Арбад унинг сўзини кесди:

— Шошилиб хулоса қиляпсан, аввал бўлган воқеани эшит, — деб ҳаммасини бир бошдан айтиб берди. — Қилични сенинг бошингга солишимни истармидинг? — деди.

Амир ҳеч нарса дея олмай қолди.

Бир муддат йўл юрдилар. Дам олиш фурсати ҳам келган эди. Йўлларида бир-икки чодир кўринди. У ерда ўзларини меҳмон қиладиган бир оила бўлиши лозим эди. Аммо Амир бирдан титраб кетди. Шоша-пиша бугзини чангалади. Унга нимадир бўлган ва қаттиқ оғрий бошлаган эди. Ҳолбуки, беш дақиқа бурун ҳам ҳеч нарсадан дарак йўқ эди.

Оғриқ тобора кучайиб, вужудини қақшатарди. Бу аҳволда йўл юролмаслиги аниқ.

Барака топкур Селули исми бир аёлнинг чодирига келиб қолишган эди, Амир ўша ерда қолди. Бир муддат уни даволашга ҳаракат қилинди. Аммо бутун гайратлари зое кетиб, Амир қадам-бақадам ўлимга яқинлашарди.

Мадинадан чиққанларига уч ё тўрт кун бўлган, ўшанда буқадай куч-қувватга тўлиб турган Амир энди ҳаёт йўлининг сўнгига бориб қолган ўлимса бир хаста ҳолига келган эди.

Бўзгига тушган без борган сайин катталашар, чекаётган оғриқлари дармонини қуритар, нафас ололмайдиган қилар эди.

Амир йигит эди. Қаҳрамонлар каби от устида жанг қилаётганда ўлишни орзу қиларди. Хасталик тушагиде инграй-инграй ўлиб кетиш араблар орасида илгаридан хуш кўриладиган иш эмасди. Шуларни ўйларкан, Амир бирдан бақира бошлади:

— Туялар каби ўлишми, эй Амир утиллари?! Салул қабиладан бир хотиннинг уйида, тушақдами ўламан?!

Шундай деб бақирди. Бир дафъа, икки дафъа бақирди. Кейин ўрнидан сапчиб турди, найзасини олди, отига минди.

— Туялар каби ўлиб кетиш экан-да!.. Салулийа хотиннинг уйида туялардай ўлим топиш... шундай кунга қолдимми-я?!

У тинимсиз бақирар, отини ўнг-сўлга чоптирар, ўзини душман устига ҳамла қилаётгандай тутар эди. Ниҳоят, найза қўлидан тушди. Чопиб бораётган отнинг устига ётиб олгудай эгилган вужуд кўз очиб юмгунча бир қоп каби қумлар узра думалади. Ёнига югуриб келганлар уни кўтармоқчи бўлишди, лекин Амир ортиқ нафас олмаётган эди.

Шундай қилиб, Расулуллоҳ (с. а. в.) жанобимизга катта кетган Амир яна бир марта у зотга йўлиқиш фурсатини топа олмади, жазо эса тез вақтда берилди, уни нишонга олиб отилган қазо ўқи ҳеч адаштирмай жойини топди.

Буниси ҳали илк зарба эди. Олдиндаги охираат ҳаёти гоят рангли бўлажак, Оллоҳнинг расулига (с. а. в.) суиқасд ҳозирлаганликда ва бу йўлда қаттиқ тиришганликда айбланувчи сифатида муҳокама этилажак, бурни ерларга ишқаланажак. Оллоҳ — азоби гоят қаттиқ бўлган зотдир.

Масжидда минбар кўйилтиши

Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимиз Мадинага келганларидан бери масжиддаги суҳбатларини меҳробда, утирган жойларида қилар эдилар. Баъзан мавзу (масъала) муҳим ва жамоат ҳам катта бўлса, у қолда жума хутбасини ўқиётганда суянадиган хурмо ёғочи ёнига борардилар, тик турганча шу устунга суяниб хитоб қилардилар. Бу ёғоч Жанобимиз доим намоз ўқиб берадиган меҳробнинг ўнг томонида, ўн одимча нарида эди. Меҳробнинг чап томонидаги қисмида эса, Пайгамбар афандимизнинг завжалари учун қурилган ҳужралар жойлашган.

Набиййи Муҳтарам жанобимизнинг суҳбатлари кўпинча қисқа ва ҳикматли бўларди. Кераксиз сўзламасдилар, керагидан ортиқ ҳам гапирмасдилар, аҳамиятли деб билган жумлаларни аксари пайтда уч карра такрорлардилар. Баъзан ҳатто уч мартадан ортиқ ҳам такрорлаган пайтлари бўларди. Қаршилардаги жамоатни зериктирмайдиган, кўнглига урмайдиган, безор қилмайдиган суҳбат қуриш услублари бор эди. Кўпинча жамоат: «Қани энди Жаноби Пайгамбаримиз бир суҳбат қилиб берсалар, тинглардик», дейиш даражасида соғинган палларини танлардилар.

Бундай суҳбатлар орасида баъзан Пайгамбар афандимиз толиққан оёқларига галма-гал дам бериш эҳтиёжини ҳис қилардилар. Гоҳ оғирликларини бир оёқларига, гоҳ бошқа оёқларига солиб туришларини кўчилик курган.

Уша пайтлари Набийи Муҳтарам (с. а. в.) афандимиз олтиш бир ёшларга етган эдилар.

— Ё Набийаллоҳ, сиз ўтириб суҳбат қуришингизга қулай бир минбар ясадик, буладими?..

Ё шундай таклиф қилиндию Саййидул Анбиё (с. а. в.) уни қабул этдилар ёки бўлмаса, Жанобимиз шундай бир минбар ясаб беринглар, деб дўстларига айтдилару улар бу истакни жуда ўринли деб билишди. Хуллас, шундай қарор қилингандан кейин Расули Амин мадиналик бир аёлга хабар жунатдилар:

— Хизматкоринг фалончига буюрсанг, у менга бир минбар ясаб берса!.. Хутба чоғи ўшанга ўтириб гапирармидим, — дедилар.

Ривоятга кўра, бу аёл Саъд ибн Убоданинг хотини Фукайҳа бўлган.

Бу хабар у аёлни фавқулодда хурсанд қилиб юборди. Хизматкори Нуъмонни тез ёнига чақириб:

— Жаноби Пайгамбаримиз масжидда ўтириб суҳбат қуришларига қулай бир минбар ясагин, — деб топшириқ берди.

У кунларда Мадинада дурадгорлик соҳасида энг яхши уста ўзининг хизматкори эканидан ҳам айрича мамнуният туйди. Расулуллоҳ афандимизга шундай бир хизматда бўлиш саодати ва шарафи унинг шу усталиги туфайли эди.

Нуъмон асбобларини олиб, Мадинанинг юқори қисмида жойлашган ва «Тарфатул Гоба» деб ном берилган дарахтзорга борди. Уша ерда иш бошлаб, ниҳоят учта пилапояли бир курси ясади. Учинчи пилапояси айни чоқда ўтиришга ҳам мўлжалланган эди.

Фукайҳа хоним минбарни кўздан кечирди, хизматкорига ташаккурлар айтди. Сўнгра салом ва ҳурматларини арз этиб, Пайгамбарлар Имомига (с.а.в.) юборди.

Минбар масжидга келтирилиб, меҳробнинг унг томонига, ёғоч устуннинг ёнига қўйилди.

Ўша ҳафтанинг жума куни. Саййидул Аввалин вал Охирин (с.а.в.) хутба ўқиш учун минбарга чиқдилар. Шу пайт галати, аммо оғриқли бир овоз эшитилди. Бўталогини излаб тополмаётган туянинг бузлашига ўхшарди бу овоз. Борган сайин кучайиб кетаётган бу маҳзун овоз устундан чиқаётгани маълум бўлгач, ҳамма ҳайратга тушди. Жанобимиз хутбани бошлаганларида унинг фарёди ҳам чидаб бўлмас бир ҳолга келган эди. Хотамул Анбиё (с.а.в.) хутбани ярмида тўхтатишга мажбур бўлдилар. Минбардан тушиб, устуннинг ёнига келдилар. Қўлларини ёғочнинг сиртига қўйдилар. Шафигулу Музнибин (с.а.в.) афандимиз қўлларини қўйишлари ҳамони ингроқ ҳам пасая бошлади. Тез орада овоз чиқмаёқ қолди. Юзлаб кишилар кўз унгида рўй берган бу ҳодиса масжидни катта бир ҳаяжон тўлқини чулғаб

олишига сабаб бўлди. Демакки, бу жонсиз устун неча йилдан буён сиртига суянган ҳолда хутба ўқиган Маҳбуби Роббул Оламийн (с.а.в.) афандимиз энди унга суянмай қўйишларига чидай олмаган, шунга фарёд қилиб юборган эди.

Ёгочнинг ингроги босилгач, Расулуллоҳ жанобимиз яна минбарга чиқдилар ва хутбаларини қилиб, тамомладилар.

Бундан буён Жаноби Сарвари Олам (с.а.в.) хутбаларини ва Жумадан ташқаридаги суҳбатларининг ҳаммасини шу курси устида қиладиган бўдилар.

Макка фатҳи

Ҳудайбия сулҳи амният ва ҳузур келтирди. Айниқса, кўпдан бери ўзаро душман бўлган икки қабила эркин нафас олиш имконига эга бўлди. Улардан Бани Бакр қабиласи Қурайшнинг, Ҳузоа қабиласи эса мусулмонларнинг ҳимояси остида эди.

Энди ўн йил муддат бир-бирига қарши қурол кўтарилмайдди. Аммо йиллар давомида қалбларда пистирма қуриб ётган кин ва душманлик туйғулари ўн йил кутишга рози бўлармикан?..

Кунлардан бир куни Бани Бакр қабиласидан биттаси Расули Акрам (с.а.в.) шаънларига ҳажвия ўқиди. Буни эшитган бир ҳузоаликнинг жаҳли чиқди. Бир урган эди, у одамнинг боши ёрилди. Қонга беланиб қабиласига бордию энди жиловланишга юз тутган душманлик ҳислари қайтадан олов олиб кетди. Вақт ўтказмасдан ҳозирлик кўрилди ва бир кеча Ватир деган булоқ бошида дам олиб ётган ҳузоаликлар устига ҳужум қилишди.

Бундай бир фурсатдан қурайш ҳам фойдаланиб қолди. Бани Бакр қабиласига қурол-аслаҳа ва бошқа лозим нарсалар билан ёрдам уюштирди. Ҳатто ҳужумда бевосита иштирок этганлар ҳам бўлди.

Уйқу қарахтлиги ичида душман қиличларига нишон бўлган ҳузоаликлар қочишдан бошқа бир ишга ярамай қолишган эди. Энг яхши чора ўзларини Ҳарам доирасига олиб қочиш. Бани Бакр аҳлини бошқа бир йул билан тўхтатиб бўлмасди.

Жонларини ҳовучлаб қочиб боришарди. Кимга етиб олинса, ўлдирилар, ўлган ҳузоаликлар қонларига беланиб ерга тўзилишар эди. Ниҳоят, Ҳарам майдонига кириб олишдию эркин нафас ола бошлашди.

Бани Бакр аҳли ҳам Ҳарам майдонига киргач, қиличларини қинларига солиб қўйишди. Қабила раиси Навфал ўшқирди:

— Нимага тўхтаб қолдиларинг? Нимага душманга омонлик беряпсизлар?!

— Күряпсан-ку, Ҳарам доирасига кирдик. Илоҳларнинг жаҳдини чиқариб нима қиламиз.

Навфал кўпирди:

— Бугун илоҳ-пилоҳ йўқ, интиқом бор! Сизлар Ҳарамда ўғрилиқ қилганларингизда, одам сўйганларингизда қаерда эди илоҳлар?! Тўхтаманглар, қасосларингизни олинглар!

Ҳеч ким бу амрга қарши чиқмади. Такрор қиндан чиқди қиличлар. Қочиш ва қувлашлар энди Макка кучаларига кучди. Ҳузоаликлар зўрга Будаёл ибн Варқонинг уйига яшириниб, жонларини қутқаришди. Уларнинг бир қисми аёллар ва болалар эди. Кучаларда уддирилган одамларнинг жасадалари сочилиб ётарди.

Будаёл бундай паришон аҳволда уйига паноҳ истаб келган одамларни кўриб, юраклари эзилиб кетди. Тез Бани Ҳузоадан бир неча кишини ёнига олиб, Мадина йўлига тушди. Бориб, Расулulloҳ афандимизни топди ва бўлган воқеаларни айтиб берди.

Ҳимоялари остидаги инсонларнинг бундай бир босқинга учрашлари Жаноби Пайгамбаримизга огир ботди. Ёрдам берилажаги ҳақида ваъда қилдилар. Мусулмонлар қандай ҳимоя қилинса, улар ҳам айни шаклда ҳимоя этилажакларини англатдилар.

...

Ҳузоаликларнинг иши битгандан кейин Қурайшнинг ичига гўё бир қурт тушди. Ҳузоаликлар Мадинага бориб, бўлган ишларни етказишса... Вазият таҳликали эди, яхши натижани кутиб булмасди. Улардан аввал ташаббус қилиб, янги бир битим имзолаш энг соғлом бир ҳаракат бўлар эди. Тез орада Абу Суфён йўл тадорикини кўрди, Мадинага отланди. Аслида, бу ишларга у аралашмаган, аммо келадиган бало уни ҳам четлаб ўтмаслиги аниқ эди.

Йўлда Будаёл ибн Варқо билан ҳузоалик ҳамроҳларини учратиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

— Қаердан келяпсизлар, эй Будаёл, Ясрибданми? — деб сўради хавотир ичида.

— Йўқ, Ясрибда қиладиган ишимиз йўқ.

Абу Суфён гапни айлантирмоқчи бўлди:

— Ясриб хурмосидан бир-иккита икром қилсангизлар, яхши бўларди, — деди.

— Бизда Ясриб хурмоси йўқ, эй Абу Суфён. Сафаринг бехатар бўлсин, йўлингдан қолма... — дея Будаёл ва унинг ҳамроҳлари йўлларида давом этишди.

Абу Суфён уларнинг ортидан бир муддат қараб қолди. Сўнг уловидан тушди. Улар минган уловларнинг ахлатларини титкилаб кўрди. Ранги бўзарди. Ичини даҳшат ва кўрқув қоплаб олди «Ёлгон гапирибдилар... бизни алдашибди... улар Ясрибдан келишяпти!» дея тўнгиллади. Бир қарорга келиши учун кўп вақт ўтмади. Воқеалар етказилган бўлса ҳам, бориб, янги бир аҳдлашманинг чорасини қидиргани маъқул, шундан фойда. Тез уловига миниб, Мадина сари шошилди.

...

Мадинага боргач, илк иши қизининг уйини сўраши керак. Абу Суфён шундай қилди. Хиёл муддат утириб даммини олиши,

нима қилажаги хусусида қизи билан маслаҳатлашиб олиши лозим. Ҳарҳолда, Умму Ҳабиба бу ишдан хабардор бўлса керак.

Умму Ҳабиба эшикни очиб, қаршисида отасини кўришни ҳеч кутмаган эди. Ахир, қачондан бери кўришишмаган.

— Хуш келибсиз, отажон! — деди.

Абу Суфён ичкари кирди, рупарага солинган кўрпача томон юрди. Аммо қизининг шоша-пиша кўрпачани йиғиштира бошлаганини кўриб, довдираб қолди. Бир онда зеҳни ташлаб юборилган увадага айланди. Турган жойида бир муддат туриб қолди. Сўнгра руҳидаги алгов-далговликларнинг ифодаси ўларок, тилига бир-икки калима келди:

— Тушунмадим, қизим, мени бу кўрпачага лойиқ кўрмадингми ё бу кўрпача менга лойиқ эмасми?

Қизи аниқ-тиниқ бир овозда:

— Бу кўрпача Жаноби Расулуллоҳникидир, шунга ўтирадилар, шунда ётадилар. Сизни бунга ўтиргизмайман, чунки мушриксиз, нажассиз, — деди.

Бу сўзлар Абу Суфённинг миясига ханжар бўлиб санчилди. Неча йиллардан бери энди кўришиб турган қизидан шундай бир ҳаракат содир бўлса, шундай бир гаплар эшитса-да, қандай эриб битмасин!..

— Биздан айрилганингдан кейин сенга бир нарсалар бўлибди... — дея олди зўрга. Сўнгра галати бир туйғунинг исканжаси орасида қолган зеҳнини ишлатишга эҳтиёж ҳам сезмасдан, бошини ҳам қилганича чиқди-кетди.

Тўғри Расули Акрам (с.а.в.) афандимизнинг ҳузурларига борди.

— Эй Муҳаммад, мен бу ерга орамиздаги битимни янада қувватлантирайлик ва узайтирайлик деб келдим, — деди.

— Сени бу ерга келтирган сабаб шудир, шундайми, эй Абу Суфён?!

— Ҳа, шудир.

— У ҳолда биз битимимизга риояли ва содиқмиз. Уни бузмаймиз ҳам, унга номувофиқ иш қилмаймиз ҳам, — деб жавоб қилдилар Расулуллоҳ (с.а.в.).

— Аммо биз ўртамиздаги у битимни янгилашимиз лозим.

— Сизлар битимни буздиларингми? Уни бузадиган бир иш қилдиларингми?

— Йўқ.

— У ҳолда янги битим тузишнинг ҳам лузуми йўқдир.

Абу Суфён таклифини яна такрорлади, Расули Акрам афандимиз жавоб бермадилар. Шу тариқа Абу Суфён бу кўришмадан бир фойда чиқмаслигига ишонч ҳосил қилиб, масжидни тарк этди.

Аммо Маккадан бу ерга ҳеч бир иш қилмаслик учун келмаган эди, ахир. Ўзига бир дастак исташи, орага тушадиган бир одам топиши, ёрдам бериб юборишни илтимос қилиши лозим. Шу ниятда Ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) ёнига борди.

— Расулуллоҳ афандимиз орзу қилмаган бир масалада сенга ёрдамчи булолмайман, — деган жавобни олди.

Ҳазрати Умар (р.а.) худди бир олов парчасидай эди. Миясига қон урилгандай бўлиб:

— Нима?! — дея ҳайқирди. — Сизларга ёрдам бераманми?! Овора бўлма, эй Абу Суфён!.. Дунёда менга орқа бўладиган биргина ҷумоли қолган бўлса-да, валлоҳи, у билан бирлашиб, сизларга қарши мужодала қилардим!

Кейин Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толибларга (розийаллоҳу анҳумо) учради. Улардан ҳам наф кўрмади. Чорасизлик ҳар тарафдан уни ўраб олган эди. Ҳазрати Фотимага бош уриб борди.

— Мен бир аёл кишиман, ҳеч кимни ҳимоямга ололмайман, — деди.

— Ҳеч бўлмаса манави олсин ҳимоясига, — деди Абу Суфён шу атрофда ўйнаб юрган Ҳасанга ишора қилиб.

— У ҳали бир бола, ўйиндан бошқа нарсани билмайди...

Абу Суфён такрор Ҳазрати Алини топди:

— Нима дейсан, эй Абул Ҳасан, менга нима қилишни тавсия этасан? — деди.

Ҳазрати Али хотиржам жавоб берди:

— Эй Абу Суфён, сен Қурайшнинг каттасисан. Одамларнинг орасига бор, ҳар икки тарафни ҳам ҳимоянгга олганингни эълон қил, кейин юртингга қайтиб кет.

— Шундай қилсам, бирор ёрдам бўлади деб уйлайсанми?

— Валлоҳи, кўпам ундай деб ўйламайман, лекин тавсия этадиган бошқа бир йўл ҳам кўрмайман.

Абу Суфён ночор ортига қайтиб, масжиднинг олдига келди. Ўша атрофда юрган одамларга қарата:

— Эй Ясриб халқи, менга қулоқ солинглар!.. — дея ҳайқирди. Гала-говур тингач, сўзида давом этди: — Мен Қурайшнинг каттаси Абу Суфёнман, ҳам Қурайшни, ҳам Ясриб халқини ҳимоямга оламан — дея бақирди.

Шундан кейин кимнинг нима дейишини ҳам кутмасдан туясининг бошини Макка тарафига бурди ва жилиб юборди.

Бир замонлар бурни булутларни сузиб юрадиган Абу Суфён ҳозир Мадинадан роса паришон бир ҳолда қайтаётган эди. Ҳолбуки, Мадинани ер билан битта қилиш, дунёда битта ҳам мўмин қолдирмаслик учун улкан бир қўшин тўплаб келганига ҳали уч йил ҳам бўлмаган.

Ўз пушти камаридан бўлган қизи уйда кўрпачага ўтиришига изн бермади; бошини уриб борган, ҳар ким уни тезроқ ўзидан йироқлатишнинг йўлини ахтарди; эндигина тўрт-бешга кирган болачанинг ҳимоясини истайдиган даражада ночорликка тушди... Уҳуд жангининг музаффар қўмондони сифатида «Яша, эй шонли Ҳубал!» дея галаба наъраларини тортган Абу Суфён ҳозир карахт бир алфозда кетиб борарди.

Пайгамбарлар Султони (с.а.в.) Хандақ урушининг ниҳоясида энди бундан буён Қурайш ҳеч мусулмонларга қарши жангга

чиқа олмаслигининг хабарини берган эдилар. Абу Суфённинг ҳам битимни янгилаш мақсадида ёлворишга келиши мусулмонлардан қўрққанларини, уларни катта бир куч сифатида кўрганларини англатар эди.

...

Абу Суфён қизини қайтиб кўрмасдан, ундан ҳол-аҳвол сурашни-да хотирига келтирмасдан Мадинадан чиқиб кетганидан кейин Пайгамбар афандимиз ҳам атрофдаги мусулмон қабила-ларга хабарчилар юбордилар. Сафарга чиқилагагини, қуролла-ниб қўшинга қўшилишларини буюрдилар.

Лекин қай томонга борилишини ҳеч ким билмасди. Фақат, бу гал аввалгиларига нисбатан кенг бир ҳозирлик кўрилаётган маълум эди.

Маккага олиб борадиган йўлга тушилди. Бирон кимсанинг олдинга ўтиб кетишига йўл қўйилмасди. Шу тариқа Мадинада-ги ҳозирликлар тўғрисидаги хабар Маккага етказилиш эҳтимо-лининг олди олинди.

Ашулачи хотин

Уша кунлари Мадинага Сора исмли бир ашулачи хотин келди ва Расулуллоҳ (с.а.в.) афандимизни зиёрат этди. Ўртада шундай суҳбат кечди:

— Ислоом динини қабул қилдингми?

— Йўқ.

— Мадинага жойлашиш учун ҳижрат этдингми?

— Йўқ.

— У ҳолда мақсадинг нима?

— Йўлда қолдим, ёрдам истаб келдим. Биронта улов билан озиқ-овқат беришларингни рижо қиламан.

Расулуллоҳ афандимиз унга ёрдам беришни буюрдилар. Хотин хоҳлаганидай, унга озиқ-овқат ва улов таъмин этилди.

Бу орада Жаноби Пайгамбаримизнинг биродарларидан Хотиб ибн Балтао у хотинни бир жойда ёлғиз ўтирган ҳолда топди. Қўлига ун олтин тутқазди.

— Булар нега? — деб суради ашулачи хотин.

— Сендан бир истагим бор.

— Қанақа истак?

— Бир мактуб бераман, шуни Маккага бориб Қурайшнинг пешволаридан бирортасига берасан.

— Масалан, Суҳайл ибн Амрга берсам бўладими?

— Суҳайлга бер, Сафвон ибн Умаййага бер ёки Икрима ибн Абу Жаҳдга бер. Қай бирига берсанг ҳам, бўлаверади.

— Жуда соз, розиман.

Хотиб мактубни берди.

— Фақат, сен билан учрашганимни ҳеч ким билмаслиги керак, тушуняпсанми?

— Мендан кўра тушунадиганрогини тополмайсан, — дея Сора мактубни олди ва шу заҳоти урнидан туриб, сафарга отланди. Энди уни йўлдан тўсадиган ҳеч бир сабаб қолмаган эди.

...

Бошқа тарафдан Расулуллоҳ афандимиз Жаноби Мавло юборган ваҳий фариштасидан бу ҳақда хабар олиб, ўзлари яхши кўрадиган уч кишини ёнларига чорладилар. Дарҳол йўлга чиқишларини, Зулҳулайфа яқинларида етишажаклари бир хотинни тўхтатиб, у олиб бораётган хатни олишларини, узини эса буш кўйиб юборишларини амр қилдилар. Агар хатни бермаса, улдиришлари мумкинлигини эслатдилар.

Уч биродар Маккага томон от қўйди. Ниҳоят, Зулҳулайфа яқинларига етганда Ёлғиз кетиб бораётган бир хотинни учратишди.

— Тўхта жойингда, эй йўлчи! — деб амр қилинди.

— Ёлғиз бошига кетаётган бир хотиндан нима истайсизлар?

— Ёнингдаги мактубни олишга келдик.

— Адашяпсизлар, менда хат-пат йўқ.

— Адашганимиз йўқ. Сен у мактубни бизга топширасан, кейин йўлингга кетаверасан.

Хотин ҳамон ўзида ҳеч қандай хат йўқлигини айтиб ялинар эди.

— Унда уловингдан туш, кўрамиз, — дейишди биродарлар.

Хотин тушди. Нарсалари титкилаб кўрилди, аммо мактуб йўқ эди.

— Кўриб турибсизларки, мактуб-пактуб йўқ, энди мени ўз ҳолимга қўйсангизлар, йўлимда давом этсам.

Лекин Ҳазрати Алининг (р.а.) фикри бошқача эди.

— Расулуллоҳга янглиш хабар бермайдилар. Ўзинг чиқариб бермасанг, кўйлагингдан ахтаришимга тўғри келади. Топсам, ўзингдан кўр: бошингга қилич билан соламан!

Шундай деб бир-икки қадам унинг устига бостириб юрди. Бир қўли қиличининг қабзасида эди. Хотин ишнинг жиддийлашиб бораётганини англаб, дарров сўз оҳангини ўзгартирди:

— Хўп, майли, — деди. — Орқага ўтирилиб туринглар-чи.

Учала биродар орқа ўтирилишди. Хотин бошини очиб, соч ўримларининг орасига яширган хатни чиқарди ва уларга узатди. Шу тариқа масала ҳал этилди. Уч биродар вазифаларини адо этишганидан шод, бир-бирларига севинчали нигоҳ ташлаб қўтладилар. Сўнгра хотинга:

— Хўп, майли, жонингни қутқардинг, уловинга мин-да, йўлингга кетавер, — деб изн беришди.

Али, Зубайр ва Миқдоддан (розийаллоҳу анҳум) иборат уч кишилик бу гуруҳ эса, Мадина йўлини тутди.

— Мана сиз истаган мактуб, эй Оллоҳнинг расули! У хотинга худди сиз айтган жойда етиб олдик.

Воқеаларни гапириб беришди. Пайгамбар афандимиз Хотибни ҳузурларига чақиртирдилар. У келгач, мактуб ўқилди:

«Хотиб ибн Балтаодан Қурайш катталарига.

Хабарларингиз булсинки, Оллоҳнинг расули қарши чиқа олмайдиганингиз даражада бир қўшинни устларингизга ҳозирламоқдадирлар. Тадбирли бўлинглар».

— Танидингми бу мактубни, эй Хотиб?

Қандай қилиб инкор этади? Қандай қилиб: «Йўқ, таний олмадим», дейди? Бундай деб разолат устига разолат чиқаришга ҳоли йўқ. Бошидан қайноқ сув қуйилгандек бўлди. Сарвари Олам (с.а.в.) ҳузурларида ёлгон сўз айтиш «Сиз менга тухмат қиялпсиз», дейиш билан баробар эди. Хотиб бундай ишни қила олмасди.

— Ҳа, эй Оллоҳнинг пайгамбари, танидим, — деди.

— Нимага бунақа иш қилдинг?

— Эй Оллоҳнинг расули, менга бир ҳукм чиқаришга шопилманг. Мен аслида қурайшлик эмасман, кейин келиб Қурайшга юкинган бир одамман. Сизнинг ёнингиздаги муҳожирлардан ҳар бирининг Маккада ақрабоси бор. У ерда қолган оила аъзолари билан молларини қурий оладилар. Ҳолбуки, мен бунақа имкониятдан маҳрумман. Истадимки, бу мактуб билан аҳволни англайтиб, уларга бир яхшилик қилган бўлайин, бунга жавобан улар менинг оиламни ва молларимни қўрсинлар. Аммо мен бу ишни динимдан қайтганимдан ёки Исломдан пушаймонлик туйиб куфрга кирганимдан қилмадим. Мақсадим Оллоҳга ва расулига хиёнат қилиш бўлмади, — деди Хотиб.

Расули Акрам афандимиз асҳобга қарадилар.

— Биродарларингиз тўғриси айтди, — дедилар.

Бу муборак сўз Хотибнинг томирлари бўйлаб яшин тезлигида таралиб, қалбига бир фараҳлик тўлди. Оллоҳнинг расулидан кутгани шу эди.

Лекин бошқа тарафда Ҳазрати Умар ҳам сабрини бошқара олмайдиган ҳолда эди.

— Эй Оллоҳнинг расули, изн беринг, шу мунофиқнинг бўйинини чопиб ташлайин! — деди.

Бу сўзларни айтаятганда Умарнинг овозими шиддатлироқ эди ёхуд кўзларидан сачраган оловларми янада ёқувчи эди, билиб бўлмасди.

Аммо Расулуллоҳ афандимизнинг фикрлари бошқача эди.

— Бу одам Бадр жангида қатнашган. Қаердан биласизлар, балки Оллоҳ таоло уларга қарата: «Кўнгиллари истаганини қилинглар, сизларни кечирдим», деб қолар? — дедилар.

Бир неча дақиқа ичида бир умрга татигулик аламни чеккан Хотибнинг юрагига бу сўзлар гўё сув сепди. Нажот муждасини олган эди у!

Бирдан Расулulloҳ афандимизни ваҳий ҳолати чулғаб олди. Овозлар кесилди, атрофда ҳаяжонли кутиш онлари бошланди. Орадан ҳеч қанча ўтмасдан Оламларга Раҳмат бўлган жанобимизнинг муборак тиллари ваҳийни иссигида биродарларига етказди:

«Эй иймон келтирганлар, Менинг душманам ва сизларнинг душманларингизни (мушрикларни) дўст тутманглар! Сизлар уларга дўстлик (ҳақида хат-хабар) юборурсизлар, ҳолбуки, улар сизларга келган Ҳақга (дин ва Қуръонга) кофир бўлган дирлар! Улар пайгамбарни ҳам, сизларни ҳам Парвардигорингиз бўлмиш Оллоҳга иймон келтирганларингиз сабабли (ўз диёрларингиздан) ҳайдаб чиқармоқдалар-ку! Агар сизлар Менинг йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиққан бўлсангизлар, (у ҳолда мушрик-кофир кимсаларни дўст тутманглар)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасизлар! Ҳолбуки, Мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши билгувчидирман! Сизлардан ким шу (иш)ни қилса, бас, аниқки, у тўғри йўлдан озибди! (Эй иймон келтирганлар) агар улар (мушриклар) сизларга зафар топсалар, душманларингиз бўлурлар ва сизларга қўл ва тилларини ёмонлик билан чўзурлар (яъни, сизларни ўлдирурлар, ҳақоратлар қилурлар). Улар сизларнинг яна кофир бўлишларингизни истарлар. (Қиёмат кунида) сизларга қариндош-уруғларингиз ҳам, бола-чақаларингиз ҳам ҳаргиз фойда бермас! Қиёмат кунида (Оллоҳ) ўрталарингизни ажратиб қўяр. (Бас, нечун уша уруғ-авлодингизни ҳимоя қилиш учун Оллоҳга гуноҳкор бўлмоқдасизлар?!) Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб тургувчидир»¹.

Буюк Мавло мўминларнинг кофирларга қандай муносабатда бўлишларини яна шу суранинг ўзида қуйидаги (8-9) оятларда бундай кўрсатиб берди:

«Оллоҳ сизларни динларингиз тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқармаган кимсалардан — уларга яхшилик қилишларингиздан ва уларга адолатли бўлишларингиздан қайтармас. Албатта, Оллоҳ адолат қилгувчиларни севар. Оллоҳ сизларни фақат динларингиз тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз диёрларингиздан ҳайдаб чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалардан — улар билан дўстлашишларингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ушалар золим кимсаларнинг узидир».

Ва мўминлар билан бўладиган дўстлик ҳеч қачон бошқа мўминларнинг зиддига хизмат қилмаяжак эди.

Шу тариқа Хотиб тадбирсизлик билан қилиб қўйган бу ишининг жазоси ўлароқ Бадр аҳлидан эканининг ҳурматига бериладиган ҳақдан қуруқ қолди.

¹ Мумтаҳана, 1-3.

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) даъватларига мувофиқ қуролларини таққан мўминлар тўп-тўп бўлиб Мадинага кела бошлади.

Ниҳоят, ҳижратнинг саккизинчи йили рамазон ойининг унинчи куни аср намозини ўқигач, ун минг кишилик қўшин Фахри Коинот афандимизнинг амрларига тобе ўлароқ йўлга чиқди. Мадинада Абу Руҳм исмли бир саҳобий вакил қилиб қолдирилди. Унинг вазифаси намозларни ўқиб бериш, шаҳарда тинчлик-хотиржамликни таъминлаш эди.

Бу сафарда Расулуллоҳ афандимизга хотинларидан кимлар ҳамроҳ бўлажаги яна қуръа йўли билан аниқланди ва бу гал Умму Салама ва Маймуна оналаримизнинг иқболлари кулиб боқди.

Қўшин ҳаракатини бошлагач, Пайгамбар афандимизнинг амрлари ила бир маъмур аскарлар орасида айланиб, ҳаммага: «Хоҳлаганлар рўзасини очсин, хоҳлаганлар рўзасида давом этсин», деб эълон қилиб чиқди. Айримлар рўзаларини очишди. Бир қисми, оқшом яқин қолди-ку, деб очишмади. Расулуллоҳ афандимиз ҳам рўзасини давом эттирганлар қаторида эдилар.

Мадинадан чиққандан бери бир юз қирқ чақиримча масофа йўл босиб, Кадид деган жойга келишди. Бу ер бир булоқнинг боши эди. Усфон деган мавқега ҳам яқин. Вужудлар ҳоргин, тиллар томоқларга ёпишган. Расули Акрам афандимиз чанқоқларини бир нави кетказиш учун бошларини ювдилар. Бўлмади. Аср намозини ўқигандан кейин туяларига миндилар, бир бардоқ сув талаб қилдилар. Бардоқни ҳар ким курсин деб бир муддат ушлаб турдилар. Сунтра бисмиллоҳ деб ича бошладилар. Рўзадорларнинг рўзаларини очишга амр этдилар.

Йўлчилик яна давом этди. Ҳар бири биттадан қабила раиси булган Ақро ибн Хобис билан Уйайна ибн Хисн қаватларида бир миқдор қуроли киши билан келиб қўшинга қўшилишди. Бу орада Буюк Мавло севгили Ҳабибини ҳеч қутилмаган бир оғда олдиларидан чиқиб қолган амакилари Аббос билан топиштириб қувонтирди. Аббос Макка билан алоқасини буткул узган, бор-йўгини олиб йўлга чиққанди. Шу тариқа у Маккадан келган муҳожир сифатида муҳожирлар орасидан жой олди. Макка фатҳи билан ҳижрат эшиги ёпилажак ва муҳожирлар синфига кириш ҳаққи бундан кейин ҳеч кимга берилмаяжак эди.

Расули Муҳтарам афандимиз амакилари Аббосга оила аъзоларини ва ашёларини Мадинага жўнатиб, ўзининг қўшинга қўшилишини амр қилдилар.

Асҳоби Киром Набийлар Султонининг (с.а.в.) бу севинчига чин юракдан шерик бўлишди.

Бошқа тарафдан Расулуллоҳ афандимизнинг амакилари Ҳориснинг ўгли Абу Суфён ва аммалари Отиканинг ўгли Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа ҳам неча йиллар Жанобимизга ашаддий

душман бўлиб яшагандан кейин кўнгилларига тушган бир пушаймонлик туйғуси-ла ва мусулмон бўлиш нияти-ла йўлга чиқшган эди.

Расулуллоҳ афандимиз Абу Суфённи кўрган заҳотлари юзларини ундан ўтирдилар. Абу Суфён бошқа тарафга ўтса, у тарафдан ҳам ўтирилиб олдилар, уни гапиришга қўймадилар.

Абу Суфён хомуш бир қиёфада нари кетди. Ҳазрати Абу Бакрнинг олдиларига борди, бўлмади. Аббосни, Алини (р.а.) топди, фойда бермади. Бировни айблайдиган ҳолда эмасди у. Қандай муносабат кўраётган бўлса, ўзидан. Расулуллоҳ афандимизни жуда яқиндан танийдиган инсон сифатида қилмаслиги керак бўлган жуда кўп беодобларча ишларни тап тортмасдан қилган, ҳақоратлар, ҳажвиялар, тарбияли одамнинг огзига ярашмайдиган чиркин сўзлар ҳамма мусулмонларни ва хоссатан Жаноби Расулуллоҳни нишонга олиш учун унинг огзидан чиққан эди.

Умму Салама онамиз уртага тушди:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, Абу Суфён сизнинг ақрабонгиздир, амакингизнинг ўғлидир. Бунинг устига, эмиқдош биродарингиздир. Абдуллоҳ эса, у ҳам аммангизнинг ўгли ва ҳам қайинбиродарингиздир. Уларни афв этишингизни сўрайман, — деди.

Аммо Набийийи Акрам афандимизнинг юракларида чуқур яралар қолган, улар бир кунда, бир ойда, бир йилда битиб кетадиган яралар хилдан эмас эди. Масалан, амакилари Абу Толиб ўлим тушагида ётганида, унга Ислом динини таклиф этганларида, қаршиларида Абу Жаҳл билан мана шу Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа туришган ҳамда хастани зугум остида тутиб туришга уринишган:

— Эй Абу Толиб, Абдулмуттолибнинг динидан юз ўтирасанми? — дея ўлим тушагида булсин, уни тинч қўйишмаган эди. Агар ўша ерда Абу Толиб шаҳодат калималарини айтмасдан кетган бўлса, бунинг энг бош сабабчилари ҳам Абу Жаҳл билан Абдуллоҳ бўлишлари лозим эди. Бир вақтлар Пайгамбар афандимизнинг ёқаларидан тутиб:

— Кўзларим унгида кўкка юксалсанг ва у ердан ёзилган қогоз олиб қайтсанг, у қогозда бизнинг иймон келтиришимиз кераклиги ёзилган бўлса ҳам, валлоҳи, ўшандаям сенга иймон келтирмайман! — деган мана шу Абдуллоҳ эди.

Абдуллоҳ Жаноби Пайгамбаримизнинг аммалари Отиканинг ўгли бўлиш билан бир қаторда Умму Салама волидамизнинг ҳам қариндоши эди.

Расули Акрам афандимизнинг кўнгиллари мана шу ва буларга ухшаш аччиқ хотиралар билан ярали эди. Абу Суфён ҳам, Абдуллоҳ ҳам бу зотга энг кўп ёрдам қилишлари лозим бўлгани ҳолда жоҳилларча ҳаракатлари билан ўзларини кўрса-тишди. Шуларга қарамай, Умму Салама волидамиз ёлборарди:

— Ё Набийаллоҳ, сиз булардан-да кўп ёмонлик қилганларни ҳам кечиргансиз, — дерди.

Муминлар онасининг кетма-кет рижолари мевасини берди: Абу Суфён билан Абдуллоҳ ибн Абу Умайя келишди, Фахри Коинот (с.а.в.) ҳузурларида шаҳодат калималарини келтириб, мусулмон бўлишди.

Сафар хотиралари

Қўшин Марруз Заҳрон деган жойга етиб келди. Кабос деб аталувчи емиш тўплай бошлашди. Эроқ исми мисвок дарахти мевасининг номи шундай эди. Бу орада Расули Акрам афандимиз аскарларига:

— Хоссатан қора туслиларини олишни тавсия қиламан. Энг яхшилари қоралари, — дердилар.

Емиш олаётганлардан бири:

— Ё Набийаллоҳ, қўй боқадиган одамларнинг гапини қилдингиз. Буларни чўпонлар билади. Ё сиз ҳам чўпонлик қилганмисиз? — деб сўраб қолди.

— Ҳа. Ҳар пайгамбар чўпонлик қилган. Мен ҳам Қароритда маккаликларнинг қўйларини боққанман, — деб марҳамат этдилар Жанобимиз.¹

Қарорит бирор жойнинг исми бўлиши мумкин ёхуд, ҳадисни нақл этганлардан бири ифода қилганидек, қўй боқишга бир қирот ҳақ маъносига келар.

Баъзилар пайгамбаримизнинг қўй боққанларини фазилат сифатида баҳолаш билан бирга, ҳақ олганликларини қусур ҳисоблашдек бир галати мулоҳаза юритишади. Болалик даври утиб, энди ёшлик ҳаётига кирган кунларда пешона тери тўкиб бир неча қуруш (танга) топиш ва камбағал амакисига ёрдамчи бўлиш ҳеч бир инсон учун қусур сифатида баҳоланмаслиги керак.

Йўлда рўзаларини ҳар кимнинг кўзи ўнгида очганларига ва, ҳамма рўзасини очсин, дея буюрганларига қарамай, баъзиларнинг ҳамон рўзани очмай қийинчилик чекаётганининг хабари берилганда, Жанобимиз:

— Улар осий кишилардир, — дедилар.

Жанобимиз биззот ўзлари огизларини очиб, сизлар ҳам рўзаларингизни бузинглар, деганларидан кейин ҳам рўзада давом этмак, Пайгамбаримиздан ҳам кўп ибодатга берилган кэби бўлишга уриниш яхши иш эмасди, албатта.

Ибн Масъуд (р.а.) эроқ дарахтига чиқиб емиш тўплар эди. Ора-сира эсанг шамол унинг этаklarини ҳилпиратар, анчагина ориқ бўлган оёқларини кўрган шериклари унга қараб кулишар эди. Расули Муҳтарам кулаётганларга қарадилар:

— Оёқларининг ориқлигига ҳайратланияпсизлар, шундайми?.. Жонимни қўлида тутиб турган Олоҳга қасамки, бу икки оёқ тарозида Уҳуд тогидан ҳам огир келажакдир! — деб марҳамат қилдилар.

¹ Ибн Можжа, 2/627.

Ориққина ва кичкинагина одам бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд жанг майдонларида ном қозонадиган даражада кучга соҳиб эмасди. Аини чоқда, қурқоқ ҳисобланишига ҳам ҳеч бир сабаб бермаган. Жанобимиз билан бирга ҳамма сафарда қатнашган, ҳаммасида жонини-бошини тикиб жанг қилган, душман сафлари орасида кучи етганича қилич уйнатган, ҳагто Абу Жаҳддек дин душманини ўлим ҳолида тутиб калласини кесишга муваффақ бўлган Ибн Масъуд бутун ҳаёти давомида Холид ибн Валиддек бўлолмаса ҳам, Али ибн Абу Толибдек бўлолмаса ҳам, унинг учун қусур ҳисобланмаслиги керак. Негаки у жанг майдонларида тарата олмаган довругини илм соҳасида, ақлий курашларга бел боғлаб таратди. Холид ибн Валидлар, Али ибн Абу Толиблар бу динга қиличлари-ла хизмат этган бўлсалар, Абдуллоҳ илми ва ирфони-ла хизмат қилди, ўзидан дунё тургунча унутилмайдиган доғсиз, тоза ном қолдирди.

Шу пайт:

— Ушланглар!.. Олдини тусинглар!.. — деган овоз янгради. Утлар орасидан бир қуён отилиб чиқиб, қоча бошлади. Бир неча киши ортидан қува кетди.

Улар орасида Анас ибн Молик ҳам бор эди. Қувди-қувалоқда шу Анас голиб келиб, ҳарсиллаганча қуёни тутиб қайтди. Угай отаси Абу Талҳа қуёни сўйди, терисини шилди, оловга тутиб пиширди. Сунгра бутлари билан унғ қулини ажратди.

— Буларни Расули Акрамга олиб бор, ҳурматларимни билдир, — деди.

Анас қуён гуштини олганча Саййидул Анбиё (с.а.в.) ҳузурларига борди. Уз қуллари билан тутганини айтиб, ҳадя улуроқ олиб келганини билдирди.

Расули Роббул Олабийн Анасинг ҳадясини қабул этдилар.

Абу Суфён ва шериклари

Марруз Заҳронга келдингми, Маккага келдинг, ҳисоб эди. Расули Акрам афандимиз (с.а.в.) уша кеча ҳар кимга гулхан ёқишни буюрдилар. Осмонга ўрлаган беҳисоб олов тиллари кўк юзини қизил рангга буюди-қўйди.

Бу ёқда маккаликлар кўк юзидаги бу гайриоддий рангга бир маъно бера олмай гаранг эди. Абу Суфён ёнида турган икки ошнасига қаради.

— Нима буляпти ўзи? — дея сўради.

Ҳаким ибн Ҳизом:

— Эҳтимол Ҳузоа қабиласи аҳлининг иши бўлса керак, — деб тахминлади.

— Менимча, улар эмас. Уларнинг ҳар бири биттадан гулхан ёққан тақдирда ҳам бунинг ярмича бўлмайди. Менга қолса, бориб ўз кўзимиз билан куришимиз керак, — деди Абу Суфён.

Шу тариқа Абу Суфён, Ҳаким ибн Ҳизом ва Будаил ибн Варқо учалови Макка ташқарисига чиқишди. Тутри Марруз Заҳронга қараб кета бошлашди.

...

Аббос ибн Абдулмуттолиб бу кеча ғалати туйгулар огушида, роҳатсиз бир аҳволда эди. Узоқ йил умр кечирган Маккадан кечагина чиққан, ҳозир узи ҳам ичида бўлган қўшин энди уни фатҳ этиш учун келаётир. Ҳолбуки, маккаликлар ҳеч нарсадан беҳабар, тинч бир уйқунинг мазасини тотиш учун ётоқларига кириб кетишган... Бир хабар юбориш, «Қарши чиқманглар, бу қўшин шаҳарни остин-устун қилиб юборади», деб билдириб қўйиш лозим эди.

Шу ҳаёлда ўрнидан турди. Жаноби Расулуллоҳнинг оқ хачирларига минди. Балки йўлда бирор чўпонга дуч келар, уша орқали хабар етказиши мумкин...

...

Расулуллоҳ афандимиз соқчилик учун қўйган бир гуруҳ аскар қоронғида писиб келаётган уч кишининг шарпасини кўриб қолди. Тез тутиб олишди. Қарашса, Абу Суфён билан унинг икки шериги экан. Саййидул Анбиё (с.а.в.) бу қимматли асирларни кўрсалар, роса мамнун буладилар энди.

Шу пайт бир овоз янгради:

— Ҳей, ким бу тутган одамларингиз?!

Абу Суфён овозни эшитган заҳоти худди олтин топгандек севиниб кетди.

— Менман, эй Абдулмуттолибнинг ўгли. Ёнимдагилар Ҳаким ибн Ҳизом билан Будаил ибн Варқодир, — деди.

Аббос соқчиларга қараб:

— Бу одамларни ҳимоямга оламан, Расулуллоҳнинг ҳузурларига элтаман, — деди.

— Ўзинг биласан, эй Расулуллоҳнинг амакиси, — деб жавоб қилишди соқчилар.

Аббос Абу Суфённи эгарига мингаштириб йўлга тушди. Кетаётиб Ҳазрати Умарга дуч келишди. Ҳазрати Умар синчиклаб қараб Расулуллоҳнинг хачирларини таниди, унга икки киши мингашиб олганини кўриб, донг қотиб қолди: Жанобимизнинг хачирларига туннинг бу палласида биров шунчаки маза қилиш учун минмасди.

— Ҳей, қани тўхтанглар-чи, ким буласизлар?! — деб суради қатъий оҳангда.

Абу Суфённинг юрагига хавотир оралади. Ёниб турган гулханларнинг шуъласи тушиб, Аббоснинг юзини ёритди. Орқасидаги киши зўр бериб қўлини юзига парда қиларди.

— Орқангдаги ким, эй Аббос? — деб суради Ҳазрати Умар. Синчиклаб тикилди. уни ҳам таниб, бирдан титраб кетди: — Тамом, эй Абу Суфён, энди мендан қутулиб бўлсан! Сени бу ҳолда қўлимга туширган Оллоҳга ҳамд бўлсин!

Аббос хачирни тезлатди. Ҳазрат Умар ҳам шошилди. Бу узига хос пойга Жанобимиз чодирларининг қаршисида ниҳояланди. То Аббос хачирдан ингунча Ҳазрати Умар чодирга кирди ва:

— Ё Набийаллоҳ, Оллоҳнинг душмани Абу Суфён, мана, ўз оёғи Набан келиб утирибди, рухсат беринг, бошини узайин! Орамизда ҳеч қандай битим йўқ пайтида Буюк Мавлонинг ўзи уни қўлимизга олиб келиб тутқазди, — деди нафаси томоғига тикилгудек бўлиб.

Айни чоқда, Аббос ибн Абдулмуттолиб ҳам Абу Суфённи ҳимоясига олганини айтарди. Бир ёқда Ҳазрати Умар исроп этар, қўлга кирган бу фурсатни бой бермасликни истар эди. Шундай қилинса, Исломи динини тугилган жойидаёқ бўғиб ташлаш учун йиллар давомида кўз очирмай ҳаракат қилиб келаётган Абу Суфён йўқ этилажак, куфрнинг бошлиғи ўлдирилажак, фитна ва фасоднинг манбаи ўртадан олиб ташланажак эди. Аммо Аббос (р. а.) ҳам имкон қадар ёлбориб, тинимсиз амният сўрарди. Ниҳоят Ҳазрат Умарга қараб:

— Ўзингни бос, эй Умар, — деди. — Қасамки, агар Абу Суфён сенинг қабиланг бўлмиш Адий ибн Каъбдан бўлганида бу сўзларни айтмас, бундай қаттиқ талаб қилмас эдинг. Лекин сен биласанки, бу одам Бани Абдуманофдандир.

Абдуманоф Пайгамбар афандимизнинг (с.а.в.) катта боболари Ҳошимнинг укаси эди. Буни эслатиш билан Аббос: «Сен Абу Суфёнга Пайгамбарнинг ақрабоси бўлгани учун душманлик қиляпсан, ўлдиршни истаяпсан, ўзингнинг қабилангга мансуб бўлганида бундай қилмас эдинг», демоқчи эди.

Бу сўзлар Ҳазрати Умардек бир инсонга айтилмаслиги керак эди. Неча йиллардан бери дўсти бўлиб келган Абу Суфённи нима қилиб бўлмасин қутқариб қолишдан бошқа нарсани ўйламаган Аббос (р.а.) қалбидан Оллоҳга ва расулига муҳаббатдан бошқа бир улчовга урин бермаган Умарнинг (р. а.) юзига қандай гапира олди экан буларни?!

Агар Ҳазрати Умар тўғрисида шундай хаёлларга борса, юз фоиз хато қиларди. Агар фақат Абу Суфённи қутқариш учунгина бундай деган бўлса, унда кимдан кимни ҳимоя қилаётганини бир бор ва такроран ўйлаб кўриши лозим.

Ҳазрати Умар (р. а.) Жаноби Пайгамбарнинг (с. а. в.) ҳузурларида бунақа сўзларга лойиқ кўрилганидан ёмон бир ҳола тушди:

— Сен ҳам ўзингни билиб ол, эй Аббос! — деди шиддатла. — Оллоҳга қасамки, сен мусулмон бўлган кун туйган севинчи отам Хаттоб мусулмон бўлса ҳам туймасдим балки. Бунга сабаб Расулуллоҳ афандимиз учун сенинг Исломи қабул этишинг Хаттобнинг Исломга киришидан кўра кўпроқ орзу қилинганини билганимдир...

Ҳазрати Умар юз фоиз ҳақиқатни айтган эди. «Менинг туйгуларим, тушунчаларим, ҳаракатларим ҳаммаси Оллоҳнинг ва расулининг розилигига кўрадир», демоқчи эди у. Ҳақиқатда шундайлигига ҳеч ким эътироз қила олмасди. Шу кунгача ҳа-

миша шундай бўлиб келди. Тарих уша кундан кейин ҳам шундай бўлиб қолганини исботлади!

Ҳазрати Умар ўзига ярашиқли бир буюклик-ла гапирди. Бундан ортиқ яна нималардир дейишга одоби йўл қўймади. Ҳолбуки:

«Эй Аббос, сен кимни ҳимоя қилаётганингни биласанми?.. Уммати Муҳаммаднинг бошига Уҳуд куни каби, Хандақ куни каби фалокатларни ёғдирган кишини эъзозлаяпсанми?..» Ёки:

«Маққада неча йиллар зулм ва исканжа остида инграган мўминларни ҳимоя этмадинг, аммо зулм ва куфрнинг бошлигини ҳимоя қиляпсан — шунини ҳеч уйлаб кўрдингми?! Уканг Ҳамзани тилка-пора қилганлар шу оиладан эди, эслайсанми?!» дейишга ҳаққи бор эди.

«Пайгамбарларнинг энг буюғи бўлган жиянингга аканг Абу Толиб ўлгач ҳатто Абу Лаҳабнинг ҳам кўнглини юмшатган ахлоқсизларча ҳаракатлар, ҳужумлар давом этиб турган кунлари сен Маққада эмасмидинг?! Бутун Абу Суфённи уйлаётганингчалик ушанда Пайгамбар афандимизни уйлаш имконинг йўқми эди?!» дейишни у ҳам биларди. Ёки бўлмаса:

«Бутун сен мусулмонсан, бир мушрик учун нега қайгуриясан?!» дейиши мумкин эди.

Аммо ҳамма ҳам «Ҳазрати Умар» бўла олмасди. Умар бўлиш осон эмасди!

Жаноби Расулуллоҳ сўзнинг бундан ортиқ чўзилишини ис-тамадилар:

— Эй, Аббос, буни олиб кет, кечани ёнингга ўтказсин, эрта билан менга опкеласан, — дедилар.

Шундай қилиб, Абу Суфён Ҳазрати Умарнинг (р. а.) қиличидан бошини сақлаб қолди. Бирга-бирга чиқиб кетишди.

Эртаси ҳамма вақтли уйғонди. Янги кун ҳаёти бошланди. Одамлар у ёқ-бу ёққа юришар, бомдод намозига комил тайёргарлик кўришар эди. Кейин Абу Суфён Расулуллоҳ афандимизни таҳорат олаётганларида кўрди. Намоз ўқиётганларида яна кўрди. У зотга кўрсатилаётган ҳурмат ва итоатга шохид бўларкан, кўзи қўрқди. Ўзига Қурайшнинг итоати ҳеч қачон бу даража бўлмаган, бўлиши хаёлга ҳам келмас эди. Намоз битгач, уни Пайгамбар (с.а.в.) ҳузурларига келтиришди.

— Эй Абу Суфён, афсуслар бўлсин сенга, «Ла илаҳа иллоҳлоҳ...» дейишнинг вақти ҳали ҳам келмадими?..

Расулуллоҳ афандимизнинг бу юмшоқ ифодали сўзлари қаршида Абу Суфён титради:

— Ота-онам сенга фидо бўлсин. Қандай юмшоқ табиатли, қандай икромли бир одамсан, ақраболарингга на қадар меҳр-лисан!.. Валлоҳи, шунинг фарқига бордимки, Оллоҳдан бошқа илоҳлар бўлсайди, ҳозирга қадар менга ёрдам қилган бўларди, — дея жавоб қилди.

— Суф сенга, эй Абу Суфён, мен Оллоҳнинг пайгамбари эканимга иқрор бўлиш вақти келмадими?...

— Валлоҳи, бу масалада кўнглимда шубҳалар бор...

Аббос ибн Абдулмуттолиб сўзга аралашди:

— Эй, одам, қабул эт Исломни ва бошинг танангдан учирилмасдан аввал: «Ла илаҳа иллоллоху Муҳаммад расулуллоҳ», деб гувоҳлик келтир! — деди.

Шундан кейин Абу Суфён шаҳодат калималарини айтди.

Масала ҳал бўлган эди. Тили билан шаҳодат калималарини айтган бир инсонни ўлдиришни Буюк Мавло манъ этган. Қалбида ҳам иймони борми-йўқми экани эса, Оллоҳ биладиган ишдир.

Салдан кейин Абу Суфён Маккага кетиш учун ҳозирланиб оёққа турди. Аббос Расулуллоҳ афандимизга:

— Эй Оллоҳнинг расули, Абу Суфён мақтовни яхши кўрадиган одам, унга бирон ҳақ бериб, илтифот кўрсатсангиз, яхши буларди, — деди.

Жанобимиз бу таклифни қабул этдилар:

— Абу Суфённинг уйига беркинганларга омонлик берилди. Уйларига кириб эшикларини беркитиб олганларга омонлик берилди. Масжиди Ҳарамга кирган кишилар ҳам амниятдадирлар, — деб эълон қилдилар.

Сунгра амакиларига қарадилар:

— Эй амаки, уни водийнинг тор бир жойида, тоғ этагида тутиб тур, Оллоҳнинг лашкари ўтаётганида кўрсин, — дедилар.

Аббос (р. а.) билан Абу Суфён буюрилган жойга бориб туришди. Лашкар бўлаклари орқама-кетин ута бошлади. Абу Суфён ҳар бири ҳақида саволлар берар, маълумот олар эди. Ниҳоят, руҳан таслим бўлди:

— Укангнинг ўгли мукамал бир салтанатга соҳиб бўлибди, — демоқдан узини тўхтатолмади.

Шунда Ҳазрати Аббос:

— Йўқ, бу салтанат эмас, нубувват ва рисолатдир, — дея жавоб қилди.

Буликлар ҳамон бирин-кетин утиб борарди.

Ҳар бири минг бир хил ҳамд ва шукр туйгулари-ла маст бунча инсон бутун бу муборак шаҳарга фатҳи мубиннинг шаарафли муҳрини босиш учун олға қадам ташларди.

Расулуллоҳ афандимиз (с.а.в.) бошларига қора салла ураб, печини орқага ташлаб олган эдилар. Туялари устида Фатҳ сурасини ўқиб, баъзи оятларни такрор эта-эта борарканлар, худди саждага ҳозирланаётгандек бошлари бир оз эгик эди. Шундайки, муборак юзлари туянинг буйнига тегай-тегай деб қолган эди.

Оқ байроқ Ҳазраж қабиласининг раиси Саъд ибн Убоданинг қўлида эди. Саъд айниқса Абу Суфён қаршисидан ўтаркан, унга кин ва нафрат тула бир нигоҳ ташлади. Йиллардир муминлар бошига солмаган балолари қолмаган бу одамга атай эшиттириш қасдида: «Бутун муҳораба кунидир. Бутун Каъбада ҳурмат¹ уртдан кўтариладиган кундир», деган маънода шеър ўқиди.

¹ Ҳурмат — «ҳаром» узагидан ташкил топган бўлиб, бу ерда Каъбада жанг қилиш ҳаромлиги назарда тутилган. Шеърда «Бутун шу қондага рию қилмасе бўлади», деган маъно ифодаланган (Мутаржим).

Бу нигоҳ ва ўқилган бу байт Абу Суфённинг вужудини титратиб юборди. Титрамай нима қилсин. Уҳуд куни Ҳазрати Ҳамза бошлиқ неча-неча шаҳидларнинг жасадаларига қилинган хурликлар ҳайвонларни ҳам уялтирар эди.

Жаноби Расулуллоҳни кутди. Топиб, Саъд ибн Убодадан эшитган байтни такрорлади. Андишаларини билдирди. Шунда Жанобимиз:

— Йўқ, Саъд хато айтибди, — дедилар. — Бугун Каъба ҳақиқий маънода ҳурмат ва таъзим кўрадиган кундир. Бугун Каъбага ёпинчиқ ёпиладиган кундир.

Абу Суфён энди иккинчи шикоятини арз қилди:

— Куп бегона юзларни кўрдим, менга терс-терс қараб ўтишяпти, — деди.

Во дариг!.. Абу Суфён нималарни умид қияпти? Севги ва ҳурмат кўрсатилишиними? Ташаккур тўла ифодаларниними?..

Расулуллоҳ (с.а.в.) унинг фикрига қўшимадилар:

— Эй Абу Суфён, бунга узинг сабабчисан, сенинг қавминг сабабчи бўлди. Сизлар мени ёлгончи деб юрган кунларингизда улар менга ишонишди, сизлар мени юртимдан ҳайдаб чиқарганларингизда улар мени бағриларига босишди, — дедилар.

Сунгра Абу Суфён Маккага отланди. Таҳликадан иложи борича тез огоҳ этиш учун шошиларди у.

...

Маккаликлар ҳеч нарсадан хабарсиз эдилар.

— Тез тўпланинглар, эй аҳоли!.. Тез тўпланинглар, эй маккаликлар!..

Оз фурсат ичида оломон йигилди.

— Нима хабарлар келтирдинг бизга, эй Абу Суфён? — дея сўрай бошлашди.

Абу Суфён уларга ачингансимон нигоҳ-ла боқди. Қарашларида чорасизлик, умидсизлик маънолари бор эди.

— Шунинг билдингларки, эй Қурайш жамоати, устларингизга Муҳаммад келяпти. Енгилмас бир қўшин сизларга қарши тўпланган. Жанг қилсангиз, мағлубият муқаррардир. Мусулмон бўлинглар-да, жонларингизни қутқариб қолинглар, — деди.

Ҳали ҳеч гап бўлмай туриб туйқус қулоқларга эшитилган бу сўзлар кўзларни хиралаштирди. Юзларнинг туси ўзгарди. Оғизлар қуриб, томирларда оқиб турган қон худди тўхтаб қолгандай бўлди.

— Сен нималар деяётганингни биласанми, эй Абу Суфён?! — деган хитоблар чиқди.

Абу Суфён узидан амин бир инсон қиёфасида жавоб қилди:

— Афсуски, биламан.

— Хўп, қаерда экан сен айтаётган у лашкар?

— Бир соатга қолмай шаҳарга киради...

Руё каби бир нарса эди бу. Қарши чиқиб бўлмас даражадаги бир қўшин Мадинадан йўлга чиқиб то бу ёқларга келиб қолар экан-у, бундан ҳеч кимнинг хабари бўлмаса?!

Срага қисқа сокинлик чўқди. Бирдан фарёд каби, қоплон улиши каби бир чинқориқ эшитилди. Кин ва интиқом оташида қоврилган, танаси пичоқланган бир одамнинг овозидек эди бу овоз.

— Сен қари туллак!.. Сен тубан, беҳосият одам!..

Овоз аёл кишиники эди. Машхур Ўтба ибн Робианинг қизи ва Абу Суфённинг хотини Ҳинд...

Эҳтимол Абу Суфённинг сўзини эшитганлардан бирортаси унинг олдига чошган, гап-сўзларни етказган, «Мусулмон бўлиб жонларингни қутқаринглар», деганларини англагандир. Ҳар ҳолда, Ҳинд овози борича бақирар эди:

— Ўлдириглар бу сассиқ чолни!.. Бугинглар бугзидан бу гушт тулумини!.. Сизларга жуда ёмон бўҳтонлар қияпти. Динидан қайтган бир кишидир у!..

Абу Суфён жон аччиғида унинг қўлларига ташланди. Қутулишга уринаркан, соқолимни қўйиб юбор, ҳой хотин, — деб бақирди.

Ҳинд ниҳоят эрининг соқолини бўшатди. Абу Суфён:

— Қани, энди уйинга кир. Валлоҳи, агар мусулмон бўлмасанг, бошинг кесилади, буни биласан, — деди.

Бир он ҳамма нарса унутилган, эр-хотин ўртасида кечган бу ҳаяжонли саҳна мароқ-ла томоша қилинган эди.

Абу Суфён яна оломонга ўгирилади:

— Ким менинг уйимга кирса, омон қолади, — деди.

— Ҳой, сенинг уйинг неча кишига паноҳ бўларди? — дейишди одамлар.

— Ким Масжиди Ҳарамга кириб олса, амниятдадир, — деди Абу Суфён.

Яна айна эътирозни билдиришди. Шунда Абу Суфён:

— Ким ўз уйига кириб эшикларини беркитиб олса, омонда! — деб эълон қилди. Сўнгра илова этди: — Яна қайтараман: қарши туришга қалқсаларинг, сизларни пичан гарами каби янчиб ташлайдиган бир қўшин келяпти...

Бир вақтлар боши булутларда кезган, Маккага ҳокимлик ҳисси бермиш гурур-ла еру кўкка сигмай юрган Абу Суфённи қўл-оёқ боғлиқ, сас-садоси бўғилган вазиятда кўриб турганлар энди шамол терс томондан эса бошлаганини дарров англадилар. Бошлар ҳам бўлди. Юраклар эзилди. Бундан буён жанг майдонига чопиш ўрнига уйларга яширинмакка ва натижани кутмакка тўғри келаётгани тушунчаси юракларни сиқиб юборди. Бундан буёнги қилинган ишларнинг ҳисоби берилажак эди.

— Йўқ, то тирик эканмиз, бу ерга қимса кирмайди!..

— Қонимиз эвазига бўлса-да, муқаддас шаҳарни қўриймиз!..

Шунга ўхшаш овозлар юксалди. Аммо бундай деганлар сони жуда оз эди.

Қиличларини сугурдилар. Кичик бир булик майдонга келди. Уларни кўрганлар: «Қонига ташна бир неча шўрлик...» дейиши турган гап эди. Улар кўча жанги қилиш пайида шаҳар-

нинг юқори қисмига йўл олдилар. Оломоннинг асосий қисми эса, буйни букик ҳолда, хаёлга ботган одимлар билан уй-уйларига тарқалди.

Маккага кириш

— Ё Набийаллоҳ, эртага Маккада қайси уйга тушасиз?

— Оллоҳ насиб этса, мушриклар куфр устида аҳд-паймон қилган Хойф мавқеидир.

Расули Акрамнинг (с.а.в.) «Кофир мўминга, мўмин кофирга меросхўр бўла олмайди», деган ҳадислари ҳам шу паллага оид эди, деб нақл қилинади.

Эртаси Ислоом лашкари икки қўл ҳолида Маккага кириб борарди. Биринчи қўл Пайгамбарлар Султонининг (с.а.в.) қўмондонликлари остида ҳаракат этар, иккинчи қўлнинг бошида эса, жанобимиздан «Сайфуллоҳ» (Оллоҳнинг қиличи) унвонига мушарраф бўлган йигитлар сардори Холид ибн Валид турар эди.

Расулуллоҳ афандимиз Маккага киришдан олдин бир қанча исмлар айтдилар. Улар Каъба ёпингичи тагига яширинган бўлса ҳам, ўлдирилажак эди. Абу Жаҳднинг угли Икрима, Сафвон ибн Умаййа, Ҳазрати Ҳамзанинг қотили Ваҳший, Ҳазрати Зайнабни ҳижрат сафарига яралаб боласини ташлаб қўйишига сабаб бўлган Ҳаббор ибн Асвад; бир замонлар ваҳий котиблиги қилган, лекин кейин муртад бўлиб Пайгамбар жанобимиз ҳақларида беўхшов сўзлар сўйлаб юрган Абдуллоҳ ибн Абу Сарх; ўзини мусулмон бўлган кўрсатиб укасининг хун бадалини олгандан кейин бир мусулмонни ўлдириб қочган Миқйас ибн Субода; бир вақт мусулмон улуроқ яшаб, сунгра хизмати-ни кўрган одамни ўлдириб, закотга келган туяларни олиб қочиб кетган шоир Ибн Хатал; Ибн Хаталнинг икки жорияси; Абдуллоҳ ибн Зибоъра ва Ҳубайра ибн Ваҳбларга чиқарилган эди бу ҳукм.

Расули Акрам (с.а.в.) орқаларига Усома ибн Зайдни мингаштирган ҳолда Маккага кирдилар). Лашкарга қарши туришга, қўлини кўтаришга ҳеч кимса журъат этмади. Амрларига тобеъ бир қўшинга бош эдилар Расулуллоҳ. Шу фарқ биланки, зафардан келадиган гуруҳ йўқ эди. Роббининг неъматини ҳаққила биладиган ва бу туйғу ичида бошини саждага қўйган мутавозеъ бир пайгамбар ҳоли бор эди у Зотда.

Пайгамбарлар Имомига (с.а.в.) Макканинг юқори қисмида бир чодир тикилди. Шу ерга кириб бир муддат истироҳат этдилар.

...

Холид ибн Валид (р.а.) қўл остидаги қисм билан Макка дарвозаларига келган вақтда шаҳарга тинчлик билан кира олмаслигини англади. Қилич ва найзалар ила қуролланган бир гуруҳ унинг қаршисидан тўсиб чиқди. Ёйлар тортилган, ўқлар ҳозирланган эди. Охиригача олишувга азм этган кўзлар боқиб

турарди унга. Вазият дарҳол тадбир куришни, яхши қўмондонга муносиб шаклда ҳаракат қилишни тақозо этарди.

Холид қўшинга тўхташ амрини берди. Қаршисида бир вақтлар тақдирлари боғланган эски қурулдош дўстлари — Ик-рима ибн Абу Жаҳл, Сафвон ибн Умаййа, Суҳайл ибн Амр ва бошқалар туришарди. Холид ҳам бир замонлар улар қаторида бўлган, куйфнинг байрогини улар билан бирга кўтарган, му-сулмонларга қарши бирга-бирга қилич соллаган эди.

Бир-икки одам илгарилади.

— Ҳой одамлар! Сизларни Исломига даъват қиламан. Оллоҳдан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқлигига шаҳодат келтиринглар! Ҳазрати Муҳаммадни Оллоҳнинг расули ўлароқ тан олинглар! Бу муборақ шаҳарда қон тўкилишига сабаб бўлманглар!.. — деди.

Холиднинг бу таклифи қабул этилмади. Жавоб сифатида отилган бир-икки ўқ шундоққина қулоқлари ёнидан визиллаб ўтди. Ўқларга нишон бўлиб бекордан-бекорга ўлиб кетишнинг маъноси йўқ эди. Буюрди. Мўминлар ҳам ўқ отишди. Шу тариқа жанг бошланиб кетди. Қиличлар қинидан сугуриди. Оз фурсат ичида бу тўқнашувнинг илк натижаси ўлароқ ўн икки мушрикнинг жасади ерга чўзилди.

Аҳвол нозик эди. Абу Суфён тез Расули Акрам афандимиз-нинг ҳузурларига етиб келди.

— Холид бизларни қириб битирди, — деди ҳовлиқиб.

Жаноби Пайгамбар (с.а.в.) биттасини чорлаб, дарҳол Хо-лиднинг ёнига боришга ва савашни тўхтатишга буюрдилар.

У киши ўша заҳоти чопқиллаб кетди. Холидни топди. Ле-кин:

— Расулуллоҳ қўлингга тушганларни ўлдиришингни амр қиляптилар, — деди.

Жанг давом этди. Ўлим фармони имзоланганларнинг ҳаёт дафтарлари бирин-кетин ёпилди. Жами улдирилганларнинг со-ни етмишга борди.

Шикоят яна такрорлангач, Жанобимиз Холидни ҳузурлари-га чорлатдилар. У келгач, урушни нега тўхтатмаганини сўради-лар. Шунда Холид:

— Мен сизнинг амрингизни бажардим, эй Оллоҳнинг расу-ли. Сиз менга қўлимга тушганларни ўлдиришимни буюрган экансиз, мен шундай қилдим, — дея жавоб берди.

Ажаб... Масалани ҳал этиш учун бояги одам чақирди.

— Ё Набийаллоҳ, тўғри, сиз мени жангни тўхтатиш фармо-ни билан юбордингиз. Лекин бу сизнинг тилагингиз эди. Мен эсам, Холиднинг ёнига борганимда, қўлингга тушганни ўлдир-вераркансан, дейишдан ўзимни тия олмай қолдим.

Фахрул Анбиё вал Мурсалин (с.а.в.) бир нарса демадилар. Сув сўрадилар, келтиришгач, гул қилдилар. Қасво исми туя-ларига миндилар. Ёнларида вафодор дўстлари Ҳазрати Абу Бакр билан Масжиди Ҳарамга томон йўл олдилар.

Саккиз йил аввал ҳам мана шу туялари эгарида, ушанда ҳам ёнларида дўстлари Абу Бакр билан бу шаҳарни тарк этиб чиқиб кетган эдилар. Улов айна улов, шерик айна шерик,

аммо бир фарқ бор эдики, у кун улик ё тирикларини қўлга киритиш дарди ила ёниб-тутаган, шафқатнинг «ш» ҳарфини ҳам билмайдиган золимлар ҳозир марҳамат ва шафқат кутган боқишлар-ла уларни кузатиб туў шарди.

Аммо... бу нимаси?! Абу Уҳайҳанинг эшиги очилиб, уч-тўрт ёш қизалоқ отилиб кўчага чиқди. Гуё уч олмоқчидай нафрат билан рўмолларини Пайгамбаримизнинг туялари юзига ура кетишди. Жанобимиз (с.а.в.) Ҳазрати Абу Бакрга ўғирилдилар:

— Ҳассон ибн Собит нима деган эди? — деб сўрадилар.

Ҳазрати Абу Бакр Ҳассоннинг «Бор кучи-ла ҳужум қилган суворийларга фақат хотинлар қарши чиқажақлари ва рўмолларини отларнинг юзларига урмақдан бошқа бир иш қила олмай-жақлари» маъносидаги байтларини ўқиди. Ҳозир худди бу байтнинг мукамал татбиқоти бўлаётган эди.

Холид ибн Саиднинг сингиллари ё жиянларидан иборат бу қизлар гуруҳи уйларига чекинишди. Жанобимиз йўлларида давом этдилар. Ниҳоят, Масжиди Ҳарамга етиб келишди.

Расули Акрам афандимиз Қасводан тушмасдан аввал Ҳажарул Асвадни (Қора тошни) қўлларидаги таёқ билан саломладилар, сўнгра Байтуллоҳни тавоф қила бошладилар. Туянинг тизгинини Муҳаммад ибн Маслама ушлаб олган, Каъба атрофидан айлантирар эди. Ҳар гал Ҳажарул Асва рўпарасига келинганда, у тавоф қилинар эди.

Етти марта айланилгач, Жанобимиз замзам булогининг бошига келдилар. Булоқдан ўз қўллари ила сув олишни ва ичишни орзу қилган эдилар, аммо келажақда бу ишлари суннат ўлароқ қабул этилажagini ва ҳар ким ўз қўли билан сув олишга уринса, катта қийинчиликлар юзага чиқажагини ўйладилар.

— Агар суннат ҳисобланиб умматимнинг машаққатга тушиб қолишидан андиша қилмаганимда эди, қўлим-ла сув олиб ичишни орзу этардим, — дея марҳамат қилдилар.

Сўнгра амакилари Аббос тутган сувни олдилар ва тик турган ҳолда Байтуллоҳга юзланиб, қона-қона ичдилар.

Навбат Сафо ва Марво орасида саъй қилишга келган эди. Ортларидан етиб келган мўминлар эшигида Сафо тепалигига чиқдилар ва ўзларига буюк фатҳни насиб этган Мавлоларига дуо эта бошладилар...

Икки тепа орасидаги саъйни битириб, Расулуллоҳ такрор Каъбага келдилар. Ниҳоят Каъба атрофига қалаштириб урнатилган бутлар билан ҳисоб-китоб вақти етди. Асоларини илк дуч келган бутнинг кўзига суқиб қулатарканлар: «Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди. Ҳеч шубҳа йўқки, ботил йўқ бўлишга маҳкумдир», маъносидаги оятларни ўқир эдилар¹.

Бут-санамлар битта-биттадан ағдарилаверди. Бутларни ва бутпарастликни ўртадан кўтариш ва бир булган Оллоҳга ибодат низомини ўрнатиш вазифаси ила юборилган Буюк Пайгам-

¹ Исро сураси, 81.

барнинг қўлларидаги калтак бутлардан баъзиларини орқадан тортиб юзтубан қўлатар, баъзиларини пешонасидан итариб чалқанча йиқитар эди. Шу тариқа Каъба атрофидаги ҳамма бут ағдариб ташланди.

Кейин Набиййи Акрам афандимизнинг (с.а.в.) амрларига биноан Усмон ибн Талҳа Каъбанинг калитини олиб келиб берди. Эшик очилди. Ичкарига осилган расмлар йиртилди. Машҳур Ҳубал бути ташқарига отилди. Мушриклар кўзлари мошдек очилиб, Ҳубалнинг парча-парча этилишини алам ичра томоша қилишди. Уни деб неча-неча урушлар қилинди, қанча-қанча қонлар тўкилди, не-не жонлар қурбон берилди, Ҳубал эса, худди бошқа санамлар каби, ҳур ва ҳақир бўлди, кетма-кет тушаётган зарбалардан чилпарчин бўлди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг куёви Зубайр ибн Аввом ёнида турган одамнинг юзига боқди:

— Ҳе-ей Абу Суфён, Ҳубалингни томоша қил! У ҳам парча-парча қилинди. Қолбуки, Уҳуд куни сенга галабани у берган деб ишонардинг!...

Дарҳақиқат, ўшанда Абу Суфён: «Ҳубал устун келди! Ҳубал устун келди!» дея ҳўроз каби бақириб-чақирган эди. Ҳозир эса барчанинг нигоҳи унда... Қўл-оёғи боғланган асир таҳлит бўлиб турган Абу Суфён: «Янглишяпсизлар, сизлар қабул этмасаларингиз ҳам, Ҳубал юксақдир», дея олмади.

— Бу сўзларингни қўй, эй Зубайр. Агар Муҳаммаднинг илоҳидан бошқа бир илоҳ бўлганида эди, ишлар бундай бўлмасди, — дея жавоб қилди.

Намоз вақти кириб, Ҳазрати Билал Каъбанинг устига чиқди. Қўлларини қулоқларига келтириб, бор кучи-ла:

— Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!.. — дея азон айта бошлади.

Азон сўзлари уй-уйларига беркиниб олган мушрикларнинг устларига гурзи каби тушар, кечагина жонига қасд этиб Макка кўчаларида бўйнидан ип боғлаган ҳолда болаларга судратилган қўлнинг бу ҳайқиригига жавоб бера олмаётганларининг алами-ла, қулоқ солишар эди.

— Каъба устида азон айтиш шу қора қўлга қолдими?..

— Яхшиям отам Асид ўлди. Оллоҳ унга бу кунларни кўрсатмасдан ўлдириб, буюк икром кўрсатган экан...

Аттоб ибн Асиднинг гаши эди бу. Бир кун аввал отасини тупроққа қўйган Аттоб бу сўзлари билан гуё узига тасалли бермоқчи бўларди.

Ҳакам ибн Абул Ос азонни тингларкан, туйгуларини шундай тилга кучирди:

— Валлоҳи, буладиган иш эмас бу... Шу қора қўл чиқсинда, Байтуллоҳнинг тепасида тантана қилсин... Суф-э!..

...

Қони ҳалол этилганлар ҳамма жойдан ахтариларди. Шоир Ибн Хатал Каъбапушга уралиб олган ҳолда яшириниб ётган экан, Расулуллоҳ афандимизга (с.а.в.) хабар берилди. «Қаерда

топсаларинг, улдиринглар!» фармонини олиб, боши танасидан жудо этилди.

Микъас ибн Субоба шериклари билан ҳамр ичиб утирганида топилди. Ташқарига чақирилиб, чиқар-чиқмас унинг ҳам ҳаётига нуқта қўйилди.

Ибн Хаталнинг икки жорияси, Сора исмли айтимчи бир хотин, Ҳарис ибн Тулатила ва Ҳувайрис ибн Нукайзлар ҳам амрга биноан улдирилди.

Ваҳший, Ҳаббор Ибн Асвад, Икрима, Сафвон, Абдуллоҳ ибн Зибобъра, Ҳубайра ибн Абу Жаҳл тез Маккадан қочиб чиқиб жонларини қутқариб қолишди.

Абдуллоҳ ибн Абу Сарх узининг ҳам қони ҳалол этилганлар қаторида эканини, Каъба ёпинчиги остида ҳам рўшнолик йўқлигини эшитган заҳоти дабудруст узини йўқотиб қўйди. Улим қўрқувидан қони томирларидан қочгандек ҳис этди. Ягона чора эмиқдош биродари Усмон ибн Аффондан паноҳ сўраб бориш эди. Шундай қила олса, озми-кўпми амният олган буларди. Дарҳақиқат, илк фурсат топилди дегунча тез Усмон Зиннурайннинг ёнига чоғди.

Ҳазрати Усмон: «Қўлимга тушганинг яхши бўлди, эй Ибн Абу Сарх, энди, қани, охират сафарига ҳозирланавер! Ўзинг қилган шунча разолатларнинг жазосини тортиш вақти келди!» дея олмасди. Бундай дейиш мумкин эмасди. Уҳуд ҳарбининг охирида ҳам узидан паноҳ сўраган бир душманни уйда сақлаган пайтидагидек ҳолга тушиши ҳам унинг бундай бир сўзни билмаслигидан эди. Келажакда шаҳид бўлишига сабаб бўладиган талай воқеаларнинг остида ҳам узининг қотилларига уйдан жой бериб уларни сийлагани сабаб бўлажақдир.

Шу онда Пайгамбарнинг амри адо этилиши лозимми ёки ҳаққида биззот Пайгамбар (а.с.) қатъий улим фармонини берган эмиқдош биродари ҳимоя этилиши керакми? Аслида, у Расулуллоҳ афандимиздан ҳам марҳаматлироқ кўринмоқчимми ёки қатъийлик кўрсатилиши лозим келган ўринда бушанглик қиялтимми?...

Ибн Абу Сарх сут қардошининг табиатини жуда яхши билар, бундай бир жасорат ва қатъийлик унда йўқлиги беш қўлдай маълум эди. Шу сабабдан унинг ёнига келаркан: «Янглишиб менинг бошимга бир кулфат келтирмасайди», деган андиша ҳаёлига ҳам яқинлашмаган эди.

Энди ўзини амниятда ҳис этарди. Чунки Макка остин-устун қилиб юборилса ҳам, Пайгамбар куёвининг чодирини текшириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмасди.

Ҳазрати Усмон эса муносиб бир фурсат тугилишини кута бошлади.

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) чодирларида чўмилар эдилар. Қизлари Ҳазрати Фотима бир рўмолни парда қилиб турди. Шу аснода кекса ёшдаги бир хотин келиб, ичкарига изн сўради.

— Ким у? — дейилди ичкаридан.

— Умму Хонийман, — деб жавоб қилди хотин.

Расулуллоҳ афандимиз (с.а.в.) севиниб кетдилар.

— Марҳабо, эй Умму Хоний, хуш келибсан, бизни хурсанд қилиб юбординг! — дея овоз бердилар.

Гуссларини тутатиб, кийимларини кийдилар, икки ракатдан саккиз ракат намоз ўқидилар. Намозни тутатиб, меҳмонларига юзландилар. Умму Хоний қадрли амакилари Абу Толибнинг қизи, Ҳазрати Алининг опаси эди.

— Марҳабо, эй Умму Хоний, қандай хизматлар билан келдинг, — деб илтифот кургаздилар.

— Ё Набийаллоҳ, Бани Махзум қабиласидан икки киши менга юкиниб борди, мен ҳам уларни ҳимоямга олдим. Аммо укам Али келиб ҳимоямни тан олмаяпти ва уларни ўлдирмоқчи бўляпти, — деди Умму Хоний.

Расули Акрам афандимиз (с.а.в.) уни мамнун этадиган ва аёлларга қандай аҳамият беришларини англатадиган ушбу муборак сўзларни айтдилар:

— Сен амният берганларга биз ҳам амният бердик, эй Умму Хоний! — дедилар.

— Ташаккур қиламан, эй Оллоҳнинг пайгамбари...

Фатҳ хутбаси

Фатҳ тамом бўлгач, шаҳарда том бир сукунат қўлга киририлган эди. Расули Муҳтарам афандимиз (с.а.в.) Каъбанинг эшигига чиқдилар, қўлларини эшикнинг икки чеккасига тирадилар, қаршиларида тўпланган ва нималар бўлишини қўрқув, мароқ ҳамда ҳаяжон-ла кутиб турган халққа шундай хитоб қилдилар:

— Оллоҳга ҳамдлар бўлсинки, ваъдасини бажо келтирди, қўлига ёрдам қилди, душман гуруҳларини ёлғиз ўзи тор-мор этди... Эй инсонлар! Оллоҳ Маккани еру кўкни яратган куни ҳаром қилган, қиёмат кунига қадар ҳаром бўлиб қолажак. Оллоҳга ва охират кунига иймони бор бирон кимсага бу ерда қон тўкиш ҳалол бўлмайди. Бу шаҳарнинг ҳайвони овланмайди, дарахти кесилмайди, майсаси юлинмайди, ерда ётган бирон нарса олинмайди, олинса ҳам фақат эгасини топиб қўлига етказиш учунгина олиш ҳалол бўлади.

Шу ўринда Ҳазрати Аббос Набий афандимизнинг (с.а.в.) сўзларини кесди:

— Изхир ўти мустасно бўлсин, эй Оллоҳнинг расули! Чунки ўликни кўмиш ишларида ва уй қурилишларида ундан фойдаланамиз, — деди.

Расулуллоҳ бир муддат тин олиб, сўнг сўзларини давом этдилар:

— Изхир ўти бундан мустасно... Уни ўриш ҳалолдир. Бу шаҳарнинг ҳурмати мендан аввал ҳеч кимса учун бекор қилинмаган, мендан кейин ҳам ҳеч кимса учун бекор қилинмайди.

Агар бир одам чиқиб: «Оллоҳнинг пайгамбари у ерда урушган-ку, бунга нима дейсан?» деса, айтингларки, менга ҳам фақат бир куннинг белгиланган бир соатидагина изн берилгандир. Бу ҳам Макка аҳлига бўлган газаби сабабдир. Диққат қилин-лар: ҳаром ҳукми яна кечаги кун каби эски ҳолига қайтди.

Набийий Акрам афандимиз бир тарафда тупланиб турган Бани Ҳузоа аҳлига юзландилар:

— Эй Ҳузоа аҳли, энди урушдан қўл тортинг. Агар фойда-си бўлганида... роса уруш қилинди. Бу орада бир одамни ўл-диргансизларки, мен унинг хунини тўлайман. Шу ондан эъти-боран ким ўлдирилса, қурбоннинг ақрабоси истаса, қотилга жазосини беради, истаса, хунини олади.

Шундан кейин Расули Акрам муборак юзларини Макка халқига ўттирдилар:

— Эй Қурайш жамоати, сизга қиладиган муомалам қандай бўлади деб ўйлайсизлар?

Атрофдан овозлар юксалди:

— Яхшилик-ла муомала қиласиз!..

— Хайрли ишлар қиласиз.

— Сиз шарафли биродаримизсиз, шарафли бир биродари-мизнинг ўтлисиз...

Ун уч йил Маккада, саккиз йилдан бери Мадинада қон қусдиришга уринган, яшаш ҳуқуқига тажовуз этган, энг чир-кин бузгунчиликка гирифтор қилган инсонлари энди шарафли қардош ҳисобланаётган, шарафли қардошнинг ўгли ўлароқ қа-бул қилинаётган эди. Ундан хайр ва яхшилик кутишаётганини ҳеч хижолат чекмасдан айтишарди. Қазо умрасини адо этиш учун келганларида бир кун ҳам Маккада ортиқча туришларига изн бермаганлари Буюк Пайгамбардан энди ўзлари марҳамат кутишаётган эди.

Овозларида мағлубиятнинг алами ҳис этиларди. Тик туриш-га одатланган бошлар эгик, фурсат топа олсалар, такрор бош кўтаришдан асло чекинмаяжаклари, бор кучлари билан қарши қўяжаклари Буюк Пайгамбардан энди марҳамат-шафқат кути-шарди.

Бутун оламларга, хоссатан инсониятга раҳмат бўлган Жа-нобимиз уларга шундай дедилар:

— Мен билан сизларнинг ҳолингиз пайгамбар Юсуф (а.с.) билан акаларининг ҳоли каbidир. Мен ҳам сизларга Юсуф-нинг акаларига айтганларини айтаман: бутун сизларга ҳеч қан-дай қадар ва озор йўқдир. Оллоҳ сизларни кечирсин. У зот марҳаматлиларнинг энг марҳаматлисидир. Боринглар, ҳаммала-ринг озоdsизлар, — дея илтифот қилдилар.

Шундай қилиб, умумий афв эълон этилди, интиқом йўли тутилмади. Кўплар у ердан буюк бир мамнуният-ла кетди.

Мурувват шунчалик бўлади. Шафқат туйғуси бундай та-жаллий этади. Жонларига қўлдан келганча ҳар турли суиқасд-лар уюштириб чарчамаган инсонларга бу даража икром курса-тилди.

Ўша кеча уйларда битта-битталаб бутлар синдирилиши лозимлиги тушунтирилди.

— Хўп, аммо тангрилар газабга келмадимиз?

— Ҳеч қайсиси... Ҳа, ҳеч қайсиси ҳеч нарса қилмади. Ҳатто «буюк Ҳубал» ҳам парчаланаркан, ҳеч нарса рўй бермади. Ҳолбуки, мен уни еру осмонни бир-бирига уради, ўзини ерга думалатганларнинг бошига фалокатлар ёғдиради, деб кутган эдим. Қаяқда...

Биринчи ҳодиса

Расулуллоҳ афандимиз ёнларида бир неча саҳобалари билан келмоқдалар. Иттифоқо улар келаётган томонга орқа буриб ўтирган бир кишининг сиртига муборак қўлларини теккиздилар. Ўтирган одам бошини кўтарди — Абу Суфён эди у. Жаноби Пайгамбаримиз унинг юзига қарадилар ва:

— Ундай бўлса Оллоҳ сени саргардон қилгуси. Расвойи олам бўласан! — дедилар.

Саҳобалар бу гапнинг маъносига тушунолмадилар. Чунки пайгамбаримизнинг бундай дейишларига сабаб бўладиган ҳеч нарса йўқ. Бироқ Расулуллоҳ афандимиз ўз-ўзидан, бекорга гапирмайдилар ҳам.

Бу орада Абу Суфён галати аҳволга тушиб қолди. Жиноят устида қўлга тушганга ўшар эди у. Ҳайратдан ютиниб-ютинмаганлиги аниқ эмасди. Пешонасида пайдо бўлган терларни артгандан сўнг, тилга кирди:

— Шу пайтгача сизнинг пайгамбар эканлигингизга ишонган эмасдим. Оллоҳга тавба қиламан, гумонларим учун кечиршини сўрайман.

Сияр китобларида Абу Суфённинг шу воқеадан бир неча йил кейин айтган қуйидаги хотиралари ўрин олган:

— Ўтирган ҳолда бир нарсани хаёлимдан ўтказардим: шу одамга қарши бир қўшин тўпласам-да, сўнгги бор омадимни синаб юриш бошласам... Иттифоқо, тўсатдан елкамга бир қўл текканлигини сездим. Қайрилиб қараганимда рўпарамда ул Зотни кўрдим...

Ўша кеча Абу Суфён уйда хотини Ҳинд билан гаплашар экан, шу кунгача ич-этини тимдалаётган бир саволни беихтиёр сўради:

— Сенингча, буларнинг барчаси Оллоҳнинг ишими?

Ҳинд гапни қисқа қилди:

— Ҳа, булар Оллоҳдандир.

Ичларида Исломга, хусусан Расули Кибриё афандимизга қарши битмас-туганмас кин ва адоват сақлаётганларнинг энг олдинги сафидан жой олган бу эр-хотин шу тариқа қуролаарини ташладилар, аччиқ бўлса ҳамки, истамаган ҳолда мағлубиятларини тан олишга мажбур бўлдилар. Уҳуд тоғининг этакларида Оллоҳнинг расулига қарши «Юксал, эй Ҳубал!.. Юксал, эй Ҳубал!..» дея аёвсиз жанг олиб борган Абу Суфён ҳам, қўлида

Ҳазрати Ҳамзанинг жигарларини олиб чайнаб-чайнаб телбаларча қувонган Ҳинд ҳам бундан буён овозларини кутармайдилар, бўйинларини эгадилар.

Тонг отгач, Абу Суфён Расулуллоҳ жанобимизнинг ҳузурларига борди. Фахрул Анбиё вал Мурсалийн афандимиз унга шу кеча Ҳинд билан бўлиб ўтган гапларни такрорладилар. Буларни эшитган Абу Суфён яна бир бор ҳайратга тушди:

— Номи айтилиб қасам ичилаётган борлиқ номига қасам ичаманки, бу сўзлар гапирилаётганда ёнимизда бошқа ҳеч кимса йўқ эди, — деди.

Марруз Заҳронда Ҳазрати Умарнинг қиличидан қурқиб ҳаҳодат калималарини қайтарган Абу Суфён кетма-кет содир бўлган бу икки ҳодисадан сўнг сал бўлса-да ўзига келди.

* * *

Билол азон чақирмоқда. Бу орада бир четда ўтириб суҳбат қураётган уч киши ўз туйгуларини куйидагича тилга олдилар. Аттоб, ҳануз тушроғи қуримаган отаси Асидни ёдга олди:

— Отамга Оллоҳнинг раҳмати етган экан. Ўлди-ю, қутулди. Йўқса, таъбини хиралаштирадиган воқеаларни эшитар, тириклайин қабрга киргандай бўларди, — деди.

Гапга Ҳорис ибн Ҳишом қўшилди:

— Қасамки, бу диннинг ҳақ дин эканлигини билсам, албатта унга эргашган бўлардим.

Абу Суфённинг оғзи сўздан куйган эди. Бундан кейин сувни ичишда ҳам пуфлаш лозимлигини бир-икки ҳаётий тажриба орқали тушуниб етди.

— Мен ҳеч нарса демайман. Мабодо гапирсам, шу шағал тошларнинг унга хабар беришидан хавотир оламан, — демоқдан нарига ўтмади.

Бир вақтлик намоз вақти ўтар-ўтмас, Расулуллоҳ афандимизнинг йўллари шу ёққа тушди, бу уч суҳбатдошнинг ёнларига келиб:

— Эй Аттоб, сен шуларни сўзладинг. Эй Ҳорис, сен мана бу, мана бу гапларни айтдинг ва эй Абу Суфён, сен эса мана бундай деб гапирдинг, — дедилар.

Диққат билан ва инсоф билан эшитдилар. «Йўқ, бундай демадик», дейишга имкон қолмади.

— Мен гувоҳлик бераманки, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Яна гувоҳлик бераманки, сиз Оллоҳ томонидан юборилган пайгамбарсиз!..

Бу муборак сўзларни ҳам Аттоб, ҳам Ҳорис такрорладилар. Ҳеч кимнинг зугумисиз, заррача қўрқув ва иккиланишсиз... Энди энг самимий мўминлар орасидан жой олажақлар, утмишда йўқотганларини келажақда қўлга киритажақлар улар.

* * *

Набийий Муҳтарам жанобимиз Каъбани тавоф қилмоқда эдилар. Иттифоқо, бир одамнинг рўпарасига ўтиб:

— Фазоламисан? — дея сўрадилар.

— Ҳа, шундай, эй Оллоҳнинг расули.

— Нималарни уйлаяпсан?

— Оллоҳни зикр этаётган эдим...

Расулуллоҳ афандимиз кулдилар. Қўлларини у одамнинг кўкрагига қўйиб:

— Оллоҳдан мағфират тила, гуноҳларингни кечиришини сура, — дедилар.

Бир муддат бу муборак қўл Фазоланинг кўкраги устида қолди. Саййидул Анбиё жанобларининг нигоҳлари ҳам Фазолага қаратилган эди. Бир оздан кейин у ердан кетдилар. Фазола Пайгамбаримизнинг орқаларидан миннатдорчилик туйғуси тўла кўзлар ила қараб қолди.

— Нималар бўляпти, эй Фазола?..

Фазола савол берган ўртоғига қаради:

— Қулай бир фурсат топиб уни ўлдирар олармиканман, деган эдим ҳамки, рупарамга чиқиб олдилар. Шундан кейин бўлиб ўтганларга ўзинг ҳам гувоҳ бўлдинг. Қўлларини кўкрагимга қўйганларида ичимда содир бўлганларни тушунолмадим. Қалбимда не борки, ҳаммаси ташқарига отилган, ўрни севги, ҳурмат билан тўлдирилгандек эди гуё. Биласанми, ҳозир Оллоҳ яратган махлуқлар ичида ундан-да суюқлиси ҳеч йўқ мен учун...

. . .

Умайр ибн Ваҳб Набийлар Сарвари пайгамбаримизни топди:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари! Сафвон ибн Умаййа ўлимдан қўрқиб қочди. Биласизки, у бу қавмнинг улуғидир. Ўзини дарёга ташлаб ўлдириши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Уни ўз ҳимоянгизга олишингизни истардим, — деди.

— У бизнинг ҳимоямиздадир, — жавобини олди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, буни маълум қилувчи ва сизга оид бирор нарсани бера оласизми?

Жаноби пайгамбаримиз Маккага бораётганларида бошларига ўраган саллани ечдилар ва узатдилар:

— Раҳмат сизга, эй Оллоҳнинг пайгамбари...

Ва Умайр Сафвонни топиш учун Расулуллоҳ афандимизнинг ҳузурларидан чиқди.

. . .

Байъати маросими

Жаноби пайгамбаримиз (с. а. в.) томонларидан умумий афв эълон қилинган, халқнинг юрагини тўлдириб турган қўрқув бартараф бўлди, кўнгиллар Исломга мойил бўла бошлади. Шу сабабли Расули Акрам ҳузурларига мусулмон бўлганликларини билдириш мақсадида кетма-кет келар эдилар. Расулуллоҳ афандимиз бир ерга ўтирдилар ва келганларнинг байъатини қабул қилдилар.

Мусулмон бўлиш учун келган киши Расули Муҳтарамнинг қўлларидан тутар, шаҳодат калимасини айтар эди. Пайгамбаримизнинг атрофларида талайгина одам тўпланган: муҳожирлар, ансор, энди мусулмон бўлиш учун келганлар... Келиб-кетувчилар кўп эди.

Бу орада Абдуллоҳ ибн Абу Сархни ўлдиришга қасд қилган мадиналик бир мўминнинг кўзлари бирдан порлади. Тушимингими?! Йўқ, янглишмади. Қидирган одами, Усмон ибн Аффоннинг қўлидан тутган, халойиқ орасини ёриб Расулуллоҳ афандимиз турган жойга томон илгариламоқда эди. Беихтир қўли қиличига борди. Ҳаяжонли қадамлар ила «ов»ини таъқиб қила бошлади. Лекин халойиқ уни ўз хоҳишича юришига имкон бермади. Мақсадига етишига уч-беш одим қолган ҳам эдики, улар Расулуллоҳнинг оқдиларига бориб қолдилар.

— Ё Набийаллоҳ, Ибн Абу Сарх байъат этмоқчи, лутфан қабул қилингиз!

Усмон ибн Аффон бу сўзларни сўзларкан, ансорий зот ҳам етиб келган, қўлида қиличини ушлаган ҳолда уларнинг орқаларидан жой олган эди. Набийи Акрам ҳазратларидан келадиган бир ишоратни кутмоқда эди. Ўзича қарор бериб ўлдиришни одобдан деб билмади.

Расулуллоҳ Усмон ибн Аффоннинг бу сўзларидан сунг бошларини кутардилар, Ибн Абу Сархга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқдилар. Кейин хушламаганликларини билдирадиган тарзда бошларини бошқа ёққа ўгирдилар. Бир огиз сўз айтмадилар.

— Ё Набийаллоҳ, Ибн Абу Сархнинг байъатини қабул қилингиз!..

Расули Муҳтарам яна бир бор қарадилар ва яна юзларини бошқа томонга бурдилар.

Ҳазрати Усмон илтимос қилишда давом этди, Пайгамбар афандимиз ҳатто бир огиз сўз билан ҳам жавоб бермадилар. Бу кераксиз ва ўринсиз илтимосдан Пайгамбаримизнинг хафа бўлганликлари шундоқ аён эди. Ахир, Фахри Коинот ўзларича ва бекордан-бекорга «Каъбанинг ёпинчигига ўранган ҳолда кўрсангиз ҳам, ўлдилинг», демаган эдилар-ку...

Байъат маросими тўхтади. Ҳамма, энди нима буларкин, дея ҳаяжон билан кутишга бошлади. Пайгамбаримиз қай томонга бурилсалар, Усмон ҳам ўша томонга ўтиб олар, илтимосини такрорлар эди. Ниҳоят, пайгамбаримиз ноилоҳ, майли, дедилар.

Икки эмиқдош ака-ука у ердан айрилди. Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимиз ёнларида кутиб турганларга қарадилар, ситамли бир овозда:

— Ичингизда бир қобил одам йўқмидики, унинг байъат етишига рози бўлмаганимни кўриши билан ўлдирсайди? — дедилар.

Кейин ансорга юзланиб, шундай марҳамат қилдилар:

— Назрини адо этади, дея кутдим.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари. Ҳеч бўлмаса кўзингиз билан биргина ишорат қилсангиз бўлмасмиди, шунинг ўзи кифоя эди бизга.

Расулуллоҳ жаноблари шу мардона жавобни лутф этдилар:

— Биз пайгамбарларга хиёнаткорона назар ярашмайди.

Демакки, Ибн Абу Сархнинг ажали етмаган, ҳаёт дафтари епилмаган экан. Бунинг бошқача изоҳи йўқ...

Сал утиб, байъат маросими давом этди.

Эркакларнинг байъати тутагандан сўнг, навбат аёлларга келди. Аёллар гуруҳлар ҳолида Сафо тепалигига келишар, Ҳазрати Пайгамбаримизнинг ҳузурларида шаҳодат калималарини айтиб мусулмон бўлишар эди.

Эркаклар шаҳодат калималарини Пайгамбаримизнинг қўларини ушлаб қайтаришган эди, аёлларнинг байъати фақат оғзаки равишда бўлди ва Расули Акрам жанобимиз уларга: «Сиздан бир аёлга айтган сўзим юз аёлга айтган сўзим кабилдир», дея марҳамат этдилар. Ҳазрати Умар Расулуллоҳ афандимиз номларидан улардан байъат олди.

Келган аёллар гуруҳидан бири билан шу тарзда суҳбат бўлиб утди:

— Оллоҳга ҳеч нарсани шерик келтирмаслик учун менга сўз беринг!..

Юзи бекитилган бир аёл эътироз билдирди:

— Валлоҳи, сиз эркаклардан талаб қилмаган нарсани биздан талаб қилмоқдасиз!..

Расулуллоҳ афандимиз жавоб бермадилар. Бошқа аёллар дарҳол сўз бердилар.

— Угрилик қилмаймиз, дея сўз беринг.

— Қилмаймиз, эй Оллоҳнинг пайгамбари!..

Яна ўша аёлнинг овози эшитилди:

— Валлоҳи, мен қачондан буён Абу Суфённинг молидан ўтирлаб келяпман. Билмадим, бу ҳароммикан ёки ҳалолми?

— Шу пайтгача олганларинг ҳалол бўлсин...

Анча наридан эшитилган бу овоз Абу Суфённинг овози эди. Расули Муҳтарам юзлари бекитилган аёлга томон бурилдилар:

— Сен Утба ибн Робианинг қизи Ҳинд эмасмисан?

Ҳинд ортиқ ўзини яширишдан бир фойда йўқлигини англади.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, ҳа, бу мен — Ҳиндман. Сиз мени кечиринг, Оллоҳ эса сизни кечирсин.

Расулуллоҳ жанобимиз бундан илгари шаҳодат калималарини айтган Ҳиндга бир жазо чораси кўрадиган инсон эмасдилар. Ҳазрати Умарга дедилар:

— Зино қилмасликка сўз берсинлар!..

Бошқа аёллар рози бўлиб сўз берар экан, Ҳинд яна тилини тийламади:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, шарафли бир хотин ҳам зино қиладими?

— Болаларни ҳам ўлдирмайдилар!..

— Биз уларни кичиклигидан устирайлик-да, катта бўлгач ўлдирайликми? Бадр куни сиз бирор бола қолдирдингизмики, қолганини биз ўлдирсак?..

Бу гаплар яна ўша аёлдан чиқди. Аёлнинг бу сўзлари Умар-дек одамнинг қаҳқаҳа отиб кулишига сабаб бўлди. Ҳазрати Пайгамбар кулимсираб қўйдилар, холос.

Кейин Расули муҳтарам жанобимиз уларни узаро бўхтон уюштирамасликка, хайрли ишларга муқобил исён кўтармасликка чақирдилар. Ҳинд чидаёлмади:

— Валлоҳи, биз бу ерга сизга исён қилайлик, деб келмадик, — деди.

Бу даражада тили узун, Ҳазрати Пайгамбарининг ҳузурларига ўлим қўрқуси билан келган бўлишига қарамай ўзини тиёлмаган Ҳинд, ким билади дейсиз, ҳаёти давомида Абу Суфённинг бошига не-не қургуликларни солдйкин? Мусулмонларга қарши юргизилган инсофсиз сиёсатнинг авж олишида унинг ҳам «ҳисса»си борлигига шубҳа йўқ.

Кейинчалик Расулуллоҳ афандимиз қўйидаги мазмундаги оятни ўқидилар: «Улардан сўз ва байъат ол, улар учун магфират сўра. Шубҳасизки, Оллоҳ ўта кечиргувчи ва марҳаматлидир».

Шартлашиш ниҳоясига етиши билан бир аёл ўрнидан турди ва:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, мен Икрима ибн Абу Жаҳлнинг хотини Умму Ҳакимман. Икрима ўлдирилишидан қўрқиб Яманга қочди. Уни кечиришингизни сўрайман, — деди.

Расулуллоҳ ҳазратлари тарадудланмай:

— Унга омонлик берилади, — дея марҳамат қилдилар.

Аёллар кетдилар. Умму Ҳаким ёнига румлик қулини олди ва дарҳол йўлга чиқди. Денгиз соҳилига етиб келганида эри бир кемадан тушаётган эди. Олдинига бу кема билан денгизга чиққан, бироқ кейин пушаймон бўлиб қайтадан соҳилга олиб келишларини илтимос қилган эди. Рупарасида хотинини кўриб, ҳайрон қолди:

— Нима гап эй, Умму Ҳаким?.. Сен бу ерларда нима қиляпсан?

— Сизни олиб кетишга келдим...

— Нима учун?

— Чунки Оллоҳнинг расули билан кўришдим, сиз учун афв чиқартирдим.

— Яхши, бу қулнинг нега қул-оёғи боғланган?

Умму Ҳаким қулга нафрат тўла кўзлари билан қараб:

— Йўлда менга шилқимлик қилди. Кейинроқ кўнглини кўтаришлигимни айтиб овутдим. Ниҳоят илк учратганим карвонга вазиятни тушунтириб чирмаб боғлатдим, — деди.

Қулнинг пешонасида ажал терлари пайдо бўла бошлади. Ва бу табиий эди. Чунки Икриманинг қули қиличининг сопига узанди. Қинидан сугуриб олиши билан бир зарбада бадбахт

қўлнинг қалласини учириб юбориши орасида кўп вақт ўтмади. У қонларга беланганча қумда чўзилиб ётар экан, эр-хотин йўлларида давом этдилар.

...

Умайр ибн Ваҳб Расулуллоҳ афандимизнинг саллаларини олгач, вақт утказмай йўлга тушди. Жидда соҳиларига келганида Сафвонни эндигина ҳаракатланаётган кемага минмоқчи бўлиб турганида учратди.

— Эй Сафвон, тўхтасанг-чи, — деди. Унга вазиятни очиқ-ойдин тушунтирди. — Мана, Оллоҳнинг расулидан сен учун берилган бу хавфсизлик нишонасини ҳам ўзим билан олиб келдим.

Сафвон йўлидан қайтди. Бироқ у ичидаги андишани ҳануз айтолмаган эди. Жаноби Расулуллоҳнинг ёнларига келганларида, жамоат билан аср намози ўқилмоқда эди. Сафвон, Ислонинг устун бўлмиш бу ибодатни уловининг устида туриб томоша қилди. Намоз тутагач, Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимизга қараб:

— Умайр сизнинг менга омонлик берганлигингизни айтмоқда, — деди. Гапирар экан қўллари билан Умайрни кўрсатаётган эди.

— Тўғри айтибди.

Сафвон чуқур бир нафас олди. Яқиндан танимагани ва азалий душмани деб билгани бу одам балки мени ҳийла ишла-тиб ўлдирмоқчидир, деган фикр ҳам хаёлидан ўтган бўлса ажаб эмас. Ваҳоланки, оламларга раҳмат улароқ юборилган Пайгамбар ҳам унга, ҳам бутун инсониятга мардлик, тўғрилик, инсонийликнинг нима эканлигини фақатгина сўзда эмас, амалда ўргатмоқ, энг гўзал ахлоқ намуналарини, энг юксак инсоний фазилатларни ўз ҳаётларида кўрсатмоқ орзуида эдилар. Ҳайҳотки, Сафвон бошқа маккаликлар билан бирга бутун инсоният тарихи давомида бир марта қўлга келган ва қайта бор келмайдиган мисли йўқ давлатни рад этган, Оллоҳнинг инсониятга ато этган буюк неъматини энг катта душман деб би-лишдек бадбахтликка берган эди.

— Майли, сизнинг динингизга кириш борасида менга икки ой муҳлат берасизми?

— Сенга тўрт ой муҳлат бераман...

Сафвон истаганидан зиёда яхшиликка эришганига хурсанд бўлиб, уловини миниб уйига томон йўл олди.

...

Абу Жаҳднинг угли Икрима ашаддий бир кофир бўлиб ўсди. Отаси Абу Жаҳддан қолишмайдиган даражада Ислон душмани эди. Бироқ шаҳодат калималарини қайтаргандан сўнг қайта бор куфр ҳаётига асло қайтмаслик учун тавба этди ва ширкнинг аёвсиз душманига айланди.

Ишни ўз уйидан бошлади. Уйда авайлаб-асраб сақланаётган ва отасидан азиз ёдгорлик деб билган бутини олди ва ерга урди. Бу кунгача ўзига нима учун топинганлигини ва нима учун ҳурмат-эҳтиромга лойиқ кўрилганлигини билолмаган бечора бут еган зарбадан парча-парча бўлиб кетди.

Шундан сўнг Икрима қўшниларининг уйларига кирди. Бу уйлардаги бутларни ҳам синдириб ташлади.

Бундан буён Икрима Оллоҳ йулида чиқилаётган ҳамма сафарларга қўшилади ва ҳаётининг қолган тўрт йилини ҳавас қилса арзугулик фазилатлар ила безайди. Тўрт йил кейин олиб борилган ва мусулмонларнинг энг катта галабаси бўлган Ямрук жангида у ҳам моли ва жони билан иштирок этади. Буюк саркарда Халид ибн Валиднинг тенги йўқ бошқарув маҳорати билан Ислом байроғи кўкларга кўтарилар экан, ерда ётган ва сўнгги нафасини олаётган гозийлардан бири:

— Сув ичасанми? — деган овозни эшитади ва кўзлари билан «ҳа» дея ишорат этади.

Бироқ эндигина ичаётганида қулоқларига эшитилган бир инграган овоз унинг лабларини юмдиради ва кўзлари билан «Унга олиб бор!.. Ичолмайман» дейди. Иккинчи ярадор аскар ҳам сувни ичмай бошқа бир ярадор шеригига юборади, фақат, учинчи ярадор гозий сувни ичолмай азиз руҳини Роббига топширади. Сув улашаётган Ҳузайфатул Абавий эса бу уч ярадорга ҳам бир томчи сув бера олмай, ҳар бирлари шаҳодат шарбатини ичганлигини кўзларида ёш билан кўради.

Пайгамбарлар Имоми жанобимизнинг: «Сизлардан ҳеч кимса ўз нафси учун истаган нарсасини мўмин биродари учун ҳам раво кўрмагунича ҳақиқий мўмин бўлолмайди», сўзларига ҳаётининг сўнгги дамигача ва ҳатто энг қийин оннда ҳам содиқ қолган бу уч саодат соҳили йўловчиларидан бири Икрима эди...

Абу Жаҳлнинг ўгли сифатида бошланган ва куфр дарёсида йиллар бўйи сузилган ҳаёт, юз йиллардан кейин мусулмонлар ҳурмат ва кўз ёшлар билан эсга оладиган софлик ва шаҳодат рутбаси ила ниҳоясига етди... Икрима, қўлга киритилган энг катта галабага қони билан имзо қўйган буюклар сафидаги шарафли ва муносиб ўрнини ана шу тариқа эгаллади...

Уҳуд куни Халид ибн Валид билан бирга мусулмон уқчиларини саросимага солган, бугун эса яна Халид ибн Валид билан душман қўшинини янчиб ўтар эди. Жирканч саҳифалар билан бошланган ҳаёт дафтари нурли бир китоб бўлиб ёпилди, отаси асфаласофилийнга — энг катта азобга дуч булар экан, у жаннати олияда иззат ва икром кўраётган саҳобаи киромлар орасидан жой олажак.

Оллоҳ ундан ва у билан бирга Ямрук тупроқларини қонлари билан сугорган гозий биродарларидан, тенгсиз маҳорати билан Исломнинг бу галабасига сабаб бўлган Халид ибн Валиддан рози бўлсин.

Маҳзум қабиласидан бир аёл ўғрилиқ билан қўлга тушди. Расулуллоҳ (с. а. в.) «Ўғрилиқ қилган эркакнинг ҳам, ўғрилиқ қилган аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлсин учун ва Оллоҳдан келган бир ибрат дарси бўлсин учун қўлларини кесинглар»¹ амрига биноан ўғрининг қўлини кесишни буюрдилар.

Халқ безовта бўлди. Маҳзум қабиласи Қурайш ичида баланд мавқега эга эди. Аёл ҳам анча обрўли оиладан. Пайгамбаримиз яхши кўрадиган бир кишини топиб, жазони бекор қилдириш йўлларини қидириша бошладилар.

Расулуллоҳ афандимиз ўз фарзандларидек яхши кўрган бир йигитчани топдилар:

— Бу аёлни қўли кесилса, Қурайш учун ўта огир зарба бўлади. Расулуллоҳ билан гаплашиб кўр ва аёлни гуноҳидан утишларини сўра, — дедилар.

Йигитча Набиййи Акрамнинг ёнларига келди:

— Эй Оллоҳнинг расули, — дея гап бошлади ва жазонинг бекор қилинишини илтимос қилди.

Бироқ Расулуллоҳ жанобларининг муборак юзларида норозилиklarини ифодаловчи аломатлар кўринди. Пешоналарининг ўртасидаги бир томирлари қабарди. Жаҳллари чиққанда ана шундай бўларди.

— Эй Усома, Оллоҳ жорий қилган жазолардан бирига шафоатчи бўлмоқдамисан? — дедилар.

Бу сўзлар оддийгина оҳангда айтилмади. Усоманинг қулоқлари бу овоздан жаранглаб кетаёзди. Аниқ биладикки, Ҳазрати Пайгамбаримиз Оллоҳнинг амрини тадбиқ қилиш борасида ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтирмайдилар.

Расули Муҳтарам Усомага керакли дарсни берганларидан сўнг ўринларидан турдилар. Бу ёғи нима бўларкин, дея қизиқиш ва хавотир ичида кутаётган халойиққа қараб шундай марҳамат қилдилар:

— Сиздан аввалги қавмларни ҳалок қилган одат, обрўли бир кимса ўғрилиқ қилганида индамай, бир бечора ўғрилиққа қўл урганда уни жазолашларидир. Қасамки, шу ўғрилиқ қизим Фотима томонидан содир этилганида, унинг ҳам мутлақо қўлини кестирган бўлардим.

Расулуллоҳ афандимизнинг бу кескин сўзларига қарши ҳеч ким лом-мим дея олмасди. Гуноҳқорга керакли жазони бермаслик — инсоният бахт-саодатига бўлаётган тажовузни кўрмасликка олиш демак эди. Буни эса, Расулуллоҳ афандимиздан кутиш мумкин эмас.

Жаноби Пайгамбаримизнинг бу қисқа ва қатъий гапларидан сўнг жазо амалга оширилди. Адолат олдида ҳамманинг баробар эканлиги, жазо беришда шахснинг халқ ўртасидаги мавқеи эмас, адолат асосий мезон бўлишлиги исботланди.

¹ Моида сураси, 38.

Ислом тарихида «Фотимаи маҳзумийа» деб танилган бу аёл кейинчалик покиза ва тўғри ҳаёт утказди ва ора-сира Пайгамбар завжаларининг ёнига бориб, уларнинг билим ва тажрибаларидан истифода этди.

Жазоланган бир инсоннинг жамиятдан четлатмасликнинг ҳам энг гузал намунаси — энг юксак ахлоқий фазилат намунаси яна Пайгамбар оиласи томонидан намоен бўлди.

* * *

Расулуллоҳ (с. а. в.) Усмон ибн Талҳага Каъба калитини келтиришни буюрдилар. Узоқ йиллардан бери калит доимо шу оилада сақланмоқда эди. Энди бўлса Макка забт этилди, ҳаёт батамом ўзгарди, идора навбати Расули Акрамга (с. а. в.) келди. Буюрганлари дарҳол бажарилиши, истаганлари албатта рўёбга чиқиши лозим... Қизиқ, энди Каъбанинг калити ҳам қўлдан кетармикин?..

Усмон ана шу ҳаёллар билан онаси Сулофанинг ёнига келди. Бир пайтлар Осим ибн Собитни ўддирганга ёхуд тириклайин келтирганга юз туя мукофот беражagini эълон қилган ва мусулмонларнинг бошига Ражий суви буйидаги фалокатни олиб келишга муваффақ бўлган бу хотин калитлар қўлдан кетса, қайтиб келмайди, деб ўйлар, беришни хоҳламасди...

Усмоннинг ҳаракатлари натижа бермади. Пайгамбаримиз кутишдан безиб Ҳазрати Умар ва Алини юбордилар. Аёл ички кийимларининг ичида сақлаётган калитни курсатар, «Олмоқчи бўлган келсин, олсин мендан, ҳар ҳолда бу ерга қўлини суқиб олмас», дея гапирарди.

Ниҳоят Усмон, калитни бермаса ўддирилишини айтиб олди, Расулуллоҳ ҳазратларига олиб келди, «Буни Оллоҳнинг омонати сифатида сизга бермоқдаман, эй Оллоҳнинг пайгамбари», дея топширди.

Каъба очилди, Расулуллоҳ (с. а. в.) Каъбага кирдилар. Ёнларида Билал, Усома ва Усмон ибн Талҳа бор эди. Ичкарига бошқа ҳеч ким олинмади ва эшик беркитилди. Ташқарида, эшик олдида Халид ибн Валид навбатчилик қиларди.

Расули Муҳтарам билан бирга Каъбага кирмоқ. орзуида бўлган жуда кўп мўминлар уларнинг чиқишини сабрсизлик билан кутишди. Бу кутиш узоқ давом этди. Ниҳоят эшик очилди. Пайгамбарларнинг Буюги бошчилигида тўрт киши ташқарига чиқар экан, ичкарига кириш учун илдам қадамлар билан отилаётганларнинг энг бошида Ҳазрати Умарнинг ўгли Абдуллоҳ бор эди. Билолни ушлаб олди ва:

— Расулуллоҳ қаерда намоз ўқидилар? — дея сўради.

Билал қўли билан ишора қилиб «мана бу ерда» деди. Абдуллоҳ илгари юрди. Каъба ичидаги олти устундан учтасини ва эшикни ортда қолдирди, унг томонида икки, чапида бир устун бўлган жойда намозга турди.

«Расулуллоҳ жаноблари Каъба ичида нима қилдилар?»

Бу суроқнинг жавоби шундай: Оллоҳнинг расули Оллоҳнинг уйида нимани қилса, ўшани.

Намоз ўқиганлари аниқ. Чунки Билал намоз ўқиган жойларини кўрсатди. Эҳтимол, фатҳни насиб этгани учун сўнгсиз ҳамду сано ва шукроналарини тақдим айлаган. Вақтни бекорга эмас, дуо, ниёз ва истиғфор ила ўтказган.

Ибодатга ўта ихлосли саҳоба сифатида билинган Абдуллоҳ фақатгина Расули Акрамнинг қаерда намоз ўқиганларини сўради, бошқа нималар қилганликларини сўрашни ҳаёлига ҳам келтирмади. Билал, Усома ва Усмон эса, бу борада тушунтириш беришни ўйламадилар ҳам.

Ҳазрати Аббос фатҳнинг нашъаси сўнмай ва «темирни қизигида босайин» деб Пайгамбаримизга бир таклиф билан мурожаат этди:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, маълумингизким, ҳожиларга сув улашиш вазифаси менга топширилган. Ҳижобат вазифасини ҳам каминангизга берсалар (Каъба калити ҳам менда турса), жуда яхши бўларди.

«Калит қўлда экан, бу ишни шу ернинг ўзида ҳал қила қолайлик», демоқчи бўлди. Бу таклифдан Усмоннинг пешонасида совуқ терлар чиқа бошлади. Йиллар давомида ўз оиласида қолган бу шарафли вазифа қўлдан кетади, ахир. Бундай вазифага қайтиб келиш эса амри маҳол.

Набиййи Акрам (с. а. в.) бу таклифга: «Ол, эй Аббос, истанинг шу биргина калитми?» — десалар, бу гапга қарши чиқадиган мард йўқ-ку!

Аббос Расули Акрам жанобимизнинг ҳаётда қолган ягона амакилари. Инчунун, Усмоннинг юрагини тимдалаётган узоқ йиллик бир аччиқ хотира бор: бир куни Каъбага келган ва ичкарига кирмоқчи бўлган Буюк Пайгамбарни кўкрагидан итарган, ичкарига киритмаган эди. Набиййи Муҳтарам бу қўпол ҳаракатдан қаттиқ таъсирланиб:

— Эй Усмон!.. Бир куни мени Каъбанинг калитини кимга хоҳласам ўшанга берадиган мавқеда кўришингни умид қилман, — дея марҳамат этганлар.

Башорат қилинган пайт етиб келган эди. Бутун ҳеч қандай куч Буюк Пайгамбарга бу ишни мажбурлаб қилдиролмади...

Бироқ қўрқув узоққа чўзилмади. Расули Муҳтарам жанобимиз:

— Усмон қаерда? — дея сўрадилар.

— Бу ердан, эй Оллоҳнинг пайгамбари...

Жавоб бериш баробарида Саййидул Кавжайн ҳазратимизнинг ҳузурларига томон интилди. Набиййи Акмал афандимиз Нисо сурасининг элик саккизинчи оятини дона-дона қилиб ўқидилар: «Оллоҳ сизга омонатларни аҳдига топширишингизни, инсонлар орасида адолат билан ҳукм юргизишни буюради...»

Саййиди Коинот ушбу оятни ўқигандан сўнг калитни унга узатдилар:

— Эй Усмон, бутун яхшилик ва аҳдга вафо кунидир. Мана, ол калитингни!.. Оллоҳ Байтининг калитини омонат тариқаси-

да давомли сизларда қолиши учун бермоқда. Оллоҳнинг бу омонатини яхшилаб асранглар. Бу омонатни агар бирор зolim зулм билан тортиб олмаса, бошқа ҳеч кимса сиздан ололмайди, — дедилар.

Усмон бу мардларча муносабат қаршисида ниҳоят даражада ҳаяжонга тушди, энг самимий туйғулари ила ташаккур изҳор этди. Расули Акрам ҳазратлари эса унга:

— Эсладингми, эй Усмон, сенга бир вақтлар айтган гапимни?... — дея марҳамат қилдилар.

Усмон бошини эгди: «Ҳа, эсладим, эй Оллоҳнинг пайгамбари. Узр сўрайман», — деди.

. . .

Ҳазрати Али ва Холид ибн Валид каби нуфузли қумондонлар Макка атрофида ўрнатилган ва халқ орасида «ҳурмат қозонган» бутларни йўқотиш учун юборилдилар. Бутлар биринкетин парчаланди. Макка ва атрофида бут қолмади.

Фақат, ачинарли бир воқеа рўй берди. Холид ибн Валид Жузайма қабиласига келган эди. Халқ дарҳол қуролалиниб мусулмонларга қарши саф боғлади. Холид ибн Валид:

— Эй Жузайма халқи, ташланг қуролингизни. Чунки инсонлар мусулмон бўлди, уруш тутади, — деди.

Бу сўз ўз таъсирини кўрсатди. Қуроллар ташланди. Фақат, ораларидан бир киши:

— Эй жузаймаликлар, ҳайф бўлсин сизга!.. Бу келган Холид ибн Валиддир. Валлоҳи қуролини ташлашликнинг сўнги асирлик, асирликнинг сўнги эса бошларингизнинг кетиши демақдир. Мен қуролимни ташламайман, валлоҳи, ташламайман! — дея бақирди.

Унинг гаплари халқни ташвишга солди:

— Эй Жаҳдам, нималар деяпсан ўзи?... Қонимиз тукилишини хоҳлаяпсанми? Қара, одамлар мусулмон бўлган, жанг тутаган, хавфсизлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда экан.

Гап ўқишни истамаган Жаҳдам зўрга бақиршдан тўхтади, қуроли ташлатилди. Шу пайт Холиднинг буйруғи билан жузаймаликларнинг қуроллари тўплаб олинди, сўнгра қўллари яхшилаб боғланди. Жузаймаликлар пушаймон бўлишди. Бироқ энди не фойда? Жаҳдам боғланган ҳолида: «Мен сизларга айтмаганмидим?...» дея бақирди.

Шундан кейин Холид ҳар кимнинг ёнидаги асирини ўлдирिशга буюрди. Буйруқни бажарганлар бўлди. Ўтироз этганлар чиқди. Абдуллоҳ ибн Умар, Абу Ҳузайфанинг қули Салим ўтироз этганлар орасида эдилар.

Ҳазрати Абдураҳмон ибн Авф:

— Эй Холид, Исломига киргандан кейин жоҳилият даврининг одатини қайтармоқдамисан?

— Мен сенинг отангнинг интиқомини олапман.

— Мен илгари отамнинг қотилини ўлдирганман. Сен айниқса амакинг Фақиҳанинг ўчини олмақчисан шекилли...

Жанжал шу тариқа бошланди. Холид ибн Валид Абдурахмонга қарши ҳақоратомуз муомалада бўлди. Бу орада ўзини банди қилмасдан қутулиш йулини топган бир одам Расулуллоҳ афандимизнинг ҳузурларига етиб келди. Бўлиб утган гаплар айтилгач, Ҳабиби Худо (с. а. в.) Али ибн Абу Толибни йўлга чиқардилар. Ёнига кўп миқдорда мол бердилар. Бироқ Ҳазрати Али Жузаймага етиб келганида гишт қолипидан кучиб бўлган эди.

Жузаймаликларга ўлдирилганларнинг фидяси берилди:

— Яна олишингиз лозим бўлган фидя қолдимми?..

— Йўқ, эй Али, ҳаммаси тўланди.

— Ундай бўлса, қолган мана бу молларни ҳам Жаноби Расулуллоҳнинг бир ҳадялари сифатида қабул этинг.

Қолган моллар ҳам уларга бўлиб берилди.

Расулуллоҳ ҳазратларига келиб воқеа тушунтирилди. Ҳазрати Абдурахмон билан Холид ўртасидаги можаро айтилди. Расули Акрам Холидга қарадилар:

— Ўзингни бос, эй Холид, ўртоқларимни менга қўй. Қасамки, сенинг Уҳуд тоғи қадар олтининг бўлса ва буларни Оллоҳ йўлида сарфласанг, дўстларимнинг бир тонг ёхуд оқшомдаги (жанговор) юришида олган даражага етолмайсан, — дея марҳамат қилдилар.

Ҳазрати Абдурахмон каби «Сариқуну аввалун» номи билан илк даъфа Исломи динини қабул қилган буюкларнинг Оллоҳ ва расули наздидаги қимматини билдирувчи бу муборак сўзларнинг ва жузаймаликлар устидан амалга ошириган иш ҳақида эса «Оллоҳим, мен Холид қилган бу ишлардан узоқман», дея марҳамат этишларининг қаршисида Холид эзилгандан эзилди:

— Менинг учун мағфират сўранг, эй Оллоҳнинг расули, — дея олди холос.

* * *

Маккада на Ҳубал қолди, на Уззо ва на Манот... Ҳаммаси ер билан чилпарчин қилинган, буларнинг бир жонсиз борлиқ эканлиги, инсонларнинг уларга бекорга бош эгтанликлари маълум бўлган эди...

* * *

Саъд ибн Абу Ваққос акаси Утбанинг васиятини эслади. Бир пайтлар унга:

— Замъа ўзига фарзандликка қабул қилган боланинг ҳақиқий отаси менман. Агар фурсат тополсанг, уни менинг насабимга қўшиб қўй, — деган эди.

Саъд ушбу васиятни бажариш учун болани топди. Қўлидан ушлаб Расулуллоҳнинг ёнларига олиб келди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, бу бола акам Утбанинг ўгли. Ҳолбуки, Замъа уни, ўз хотиним тутди, дея ўз насабига қўшмоқда. Мен акам Утбанинг васиятини адо этиш учун келдим бу ерга, — деди.

Замъанинг бошқа угли Абд гапга қўшилди:

— Эй Оллоҳнинг расули, бу менинг укамдир. Чунки онам уни Замъанинг ётоғида тугди.

Расулуллоҳ афандимиз тортишилаётган болага қарадилар. Дарҳақиқат, Утбага ухшайди. Бироқ бу ўхшашликнинг ўзи билан қатъий ҳукм чиқариб бўлмас эди.

— Бола кимнинг ётоғида тугилган бўлса, уникидир. Зино қилганга маҳрумлик бордир, — дея марҳамат қилдилар.

Бу ҳукм тушунмовчиликка барҳам берди. Муаммо ҳал бўлган, Саъд ибн Абу Ваққос даъвои йўқотган эди.

Йигитча Замъанинг угли. Айни пайтда Пайгамбаримизнинг завжаларидан Савданинг укаси бўлди. Фақат Набийийи Муҳтарам йигитчанинг Утбага ҳам ўхшашлигини назарда тутиб:

— Эй Савда, унинг ёнида ўраниб юр, — дея буюрдилар.

. . .

Хушайн қамали

Ширк ва куфрнинг маркази ҳисобланган Макканинг забт этилиши, арабларнинг энг пешқадам қабиласининг ўз мағлубиятини тан олиши Макка ва яқинидаги бутларнинг батамом йўқотилиши у ҳудуддаги арабларни паришон этди. «Қурайш бу қадар осонликча таслим бўлмаслиги керак эди...» дейишарди улар.

Навбатнинг бошқа қабилаларга келгани аён. Энг яхшиси мусулмонлар ҳаракат бошламасидан тайёргарлик куриш. Бу қабилалар Қурайш йиллар давомида беролмаган дарсни бу сафар ўзлари бермоқчи бўлишди. «Шу тариқа муқаддас ҳудуд қайта қўтқарилади, Каъба эса, яна ўзимизники бўлади», дейишди.

Режаларини амалга ошириш учун бутун Ҳавозин қабилалари Молик ибн Авф Насрийнинг қўмондонлиги остида тўпланишга бошлади. Пайгамбаримизнинг болалик даври ўтган Саъд ибн Бакр қабиласи ҳам қўшилган ҳолда ҳавозинликлар йигирма минг кишилик қўшин туздилар.

. . .

Дарахт шохларидан ясалган бир садйда олиб келинган тўқсон ёшлик чол Зурайд ибн Симма қилични қинидан суғурадиган кучга ҳам эга эмас. Юришга эса ҳоли йўқ. Бунинг устига, кузлари кўрмайдиган бўлиб қолган. Бироқ ҳали ҳам эс-хуши жойида. Ҳали ҳам тажрибасидан фойдаланиш мумкин бўлган шахс сифатида танилар эди.

Устида ўтиргани садйа туядан туширилгач, «Қаердамиз?» дея суради.

— Автос водийсидамиз.

— Отлар бемалол юғурадиган яхши жой. На тошлоқ, на юмшоқ бир дара. Қулогимга келаётган бу овозлар нимаси? Туя

овози, эшак ҳанграши, қўйларнинг маъраши ва болаларнинг фарёди?..

— Авф ибн Моликнинг буйруғи шундай.

— Моликнинг ўзи қаерда?

— У шу ерда.

— Чақириб келинг уни.

Молик келди. Зурайд сал олдин берган саволини унга берди.

— Одамларга моллари, болалари, аёлларини келтиришликни буюрдим.

— Хўш, нима сабабдан?

— Истадимки, ҳар кимнинг бутун борлиги орқасида турсин, уларни уйлаб жанг қилсин.

Зурайд бу сўзлардан хушланмаганлигини ифодаловчи галати овоз чиқарди.

— Ҳой эчкибоқар, ҳар томонга ёйилган бир қўшинни ким бошқара олади? Шояд бу муҳорабада галабага эришсанг, қулида қилич ва найзаси бор йигитлар билан эришсан. Мағлуб бўлсанг, халқ олдида шармандаи шармисор бўласан. Сен Ҳавозиннинг оқ тухумларини душман отларининг кўкракларига тираб ҳеч иш қилганинг йўқ. Уларни яна ишончли жойларига олиб бор, кейин бу янги динлилар билан қаршилаш. Мабодо музаффар бўлсанг, орқада қолдирганларинг ўзингга қолади, мағлубиятга учрасанг, улар сени топиб оладилар. Ҳеч бўлмаса, молинг ва оиланг омон қолади.

Моликнинг бу гаплардан жаҳли чиқди.

— Эй Зурайд, сен қариб қолдинг. Ақлинг ҳам қарибди. Қасам ичиб айтаманки, ё Ҳавозин қабилалари менга итоат қиладилар, ё худ шу қилични қорнимга тирайман ва учи орқамни тешиб чиққанча огирлигимни ташлайман, — деди. Сўнгра ёнидагиларга қаради:

— Нима дейсизлар?

— Сенинг буйруғингга мунтазирмиз. Нима десанг, ўша бўлади.

Зурайднинг ичи сиқилди.

— Маълум бўлмоқдаки, мен урушнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам эмасман, — деди.

Молик ўртоқларига буюрди:

— Душманни курганингизда қиличларингиз қинларини синдириб чиқсин ва ҳаммангиз бирдан хужумга ўтингиз!..

. . .

Расули Акрам (с. а. в.) Ҳавозин қабилаларининг йигирма минг кишилиқ қўшин тўлаганликларини эшитгач, уларнинг устига бостириб боришга қарор бердилар. Сафвон ибн Умаййага хабар юбордилар. «Бизга омонат тариқасида бир оз зирҳ берсин, душман билан тўқнашамиз», дедилар.

Бир оздан кейин Сафвон келди:

— Бу зирҳларни мажбурлаб тортиб оласизми, эй Муҳаммад? — дея сўради.

— Йўқ, омонат сифатида оламиз, — дедилар Сарвари Олам, — агарда қайтаргунимизча қадар ишдан чиқса, тўлаймиз.

Сафвон бу таклифни қабул қилди. Қуроллари билан бирга юз дона зирҳни омонат тарзда берди. Ҳунайнинг утиш Ҷойига олиб боришни ҳам бўйнига олди.

Мақкадан қўшилган икки минг киши билан қўшиннинг сони ўн икки мингга етди. Юришга буйруқ берилди. Қўшинда ҳали Ислонни қабул қилмаган саксонтача мушрик ҳам бор эди. Эҳтимол булар мушоҳид (гувоҳ) бўлишар, урушга қўшилишмас.

Кенг майдонни эгаллаган катта қўшинни кўрганлар орасида «Бу сафар озчилик сабаб бўлиб мағлубиятга учрамаймиз», деганлар бўлди. Олдимиздан чиқадиган душманни эзиб ташлашимиз ҳеч гап эмас, демоқчи эдилар.

Холид ибн Валид Сулайм қабиласига қўмондон этиб тайинланди ва унинг гуруҳи йўлбошчи гуруҳ сифатида вазифа олди. Қолган қўшин унинг орқасидан келар эди. Ҳунайн утиш жойига етиб келишганида йўл утишга ноқулай бўлганлиги сабабли мусулмонлар қўшини бир неча бўлакка бўлинди. Худди шу пайт ҳавозинликлар ҳужумга ўтишди. Шиддатли бир босқин йўлбошчи мусулмон гуруҳларини саросимага солиб қўйди. Қочишга бошладилар.

Ҳавозинликлар бир гуруҳ қўшинни қувар экан, бу орқадаги мусулмонларга ҳам таъсир кўрсатди. Ҳеч ким орқасига қарамай қочар эди. Ваҳоланки, ҳали жиддий бир тўқнашув бўлгани йўқ.

Абу Суфён кўп сонлик қўшиннинг бу қадар қисқа бир вақт ичида бир-бирини туртиб тарқалиб қочаётганлигини кўриб, беихтиёр: «Бу мағлубиятнинг сўнги денгизга боргунга қадар чўзилади», деб юборди. Бу қочишни олдиндан чиқадиган денгизгина тўхтата олади, демоқчи бўлди.

Яна мушриклардан Калада ибн Ҳанбал олдиндан қочаётганларни кўргач:

— Бугун сеҳрнинг кучи кетди, — дейишдан ўзини тийлмади.

Унинг гапи она бир укаси бўлмиш Сафвонга оғир ботди:

— Оллоҳ оғзингни йиртсин, валлоҳи, бошимда бир бошқарувчи бўлса, унинг ҳавозинлик эмас, қурайшлик бўлишини истаيمان, — деди.

Бу ёндан Расули Муҳтарам қўшиннинг тарқалганини кўргач, «Дулдул» исми хачирлари билан олға интидилар. Уловнинг тизгинини икки ёндан икки киши тутган эди. Булардан бири амакилари Аббос, иккинчиси катта амакилари Ҳориснинг ўғли Абу Суфён. Улар Дулдулнинг илгариласига тўсқинлик қилар, душманнинг катта қўшинига қарши Расули Акрамнинг ёлғиз боришларини истамас эдилар...

Расулуллоҳ жанобимизнинг атрофларида бармоқ билан саноқли саҳоба қолди. Ҳазрати Абу Бакр, Умар, Али, Усома, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Аббоснинг икки ўғли Фазл ва Қусом,

Умму Айманнинг угли Жаъфар ёхуд Рабиа, Абу Талха, Умму Сулайм... шулардан эдилар.

Расулуллоҳ (с. а. в.) афандимиз тўда бўлиб қочаётган мусулмонларга қараб: «Мен Пайгамбарман, бу ёлгон эмас! Мен Абдулмуттолибнинг углиман!..» дер, бироқ одамлар бу овозга қулоқ солмай, жон талвасасида қочар эдилар.

Расули Акрам ёнларида турган балад овозли Аббосга: «Эй дарахт остида Оллоҳнинг расулига сўз берганлар!» деб бақиришини буюрдилар. Аббос бор овози билан Расули Акрамнинг айтганларини такрорлар ва: «Келинг, Оллоҳнинг расули шу ерда», дея бақирарди.

Бу бақириш кучини кўрсатди. Эшитганлар ўзларига келдилар, битта-иккитадан Расули Акрамнинг атрофларида тўплана бошладилар. Бу орада Усайд ибн Ҳузайр авсликларни, Саъд ибн Убода ҳазражликларни чақирди.

Қочганлардан бир қисми Маккагача етиб келган, катта мағлубиятга учраганликларини айтган эдилар.

Абу Суфён бир оз аввал: «Бу мағлубиятнинг сўнги денгизга боргунга қадар чўзилади», деганида ҳеч муболага қилмаган эди. Йиллаб унга берган тажрибадан келиб чиқиб гапирган эди у. Ҳозир эса иш ўйлаганидан бутунлай тескари тус олди; мусулмонлар қўшинида юз берган тарқоқликнинг олди олинди. Ҳа, Абу Суфён бу Жаноби Мавло томонидан кўрсатилаётган буюк ёрдам ва иноят эканлигидан беҳабар эди.

* * *

Абдуззар ўтиларидан Шайба, Ҳунаинга Исломни ва мусулмонларни қўлаб-қувватлаш учун келмади. Уҳудда отаси билан бирга деярли бутун қариндошлари ўлдирилди. Бинобарин ундан:

— Қайси томон голиб келсин?.. Қурайшми, Ҳавозинми? — деб сўрашса, ҳеч ўйланмай:

— Албатта Қурайш галаба қозонсин-да! — дер эди.

Бу жангга келишдан мақсади ҳам фақат Қурайш томонида туриб қилич солиш эди.

Мусулмонларга қарши курашаётган қўшин сафининг бузилиши Шайбага қаттиқ таъсир этди. Орқа-олдига қарамай тум-тарақай қочаётган инсонлар Қурайшни обрўсизлантирмоқда. Ҳолбуки, оталари Уҳудда бирин-кетин ўлдирилганига кўп бўлгани йўқ!

Шайба иликларигача титраётганини ҳис қилди. «Шундай қулай фурсатда Муҳаммад ибн Абдуллоҳни ўлдирмасам, қачон ўлдираман? Ҳар ким ўз жонини ўйлаётган пайтда бу ишни битириш айни муддао-ку!» — дея ўйлади Шайба.

Дарҳол Расулуллоҳ жанобларига томон юрди. Расули Акрамнинг унг томонларида амакилари Аббос Дулдулнинг тизгинидан, чап томонларида турган амакзваччалари Абу Суфён Дулдулнинг узангисидан ушлаган. Энг яхшиси орқадан уриш. Жуда яқин келди. Қилич солиш мумкин даражада оз масофа

қолди. Яна биргина ҳаракат уни муродига эриштириши, Уҳудда тўкилган қонлар учун қасос олиши мумкин. Қилич ҳавога кўтарилди; бироқ ҳеч қутилмаганда Шайба бир зумда тўхтаб қолди ва орқага чекина бошлади.

— Ҳеч шубҳа йўқки, бу одам муҳофаза этилмоқда!..

Бу сўзлар унинг оғзидан қўрқув ва даҳшатга уранган титроқла чиқди. Чунки олдида лов-лов ёнаётган олов пайдо бўлган эди. Бу шунчаки хаёл эмас. Юзини, киприкларини ёндирар даражада мавжудлиги билинаётган бир олов... Кўзларини ҳам қамаштираётган бир олов унга қараб ловуллаб келмоқда эди. Шайба юзини қўли билан тўсган ҳолда орқага чекина бошлади. Бундан бошқа чора ҳам йўқ-да!

Ваҳоланки, икки сония олдин бу ерда оловдан дарак ҳам бўлмаганига қасам ича оларди. Шу пайт Ҳазрати Пайгамбаримиз орқаларига боқдилар ва:

— Эй Шайба, яқинлаш менга, — дедилар.

Бу гаплар айтилиши билан олов кўздан ғойиб бўлди. Шайба икки сония олдин ўлим сочаётган олов турган жойдан бемалол илгари юрди. Пайгамбаримиз:

— Оллоҳим, шайтонни бундан узоқлаштир!.. — дея дуо қиладилар.

Шайба Жаноби Пайгамбаримизга битмас-туганмас бир муҳаббат билан қаради. Бир дақиқа олдин ўлдиришга қасд қилгани инсонга нисбатан уйғонган кучли бир севги қалбини тўлдирган эди. Шу дақиқада, «Ўл», деса, ҳеч иккиланмай ула оларди.

— Қани бўл, эй Шайба, кофирларга қарши жанг қил!

Қурайшга ёрдам бераман, дея келган, қулай фурсатдан фойдаланиб Оллоҳнинг расулини ўлдиришга қасд қилган Шайба энди Оллоҳ ризолиги учун олдинга отилди. Кейинчалик хотираларини гапириб берар экан: «Қаршимга отам чиқса ҳамки, у билан жанг қилишдан тоймайдиган ҳолатда эдим ўшанда», деган эди.¹

* * *

Кизил туя устида қора байроқ кўтарган бир одам ҳавозинликларни бошлаб олдинга юрмоқда. Ҳазрати Али жаҳд билан туянинг орқа оёқларига қилич солди, туя орқаси билан чўқди, устидаги одам ерга думалади. Тураман, деганида тепасидан тушган бир қилич зарбасидан ҳаёт дафтари ёпилди. Қилич солган эса, Уккоша эди.

Бу ҳодиса ҳавозинликларни ташвишга солди. Туя устида музаффар қўмондон каби савлат тўкиб турган одамнинг бир дақиқада ишини битирган икки мард ўтлон энди уларга ташланди, бошқа бир гуруҳ эса, уларга ёрдамга югурди.

Қочаётган гуруҳлар тупланди, ҳавозинликларга қарши шиддатли ҳужумга ўтди. Набийи Акрам бу ҳолатни кўргач, улов-

¹ Ибн Ҳишом, 4/87; Ибн Касир, 3/632.

ларининг узангисини босиб баланд кўтарилдилар, жанг майдонига назар солдилар ва:

— Мана энди тандир қизиди, — дея марҳамат қилдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан сўраб олганлари бир ҳовуч тупроқни душманга томон сочар эканлар, «Юзлари қора бўлсин», дер эдилар.

Бу тупроқ душманларга тегди, ичларини қўрқувга тўлдирди. Кейинроқ мусулмон бўлган Язид ибн Омир исми бир шахс уша кунги хотираларини эслаб: «Кимни учратсам, ёнидаги шеригига кўзларига келган мусибатдан шикоят қиларди», дейди.

. . .

Абу Қатода урушаётган икки одамни кўрди. Улардан бири си мўмин, иккинчиси мушрик эди. Тусатдан учинчи бир киши пайдо бўлди ва икковлашиб мусулмонни ўртага олдилар. Икки томондан ташландилар.

— Мана бу инсофдан эмас!..

Абу Қатода шундай деди ва сакради. Кейин келган мушрикка қилич содди. Мушрикни бир қулидан жудо қилди. Қул кесилган жойдан тирқираб қон отила бошлади. Бироқ у осонликча жон таслим қиладиганга ўхшамасди. Абу Қатодага ташланди, бир қўли билан томогидан ушлади ва жон-жаҳди билан қисди. Шундай қаттиқ қисдики, Абу Қатода, энди ўлдим, дея ўйлади; қоп-қоронғу бир оламга кирган, ҳеч нарсани кўрмас, эшитмас эди. Яна бир неча сония шу ҳолда турганида бўғизидан фақат жон чиқиши мумкин. Бироқ мушрикнинг кесилган қулидан оққан қон уни дармонсизлантирди. Омбирдай қисилган бармоқлар бушай бошлади. Ниҳоят одам ерга қулади.

Кўзлари олдида учқунлар учаётган Абу Қатода қайтадан дунёга келгандай бўлди. Иккинчи бор қиличини кўтарди ва рақибини урди. Энди рақибни яшамаётган эди.

Абу Қатода уни ташлаб яна жангтоҳга отилди. Бир оздан сўнг маккалик бир кишининг келганини, ўлдирилган ҳалиги мушрикнинг кийим ва қуролини олганини кўрди.

Бошқа томонда эса Умму Сулаймнинг эри Абу Талха уша кун йигирма кишининг ҳисоб дафтарини ёшиб қўйди. Мусулмонлар энди кучларини намойиш эта бошлаган, омад уларга кулиб боқаётган эди. Бу сафар ҳавозинликлар гуруҳ ҳолда қочдилар.

Расулуллоҳ жанобимиз жанг майдонини айланиб юраётганларида ўлдирилган бир аёлга кўзлари тушди.

— Бу аёлни ким ўлдирди? — дея сўрадилар.

— Холид ибн Валид ўлдирди, — дейишди.

Саҳобалардан бирларига:

— Холидга етиб ол ва «Оллоҳнинг расули сенга бола, хотин ва қулни ўлдиришни манъ қилмоқда», дегин, — амрини бердилар.

Саҳоба Холидга етишиб олиш учун шошилди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) қочганларнинг орқасидан Абу Омир Ашъарийни юбордилар. Автос водийсида қайтадан тўқнашув бошланди.

Абу Омир майдонга чиққан одамни аввалига Исломга даъват этди. Қабул қилмагач, олиша кетди. Ниҳоят Абу Омир «Оллоҳим, бу одамга қарши шоҳид бўл»,— дея урди ва рақибини ўлдирди.

Шундан кейин унинг қасосини олиш учун бирин-кетин чиққан тўққиз ака-укани ҳам айни шаклда ер тишлатди. Унингчи ука чиқди. У ҳам мусулмончиликка чақирилди, бўлмади. Омир:

— Оллоҳим, бунга қарши ҳам шоҳид бўл, — дея ҳамла қилди.

Рақиб:

— Оллоҳим, менга қарши шоҳид бўлма! — дея ҳайқиргач, Абу Омир уни ўлдиришдан воз кечди. Одам қочиб қутулди...

Кейинчалик бу мушрик Исломни қабул қилди ва Расулуллоҳ афандимиз уни кўришлари билан «Мана бу, Абу Омирдан қочиб нажот топган» дея ҳазиллашардилар.

Бу орада майдонга чиққан Алаъ ва Авфо исми икки ака-ука ёйларини бараварига тортдилар. Отилган ўқлардан бири Абу Омирнинг кўксига, иккинчиси тиззасига қадалди ва Абу Омир бир оз аввал ер тишлатган рақибларининг ёнига чўзилди.

Абу Мусо югурди. Амакисининг аҳволи оғир. Дарҳол уни яралаганнинг орқасига тушди. Одам жангоҳда у ёқдан-бу ёққа қочиб юрарди.

— Қочишга уялмайсанми, эй одам?!.

Бу сўз одамни тўхтатди. Қайтди, Абу Мусога ташланди. Бир неча зарбадан сўнг Абу Мусо амакисининг учини олди. Абу Омирнинг олдига келди.

— Оллоҳ, душманини ер тишлатишни насиб этди, — деди.

— Шу ўқни чиқаргин.

Абу Мусо ўқни суғуриб олди. Ярадан суяк ичидаги ёғ каби бир суяқлик оқди.

— Эй биродаримнинг ўгли, Расулуллоҳ ҳазратимизга салом сўйла ва дуо қилишларини илтимос қил. Мен тутаб бўлдим. Сени ўз урнимга қўмондон этиб тайинлаяпман, — деди.

Омир бу гапларни айтгандан сўнг кўп яшамади. Раҳмат фаришталари ҳамроҳлигида фоний дунё билан видолашди.

Жанг давом этмоқда. Мусулмон қўшинидан бир йигит устида садйа билан бир чеккада турган туяга яқинлашди. Садйани туширганида ниҳоят қари одамни кўрди. Кўзлари кўрмайдиган, ҳаракатланишга мажолсиз бу одам Зурайд ибн Симма эди. Уни туширган йигитдан:

— Мени нима қилмоқчисан? — дея сўради.

— Ўлдираман...

— Кимсан.

— Сулайм угилларидан Рабиънинг ўгли Робиа.

Йигит кўп кутиб ўтирмади ва қилич солди. Бироқ бу билан иш битақолмади.

— Хайф сенга, — деди чол. — Онанг сени яхши қуроолан-тирмабди. Менинг қиличимни олиб ур. Онангнинг ёнига борганинда эса Зурайд ибн Симмани ўлдирганини айтгин. Валлоҳи сенинг оиланга тегишли аёллардан нечтасини мен қуриқлаган, ҳимоя этганман.

Кейин қария ёшлигини, қилични қандай солганини эслади, йигитга ҳам қандай уриш кераклигини ўргатди. Ўзи айтганидай урилган қилич зарбидан сўнг ҳаётдан видолашди.

* * *

Жанг тутади, жуда кўп асир ва ўлжа қўлга киритилди.

Расулуллоҳ (с. а. в.):

— Ким бир душманни ўлдирган бўлса, устидагилари ушаникидир, — дея марҳамат қилдилар.

Зотан кўп гозийлар ўлдирган душманларининг қуроол ва кийимини олиб бўлган эди.

Абу Қатода ўрнида турди:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, мен бир кишини ўлдирдим. Уруш давом этганлиги учун ҳеч нарчасини ололганим йўқ. У одамнинг ашёсини ким олганини ҳам билмайман, — деди.

Макка аҳлидан бир одам:

— Абу Қатода тўғри гапиряпти. Ўлдирган кимсанинг нарчасини олган эса менман. Уни менинг ўрнимга рози қилақолинг, ҳаққини ҳалол этсин, — деди.

Ҳазрати Абу Бакр отилди:

— Йўқ, валлоҳи, Расулуллоҳ ҳазратлари уни рози қилмаслар. Оллоҳнинг дини йўлида жанг қилган бир марднинг молига кўз тик, ўлжасига шерик бўл, кейин эса уни рози қилишларини сўра. Қани, қайтариб бер унга нарсаларини!

Расулуллоҳ афандимиз ўртоқларининг гапларини тасдиқладилар.

— Абу Бакр ҳақ гапни сўйлади, бергин унинг ашёларини... — дея марҳамат этдилар.

Шундай қилиб Абу Қатода ўлдирган душманининг нарсаларини олди...

Абу Қатода бу нарсаларни сотиб уч-беш туп хурмо дарахти сотиб олди. Ва умрининг охиригача Абу Қатода бундан ортиқ мол-дунёга эга бўлмай ўтди.

* * *

Абу Мусо Ашъарий Расулуллоҳ жанобимизнинг ҳузурларига борди:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, амаким Абу Омир шаҳид бўлди. Сизга саломини етказишимни ва гуноҳларини кечиришини сўраб дуо этишингизни илтимос қилди, — деди.

Расулуллоҳ афандимиз сув истадилар, таҳорат олдилар, кейин қўлларини дуога очиб:

— Оллоҳим, Абу Омирни бағишла. Оллоҳим, рузи қиёматда уни яратганларингнинг кўпидан устун қил...— дея ёлвордилар.

Муборак қўлтиқларининг ости кўринар даражада қўллари кўтарилган эди. Абу Мусо бу қулай фурсатни қўлдан бой бергиси келмади:

— Ё Набийаллоҳ, менинг учун ҳам мағфират сўрай қолинг, — деди.

Бу истак ҳам рад этилмади:

— Оллоҳим, Абдуллоҳ ибн Қайснинг ҳам гуноҳларини кечир. Қиёмат куни уни мукаммал иззат-икром қилинажак манзилга олиб кир...— дея Улуғ Мавлога дуо қилинди.

Абу Мусо учун бу дуо дунёдан-да, дунёдаги бутун борлиқдан-да, қимматли ва азиз эди. Бу муҳорабадан олган энг катта ўлжа мана шу дуо бўлди.

* * *

Автос водийсидан қочган Молик ибн Авф, ёнидаги кўп сонли аскар билан бирга Тоиф қалъасидан паноҳ топишди. Дарҳол қалъанинг ёриқлари беркитилди, йиқилган жойлари таъмирланди, эшиклар ёпилди.

Қария Зурайднинг жанг бошланмасдан қилган тавсиялари ҳозир Моликнинг қулоқлари остида жаранглаётган эди. Ушанда «алжираб қолган чол» дея баҳолаган кишиси энди катта ҳаёт тажрибасидан утган, ақлли бир инсон бўлиб виждонига азоб берди. Ҳайҳотки, энди вақт утган, қушин тарқалган, сон-саноқсиз хотин ва бола асир тушган, умр бўйи минглаб киши қўлга киритган водий тўла мол бир умрга қўлдан бой берилган. Тажрибасизлик ва гапга қулоқ солмаслик оқибати жуда аччиқ тарсаки бўлиб тушган эди.

* * *

Шаймо

Набиййи Акрам (с. а. в.) «Мабодо Наждни топсангиз, қочирмасликка ҳаракат қилинг», деган эдилар.

Ниҳоят Нажд ушланди. Бани Саъд қабиласидаги бошқа асирлар билан бирга Жиъронага олиб келинди. Асирларга қилинган қўпол муомала ораларидаги бир аёлнинг эътирозига сабаб бўлди.

— Шунинг яхши билингки, валлоҳи, мен сизнинг Пайгамбарингизнинг эмиқдошиман, — деди.

— Қани нари тур, ҳар нарсани гап деб гапираверасанми? — дедилар.

Бироқ аёл Расули Акрамнинг ҳузурларига келганида иддаосини такрорлади:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, мен сенинг эмиқдош опанг бўламан.

Айрилганларига элик олти йил бўлган, бу муддат ичида опа-уканинг қўришишларига имкон топилмаган.

— Менинг опам эканлигингни тасдиқловчи бирор далилинг борми?..

Бу гапдан сўнг олтимишга кирган аёл елкасининг орқа қисмини очди:

— Мана бу из, — деди. Кейин қўшиб қўйди: — Елкамда кўтариб юрганимда, сен тишлаган эдинг.

Расулуллоҳ жаноблари (с. а. в.) икки-уч ёшларида юз берган воқеани, опалари Шаймода қолган изни кўргач, эсладилар, бошқа савол бермадилар. Елкаларидан ҳирқаларини олдилар, ерга солдилар. Шаймони унинг устига ўтиргиздилар. Ўта ҳурматли инсонларга шундай муомала кўрсатиларди. Ярим асирдан кўпроқ айрилиқдан сўнг опанинг ҳол-аҳволи сўралди, кўнгли кўтарилди. Бирга ўтказилган у тотли кунлар ёдга олинди. Пайгамбаримиз Шаймога:

— Хоҳлаганинг берилади, хотиржам ҳаёт кечирасан. Истасанг, ёнимда қол, иззат-икром ичида ҳаётингни давом эттир, истасанг, мол берайин, сени ватанингга юборайин, — дея марҳамат қилдилар.

Шаймо иккинчи таклифга розилик билдирди.

— Мени ўз юртимга юбора қол, — деди.

Эҳтимол, у ерда болалари, эри бор. Кўнгли у тупроқларга тортган, олтимиш йилки яшаб ўрганган Ватанидан айри қолса, ҳаловати бузилишини ўйлагандир балки.

Унинг бу орзуи амалга оширилди. Асир бўлиб келгани Жиъронадан иззат ва икром ичида айрилди. Хизматига қул ва жория берилди, қўй ва туялар совға қилиниб кузатилди.

Шаймо бу ажойиб фурсатдан янада яхшироқ фойдаланса бўлмасмиди? Қолган бир неча йиллик умрини оламларга раҳмат қилиб юборилган Пайгамбарнинг ёнида, бунинг устига, Пайгамбар опаси бўлиб иззат-ҳурмат ичида ўтказса бўлмасмиди?.. Пайгамбаримиз ҳатто сиртларидаги кийимларини ташлаб сийлаганлари бир аёлни эркак-аёл барча мўминларнинг ҳурмат қилишига шубҳа этиш мумкинмикан?..

Бироқ Шаймо бу такрорланмас фурсатни икки жория ва қул, бир неча қўй ва туялар билан қаноатланиб, бой берди. Дунёлар бериб сотиб олинмас бир саодатнинг қадрини билмади.

Расули Акрам ҳазратларининг Шаймо билан танишишларига сабаб бўлган ҳодиса пайтида қўлга тушган ва қочирмаслиги хоҳланган Нажднинг кейинги тақдири ҳақида маълумотимиз йўқ...

...

Мусулмон қўшинига Тоиф устига юриш бошлаш амри берилди.

Қалъага яқинлашганларига мусулмонларни ёмғир каби ёғдирилган ўқлар кутиб олди.

Қалъа рупарасига қароргоҳ ўрнатилди. Расули Акрамга бу сафарда ҳамроҳ бўлиш саодатига сазовор бўлган Умму Салама ва Зайнаб волидаларимизнинг чодирлари ёнма-ён қурилди. Набийи Акрам жанобимиз намозларини бу икки чодирнинг орасида ўқир эдилар.

Икки томондан ўқ ва тошлар отилиб, уруш бошланди. Салмон Форсийнинг таклифи билан тошотар ўрнатилди ва қалъага шу мослама билан тош ёғдирилди. Қалъа деворларига чиқишга уринган баъзи жангчилар тепадан тушган эритилган темирдан куйиб шаҳид бўлдилар.

Расулуллоҳ (с. а. в.) атрофдаги осма узумларни кесишни буюрдилар. Қалъадан бу ҳолни кўрган тоифликлар:

— Қуйинг узумларни! Голиб келсангиз, ўзингизга қолади, чекиниб кетсангиз, биз фойдаланамиз! — дея бақирди.

Қалъада узоқ вақтга етгулик озиқ-овқат мавжуд эди. Бир неча ой чўзиладиган қамалга дош бера оладилар.

...

Бир куни Холид ибн Валид сафлар орасидан ажралди, қалъа деворларидан акс-садо берадиган овозда:

— Йигитчасига курашмоқчи бўладиган мард бўлса, юборинглар. Чиқсин рупарамга, курашайлик! — дея бақирди.

Бу таклиф жимжитлик билан кутиб олинди. Холид истагини иккинчи, учинчи бор такрорлади. Шунда қалъа минорасидан бир одам:

— Эй Холид, бизда сен билан куч синашадиган йигит йўқ. Шунинг ҳам билгинки, бизнинг бир неча ойга етадиган озиқ-овқатимиз бор. Тугагунча кутсанг, ўшада ҳаммамиз қилич ялангочлаб чиқамиз ва ўлгунча жанг қиламиз. Ҳозир эса, бор ишингга... — дея бақирди.

...

Ҳазрати Пайгамбаримизнинг амрлари билан қалъадагилар эшитадиган шаклда шундай гап эълон қилинди:

— Қалъани тарк этиб ёнимизга келган қўлларга ҳурриятлари берилажақдир.

Бу эълоннинг таъсири бўлди. Қўл эгалари қаттиқ чоратадбирлар кўрдилар. Бироқ барибир озодликнинг лаззатини соғинган ва қўлай фурсат топган қўллар битта-иккитадан қочдилар. Бу йўл билан келганларнинг сони йигирма биттага етди. Қалъа деворларидан бир галтакка осилиб тушган Нуфай ибн Масруҳ булардан бири эди...

Келажақда жуда самимий бир мусулмон бўлиб ҳаётини давом эттиражак бу шахснинг асл исми ҳам унутилди ва ўртоқлари орасида Абу Бакра (гилдиракчи) дея танилди.

...

— Эй Оллоҳнинг расули, изн берсангиз, бориб сақифликлар билан кўришайин, уларга насиҳат қилайин.

Фазора қабиласининг раиси булган Уйайна ибн Ҳисн томи-
нидан тушган бу таклиф қабул этилди. Уйайна олдинга чиқди:
— Рухсат берсанлар, гаплашиш учун олдингизга кела-
ман, — дея бақирди.

— Келишинг мумкин, — дейишди.

Очилган эшиқдан ичкарига кирди. Бир муддат ораларида
қолди, гаплашди ва қайтди.

— Ё Набийаллоҳ, уларга Исломнинг амрларини ва на-
ҳийларини тушунтирдим. Жаннат ва дўзахдан гапирдим.
Бундан аввал Қайнуқоъ, Назир ва Қурайза яҳудийларининг
бошларига келганлардан хабар бердим. Уларни қўлга олмас-
дан сизнинг бу ердан жилмасликка қарор қилганингизни
айтдим. Ҳозиргача ўзларини кучли ҳисоблаганларнинг заиф-
лашганини, хору зор бўлганини тушунтирдим. Тушунтир-
дим, бироқ одамлар мени тингламадилар, гапларимга қулоқ
солмадилар, — деди.

Сарвари Коинот (с. а. в.) унинг сўзларини булмай, охирига-
ча эшитдилар.

— Ёлгон сўйлаяпсан, эй Уйайна, сен уларга бу сўзларнинг
бирортасини ҳам гапирмадинг!..

Уйайна бирдан сесканди. Орсиз кўзларини Пайгамбари-
мизнинг муборак кўзларига қаратди.

— Унда нима дебман уларга?— демоқчи эди.

Фахри Коинот дона-дона қилиб гапира бошладилар:

— Сен уларга дедингки, чиданглар, Муҳаммад бугунга қа-
дар сизга ухшагани билан тўқнашган эмас. Қалъангиз кучли,
озуқангиз эса мўл. Бу вазиятда улар сизга ҳеч нарса қилол-
маслар. Кесилган дарахтлар учун эса кўп ҳам хафа бўлаверма-
нлар...

Расулуллоҳ жаноблари бир китобдан уқийётгандай айтилган
гапларни унга такрорлаганларида Уйайна эътироз билдиролма-
ди:

— Рост гапирдингиз, эй Набийаллоҳ, бу ишим учун пу-
шаймонман. Оллоҳга тавба қиламан...- дейишдан бошқа чора
тополмади.

Ҳазрати пайгамбаримиз унга:

— Яна ёлгон сўйладинг... ҳали ҳам ичингда нифоқ ўти лов-
лов ёнмоқда! — демадилар.

Ҳа, бундай демадилар, аммо Ҳазрати Умарнинг «Ё На-
бийаллоҳ, рухсат беринг, шу одамнинг бўйинини узиб таш-
лайн», деган таклифини ҳам қабул қилмадилар.

— Унда инсонлар: «Муҳаммад асҳобини ўлдирмоқда...» ка-
би номақбул гапларни айтиб юрадилар, — дея марҳамат қилди-
лар.

Уйайна тарбиясизларча содир этган бу ишидан осонликча
қутулганига хурсанд бўлди. Аслида, Жаноби Расулуллоҳнинг
асҳобидан ва дўстларидан эмасди. Бу қўшинга ҳам Оллоҳ ризо-
лиги учун қўшилгани йўқ. Улжа олиш ва Сақиф қабиласи
аёлларидан унга уғил фарзанд туғиб берадиган бир жория

олиш дардида бу сафарга қушилганини бир оз қупол ифодалар ила очиқ-ойдин ва қасам ича-ича айтди.¹

. . . .

Набийи Акмалнинг (с. а. в.) вафотларидан сўнг Исломдан қайтган қабилалар орасида Уйайнанинг қабиласи ҳам бор эди ва ушланиб халифанинг ҳузурига келтирилган Уйайна, «Кесинг шунинг бошини!» амри берилиши билан:

— Эй Абу Бакр, сенинг ўртоғинг мунофиқлигимни била туриб мени ўлдирмаган эди. Сен ҳам ўлдиrolмайсан, — деганида Ҳазрати Абу Бакр Пайгамбаримизнинг унга нисбатан тадбиқ қилган усулларини эсга олиб, қўйиб юборган.

. . . .

Бир неча кунги қамал бирор натижа бермади. Отилган ўқлар икки томоннинг ҳам талофат кўришига сабаб бўлди. Расулуллоҳ (с. а. в.):

— Ё Абу Бакр, тушимда қаймоқ тўла бир товоқ ҳада этилди. Бир хўроз товоқни тўқилади ва ичидагини тўқди, — дейишлари билан Ҳазрати Абу Бакр:

— Ё Набийаллоҳ, бу сафар исталган зафарга етишишлигимизга кўзим етмаяпти, — деди.

Расулуллоҳ афандимиз ҳам унинг гапини тасдиқладилар:

— Бу галабанинг рўёбга чиқишига менинг ҳам кўзим етмай турибди.

Шу пайт марҳум Усмон ибн Мазъуннинг хотини Ҳавла келди:

— Ё Набийаллоҳ, агар фатҳ насиб этса, Бадианинг ёхуд Фориғанинг зеб-зийнатларини менга беринг, — деди.

Пайгамбаримиз унга:

— Эй Ҳавла, Сақиф фатҳига изн берилмаган бўлса ҳамми? — дея марҳамат қилдилар.

Ҳавла у ердан кетди. Ҳазрати Умарни кўрди. Расули Акрам билан бўлган суҳбатни айтиб берди. Ҳазрати Умар тўғри Пайгамбаримизнинг ёнларига борди:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, бир оз олдин Ҳавла билан гаплашдим. Унинг айтишича... — деди ва эшитганларини хабар берди.

— Ҳа, у гапни мен айтдим.

Кейин Умар разийаллоҳу анҳу кўрилган тушни яна бир бор Расули Акрамдан эшитди.

— Яъни, бу сафар фатҳ учун йўл йўқми?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, орқага қайтиш ҳақида эълон қилайинми?

— Ҳа...

Бир оздан сўнг қўшинга «Эртага тонгда орқага қайтилади», деган эълон берилди. Фақат, бу хабар ҳеч кимни севинтирма-

¹ Ибн Каср. Сияр, 3/662.

ди. «Шунча уриниб қалъани фатҳ қилмай қайтиларканми?» дейишди. Бу орада эълонни эшиттираётган Саид ибн Убайд:

— Аммо сақифликлар қандоқ бўлсалар ушандай туришибди (ҳанузгача уларга бирор жиддий зарар етказолганимиз йўқ), — деб юборди.

Уйайна ибн Хисн илова қилди:

— Яна шон ва шараф билан...

У ердаги бошқа биров сўзга қушилди:

— Оллоҳнинг қаҳрига учрагур, эй Уйайна! Расулуллоҳнинг даъватларини қабул этмадилар ва қарши чиқдилар, дея мақтамоқдамисан уларни?! Ваҳоланки, сен бу ерга Жаноби Пайгамбаримизга ёрдам бериш учун келгансан-ку!

Уйайна бу гапга эътироз билдирди:

— Валлоҳи, мен сизлар билан бир бўлиб сақифликларга қарши жанг қилайин, дея келмадим. Фақат истадимки, Муҳаммад Тоифни фатҳ этсин ва мен эса Сақифдан бир жорияга эга бўлай, уни қўйнимга олай. Зора у менга бир угил тугиб берса. Чунки сақифликлар зукко бўлишади.

...

Ҳазрати Умар томонидан тарқалган эълондан ҳеч ким мамнун бўлмагач, Пайгамбаримиз қайтиш вақтини кечиктирдилар. Қалъага яна бир шиддатли ҳужум уюштирилди. Қалъадан айни тарзда жавоб келди. Шаҳид бўлганлар, яраланганлар бўлди. Қўшинга яна бир эълон эшиттирилди:

— Эртага орқага қайтилади. Қамал тўхтатилди!..

Бу эълондан мамнун бўлишди. Расули Акрам (с. а. в.) мусулмонлардаги бу мамнуниятни куриб кулимсирадилар. Бу кулимсирашда «Буйругимга қулоқ солганингизда, жонинглар бунчалар қийналмасди», ифодаси бор эди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг ўгли Абдуллоҳ яраланган, Ҳазрати Умму Саламининг қардоши Абдуллоҳ ибн Абу Умаййа ва Халид ибн Саиднинг укаси Саид шаҳидлар орасига қушилан эдилар.

Ҳазрати Умму Салама уканинг дард-фироқига охиратга шаҳид юборишнинг севинчини қўшди. Шаҳид бўлган бир пайтлар Пайгамбаримизга «Куз унгимда осмонга кўтарилсанг ва у ердан менинг иймонга келишим учун ёзувли қоғоз туширсанг ҳамки, валлоҳи, барибир сенга ишонмайман!» деган ўша Абдуллоҳ эди.

...

Орта қайтиш бошланди, асирлар, улжа моллари тўпланган Жибронага томон йўлга чиқилди.

Абу Рухм Гифорий бу сафар ҳақида гапириб, шундай дейди:

«Туямнинг устида кетаётган эдим. Туям Расули Акрамнинг туяларига тегадиган даражада яқинлашди. Оёқ кийимим Жа-

ноби Пайгамбаримизнинг оёқларини туртди ва жонларини огритди. Менга бир қамчи урдилар:

— Торт оёгингни, жонимни ачитдинг, — дедилар».

Абу Рухм ниҳоят даражада хафа бўлди. Жаноби Расулуллоҳни (с. а. в.) безовта қилишни ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган эди, ахир. Бир онда ўтмиши ҳам, келажаги ҳам маҳв бўлди гуё. Бу қилмиши учун Қуръон ояти нозил бўлишидан қўрқди.

Ора-сира ўзига ўзи: «Эй яшамагур Абу Рухм. Мана, Набийи Акрамнинг жонларига озор бердинг. Бундан кейин тепадан ёгажак раҳмат ёмгирини кутмоқдамисан?» дер эди.

Зотан Қуръони Каримда «Оллоҳга ва расулига азият берганларни Оллоҳ дунёда ва охиратда лаънатлади, уларга аламли бир азоб тайёрлади», дея айтилмаганми?.. Абу Рухм ана шуларни уйлар экан, ич-этини ер эди...

Мусулмонлар қўшини Жиъронага томон юришда давом этмоқда. Бир пастликка тушаётган Пайгамбаримиз ўзларига томон узатилган қўлга ва қўлдаги суякка диққат билан қарадилар. Ҳижратнинг оғир кунлари кўз ўнгларида намоён бўлди. Расули Акрамни тутиб Қурайшга топпириш учун орқаларига тушган, бироқ отининг оёқлари қумга ботгач, омонлик сўраган Суроқа-ку! Қўлида эса сўраган омоннома битилган суяк.

— Ё Набийаллоҳ, танидингизми мени? Ҳижрат пайти танишганингиз ва омоннома берганингиз Суроқа бўламан...

Расулуллоҳ марҳамат қилдилар:

— Эй Суроқа, бутун берилган ваъдани бажариш, яхшилик қилинажак кундир.

Пайгамбаримиз ёнларидагиларга қараб:

— Уни менга яқинлаштиринг, — дедилар.

Суроқа келди, шаҳодат калималарини айтди ва мусулмон бўлди.

— Ё Набийаллоҳ, баъзан йўқолган туялар келади, уларни ҳовузимда сугораман. Бу ишим учун менга ажр-мукофот ёзиладими?

— Ҳа, ҳар жонлиқ (қа қилинган яхшилик. — Тарж.) учун мукофот бор.

Суроқа юртига хурсанд ҳолда қайтди. Саккиз йилдирки, муқаддас омонат сифатида сақлагани суяк парчаси ҳақиқатдан ўз қийматини топди, энг қийин паллада берилган сўз энг катта имконларга эга бўлинганда мақбул кўрилди, эгаси рози қилинди.

. . .

Жиъронага кетишаркан, бир бадавий Ҳазрати Пайгамбаримизнинг йўлларини тўсди:

— Қани менга берилган ваъда? Қачон бажарасан? — дея сўради.

Гап уқмас, сабр нелигин билмаган қўпол табиатли бадавий Жиъронага боргунга қадар тилини тиёлмади. Олинган асир-

лар ҳам, ўлжалар ҳам уша жойда тўпланган. Ўлжалар уша ерда тақсим қилинишини ҳамма қатори бу бадавий ҳам биларди.

— Сенга бир хушхабар берайин!..

— Кўп бўлди бундай «хушхабар»лар!

Тарбия чегараларидан ташқарида бўлган бир муомалада бўлди бадавий... Оламларга Раҳмат бўлмиш Пайгамбарга қарши бундай гапириш ҳуқуқи ҳеч бир инсонга берилмаган эди. Бу жавоб Расулуллоҳни (с. а. в.) хафа қилди. Ёнларидаги Абу Мусо Ашъарий ва Билолга қарадилар.

— Бу одам берилажак муждани қабул қилмади, — дедилар, — сиз қабул айланг.

Бу илтифот икки саҳоба томонидан ҳам катта мамнунлик билан кутиб олинди. Хурсандлик безаган бир оҳангда:

— Қабул этдик, эй Оллоҳнинг пайгамбари, — дейишди бараварига.

Расулуллоҳ сув истадилар. Бир идишда олиб келинган сув билан қўлларини, юзларини ювдилар. Оз сувни оғизларига олдилар, қайтадан идиш ичига пуфладилар.

— Бу сувдан ичингиз, юзингизга, кўксингизга суртингиз, — дея марҳамат қилдилар.

Абу Мусо ва Билол сувни олдилар. Шу пайт туя устидаги кажавадан бир аёлнинг:

— У сувдан онангизга ҳам бир оз қолдиринг, — деган овози эшитилди.

Бу овоз уммул муъминин Умму Саламаники эди. Ҳар куни Расули Акрам билан бир дастурхонга утирадиган, айна идишда овқат ейдиган, айна идишда сув ичадиган бир хонимнинг айнан шу сувдан озгина исташи галати туюлмасинми. Шу онда Набийлар Сарварининг дарёлар каби жўшиб тошган илоҳий раҳматдан муаззам насибалар улашганларига шубҳа йўқ. Ул зотни Оламларга Раҳмат ўлароқ юборган Буюк Мавло айниқса бундай бир пайтда ул Зоти бобаракот воситаси ила ақл бовар қилмас мукофотларни тарқатишга қодир эди. Бироқ қайсидир инсонлар у бадавий каби нақд олдиғача келган неъматни тепкилади, қайсидир буни ҳаётидаги энг катта имконият деб билди. Оллоҳим, у сувдан ичганларнинг ҳурматига, у сувга ҳасрат нигоҳларини интиқ бўлиб тикканларга ҳам насиба улашмоққа, албаттаки, қодирсан Ўзинг!..

...

Абу Рухм умрининг энг азобли кечасини ўтказмоқда эди. Эрталаб ҳайвонларни боқиш навбати уники.

Ҳайвонларни олдига солди. Дунёси биқилган бир инсон каби сурувнинг орқасидан юра бошлади. Яна ора-сира «эй ер ютгур Абу Рухм, пайгамбардек зотга азият етказдинг-а!» дея узини койирди, қанча вақт ўтганини билмади. Тусатдан нафас олиб-олмаётганини сезмай қолди. Юраги хонасидан чиққудек бўлиб урарди. Чунки:

— Расулуллоҳ сени сўраяптилар! — дейишди.

Нима қиларни билмай Сарвари Оламниқ ҳузурларига йўл олди.

— Мени сўраган экансиз, эй Оллоҳнинг пайгамбари...

Шундай деди-ю, енгил нафас олди. Чунки Набийи Акрамнинг муборак юзларида фақат кулимсираш кўрди.

— Кеча менинг оёғимга тегиниб жонимни огритдинг. Мен эса сени қамчи билан урдим. Бу уришимнинг эвазига сенга шу қўйларни ҳада этаман, — дея марҳамат қилдилар.

Абу Рухм қулоқларига ишонмасди:

— Сиз нималар деяётганингизни биласизми узи?..

Агар рупарасида бу сўзларни сўйлаган Расулуллоҳ бўлмаганларида Абу Рухм бундай саволни ҳеч иккиланмай бериши тайин эди. Бировга озор етказганига жазо оламан, деб кутиб турганида бир сурув қўй билан мукофотланиш, албаттаки, инсонни ҳайрон қолдиради-да!

Бошини утирди. Қўйларга қаради. Бир қарашдаёқ саналадиган даражада оз эмас. Энг муҳими, Расули Акрамнинг ундан хушнуд эканликлари кўриниб турибди.

— Ташаккур сизга, эй Оллоҳнинг пайгамбари, — деди.

Бир оздан кейин Абу Рухм роса саксон қўйнинг эгаси бўлганлигини билди.

* * *

Расулуллоҳ (с. а. в.) Жиъронага келгач, бир неча кунгача ўлжа тақсимотини қилмадилар. Ҳавозинликларнинг келиш эҳтимоли бор эди. Келсалар ва мусулмон бўлсалар, асирлардан ва бошқа ўлжа молларидан уларга махсус ажратиб берилади.

Бу орада бадавийлар Жаноби Пайгамбаримизни қийнашар, тезроқ ҳақларини олмоқчи бўлишар эди. Ҳатто атрофларини ўраб олдилар, кимдир қўлларидан, кимдир қўйлақларидан торта бошлади.

Расули Акрам ҳазратлари уларнинг бу орсизликларидан ҳимояланиш мақсадида бир дарахт остига чекиндилар. Ниҳоят бир бадавий қўйлақларидан қаттиқ тортди. Айни пайтда бир неча киши томонидан тортилган қўйлақ йиртилди ва Ҳазрати Пайгамбаримизнинг белларидан юқори қисмлари очилиб қолди.

— Ҳой инсонлар, қўйлагимни беринглар... Сиз бу ўлжаларни бўлиб бермайди деб қўрқмоқдасиз? Валлоҳи, бу ўлжа шу тиканларнинг сонича туя бўлса эди, яна уни сизга тақсимлаб бераман. Ўшанда менинг хасис, қўрқоқ, ёлгончи эмаслигимни биласиз, — дея марҳамат қилдилар.

Шундан сўнг қўлларидаги бир туя юнгини юқорига кўтардилар ва яна шундай дедилар:

— Эй инсонлар, валлоҳи, сизнинг ҳақингиз бўлмиш ўлжадан шу юнг қадари ҳам менга ўтгани йўқ. Бироқ Оллоҳ буюрган бешдан бир қисм ҳисса борки, бу ҳисса яна эҳтиёж сезилганида сизлар учун сарфланади.

Набийи Акрам келтирилган қўйлақни кияр эканлар, бадавийлар ҳали ҳам ўлжа тарқатишни қаттиқ талаб қилишар, ҳа-

возинликлар мусулмон булганлари тақдирда уларга ҳеч нарса тегмаслигидан қўрқайтган эдилар.

Жиъронада ун кун кутилса ҳамки, ҳавозинликлардан дарак бўлмади. Ниҳоят, Ҳазрати Пайгамбаримиз ўлжа молларини тарқатдилар. Яёв булганга тўрт туя, отлиққа ун икки туя берилди, бирдан ортиқ оти борга яна алоҳида мол берилмади. Болалар ва хотинлар эса асир сифатида тарқатилдилар.

. . .

Ўлжа тарқатилаётган вақтда кутилмаган воқеалар юз берди. Масалан, Сафвон ибн Умаййа ҳеч ҳаққи бўлмаса ҳамки, юз туялик бир совга олди. Ваҳоланки, у урушга фақатгина мушоҳид (томошабин) бўлиб қатнашди, ҳатто қиличини қинидан ҳам чиқармади. Қолаверса, мусулмон ҳам эмас. Бир мусулмондан кўп ўлжа олиши у ёқда турсин, бу одамнинг ўлжа моли билан ҳеч алоқаси бўлмаслиги керак эди-ку!

Бу томонда жонини тикиб энг самимий ниятда жанг қилган, вужуди қон-яра ичида қолганлар бор. Булар бир неча йиллардан бери Оллоҳнинг дини ва Оллоҳ расули йўлида кўксини қалқон қилганлар: йиллар мобайнида тортмаган азоби қолмаган, ҳаётини Оллоҳ ризоси ва Расулуллоҳга хизмат учун ўтказган кимсалар...

Абу Суфён ўлжа молини олиш учун Жаноби Пайгамбаримизнинг ҳузурларида турганида кўнгилларда иккинчи бир олов ёнаётгандай бўлди. Умрини Султони Анбиёга ва Оллоҳнинг динига қарши кураша-кураша ўтказган, кейин эса шаҳодат калимасини айтиб жонини сақлаб қолган шу одамга ҳам юз туя бериладими?.. Қолбуки, у ҳам бир томошабинга ўхшаб бир чеккада кутиб турди... Фатҳдан кейин ҳам бир фурсат топиб кўтаражак исён билан Набийи Акрам жанобимизни сафдан чиқариш дардида бўлганлиги ҳам аён...

Ҳунайида қўшин сафи бузилиб, аскарларнинг қочаётганлигини куриб: «Бу тарқоқликнинг сўнги денгизгача чўзилади», деганида нималарни ўйлагани эса, алоҳида масала...

Бироқ Расулуллоҳ жаноблари унга юз туя бердилар.

— Ё Расулуллоҳ, катта ўғлим Язидга ҳам бир нарса бермайсизми?..

Бу сўроқ Абу Суфённинг дафтарига яна юз туяни ёзилишига сабаб бўлди.

— Ё Расулуллоҳ, кичик ўғлим Муовия ҳам бор!..

— Икки юз туя сенга ва болаларингга камлик қиладими, эй Абу Суфён?.. Қара, бу ерда қиличлардан қон томаётган шунча мард ўғлонлар тўрттадан туя олдилар. Жангда галаба қозонган улар. Ваҳоланки, бу улжалар қулга киритилаётганида сен узатилган оёгингни йиғиштириб олишга эриндинг. Бу йўлда пешонангдан бир томчи тер ҳам оқмади!..

Абу Суфёнга бундай дейилмади. Аслида бу сўзларни ҳақли равишда унга айтмоқчи бўлган бир неча инсон Абу Суфённинг кетма-кет истақларига ва Расулуллоҳнинг унга берганла-

рига ичлари зил кетиб қарашмоқда эди. Ҳа, тарихнинг ҳар даврида мол жоннинг орзуи бўлган.

Натижа шуки, Абу Суфённинг навбатдаги истаги ҳам мақбул кўрилди. Шундай қилиб, Абу Суфён уч юз туялик бир сарватнинг эгаси бўлди-қолди. Инсон ҳаёлида ҳам қулга кири-толмайдиган бир сарват...

Сунгра Ҳаким ибн Ҳизомга юз туя берилди.

Ақроз ибн Хобис юз туя олди.

Уйайна ибн Хисн юз туя эгаси бўлди.

Алқама ибн Улосага юз туя...

Аббос ибн Мирдосга эллик туя ажратилди. Бу тақсимдан Аббоснинг асаби қўзғалди. Шоир бир одам эди. Узининг Ақроъдан ҳам, Уйайнадан ҳам қолишмаслигини, улар олганчалик ўлжа ололмаганидан хор ва ҳақир кўрилганини ифодаловчи бир неча байтлик шеър ҳам ўқиди. «Бутун хор этилган қайта бор шарафли бўлолмас», деди.

Аббос ибн Мирдоснинг шеъри Пайгамбаримизга етказилди. Аббос чақирилди.

Фахри Коинот:

— Эй Аббос, «Менинг ва Убайд исми отимнинг ҳиссаси Ақроъ ва Уйайна уртасида тақсимланди», деган сенмисан? — дея сурадилар.

Аббос ўзича ҳақли ҳисоблаган даъвосини яна бир бор Расули Муҳтарамнинг ҳузурларида тилга олди. Жанобимиз ёнларидагиларга қайрилиб:

— Бу одамнинг тилини кесинг, — дедилар.

Аббос пешонасида пайдо бўлган терларни артишга улгурмай, қулидан бир қулнинг ушлаб олганини сезди. Ич-ичидан пушаймон еди, берилганига рози бўлсам бўлмасмиди, дея бошлади. Ташқарига чиққанда қўрқув ва ҳаяжон билан:

— Менинг тилим кесиладими?.. Менинг тилим кесиладими-а? — дер эди.

Ҳазрати Абу Бакр уни ўлжа молларининг ёнига олиб бораркан, «Албатта, эй Аббос, сенинг тилинг кесилажак ва сен иккинчи марта Расулуллоҳга қарши гапиришга имқон тополмайсан», деди.

Адиб ва шоир бир киши бўлишига қарамай Аббос бу сўзларнинг мажозий маънода қўлланилганини, унинг ўлжа ҳақи юз туяга чиқарилганини кўргандан кейингина тушунди. Қўпол бир бадавий бўлса ҳамки, бундан буён Расули Акрамга қарши гапириш йўли беркитилган, тили кесилгандек эди гўёки. Қайта бор Жаноби Пайгамбаримизнинг ҳузурларига олиб келинганида тили бошқа бир тил бўлган эди.

...

Ҳаким ибн Ҳизом Ҳазрати Хадичанинг жияни эди. Қавми ва қабиласи уртасида эътиборли, ўз қадрини биладиган бир инсон. Макка фатҳига қадар мусулмон бўлмади. Бироқ на Расули Акрамга ва на бошқа мусулмонларга зарари тегмади. Му-

сулмонлар Абу Толиб маҳалласида азобли кунларни ўтказаятган бир пайтда, озуқа юкланган туяларни маҳаллагача келтириб, кеч кирганда орқаларига қайтган икки кишидан бири Ҳаким эди.

Ҳаким ўлжа тақсимлаш асносида Расулуллоҳдан (с.а.в.) юз туя мукофот олганлардан бири бўлди. Ҳаммага ҳам бундай катта ўлжа ажратилмаганини ҳам биларди.

Абу Суфёнга икки юз туя берилганини кўриб, унда ҳам умид уйғонди. «Нима бўлсам ҳам, бир марта омадимни синаб кураман...» Шу уй билан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурини саодатларига борди.

— Ё Набийаллоҳ, менга яна ҳадя беришингизни хоҳлайман, — деди.

Бу истак рад этилмади. Бир камбағалнинг хаёлига ҳам келмайдиган бойликка эга бўлиб у ердан айрилди. «Булар ҳам сеники, эй Ҳаким», дея унга тақдим қилинган иккинчи ўлжа юз туя эди. Ҳаким ақлли иш кўргани учун ўзидан хурсанд бўлди. Расулуллоҳ бир-икки эмас, юз туя билан унинг хоҳишини қондирган эдилар.

Кўп ўтмай Ҳаким ўзини Расули Роббил Олабийнинг ёнларида кўрди. Лаблари кўнгил орзуини «Яна совға берсангиз, эй Оллоҳнинг пайгамбари!..» сўзлари билан ифодалади. Бу истак яна юз туялик тортиқ билан бажарилди.

Ҳакимнинг кайфияти чоғ. Уч юз туя ҳазилакам бойлик эмас. Бир оилага эмас, бутун қариндош-уруғларига ҳам етиб ортади. Бу иш шу ерда тугай қолмади. Расули Кибрийё унга шу сўзларни сўзладилар:

— Эй Ҳаким, билгинки, мол-дунё жозибадордир, шириндир. Ким бу молни кўз тикмай, сўрамай берилганида олса, у мол баракалидир. Кимки уни кўз тикиб, ҳирс ва ҳалқуминигина ўйлаб олса, у мол баракали бўлмайди. У одам еб тўймайдиган бир мавжудот кабидир. Шунини ҳам унутмагин, эй Ҳаким: берувчи қўл олувчи қўлдан устундир.

Расулуллоҳнинг Ҳакимга ана шундай деганларига шубҳа йўқ. Бироқ бу гапларни юз туяни берар-бермас айтдиларми, бир неча кун кейинми — буни билмаймиз. Аммо Ҳаким бу гапларнинг суяк-суягига ботганлигини ҳис этди. Инсонлар орасида виқор ва обрў билан яшаш, барибир «берувчи қўл» соҳиб бўлиб яшашига боғлиқ эканлигини ўйлади. Бошини кўтарди, кўзларини Расули Муҳтарамга тикди:

— Сизни пайгамбар қилиб юборган Оллоҳга қасам ичиб айтаманки, бундан кейин, то ҳаётда эканман, ҳеч бир кимсадан бир нарса сўраб олмайман, — деди.¹

Берган сўзига содиқ қолди. «Муаллафатул қулуб» (Қалби Исломга ошно қилинувчи) кишилар қаторидан бўлиши, Исломга исинсин дея хазинадан маош ажратилганига қарамай, ҳаёти давомида ҳеч кимсадан бир танга ҳам сўрамади, сўрамай бери-

¹ Бухорий; 4/38

лаётса ҳамки, қабул қилмади. Ҳазрати Умар халифа булганида маошини олишини қайта-қайта айтишига қарамай, Расулуллоҳга берган сўзининг устидан чиқди ва олмади. Ниҳоят Ҳазрати Умар:

— Эй аҳоли, ўзингиз гувоҳ бўлинг — Ҳакимга уз ҳаққи булган молини берганим ҳолда олмаяпти, — дейишга мажбур бўлди.

...

Саъд ибн Абу Ваққос молларнинг бу тарзда тақсим қилинганлигининг сабабини тушунолмади. Аслида, буни англаш қийин эмас эди.

Агар камбагалга кўпроқ, бойга камроқ берилганида эди... Ҳолбуки, Абу Суфён каби, Суҳайл ибн Амр каби, Ҳаким ибн Ҳизом каби одамларнинг молини тушида ҳам кўрмаган неча-неча камбагалларнинг кўнгли тўрттадан туя берилиб «кўтарилди». Бойларнинг эса хазинаси янада кўпайтирилди.

Қалбларидаги иймонга, Оллоҳга булган боғлиқликка қараб тақсимланди, дейишга эса тили бормайди... Гарчи ҳеч кимнинг қалбини ёриб кўрмаган булса ҳамки, улжанинг асл қаймогини олган Ақроъ каби, Уйайна кабиларнинг Ислом билан булган алоқаларининг қанчалар эканлиги унчалар қоронгу эмас... Ваҳоланки, бу ёнда ҳам фақир, ҳам Исломни руҳига яхшилаб сингирган неча-неча самимий мусулмонлар бор... Ҳеч булмаганда бир мартагина эслаш фойдадан холи бўлмас эди-ку!..

Шу ҳаёллар огушида Расулуллоҳнинг ҳузурларига борди:

— Салом бўлсин, эй Оллоҳнинг пайгамбари!

— Сенга ҳам салом бўлсин, раҳмат бўлсин, эй Саъд!

— Ё Набийаллоҳ, сиз бу ўлжадан Ақроъга ва Уйайнага юзтадан туя ажратдингиз. Жуайлга эса айтарлик бир нарса тегмади. Мен уни яхши бир мўмин деб биламан.

— Ёхуд у бир муслим...

Саъд Расули Ақрамнинг бу сўзларидан етарли бир маъно чиқара олмади. Бир чеккада ўтиришликни маъқулоқ кўрди.

Анчагача кутиб турди. Фақат Жуайл ҳақидаги қаноати виждонини қийнар, оғир босаётган эди. Ақроънинг ҳам, Уйайнанинг ҳам қанақа одам эканликларини билиш учун эса олдларида узундан-узоқ вақт ўтиришга ҳожат йўқ. Маккалик бўлиб юзтадан туя олганлари-чи?.. Уларнинг дастидан мусулмонлар тортган азоб-уқубатларни айтиб адо этиб бўлмас...

Ниҳоят Саъд ўрnidан туриб яна Пайгамбаримизнинг ёнларига келди:

— Ё Набийаллоҳ, Жуайл ҳақида қандай фикрдасиз?.. Валлоҳи, менимча у яхши бир мўминдир, — деди.

Бироқ Жаноби Пайгамбаримиздан яна айни жавобни олди.

Тушунмаган томони мўмин билан муслим орасидаги фарқ эди. Ҳар иккиси ҳам айни маънони ифодаловчи икки сифат эмасми?... Ҳозиргача ҳар мўминга муслим дейилган, муслим булган мўмин деб қабул қилинган-ку!..

Бир муддат турди, бироқ яна кўнгли тинчимади, яна ҳузур Рисолатга борди, ўз номидай маълум ҳақиқатни тилга олди. Бу сафар Сарвари Коинот Саъднинг елкаси билан буйни орасига шапатилаб:

— Мен билан мужодала қияпсанми, эй Саъд? — дедилар ва сўзларида шундай давом этдилар: — Муҳаммаднинг руҳини қўлида тутиб турган Оллоҳга қасамки, Жуайл Уйайна ва Ақроъдан бир неча бор хайрлидир. Бироқ мен уларнинг қалбларини Исломга исинтирайин (ошно қилайин) деб, Оллоҳ уларни юзтубан ҳолларида дўзахга киритмасин дея шундай йўл тутмоқдаман. Жуайлни эса Ислом динига нисбатан қалбида мавжуд самимияти ила қолдирышман.

Ва мана, ниҳоят, Расулуллоҳнинг «балки бир муслим» сўзларининг ҳақиқий маъноси англашилди. «Балки у иймонидаги самимиятта топширилган бир инсон», демоқчи бўлганлар, фақат Саъд бу ўриндаги инжаликни фаҳмлай олмаган эди.

Қисқа бўйли, юзи хунук, бироқ покиза қалб соҳиби бўлган Жуайл бу хабарни эшитиб қувончидан ўзини қўярга жой тополмади, телба бўлаёзди. Инсонларнинг ҳақиқий баҳосини билган Оллоҳ ва расули бундай ҳукм бериб турганида бу фоний дунёда бой бўлиб яшадинг нима-ю, камбағалликда умр ўтказдинг нима!..

Саъд ибн Абу Ваққоснинг қайта-қайта мурожаати натижасида Расули Кибриёнинг бир неча инсонларга нима сабабдан кўп миқдорда мол берганларининг ҳикматини тушуниб етиш имконияти туғилди. Бу одамлар халқ орасида сўзи ўтадиган кишилар эди. Берилган бу моллар туфайли уларнинг қалблари Исломга ошно қилинажак, шу билан бирга, фитна ва фасоднинг раҳбари булишларининг олди олинажак эди.¹

¹ Қуръони Каримда «Муаллафатул қулуб» (қалблари Исломга исинтириладиган кишилар) дея билдирилган бу кимсаларга Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг буйруқлари билан маълум миқдорда солиқ пули тўлаб турилди. Улар бу солиқларини Ҳазрати Абу Бакр халифалигига қадар олишди. Ҳазрати Абу Бакр замонида диндан қайтганларга қарши урушлар тугаб, Ислом бирлиги барпо қилингандан кейин ҳам яна маошини олиш учун келган Абу Суфён Ҳазрати Умарни топди, маош қозонини унга узатди. Ҳазрати Умар қозонни олди, яхшилаб йиртиб, олди. Кейин:

— Эй Абу Суфён, Жаноби Пайгамбаримиз бу маошни сизларга қалбларингизни Исломга иситиш учун бераётган эдилар ва у кунларда Ислом заиф эди. Бугун эса дин кучайди. Рози бўлмасанглар, ўртадаги масала қилич билан ҳал қилинажак, — деди.

Ҳеч қутилмаган бу сўзларни эшитиб лол қолган Абу Суфён орқасига қайтиб, бўлган воқеани Ҳазрати Абу Бакрга тушунтирди. Қозоннинг майда-майда қилиб йиртилганлигини айтиб «Халифа сенмисан ёки Умарми?..» деди. Иккиси ўртасида низо чиқармоқчи бўлди. Бироқ Ҳазрати Абу Бакрнинг қисқа ва кескин гапи ишни ҳал этди:

--- Хоҳласа, Умар халифадир...

Ҳунайнда бошланган бу маош Буюк Умар сабаб бўлиб ана шу тарзда тухта-тилди. Ҳазрати Умар айни тадбирни Ақроъ ва Уйайна учун ҳам ижро этди. Асҳобдан ҳеч кимнинг эътироз билдирмагани унинг бу ишини маъқул деб топганлари эди.

Сафвон ибн Умаййа бу муҳорабага бор-йўти бир кузатувчи бўлиб қушилган эди. Турт ойгача эса куфр ва ширк узра қолишга рухсат олди. Шу билан бирга, юз туя билан сийланди, бундан қувончи чексиз. «Йўқ, ололмаيمان, ўлжа меники эмас, жангда жонларини тикканларнинг ҳаққи», дейиш умуман ҳаёлига келмади.

Бир кун Ҳунайндаги тепаликлардан бирида ўтириб, пастда водийни тўлдириб юрган туяларга ҳайрат билан қараб турар эди. Бирдан ён томонидан бир овоз келди:

— Жуда ҳам ёқдим булар сенга, эй Сафвон?..

— Ҳа, эй Муҳаммад, булар жуда ҳам чиройли.

— Ундай бўлса, ол, уларнинг ҳаммаси сеники.

Қулоқларига ишонмади Сафвон. Бунақаси бўлмайди. Куз ўнгида жуда катта дунё турибди! Пайгамбардан бошқа бир кишининг бу даража сахий бўлиши мумкин эмас. Ваҳоланки, Расули Акрам шунча туянинг ҳаммасини кечагача ашаддий душмани бўлиб келган одамга икки ҳовуч хурмо бераётгандай бамайлихотир бераётган эдилар.

— Мен гувоҳлик бераманки, сен ҳақ дин устидасан. Оллоҳдан ўзга бир маъбуд йўқлигига ва сенинг Оллоҳнинг расули эканлигинга иймон келтираман, — деди.

Ҳа, Сафвон куфр ҳаётининг сўнгги дақиқаларини ўтказиб, янги ва нури ҳаётга қадам босди.

Айни пайтда, мадиналик мусулмонлар орасида нохуш шамоллар эсмоқда эди. Ҳеч ким ўлжа тақсимида рози эмас, бундай тақсимотни ақлларига сиғдира олмаётган эдилар. Ансорнинг пешволари бу ҳақда огиз очишни истамадилар. Бироқ ёнларида номақбул гаплар айтилмоқда:

— Валлоҳи, ақл бовар қилмайди... Қиличларимиздан бу одамларнинг қони томиб турса-ю, ўлжа биз қолиб уларга тарқатилса...

— Уруш чиқса, чақирилган биз бўламиз. Ўлжа тақсимида эса, бошқалар ҳозир у нозир...

— Оллоҳ таоло пайгамбарини кечирсин... Қурайшга мол улашмоқда, бизни эса чеккага итармоқда. Ҳолбуки, қиличларимиздан томчилаётган уларнинг қонлари...

— Жаноби Пайгамбаримиз бу тақсимда Оллоҳ розилигини кўзлаб иш тутмадилар...

— Валлоҳи, бу адолатта асосланмаган ва Оллоҳ ризолиги кўзланмаган бир тақсимотдир.

— Расулуллоҳ афандимизни ўз қавм ва қабиласининг севгиси ўраб олди...

Бу ва бунга ўхшаш сўзлар кўп-кўп айтилди. Ансорнинг пешволари ишнинг олдини олиш, ҳеч бўлмаса огиз очмасликка ҳаракат қилишса ҳамки, бунинг имкони булмади. Охири Ҳазраж қабиласининг раиси Саъд ибн Убода ўрнидан турди, Сар-

вари Оламнинг ҳузурларига келди, «очиқ ярага қурт тушмас» деганларидай, булган гапларни бирма-бир айтиб берди.

— Хуш, узингнинг аҳволинг қандай, эй Саъд?

— Мен ҳам қавминнинг бир одамиман.

— Ундай бўлса, қавмингни менинг олдимга тушла!..

Саъд кетди. Кўп ўтмай ансордан кўп сонли оломон бир катта чинор остида тупланишди. Пайгамбаримиз чодирга келгач:

— Ичингизда ансордан бўлмаган борми? — дея сўрадилар.

— Бир киши бор. У ҳам бўлса, синглимнинг ўғлидир, — деди биров.

— Синглингнинг ўғли айти қабиладан ҳисобланади, — дедилар. Кейин сўзларини шундай давом эттирдилар: — Мен ҳақимда айтган бу сўзларингиз нимаси? Адашиб юрганингизда мен сизни топдим ва Оллоҳ менинг воситамда сизни ҳақ йўлга ҳидоят этмадимми?

— Худди шундай, ё Расулуллоҳ. Валлоҳи, Оллоҳнинг ва расулининг неъмат ва эҳсони ила ана шундай бўлди.

— Сизни камбағал кимсалар ҳолида кўрган эдим. Оллоҳ менинг воситамда сизни бой — беҳожат қилмадимми?..

— Ҳа, валлоҳи, Оллоҳнинг ва пайгамбарининг фазлу карами ила шундай бўлди...

— Бир-бирингизга душман эдингиз. Оллоҳ таоло мени сабаб қилиб қалбларингизни бир-бирига исинтириб дўст ва қардош бўлмадингизми?..

— Ҳа, валлоҳи, Оллоҳ ва унинг пайгамбари туфайли шундай бўлди.

Шунда Жаноби Пайгамбаримиз уларга қайта бор хитоб қилиб, шундай дедилар:

— Менга жавоб бермайсизми?

— Нима деб жавоб қилайлик, эй Набийаллоҳ?

— Валлоҳи, истасангиз шундай деб жавоб беришингиз мумкин эди: «Сен ўз қавминг томонидан ёлгончига чиқарилдинг ва бизга келдинг. Биз сенинг айтганларингни тасдиқламадикми? Паришон бир аҳволда келганингда ёрдам бермадикми? Қувилиб келдинг — бағримизга босмадикми? Муҳтож ҳолда келдинг — сенга мадад бермадикми?» Ва шуларни дейишга ҳаққингиз бор эди... Эй ансор, Исломга исинишлари учун уларга дунё молидан бериб, сизни динингизга ҳавола қилишим оғир ботдими?.. Одамлар қуй ва туя сурувлари билан бу ердан айрилар экан, сиз Оламларга Раҳмат булган Оллоҳнинг расули билан ортингизга қайтишга рози эмасмисиз? Рўҳи қўлида булган Оллоҳга қасамки, гар ҳижрат сафари бўлмаса эди, мутлақо ансордан бири бўлиб қолардим. Бутун инсонлар бир водийга тупланса-ю ансор бошқа бир водийнинг йўлини тутса, ансорга эргашардим. Ҳаётим сизнинг ҳаётингиз, ўлимим сизнинг ўлимингиздир... Оллоҳим, ансорга раҳматинг ила муомала этгин!.. Ансорнинг болаларини ҳам, невараларини ҳам раҳматингга етказ...

Бу сўзларни эшитган ансор соқоллари ҳул бўлгунга қадар йиғладилар:

— Расулуллоҳнинг тақсимларига ҳам. бу тақсимда насиба-мизнинг Расулуллоҳ бўлишларига рози бўлдик, — дейишди.¹

• • •

Жаноби Пайгамбаримиз (с.а.в.) Ҳунайн қўшинининг мағлуб қўмондони Молик ибн Авфга хабар жўнатдилар; Ислоом динини қабул қилса, унга хайр-саховат кўрсатилиши, асир тушган оиласи ва болалари қайтариб берилишини маълум қилдилар. Асир ва ўлжа тарқатилишининг кечиктирилиши ҳам Моликни кутганликлари туфайли эди. Керагича кутилган ҳолда Молик ва Ҳавозин ҳайъати келмагач, тақсим бошлаб юборилди.

Орадан анча пайт утандан сунг, бир куни Молик келди. Ислоом динини қабул қилди. Расули Муҳтарам (с.а.в.) унинг болаларини ва оиласини ўзига қайтардилар, юз туя ҳадя этдилар.

Ундан кейин келган Ҳавозин ҳайъати ҳам Ислоом динига кирди. Фақат кеч қолишди. Шундай бўлса ҳам, Пайгамбаримиз уларга:

— Хоҳланг асирларни танланг, хоҳланг ўлжа молларини, — дея марҳамат қилдилар.

Иккисини ҳам бирдан олишлари мумкин эмас; асирларни танладилар. Пайгамбаримиз уларга «Қабила оқсоқоллари билан маслаҳатлашинг, ва сўнги қарорни шунга қараб беринг», деб буюрдилар. Кетдилар, яна ўша қарор билан қайтдилар. Жаноби Пайгамбаримиз:

— Мен ва Абдулмуттолиб оиласининг чекига тушган бутун асирлар сизникидир, — дедилар.

Муҳожирлар ва ансор ҳам шундай қилдилар. Ақроъ ибн Хобис эътироз билдирди:

— Мен ва Тамим қабиласи асирларимизни бермаймиз.

Уйайна уни қўлади;

— Мен ва Фазора қабиласи ҳам бунга норозимиз.

Аббос ибн Мирдос ҳам уларга қўшилди:

— Мен ва Сулайм қабиласи ҳам асир бермаймиз, — деди.

Бироқ сулаймликлар Аббоснинг бу қарорини қўллаб-қувватламадилар.

— Биз ўз ҳаққимизни Расулуллоҳ афандимизга қолдира-миз, — дедилар.

Аббос қавмининг бу ишидан жигибийрон бўлди: «Мени шарманда қилдингиз, бундай қилмаслигингиз керак эди», дейишдан ўзини тўхтатолмади.

Шундай қилиб, Ҳунайнда олинган асирларнинг жуда кўпчилиги яна ўз ҳурриятларига қовушдилар.

Расулуллоҳ жаноблари Жигъронадаги ишларини битирганларидан кейин яна бир бор Умра қилиш ва у ердан Мадинага бориш учун йўлга чиқдилар.

¹ Бухорий; 5/104—106; Муслим; 2/733—739; ал-Комил; 2/271

Анас ибн Молик дейдики: Расулуллоҳ афандимиз билан бирга кетаётган эдим. Орқадан келган бир бадавий жанобимизнинг кўйлақларига ёпишиб олди ва жаҳд билан тортди... Иттифоқо, Расули Муҳтарамнинг буйинларида бир қизил чирик пайдо бўлди. Бадавий, бу қўпол ҳаракати учун узр сўрашни ҳаёлига ҳам келтирмади. Пинагини бузмай:

— Эй Муҳаммад, буюргин, Оллоҳнинг молидан менга ҳам беришин, — деди.

Расулуллоҳ ҳазратлари бу кўримсиз одамга қарадилар, сўнг кулимсирадилар ва «Бир нарсалар беринг бунга» дея буюрдилар.

* * *

Тавба сурасининг 25- ва 26-оятлари Ҳунайн муҳорабаси ҳақида нозил бўлганлиги маълум бўлди: «Оллоҳ сизларни кўп уринларда голиб қилди. Ҳунайн кунини (эсланглар)! Ушанда сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у (яъни, саногингизнинг кўплиги) сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади (қутқариб қолмади) ва сизларга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз утирган ҳолингизда чекиндигиз! Кейин Оллоҳ пайгамбарига ва мўминларига Ўз томонидан хотиржамлик нозил қилди ҳамда сизлар кўрмаган бир лашкарни (яъни, фаришталарни) туширди ва кофир бўлган кимсаларни азобга дучор қилди. Кофирларнинг жазоси шудир».

Расулуллоҳ (с.а.в.) Умра зиёратини адо этгандан сўнг Маккада Атоб ибн Асидни волий этиб қолдирдилар. Диний маълумот берувчи ўқитувчи ва ҳаким қилиб эса, Муоз ибн Жабал тайинланди.

Саккиз йил аввал жонига қасд қилинган бир инсон сифатида айрилганлари Маккани бу сафар бутлардан тозалаб тарк қилаётган эдилар. Халқ Жаноби Мавлонинг бирлигини қабул этган, иймонга кирган эди. Пайгамбарларнинг энг буюги жанобимиз «Ҳаётим сиз билан, улимим ҳам сиз билан» деганлари ансор гуруҳи ичида Мадина йўлини тутдилар.

Узоқдан Уҳуд тоғлари куринаётган пайтда ҳижрат йилининг ўн биринчи, яъни, зулқаъда ойи эди. Беш ҳафтадан кейин ҳижратнинг саккизинчи санаси тугайди...

Бир оздан сўнг Набийлар Сарвари жанобимиз Мадинага етиб келадилар. Аввало масжидга кириб икки ракат намоз ўқийдилар, кейин эса уйларига кириб дам оладилар. Атрофларидаги саҳобаи киромлар Набийий Акмалнинг ҳар сафардан қайтишларида одат булган «Қайтмоқдамиз, тавба этамиз, Роббимизга ҳамд айтамыз...» дея Мавлога ҳамду шукроналар тақдим этганларини эшитадилар...

Битди



Субҳидом сабоси настарин тусда

Дилмурод Исматов

* * *

Бир сулув сочлари чилвир-ей,
куйида саргардон уйларим.
Етарми гамбода куйларим,
фалакнинг гардиши эврилиб?!

Шунчалар булурми назокат,
латофат бу қадар беадад?!
Жафолар билмасми ҳеч сарҳад,
ўлдим-ей, ёғимга қоврилиб?!

Дор истаб сочларинг кўмсадим,
ялиндим, бир тола узмадинг.
Камондан ўқ узиб сезмадинг,
қолдим-ку юракдан айрилиб.

Майлига армонда ўтойин,
фироқда юрагим янчилиб.
Бир йўла кўр бўлиб кетойин,
кипригинг кўзимга санчилиб.

Бир сулув сочлари чилвир-ей!

* * *

Сендан ажраб бугун-ей,
кўз ёшларим кўл энди!
Юрагимда тугун-ей,
кўнглум боғи чўл энди!

Энди менга манзил йўқ,
борар ерим йўл энди!
Дуч келганда дил эмас,
учрашади кўл энди!

Бағринг сени тошданми,
куйиб кетди дил энди!
Бошқасин билмасанг ҳам
зора шуни бил энди!

Орамыздан гинани
учира қол, йил энди!
Арзимаган гуноҳ-ку,
кечира қол, кел, энди!

* * *

Сен дунёда энг гўзал қизсан,
сендан гўзалининг борлиги ёлгон.
Кўждаги энг ёруғ юлдузсан,
васлинга етмоққа йўқдир ҳеч имкон.

Қошларинг камондек тортилган,
кўзларинг бераҳм жаллоддир.
Ишқинг-да аҳволим хор қилган,
лабингдан жонимга нажотдир.

Кипригинг мисоли ханжар-ей,
кўксимни тилишга чоғланган.
Сочларинг узилмас занжир-ей,
кетолмам, йўлларим боғланган.

Пойариқ

Маҳмуд Йўлдошев

* * *

Баҳор чоғларида телбаҳол боқиб,
Хушнуд майсаларни топтадим билмай.
Қушлар учиб келди қанотин қоқиб,
Табиат тилсимин куйлаган тилдай.
Фақат йўллар сенга бермади имдод,
Табиат менга ҳам бермади қанот.

Еллар қувишдилар булут подасин,
Ажралиш ҳажридан йиғлади сойлар.
Қизгалдоқ қон йиғлаб, шудиринг шодасин
Еллар оғушида тебратиб ўйнар.
Фақат ишонч сенга кўрсатмади роз,
Мен ҳам бўяйвердим, — севдим деб — қоғоз.

Кучга тўлиб кетди куртаклар ҳисси,
Пақапақ ёрилиб айланди гулга.
Ҳақиқий туйғуга тўлишган қисми
Тахир довча бўлиб киришди тилга.
Фақат сенинг ҳиссинг тўлишмади ҳеч,
Мен сезмай юрардим қолганимни кеч.

Офтоб этагини оламга ёйди,
Довчалар тўлишди шарбат, болига.
Дўстларим телба деб менга қарайди,
Умрини берди, деб ёрнинг холига.
Фақат сен телбани тушунмадинг, гул,
Мен-чи, юравердим ҳисларимга қул.

Мана, ой осмонда, қалқийди кўкда,
Сўлим баҳор билан ўйнайди ҳилол.
Ошиқ кутар сени адир, қиёқда,
Қиё боқ агарда келмаса малол.

*Фақат сен яшадинг қалбингда бир тош,
Мен-чи, кутавердим, чиқар деб куёш.*

*Сахий бу баҳордан узмай умидим,
Ҳали ҳам севгим деб қиламан фарёд.
Она табиатга саждалар қилдим,
Мендек ғарибингни айлагин бир ёд.
Фақат сен ғарибга ёғдир саховат,
Мен-чи, умид билан қилай тиловат.*

Тошкент

Иззат Ҳикматов

Болажон

*Покиза тилаклари осмон каби мусаффо,
Дафтарига оқ каптар расмин чизган болажон.
Ҳали мурғак дилингда бегонадир кибр-ҳаво,
Орзулар оламида шодон кезган болажон.*

*Оқ қушлар қўшигини тинглайсан сой бўйида,
Бутана сув оғуши, шўх тўлқинлар болиши.
Сутнинг иси кетмаган онайизор қўйнида,
Куёш билан кетма-кет эриниб уйғонишинг.*

*Чанг-тузон қанотида қувиб қўзичоқларни,
Майсаларга бош қўйиб, ухлаб қолдинг беозор.
Тойчоқ каби диркиллаб кетказиб чарчоқларни,
Ширин тушлар кўрасан таъбири дунёча бор.*

*Чуст дўпписи бошингда, тетапоя ёшингда,
Ҳар қадамда қоқилиб, заминга бош қўявер.
Она ерга сажда қил, юртнинг тоғу тошига,
Одам ато авлоди, тупроқ ҳидин туявер.*

*Бахтиёрлик ҳам бахтдир, қисматга шукр қилгил,
Дунёга толе тила, тила тинчлик, омонлик.
Болалик бир подшоҳлик, уйлагин, фикр қилгин,
Гудак нияти вожиб, эл кўрмагай ёмонлик.*

*Кўксингдаги туморинг, кўзмунчоғинг ярашган,
Сенда олам ғами йўқ, асли ўзинг бир жаҳон.
Ёмон кўздан асрасин, ҳавас билан қарашса,
Оқ кабутар расмини чизавергин, болажон!*

Нишон

Ёруғ дунё

Менинг мўжаз умрим — мўжиза даврим,
Сочилди кундузу кечаларингга.
Йигитлик сурури — ёниқлик ҳоври
Сингдилар лоларанг гунчаларингга.
Эй ёруғ дунё!..

Сенга шуҳрат талаб бўлиб келдилар,
Багрингга сиздирдинг куч-кўронини;
Унвон, шавкат талаб қилиб келдилар,
Оқлаб-оқламади тутган нонингни.
Эй ёруғ дунё!..

Сен уйчан эслатдинг кўҳна нақлни:
«Ҳар ким экканини ўради, болам!..»
Ким кўқда парвозда, ким жим йўқолди, —
Ҳақиқат шаҳрисан, нуфузинг баланд.
Эй ёруғ дунё!..

Асло уйламасдим ажрашни, лекин,
Эгилдим онамнинг тилақларига.
Яшадим сирти тинч дарёдай сокин,
Чўнг армон тўлди-ку юракларимга!
Воҳ, ёруғ дунё!..

Ҳали ҳам этакни силтаганим йўқ,
Ҳали ҳам эшикни ёпмадим қаттиқ.
Куксим уқтин-уқтин санчиб кўяр, ух...
Наҳот, севган бўлсам шу қадар ортиқ?!
Ҳаҳ, ёруғ дунё!..

Барча шодликларинг, ғуссаларинг-ла,
Буюк муҳаббатинг тушибди бошга.
Барча гўзалларинг, инсонларинг-ла
Тушларимга кириб чиқасан...
Тошкент!

Шеъримга

Шеърим, яна ўзинг яхшисан.
Усмон Носир.

Мен ҳам йўлларингда куйманар эдим,
Хушбахт кўрсам дердим, сени гул нусхам.
Ёнингга юлинган дил қийма эди:
«Умринг узун, ахир, нега йўл қисқа?..»

Тусатдан, қисматдан қисилган валий —
Вужуд вижирлади — кўқда сезилди;
Қузигул орзуга туз тутар ҳали,
Бугдойлар буй чўзар — умринг узун-да!

Очундай очилдинг, дил — валфажрда,
Чучимай, гижинмай яшай — лафзим-да!
Авжида, ранжимай фисқ-фужурлардан,
Сибизгам сезгимда — умринг узун-да!

Фараҳни фарқлайман, фаҳрим вулқондай,
Тилаклар тилинда тўлгин дунёман.
Гунг юрмоғим гумон гулгун Қўқонда,
Юртим, деб ютинган — толгин дарёман.

Хайрли хайратлар, хайрият, ўлмас,
Субҳидам сабоси настарин тусда.
Хайрат хорлик кўрмас — эскирмас олмос,
Валфажр, валфажр — кўнгул қақнус-да!

Шеърим, умринг узун — йўлларинг узун,
Шеърим, кўлинг ўзим — «гул»ларинг узун...

Қўқон

Саид Асрор Зоҳидий

Меҳмонимсан

Ҳаёт остонига қадам қўйган азиз меҳмонимсан,
Бу телбани шод айлаган ҳам меҳмон, ҳам мезбонимсан.
Қисматга минг шукрларким, раҳм айлаюб боқди менга,
Йўғу борим, куч-қувватим, таянч тоғим, имконимсан.
Бошдан ўтди барча зулмат, шому, оқшому сахарлар,
Қалам бирла ёзилган бир гузал, ажиб достонимсан.
Кўнгул истар, мудом нуру зиёларни нигоҳингдан,
Булбул каби наволарга очилган тил — забонимсан.
Жигарбандим, сенга меҳрим, сенга бўлсин жоним фидо,
Бахтиёрман, толье кулган, ушбу дам ҳур замонимсан.
Зоҳидийнинг истаги бул, сенга умр, шавкату шон,
Асрайдиган туморимсан, омонлардан омонимсан.

Тошкент

Олдинга боқ, эй фарзанд...

*Бу бир ажиб дунёким, завқу ташвиш ёнма-ён,
Шундай давом этармиш азал-азалдан буён,
Зурёд ўстириш бахти жону жонзодга аён,
Зурёд сабаб уфққа йўл олажак ҳар инсон.
Олдинга боқ, эй фарзанд, атрофинга қараб қўй,
Ота-онанг корига зарур пайтда яраб қўй!*

*Эшитармиз баъзида оталар ноладини,
Кўриб ҳайрон бўлармиз оналар жоласини;
«Мен боламни дедиму болам дер боласини...»
Виждонига қўяйлик бунинг ҳаволасини.
Олдинга боқ, эй фарзанд, ортингга ҳам қараб қўй,
Ота-онанг корига зарур пайтда яраб қўй!*

*Фарзанд меҳрин туйишни барча жонзодга бермиш,
Тирик жон бор, шу боис, фарзанд ғамини ермиш,
Кирпи юмшоғим, дермиш, қўнғиз оппоғим, дермиш,
Одам эса инчунун, суянган тоғим, дермиш.
Олдинга боқ, эй фарзанд, ён-верингга қараб қўй,
Ота-онанг корига зарур пайтда яраб қўй!*

*Фарзандларни менгзарлар ярқираган юлдузга,
Барчага аён ҳикмат — фарзанднинг меҳри узга,
Лекин баҳор, ёз ўтиб, етиб борилар кузга,
Ота-она нонгамас, зор булар ширин сўзга...
Олдинга боқ, эй фарзанд, уён-буён қараб қўй,
Ота-онанг корига зарур пайтда яраб қўй!*

Жиззах

Илҳом Раҳмон

Деразамга қараган дарча

*Деразамга қараган дарча,
Тепасида ой йиғлар сим-сим,
Сирли сандиқ-очилмас тилсим,
Деразамга қараган дарча.*

*Очилишин кутаман интиқ,
Кўзларимни қўйганман илиб,
Ул парируй чиқсайди кулиб,
Очилишин кутаман интиқ.*

*Ой билан сирлашган сулув
Остонанда бир ит увиллар: Ув-в-в...
Энди бизга бегона улув,
Ой билан тиллашган сулув...*

Бахтимнинг бахтига...

*Бахтимнинг бахтига ким шерик,
Бахтимнинг бахтидан тоняпман?!
Мен — бир қалъа, аламлар — черик,
Ут тутатиб, ўтдай ёняпман!*

*Ай, юрак, ай, юрак, кеч, мендан,
Ҳеч етмади сенга товушим,
Бахт тилабман тиламас кундан,
Хоҳишим бажармас хоҳишим,
Бахтимнинг бахтига ким шерик?!
Турналардек изладим сани*

*Хитоб қилдим, етмади хитоб,
Кўзларингни тарк этсайди хоб,
Ёки бўлиб қолдингми бетоб,
Нечун бунча кечикдинг, баҳор?*

*Зулмат йўлинг тўсиб қўйдими,
Қор — музликлар тоғин уйдими,
Овқ-қўлинг кишан кийдими,
Нечун бунча кечикдинг, баҳор?*

*Парчалайин, гулларинг қани,
Менга тутган гулларинг қани,
Ёмғирларинг, дўлларинг қани,
Нечун бунча кечикдинг, баҳор?*

*Осмонингда турналар қани,
Турналардек изладим сани,
Ёлворганим сезмадинг мани,
Нечун бунча кечикдинг, баҳор?*

*Шарор бергил, қалбни ёқайин,
Барор бергил, сени топайин,
Излаб қайдин-қайга чопайин,
Нечун бунча кечикдинг, баҳор?!
Музробод*

Музробод

Сардоба

Бағрингда асрадинг оби ҳаётни,
Инсоннинг дардига дармон бўлай, деб.
Биёбонлар узра сақлаб саботни,
Эзгулик сувига мен қон бўлай, деб.

Олис сарҳадлардан келган карвонлар,
Тиз чўкди қошингда, нажот даргоҳи.
Сени табаррук деб билди инсонлар,
Сен адашган йўлчининг ёлғиз боргоҳи.


Қиш чилласи, баҳор, кузу жавзода,
Ошиқдилар сенга доим мунтазир.
Зим-зиё тун, ҳар тун, тўфон мабода,
Сендан паноҳ топди, сеҳринг шундадир.

Ажиблик дунёсин йўли очилгай,
Меҳробу тоқингга суқ-ла боқса ким.
Дилларга ҳаётнинг дури сочилгай,
Бағри кенгсан, аммо, камтар, сокин, жим.

Фикрат лол қоладир, ҳар гиштинг сўйлар;
«Бизни менгзанг фақат осмон исмига».
Ким айтолгай, қандай самовий ўйлар,
Балким бошин эгган меъмор измига.

Қатра ҳаёт берсанг қочар дил оғуси,
Муъжиза макони, тўл, сен сафи оба.
Бепойн саҳронинг сенсан оҳуси,
Қалбни мунаввар эт, боқий сардоба.

Касби



Рузимуҳаммад Хоразмий

Дўртўжар

* * *

Тилсим қалъасини илм-фан олди,
Бисотин самандар оловга солди.
Вақт кетди, тарих пешига илиб,
Тусиқларда ўксик тафаккур қолди.

* * *

Тарихлар жанг, фотиҳ, олим оҳлари,
Рўшнолик кўрмаган пари, моҳлари.
Бундоқ хомтоқ қилсам рўй-рост кўринди,
Чинор дарахтининг дуркун шохлари.

* * *


Ер — коинот деган денгизда кема,
Эрку ихтиёрдан бир суз гапирма.
Гиёҳми — тупроқ биз, мазор кезиб айт,
Тақдир бизга тонг-ла ёзгани нима?

* * *

Бўлмаслигинг билсанг оқиб турган сой,
Бир мард ёнверидан ўрин ол, сол жой.
Ўзингни фидо эт эзгулик учун:
Рухинг пилик бўлсин, ақлинг лампамой.

Тошкент





Нусратулло Атоулло ўгли Жумахужа

Хувайдо тасаввуфий шеърларида фалсафий-бадий талқин

Ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, мутасаввиф шоирлар силсиласида Хужаназар Гойибназар ўгли Хувайдо муҳим ўрин тутди.

Хувайдонинг таваллуд йили аниқ эмас. Қариндош-уруғларининг хотираларига суянсақ, у тахминан 1704 йили Чимёнда туғилган. Отаси Гойибназар Чимёнда нуфузли мактабдор эшон эди. У Қашқарда шўхрат қозонган Офоқ Хўжа муридларидан бўлиб, пирига ихлос ва ҳурматининг рамзи сифатида ўлига «Хужаназар» исмини берган. Хувайдо шоирнинг адабий таҳаллусидир.

Хувайдодан бизга бир девон мерос қолган. Унинг сулоласидан етишиб чиққан Сирожий, Салоҳиддин Соҳиб, Самар Бону каби истеъдодли шоирлар адабиётимиз тарихида из қолдирганлар. Салоҳиддин Соҳиб бобоси меросини мукаммал девон ҳолида шакллантириб, қайта кўчиртириб қолдирган.

Девон мутолаасида Хувайдо газал, мустазод, рубоий, чистон каби руҳоб шеър турлари, маснавий сингари катта назм намуналарининг мумтоз устаси сифатида намён бўлади. Хувайдо газалиёти асосан ошиқона, орифона руҳдаги газаллардан ташкил топган. Ошиқона газалларда ишқи комил йўлида инсоний камолот сари сабот билан интилувчи ошиқ кечинмалари ва қиёфаси таъсирчан тасвирланган. Орифона газалларда эса, Хувайдо донишманд файласуф сиймо сифатида гавдаланади. Бундай газаллар инсонни маънавий камол топтирувчи суфиёна маърифат гоялари билан йўғрилганки, буни алоҳида таҳлил жараёнида қузатамиз.

Хувайдо мазмун-мундарижа жиҳатидан ҳам, шаклий-бадий жиҳатлардан ҳам мукаммал мустазодлар яратган. Ушбу байтлар билан бошланувчи асар шоирнинг мустазод битишдаги маҳоратини кўрсатади:

Кўрдум туно кун кўчада бир моҳлиқони,
хайрон бўла қолдим.
Хуснидин ани кўнглум уйи топди зиёни,
рахшон бўла қолдим.
Айдим: «Эй пари, қайда борурсан жадал айлаб?»
Аччиғланиб айтур:
«Шўхим, на сўрарсан, на ишинг бор бу замони?»
Пазмон бўла қолдим.

Мустазоднинг моҳияти ошиқ ва маъшуқнинг учрашуви ҳамда шўхчан айтишувининг бадий ифодасидангина иборат эмас. У тасаввуфий асар бўлиб, унда пир ва муриднинг мулоқоти, ишқ одоби ҳақидаги мунозара тимсолий тарзда акс эттирилган. Масалан, нақшбандийа тариқатидаги ошиқ ахлоқининг «Хилват дар анжуман» рашҳаси Ҳувайдо мустазодида бундай жило топган:

Хилватга кириб сўқди, менга қилди насиҳат:
«Мундоғ дема зинҳор,
Эл олдида бегонасифат очма забони».
Қурбон бўла қолдим.

«Насойим ул-муҳаббат»да Навоий ёзадилар: «Яна (Нақшбандийдан — Н. Ж.) сўрдиларки, сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, анжуманда хилват: зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло била. Байт:

Аз дарун ошнову ва-з берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон».

Мазмуни: «Ички томондан маҳбуб билан ошно бўлгин ва лекин ташқи томондан ўзингни бегонаваш тутгин». Яъни, севикли билан ички иттифоқда бўлмоғинг кифоя, муҳаббатингни эл аро намойиш этишинг одобдан эмас. Шундай гўзал хулқ-атвор олам аҳлида камдан-кам учрайди.

Ҳувайдо бу байтига пирнинг муридга ана шундай сабогини сингдирган. Ҳувайдо рубоийети ҳам фалсафий-рамзий маънолар билан сўғорилган:

Эй боғи назокатда қади сарв, юзи гул,
Ул юздин эрур ишқ эли чун қумрию булбул.
Райҳону бинафша хати зулфингни асири,
Шамшоду санубар қадинг олдида икки қул.

Ишқ элини қумрию булбулдек нола чектирган ул юз — илоҳий талъат тимсоли.

Ҳувайдо девонида учрайдиган чистон (жумбоқ) ғазал ўзига хос санъат тури бўлиб, унда ҳарфлар ва уларнинг замирида яширинган рақамлар тасаввуфий тимсоллар вазифасини бажаради. Буни қуйидаги байт мисолида қуриш мумкин:

Боши — етмиш, юз — оёқ, уч юз баданлик қуш келиб,
Тан тузида мурғи жон сайд этмишин кўрдум бу кун.

Бир қарашда, байтда ҳаёлий манзара мужассамдек туюлади. Гуёки, етмиш бошли, юз оёқли, уч юз танали тасаввурга сикмас улкан қуш келиб, тан мамлақатидаги жон қушини олиб кетган эмиш. Лекин абҷад ҳисобидан келиб чиқиб ушбу рақамларни ифодаловчи араб ҳарфларини жой-жойига ўринлаштирсак, жумбоқ ечилади. Мазкур уч рақамни ифодаловчи уч ҳарфдан иборат сўзни

ясаш керак. «70» (етмиш) рақамини «айн» ҳарфи англатади ва у, шоирнинг ишорасига кўра, қушнинг бош қисмини ташкил этади. «100» (юз) рақамини «қоф» ҳарфи билдиради ва у қушнинг оёғи, демакки, охириги ҳарфи ҳисобланади. «300» (уч юз) рақамини «шин» ҳарфи изоҳлайди ва у қушнинг бадани, яъни, сўзнинг ўртасига тушади. Шундай қилиб, «айн» «шин» «қоф» ҳарфларини бириктирсак, «ишқ» сўзи ҳосил бўлади. Демак, тан мулкидаги жон қушини овлаб, ўлжа тушириб кетган ИШҚ қуши экан. ИШҚ саргузаштларини ҳарфий воситалар орқали тасвирлаш тасаввуфдаги ҳуруфийлик оқимининг услубига хос санъат бўлиб, у ҳам Ҳувайдо маҳорати аслаҳонасидан урин олган экан.

Ҳужаназар Ҳувайдонинг маснавий йўлида ёзилган «Роҳати дил» манзумаси ва «Иброҳим Адҳам» қиссаси машҳур бўлиб, улар шоирнинг дostonнавислик салоҳиятидан дарак берувчи ёдгорликдир. Бу асарлар Ҳувайдонинг ўзбек мумтоз пандномаси ҳазинасига қўшган муносиб ҳиссасидир. Шоирнинг узи «Роҳати дил» манзумасини шундай тавсифлайди:

Китобимнинг отидур «Роҳати дил»
Эрур ҳар бир сўзи танбеҳи гофил.

Англашиладики, «Роҳати дил» гофил юракларни насихат нурларидан мунаввар этувчи маърифий манзумадир.

Ҳувайдо меросига мансуб «Иброҳим Адҳам» қиссаси ҳам тасаввуфий руҳдаги асардир.

Дунёқараши, тафаккур тарзи, бадиий услуби жиҳатларидан Ҳужаназар Ҳувайдо Хужа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб каби йирик адабий сиймоларга яқин туради. Уларни Иломнинг умуминсоний гояларини куйлашдаги ҳамоҳанглик ҳамда тасаввуф маслагига эътиқод яқинлаштирган. Ҳувайдо дунёқарашида, айниқса, Яссавий ва Машрабга издошлик яққол сезилади. Илоҳий ишқнинг бу уч оташин ошиги Оллоҳга муҳаббат боғлаш борасида бирлашадилар. Яссавий ҳикматларида «Дунё учун ғам ема, ҳақдан ўзгани дема» тарзида нидо чекса, Машраб «Бир Худодин ўзгаси барча галатдур, Машрабо», дея бонг ўради. Ҳувайдо эса, уларга қуйидагича яқдиллик изҳор этади:

Дунёда ҳою ҳавас қилмоқ абас,
Бир Худодин ўзгани суймоқ абас.

Оллоҳнигина суйиш, Оллоҳдан ўзгага меҳр қўймаслик, тасаввуф таълимотига кўра, комил мўминликнинг гаровларидандир. Сўфийлар баъзиларнинг Оллоҳга имон ва итоат билан бирга дунё неъматларига, орзу-ҳавасларига, мансаб-мартабасига, шон шуҳратига ҳам меҳр боғлашини қабул қилишолмайди. Уларнинг назарида, бундайлар дунё ютуқларига эришган сари ҳой-ҳаваслари ҳам кучайиб кетади, дунё ғамини деб Оллоҳ ғамини нутишади, дунёга муҳаббатлари рағбатланиб, Оллоҳга муҳаббатлари сусаяди. Хуллас, бора-бора дунёнинг нақд манфаатларига фидо бўлиб, Худога бахшидаликни насияга қолдиришади. Ва охир-оқибатда нопок, тамаъгир, риёкор кимсага айланиб бораётганларини сезмай ҳам қолишади.

Яссавий, Машраб, Ҳувайдолар дунёқарашига кўра, бундай кимсаларнинг имонида манфаатпарастлик, тамаъ бордек. Гуё улар жаннатга тамагирлик, жаннатий ҳузур-ҳаловат манфаати билангина Тангрига ибодат қиладилар. Ҳолбуки, Ҳувайдо маслагига сўфийларни на жаннат ва ундаги ҳуру ҳузур-ҳаловатлар, на ҳавзикав-

сар, на бошқа манфаатлар қизиқтирган. Улар фақат ва фақат Оллоҳ муҳаббати, висоли орзуи билан яшаганлар:

Хур ила жаннатинг нетай, анда юзингни кўрмасам,
Хаста Хувайдо оҳига ҳавз ила кавсаринг куяра.

Риёсиз ҳам тамаъсиз тақвога интилиш, Оллоҳ муҳаббатини дилга нақшлаб, сидқидилдан ибодат қилиш Хувайдо дунёқарашининг асосий мезонларидан эди. Маълумки, риёкор ва тамаъгир тақводорларни Алишер Навоий риё денгизида тамаъ кемасига тушиб олиб сузаётган шайх тимсоли виситасида танқид қилган эди. Бобораҳим Машраб эса, сохта тақводор сувратини бундай чизади:

Намозу тақвосин зоҳид қилур олам аро машхур,
Уғруб субҳасин тинмай, иши доим риё эрмиш.

Демак, намозхонлик, тинмай тасбеҳ ўгириш ҳали имоннинг юзаки кўриниши бўлиб, шу билангина чекланилса, риё бўлиб қолар экан. Хувайдо устозлари фикрини ривожлантириб, айтади:

Ёрни истар эрсанг, махфий ибодат қилакўр,
Худнамолик била бу қилгон ибодат не бўлур?

Хувайдо ўз дунёқарашини такомиллаштириш мақсадида тасаввуфнинг энг етакчи тариқатлари — яссавийа ҳамда нақшбандийанинг илғор инсонпарвар хусусиятларини уйғун равишда муҷассамлаштиришга ҳаракат қилган. Ғарибларнинг дилларини огритмаслик яссавийада асосий гоғлардан бўлса, кўнгил зикри, кўнгил зиёрати нақшбандийанинг моҳиятини белгиловчи хусусиятлардандир. Бу маслақдагилар эътиқодича, инсон кўнгил Оллоҳга муҳаббатнинг муқаддас ошёнидир. Шунинг учун кўнгилга муносабат — Каъбага муносабатдай баҳоланади. Алишер Навоий Оллоҳнинг муҳаббати барҳаёт кўнгилни шод этиш савобини бундай улуғлайди:

Кимки бир кўнгил бузугнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай.

Алишер Навоий эътиқодича, ғамгин бир инсон кўнгилни шодликка тўлдириш савоби шу қадар улуғки, унинг савоби муқаддас зиёратгоҳ Каъба бузилиб қолса, ўшани қайтадан барпо этиш билан баробардир.

Машраб дунёқарашича, жаҳонда кўнгилда Оллоҳ ёди яшайдиган ҳар инсон дилини тавоф этиб юриш керак:

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмасму?

Бир мўмин дилини бузиш юзлаб каъбаларни вайрон этишдек гуноҳи азимдир. Зотан, бир инсон дили жароҳатланишидан юзлаб юраклар ларзага келади.

Хувайдо ҳам улуғ савобли ибодат — Каъба зиёрати, Ҳаж сафарининг яқин ва унғай йулини кўрсатади:

Бир ғарибнинг кўнгилни шод айласанг,
Йул босиб Каъба сари бормоқ абас.

Демак, Хувайдо фикрича, инсонни эъзозлаш Оллоҳни эъзозлаш қадар хайрли амалдир. «Йул босиб Каъба сари бормоқ»қа имкон тополмаган мўмин ғариблар кўнгилни шод айлаш билан машғул бўлар экан, Тангрига муҳаббат ва садоқатини бевосита

эмас, билвосита изҳор этади. Унга Тангрининг раҳмат нурлари ҳам ўша ғарибларни сийлагани учун ёгилади.

Ислом таълимотидан, Навоий ва Машраб анъана-тажрибаларидан озиқлана бориб, Хувайдо улуг инсонпарвар шоир даражасига кўтарилди. Хувайдо инсонпарварлигининг ҳадди аълосини кўрсатувчи шоҳбайтлардан яна бири қуйидагича:

Ғарибни кўнглини бузмак гуноҳи беадад эрмиш,
Каффорат бўлмагай юз Каъбани қайтиб бино қилсанг.

Исломда «каффорат» тушунчаси бор. Унинг маъноси, қилинган гуноҳни ювиш учун эваз қайтариш, демакдир.

Навоий бир бузуғ кўнглини шод этишни Каъбани қайта яратишга тенглаштирган. Машраб бир дилни бузишни юзлаб Каъбани бузишга баробарлаштирган. Хувайдонинг дилозорликка нисбатан устозларидан-да талабчан қарашича, ғарибнинг кўнглини бузиш чексиз, ўлчамларга сигмайдиган, ювиш учун эваз қайтариб бўлмайдиган гуноҳдир. Янгидан юз Каъба қуриб бўлса-да, бу гуноҳни ювишнинг иложи йўқ.

Тасаввуф таълимотидаги руҳ ва тан ўртасидаги қарама-қаршилик Хувайдо дунёқарашида ҳам муҳим ўрин тутаети. Мутасаввифларча, танга бино қўйиш, унга оро ва ором бериш руҳни ўлдиради. Руҳни ўзлик юкидан халос этиш, танпарварликни мағлуб қилиш инсонни маънан поклаб, чинакам илоҳий ишқнинг арши аълосига кўтаради. Ҳам танпарварликка майл билдириб, ҳам ишқ даъвосини қилиш эса, айни риёнинг ўзгинасидир:

Эй Хувайдо, тан семуртиб, айласанг даъвойи ишқ,
Дилда дардинг, рўйи зардинг бўлмасе, ялгон эрур.

Дилида ишқ дарди ёнган ошиқнинг чеҳраси ҳам заъфарон бўлиб, у тан семиртишга иштиёқ ва майлу рағбат сезмайди.

Ишқ йўлига кирган ошиқ жондан кечмаса, жонон висолига муяссар бўлолмайди:

Тариқи ишқ аро қўйсанг қадам, жондин гузар айлаб,
Ўлумдин илгари ўлгил, танингни даркафан қилгил.

«Ўлимдан илгари ўлмоқ», «Танни даркафан қилмоқ» ўзликни, худпарастликни мағлуб этиш, шайтоний нафсу ҳаво гурурини маҳв қилишдир. Уз ижодиётида эҳтирос билан қуйланган мажозий ва ҳақиқий ишқнинг мурод-муддаоси, ишқдаги ўлимнинг моҳияти ҳақида Алишер Навоий бундай деган эди:

Иккисидан гарчи ошиқ ўлмаки лозим келур,
Бори ул ўлмакки, бўлгай зимнида юз минг ҳаёт.

Хувайдо байтининг моҳияти ҳам Навоий талқинига ҳамоҳанг. Унда умидсизлик, тушкунлик, бадбинлик, таркидунёчилик кайфиятлари эмас, балки ҳаётсеварлик, келажакка ишонч, умидворлик тамойили устувор. «Танни даркафан қилмоқ» — вужудни дунё ҳирсу ҳаваслари чиркидан покламоқ. Покланган вужудда руҳ соғломлашади, қушдай енгил парвоз этади, яшаш имкониятлари очилади. Хувайдо айтган «ўлимдан илгари ўлмоқ» тушунчаси зимнида ҳам Навоий таърифлаган «юз минг ҳаёт» мавж уради. Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиёйи туркий» китобида келтирилишича, шайх Жунайд Бағдодий: «Тасаввуф улдурки, Худойи таоло сени ўзингдин ўлдириб, ўзи бирла тирилтирай», демишлар. Демак, «ўлимдин илгари ўлмак» замирида Оллоҳ билан тирилмак ҳикмати ҳам муҷассама экан.

Хувайдовор ишқ мазҳабида манманлик, тоифаю табақа ажратиш, наслу насаб тарошлаш солиқни кибру ҳаво васвасасига дучор этиб, Ҳақ йўлидан оздирувчи иллатлардандир. Шоир сийрати комил ошиқнинг хулқ-атворини шундай васф этади:

Ушбу тариқи ишқ аро хўжаву шайхлиқ на суд,
Бандайн камтарин керак, ошиқи хоки по керак.

Тийнатида камтаринлик ва хокисорлик фазилатлари мужассамлашган солиққина Хувайдо маслагидаги ишқи комилга муяссар, маъшуқи мутлақ мурувватига сазовор бўла олади.

Хувайдо панд-насихатлари бирор инсонни камситишга йўл бермайди. У ҳар бир инсонга улуғ одамдўстлик эътиқоди, хайрхоҳ одабийлик маданияти билан муомала қилишни тарғиб этади:

Агар ҳар кимни кўрсанг, Хизр бўлғай деб тавоф айлаб
Ки, ҳафтоду ду миллат халқи бирла ошно бўлғил.

Шоир инсон ҳурмати ва қадрини шундай мартабага кўтардики, ҳар бир одамни учратганда, Хизр алайҳиссаломга йўлиқиб катта бахт ва давлатга муяссар бўлгандек, уни эъзозлашимиз лозим. Мухими яна шундаки, Хувайдонинг инсонга муҳаббати миллат танламайди. Бу муҳаббатнинг умуминсоний ва байналмилал дастурига амал қилинса, етмиш икки миллат халқи билан дўстлашиш бахти насиб этади.

Шоир назмидаги муҳаббат тасвири боқий юзга, абадий жамолга ошуфталик ишқидир. Хувайдо ҳайрати боқий дунё сирлари, сеҳру синоатларини очишдаги изланишлар самарасидир:

Боқий юзни фоний кўз бирлан кўролмассан, деди,
Ваҳ, қачон бўлғумдурур бу чашми фонийдин халос.

Дарҳақиқат, Хувайдо назмида ва, умуман, мумтоз адабиёти-мизда мадҳ этилган манзур малоҳатини бугунги фоний дунё манфаатларига тикилган фоний кўз билан кўролмаймиз. Қачонки, омонат ва уткинчи дунё манфаатларидан юз ўгирарканмиз, дунёпарастлик нигоҳидан воз кечарканмиз, ўшандагина кўнгил кўзлари очилади, боқий дунё манзаралари яққол намоён бўлади. Ҳаёт тилсимларини ечиш, дунёни мукамал кўриш, ҳақиқатни теран аңлаш, инсоний камолот пиллапояларидан собитқадам кўтарилиш учун Хувайдо назмини доимий ҳамроҳимизга айлантirmoғимиз лозим.

1999 йилда журналимиз саҳифаларнда ўқийсиз:

Сиз олдин танишган асарларнинг давоми.
Тоҳир Малик. ШАЙТАНАТ. Тўртинчи китоб.

Сиз танимаган муаллиф. Хайриддин Бегматов.
ИККИ ЖАҲОН ОВОРАСИ. Роман.



Мели Норматов

Ёнимиздаги одам

Ёшларга мураббий

(Мирзакалон Исмоилий ҳақида)

Одатда, касбини пухта эгаллаган ҳунар соҳиблари бахилроқ бўлади. Эҳтимол, бунда ҳам манتيқ бордир. Касб сирларини шогирдлари уёқда турсин, ҳатто фарзандларига ҳам очиқ ургатишни раво қурмайдиганлар бор. Мирзакалон Исмоилий ҳақидаги хотираларимни қоғозга туширар эканман, шу жиҳатдан ёруғ туйгулар шууримни банд этди. Бор билим-савиясини, касб маҳоратини шогирдларига ургатишдан асло чарчамайдиган устоз бошқа оламнинг одами эди назаримда.

...Эллигинчи йиллар бошида бир гуруҳ ёшлар нашриётга ишга таклиф этилдик. Уша пайтда талай санъат ва қалам аҳллари турли баҳоналар билан ё ишдан четлаштирилган, ё ҳибсга олинган эдилар. Номини тилга олиш гуноҳи азим бўлган инсонлардан бири Мирзакалон Исмоилий эди. 1953 йилда «халқлар отаси» оламдан утгач, жамиятдаги ик-

Мели ака ёнимиздаги одам. Ёнимиздаги қадрдон, меҳрибон, иноға, биродар, хайрихоҳ ҳамда эътибор билан қарайдиган инсон. Кангулнинг бундай хайрига ҳамиша қурб топади. Ёнидагиларни яхши қуради. Ушаларни эсади. Қурганлари, билганлари ҳақида сўйлайди. Тўқимайди. Елгон аралаштирмайди гапларига. Меҳр билан сўйлайди. Қурпроқ одамларнинг сифатлари, фазилатлари, яхшиликлари тугрисида гапирди. Ижодиди ҳам, илмда ҳам, сабоғида ҳам кангулнинг ройишини шунга буради. Алқисса, у киши болаларга мулжалланган бир қатор ҳикоя ва қиссаларнинг муаллифи, фан номзоди, толибларнинг устози. Мели ака бу йил стмишга тулдилар. Умрлари узоқ бўлсин. Меҳрлари яна-да баланд, мурувватлари яна-да кенг бўлаверсин.

Икром ОТАМУРОД

лим узгариб жабрдийдалар бирин-кетин уз ишларини давом этдира бошладилар. Аммо биз ёшлар маъмурият томонидан огоҳлантирилганлиги важдан улар билан очикчасига суҳбатлашиш тугул, саломлашиш, ҳол-аҳвол сурашдан ҳам чучирдик.

Домла нашриётта тез-тез келиб турар — юриш-туришлари, гап-сузлари дадил, хушчакчақ, уларини ҳеч нима булмагандай эмин-эркин тутардилар. Кутилмаганда «Фаргона тонг отгунча» романи муҳокамага қўйилди-ю, очиги, Мирза ака билан дастлаб шу ерда қўл олиб сурашдик. Муҳокама жуда қизгин утди. Муаллиф ҳар бир кишининг мулоҳаза ва саволларига шошмасдан, босиқлик билан жавоб қайтарар, сузларини уз урнида чертиб-чертиб ишлатарди. Ниҳоятда сўзамол, жуда чиройли гапирарган домлани илк бор катта ҳаёт мактабини утаган, ўзбек таржимачилик санъатида узига хос урин тутган Шахс сифатида «ганидим». Ўзбек адабий тилининг барча имкониятларидан кенг фойдаланиш, персонажлар образини тарашлашда Фаргона шеvasи хусусиятларини уринли қўллаш асарга алоҳида жозиба киритган, уни уқишли қилган, қаҳрамонлар уша вақтдаги бадий асарларга қўйиладиган асосий талаб — социалистик реализм «тоғора»сига солингандек эмас, жонли қиёфада гавдаланардилар. Адабиётимиздаги тил қашшоқлигини бартараф этишда Мирзакалон Исмоилий ижоди муҳим босқич бўлиб хизмат этарди.

Агар адабиётнинг узаги «одоб» сузидан олингани рост булса, Мирзакалон Исмоилий жуда маданиятли инсон эдилар. Одоб-ахлоқни жойига қуяр ва бошқаларни ҳам шундай бўлишга чақирардилар. Шу жиҳатдан ҳам домла биз ёшларга урнак эдилар.

Тез орада дастлабки мавқеини тиклаб олган адибга нисбатан ишончсизлик, ҳадиксиранишдан асар ҳам қолмади. Домла янги ташкил қилинган Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриётида таржима бўлимини бошқара бошладилар.

Домла билан самимий дуст ва устоз-шогирд бўлиб қолдик. Биргаликда у киши билан бир қатор рус адибларининг асарларини таржима қилдик. Биздан ҳеч нарсасини аямай ижод сирларини ота ва мураббий сифатида тинмай ургатадиган домланинг утиглари бир умр ёдимизда қолди.

Кулфатли ҳаёт барибир Мирза аканинг саломатлигини издан чиқарибди — домлада хасталик аломатлари яққол сезила бошланди.

Қуп утмай, устоз бадий таржима бўлимини каминага раво қуриб, узлари ижода жилдий берилдилар. Ушанда ҳам ҳафтасига йкки қур келиб, шогирдларидан хабар оладиган, ижодий баҳс асносида билмаганларимизни ургатадиган буддилар. Кетар чоғларида, «сизлар билан дийдорлашиб туриш мен учун катта ҳордиқ, маънавий озуқа», — деб лутф қилиб бизни хижолатга қуярдилар.

Мирза ака ёқтирган одамлари билан зерикмай гурунглашар, суҳбат ниҳоятда самимий, қизиқ буларди. Устоз сунги йилларда одоб-ахлоқ, тарбия мавзусига эътибор қилиб, шу хусусда қатор рисолалар чоп этдирди. Ушбу рисолаларни ҳозир ҳам кузга суртиб уқиса арзийди ёшлар.

Катта адиб, моҳир таржимон, меҳрибон мураббий, ажойиб инсон устоз Мирзакалон Исмоилий бу дунёга кушлар қатори келиб кетдилар. Аммо у кишидан катта адабий мерос қолди. Бу мерос ҳали-ҳануз элу юртимизга хизмат қилмоқдаки, демак, домла доим орамиздалар.

Бир умрлик устоз

(Асқад Мухтор ҳақида)

Бу утгинчи дунёга шоҳ ҳам келиб кетади, гило ҳам. Қадр-қиймати-ни, ҳаёт маъносини теран англаган комил инсон Оллоҳ таоло инъом этган ганимат умрини зое кеткизмай, узидан эзгу ном — боғ қолдиришининг пайида бўлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор ана шундай азиз сиймо-лар сирасига мансуб.

Камина Асқад ога билан 50-йиллар бошида танишган эдим. «Опасингиллар» романи муҳокамасида қатнашиб, икки огиз фикр билдирганимда елкамга қоқиб, «рахмат ука», — деб қуйгани ҳали ҳануз ёдимда.

У пайтда Асқад Мухтор ҳали ёш, нари борса уттиз, уттиз икки ёшларда эди. Лекин қалами уткир, обрусилар баланд адиб эди. «Опасингиллар» муҳокамасидан кейин орадан куп утмай шоир Темура Фаттоҳ урнига Бадий адабиёт бўлими мудири этиб тайинланди. Шундан эътиборан бирга ишлаш бошладик. Мен мазкур бўлимда муҳаррир эдим. Айтиш жоизки, Асқад аканинг келиши нашриёт ишларида кескин бурилиш ясади. Майда-чуйда гап-сузларга барҳам берилиб, ижодий муҳит қарор топди. Ижодга алоқаси бўлмаган ёки иқтидорсиз шахслар бирин-кетин уринларини бушата бошладилар. У киши раҳбар ва ижодкор сифатида бўлимдаги барча ходимлар билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Суҳбат шу қадар самимий ва табиий булардики, заррача одобахлоқ чегарасидан чиқилмас, шу боисдан булса керак, ҳеч кимнинг иззат-нафсига тегилмас, ранжитилмас эди. Бир ёш муҳаррирга, ука, агар мен сизнинг уринингизда булганимда вақтни зое утказмай, бошқа бир ишнинг бошини тутган булардим, — деганда, раҳмат, ога, узим ҳам купдан бери шу ҳақда уйлаб юрардим, — дея жавоб қилган ва дарҳол бушаш хусусида ариза ёзган. Иккаламиз уртамизда ҳам қисқатгина суҳбат бўлиб утди. «Ука, сизнинг бадий таржима ва тақризларингизни кузатиб бораман. Ижодга дадил киришавering».

Асқад Мухтор жуссаси кичик булса ҳам қалби катта инсон эди. Меҳри дарё, гайрати танасига сизмас бу инсон чарчаш нималигини билмас, доим ижод билан банд буларди. Шу сабабли ҳуда-беҳудга кириб халақит беришдан узимизни тиярдик. Кунларнинг бирида бўлимимиз кичик муҳаррири, аниқроғи, котибаси Роза Тазетдинова хонага кириб: — «Мана бу шартномага имзо чекар экансиз, — деб қолди. Шошиб варақани кўздан кечира бошладим. «Вилис Лацис. «Балиқчи угли» романи, ҳажми уттиз табоқ, тиражи ун беш минг, Таржимон М. Норматов. Буюртмачи А. Мухтор. Икки йил давомида қўлезма нашриётта топширилиши керак».

Қизиқ бўлди-ку. Мен таржима сураган булмасам. Бу ишга энди қўл уряпман-ку. Бирданига катта асарни таржимага олиш бу... Ҳаммадан ҳам кимсан, дунёга машҳур Вилис Лацисдек ёзувчи романини ҳар ким ҳам угиравермаса керак. Бунинг учун маълум тайёргарлик, куникма ва адабий тажриба, қолаверса латиш халқи ҳаётидан ҳам бироз хабардорлик дегандай...

...Қутилмаганда хона эшиги очилиб Асқад ака — ҳар қандай шароитда ҳам узини бир зайдда тутишга, ички кечинмаларини пинҳон сақлашга ҳаракат қиладиган инсон, аъло қайфиятда турарди.

Ҳоналарига кирдим. «Шартномага қўл қўймапсиз. Бунинг сабаби менга маълум: чучибсиз. Лекин қўлингиздан келишига ишонганимиз учун сизга топширдик. Бу ёлғиз менинг эмас, куп уртоқларнинг ҳам фикри».

— Эплай олармиканман?!

— Эплайсиз! Ҳозир айнаи кучга тулган пайтингиз. Майда-чуйда нарсалар билан вақтингиз утмасин.

— Булмаса бир қисмини угириб, узимни синаб курай.

— Бу бошқа гап!

Асқад Мухтор ҳузуридан хурсанд бўлиб чиқдим. Айнаи пайтда зиммамга ниҳоятда оғир, масъулиятли вазифа юклатилганини сездим. «Балиқчи угли» романидан бир бобни таржима қилиб, огага топширдим.

Бошқа ишларни қуйиб, қулёзмани муқкасидан тушиб кура бошлади. Мен секин хонамга чиқиб, таҳрир ишларини давом эттирдим. Биз муҳаррирлар Асқад акага қойил қолардик. У киши учун узга иш йўқ, барчасини ихлос ва кунт билан кураб, тез ва соз ишларди.

Ога мени уша куниеқ таклиф этди:

— Мана, Меливой, таржимангизни ўқидим. Шу зайлда давом эттирсангиз ёмон булмас. Энди шартномага иккиланмай имзо чекаверинг. Таҳрирдан кераклигини олинг, кераксизини бемалол учириб ташлайверинг. Узимизга тан!

Мен давлат имтиҳонини топшираётган талабадай қаттиқ ҳаяжонда эдим. Устоз таҳрирдан чиққан қулёзмани бир-бир варақлаб куз югуртирдиму, ҳамон кузларимга ишонмасдим:


— Ҳаммаси керакли, Асқад ака! Ҳаёлимга келмаган аниқ сузларни топиб, урнига қуйибсиз. Минг раҳмат. Лекин бир илтимосим бор.

— Марҳамат, — у меҳрли кузларини тикиб, жилмайиб турарди.

— Таржимага узингиз муҳаррирлик қилсангиз.

— Яхши. Бу масала хусусида кейин гаплашамиз.

Асқад Мухтор каттаю кичик куп қаламкашларга ҳам шу зайлда меҳрибонлик қилар ва бегараз ёрдам курсатарди, асло миннат нималигини билмас эди. У улуг инсон билан атиги бир йилдан зиёдрок вақт бирга ишладим, лекин бир умрлик шогирд бўлиб қолдим.



1999 йилда журналимиз саҳифаларида ўқийсиз:

Ҳаёлий ва саргузашт асарлар.

Омон Мухтор. МАЙДОН. Роман-ҳангома.

Ҳожиакбар Ислои Шайх. ЖОДУГАРНИНГ ЭРИ. Қисса.

Жўра Фозил. БУХОРО ЭЛЧИСИ. Қисса.

Жалолиддин Румий. Маснавийлар.

Рамз Равшан. СУТ ТИШИННИНГ ОФРИҒИ. Достон.

Карим Баҳриев. ТИЛОВАТ. Достон.

Нодир Жонузоқ. НИЛУФАР. Достон.

Носиръ Хусрав



САФАРНОМА



Миср шаҳри таърифи¹

Шаҳар баландликда жойлашган. Шарқ томонидаги тоғ унча баланд эмас. Тошлоқ тепалик деса ҳам бўлади. Шаҳар чеккасидаги тепаликка Тулун масжиди қурилган. Деворлари гоёя мустаҳкам. Омад ва Миёфориқин деворларини айтмаса, мен олдин бундан ҳам яхшироқ деворни кўрмаганман. Уни Миср ҳокими бўлган аббосийлар амири Тулун қурдирган экан.

Ҳозирги султоннинг бобоси Ҳоким биамруллоҳ ҳукмронлиги пайтида амир Тулуннинг ўғиллари султон олдига келиб ушбу масжидни унга ўттиз минг мағриби динорга сотишибди. Лекин бир қанча муддатдан кейин масжид ёнидаги минора тагини қовлай бошлашибди. Ҳоким одам юбориб: «Сизлар масжидни менга сотдингиз, нега энди уни бузаяписизлар?» деб сўраган экан, «Биз минорани сотмаганмиз», деб жавоб қилишибди улар. Шунда Ҳоким яна беш минг динор бериб, минорани ҳам сотиб олган экан. Султон рамазон ойида ва жума кунлари бу масжидда намоз ўқирди.

Тошқин хавфи борлигидан Миср шаҳрини баландлик устида бино қилишган. Олдин тошлар ва қоялар бўлган, лекин ҳаммасини майдалаб текислашган. Агар узоқдан Миср шаҳрига назар ташланса, тоғ деб уйлаш мумкин. Етти қаватли, ҳатто ўн тўрт қаватли уйлар бор. Ишончли одамдан эшитдимки, бир киши етти қаватли уйнинг томида боғ кўкартириб, бу ерга бузоқ олиб чиқибди ва боқиб катта қилибди. Шундан сўнг у қудуқдан сув чиқарадиган чигир урнатиб, уни айлантериш учун буқани қўшибди. Томга норинж ва турунж дарахтлари ва ҳоказолар ўтқазибди. Ҳаммаси мева берибди. У одам шунингдек, гуллар ва турли усимликлар экибди.

Бир эътиборли савдогардан шуни эшитдимки, Мисрда майдони ўттиз аршга ўттиз арш бўлган, ижарага бериладиган уйлар бўлиб, ҳар бирига уч юз эллик нафар одам сигаркан.

Айрим кўчалар ва бозорларда доимо қандиллар ёқиглик туради, чунки у ерларга ҳеч ёруғлик тушмайди: одамлар йўлни қурсин, деб шундай қилишади.

Қоҳира масжидларидан ташқари, Мисрда еттита жоме масжиди бор, иккала шаҳардаги жоме масжидлари сони ўн бешта бўлиб, ҳар бирида жума кунлари хутба ва намоз ўқишади.

Бозор уртасида Бобулжавомеъ масжиди бор. Уни бир пайтлар халифа Муовия Мисрга амир этиб тайинлаган Амр ибн Ос қурдирган. Масжиднинг тўрт юзта мармар сутуни бор. Меҳробли хона деворига оқ мармар қопланиб, унга чиройли хат билан Қуръон оятлари битилган. Шу яқинда бозор бўлиб, масжид эшиклари шу томонга қараган. Масжидда доимо мударрис ва мулалар бўлишади. Бу катта шаҳарнинг одамлар жамланадиган энг гавжум жойларидан бири ҳам ушбу масжиддир. Ҳеч қачон бу ерда беш мингдан

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

кам одам бўлмади, булар — муллаваччалар, мусофирлар, ҳар хил ҳужжатлар ёзиб берувчи котиблар ва ҳоказолардир.

Ушбу масжидни Ҳоким Амр ибн Ос ўғилларидан сотиб олган ва бу ҳодиса қуйидагича рўй берган: Амр ибн Ос ўғиллари султон ҳузурига келиб, шундай дейишибди: «Биз муҳтожликда яшаймиз. Бу масжидни отамиз кўрдирган. Агар султон ҳазратлари ижозат берсалар, биз бу масжидни бўзиб, гишт ва тошларини сотмоқчимиз». Шунда Ҳоким уларга юз минг динор бериб масжидни сотиб олибди ва бутун Миср аҳолисини бу савдога гувоҳликка чақирибди. Кейин султон масжид учун ажойиб анжомлар яшашни буюрибди. Шулардан бири ўн олти қиррали қумуш чироқдондир. Ҳар қирраси бир ярим ва бутун айланаси йигирма тўрт аршдир. Муқаддас кечаларда унда етти юздан ортиқ шам ёқишади. Унинг вазни йигирма беш қинтор қумуш экан. Бир қинтор юз ратл ва бир ратл бир юз қирқ дирҳам қумушдир. Айтишларича, бу чироқдон ясалганда катталиги сабабли ҳеч қайси эшиқдан сиғмабди. Шунда масжид эшикларидан бирини бўзиб чироқдонни киритишибди ва эшикни яна таъмир қилишибди. Масжидда уста-уст тушалган ўнта чиройли рангин бўйра бор. Ҳар кеча юздан ортиқ қандил ёниб туради. Қозийкуззот маҳкамаси ҳам шу масжидда жойлашган.

Масжиднинг шимол томонида Суқулқанадил, яъни, қандил бозори жойлашган. Бунақа бозор бошқа бирон ўлкада йўқ. Оламда қанақа галати буюмлар бўлса, бу бозорда топилади. Чунончи мен тошбақа косасидан ясалган қутича, тароқ, пичоқ дастаси ва ҳоказоларни кўрдим. Шунингдек, жуда чиройли биллур кўрдим. Уни Мағрибдан келтиришган ва моҳир усталар ишлов беришаётган эди. Яна айтишларича, шу яқинда Қулзум денгизидан ҳам биллур топилибди: у Мағриб биллуридан юмшоқ ва шаффофроқ экан. Занжибардан келтирилган фил суягини кўрдим. Анча кўп олиб келишган: икки юз мандан зиёдроқ эди. Хабашистондан бир хил мол терисини келтиришибдики, йўлбарс терисига ўхшайди. Ундан қовуш қилишаркан. Уша ўлкадан яна каттакон ўй паррандасини келтиришган. Бу қушнинг патларида оқ доғлар ва бошида худди товусникидек тожи бор эди.

Шунингдек, Мисрда асал ва шакар мўл-кўл бўлади.

Қадимги тақвим бўйича тўрт юз ўн олтинчи йил даймоҳнинг учинчи куни (1048 йил декабр) бир куннинг ўзида мен қуйидаги ўсимлик ва меваларни кўрдим: атиргул, нилуфар, наргис, турунж, норинж, лиму, олма, ёсуман, райхон, беҳи, анор, нок, қовун, дастанбуя¹, банан, зайтун, хурмо, узум, шакарқамиш, бақлажон, қовоқ, турп, шолғом, ловия, кўк пиёз, саримсоқ, бодринг, сабзи, лавлаги ва ҳоказо. Ҳар бир киши бу турли мева ва ўсимликларнинг баъзилари қузги, баъзилари баҳорги, яна бир хиллари қишки, бошқалари ёзги эканини мулоҳаза қилиб, уларнинг бир жойда жам бўлганига ишонмаслиги мумкин. Аммо мен ўз кўрган нарсаларимни беғараз ёздим. Бошқалардан эшитиб ёзганларим учун эса, жавобгарлик менинг бўйнимда эмас.

Миср мамлакати ғоят азим ва оби ҳавоси турлича: баъзи вилоятлар иссиқ, баъзилари салқинроқ. Барча атроф қишлоқлар-

¹ Қовунга ухшаш кичикроқ мева.

дан шаҳарга маҳсулотлар келтиришади ва бир қисми бозорларда сотилади.

Мисрда сафолдан коса, қадаҳ, табоқ ва бошқа турли хил буюмларни шу қадар нафис ва шаффоф қилиб ясашадики, уларга бир томондан қўл теккизсанг, бу томонидан кўринади. Сафол буюмларни буқаламун рангига бўяшади, шунинг учун ҳар томондан қараганда турлича кўринади. Тозалиги ва мусаффолигидан забаржадга ўхшайдиган ойна ясашади ва уни вазнига қараб сотишади.

Бир эътиборли базоздан бир урам арқоннинг Мисрда уч мағриби динор туришини эшитдим. Бу миқдор уч ярим Нишопур динорига тўғри келади. Мен Нишопурда «Энг яхши арқонни қанчага харид қилишади?» деб сўраганимда, «Энг зўр арқоннинг бир ўрамига беш дирҳам беришади», дейишди.

Миср шаҳри Нил дарёси қирғоғи бўйлаб анча жойга чўзилган. Жуда кўп кўшк ва шийпонлар дарё лабида жойлашган ва уларга арқон билан сув чиқарилади. Лекин шаҳарга сувни мешкобчилар баъзилари туяларда, бошқалари елкада ташишади. Дамашқий жездан ясалган ва ўттиз ман сув сиғадиган кўзаларни кўрдим, ялтироқлигидан олтиндан ясалганга ўхшарди. Бир одам менга шунақадан беш мингта кўзаси бўлган бир аёл ҳақида ҳикоя қилиб берди. У ҳар битта кўзани ойига бир дирҳам эвазига ижарага бераркан. Ижарачилар муддат тугагач кўзани бешикаст қайтаришни ухдаларига олишаркан.

Миср олдида, Нил ўртасида орол бор ва у ерга бир пайтлар шаҳар қурилган. Шаҳарнинг ғарб томонидаги бу оролда жоме масжиди ва боғлар бор. Дарё ўртасидаги қояга ўхшаган оролнинг икки томонидан оқиб ўтувчи Нил тармоқларининг ҳар бири чамамда Жайхунга тенг бўлиб кўринди. Аммо анча секин оқади. Ўттиз олтита кемани бир-бирига боғлаб шаҳардан оролга утадиган кўприк қилишган.

Шаҳарнинг бир қисми Нилнинг нариги тарафида жойлашган ва уни Жиза деб аташади. Бу ерда ҳам жоме масжиди бор, аммо нариги қирғоққа ўтадиган кўприк йўқ. Жизага қайиқ ва кемаларда ўтишади. Мисрда қайиқ ва кемалар шу қадар кўпки, Бағдод ва Басрадагиларни бирга кўшиб ҳисоблаганда ҳам бунча йўқдир.

Миср бозорларида бирон нарса сотишаётганда фақат рост гапиришади. Агар қимки харидорни алдаса, уни туяга мингзиб қўлига кўнғироқ тутқазишади ва шаҳар бўйлаб айлантиришади. У кўнғироқ чалиб: «Мен ёлгон гапирдим ва маломатга қолдим», дея қичқиради. Ёлгончининг жазоси шу!

Бу ернинг бозорида баққол, аттор ва майдафурушлар бирон нарса сотишса, идишни узлари беришади. Идишлари шиша ёки сополдан ва қоғоздан қилингандир. Харидорнинг бозорга идиш кўтариб боришига ҳожат йўқ.

Чироқ ёғини бу ерда турп ва шолғом уруғини эзиб олишади ва уни «зайти ҳор», яъни, «ёнувчи ёғ» деб аташади. Кунжут бу ерда кам ва шу сабабли кунжут ёғи қиммат туради. Зайтун ёғи арзондир. Писта бодомга кўра қимматроқ экан. Бодом мағзининг ўн мани бир динордан қиммат эмас.

Бозорчилар ва дўкондорлар уйларидан бозорга эшак миниб келишади. Ҳамма кўчалар бошида чиройли эгар солинган

эшақлар туради. Ҳар ким хоҳласа, озгина кироя тўлаб манзилга эшақда бориши мумкин. Айтишларича, ҳар куни эллик мингдан ортиқ эшақ ва ҳачирга эгар солиниб, кирояга бериларкан. Сарбоз ва саркардалардан бошқалар, яъни, савдогарлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва амалдорлар от минишмайди. Бу шаҳарда жуда кўп отга ўхшайдиган, ҳатто ундан чиройлироқ чавкар эшақлар кўрдим.

Мен бўлган пайтимда шаҳар аҳолиси ғоят бой эди.

Тўрт юз ўттиз тўққизинчи (1047) йил маликалардан бири ўғил туғди ва султон бутун аҳолига байрам қилишни буюрди. Шаҳар ва бозорни шунақанги безатишдики, агар унинг таърифини баён қилсам, баъзилар ишонмаслиги, базозлик, саррофлик ва бошқа дуконларда зару жавоҳир, мол ва пул, зарбоф либослар кўплигидан утиришга жой қолмади десам, муболага деб билишлари мумкин.

Ҳеч ким айғоқчи ва хуфялардан кўркмайди. Ҳамма султоннинг аҳолига зулм ва бировнинг молига тамаъ қилмаслигига ишонади. У ер одамларида шунақанги бойликлар кўрдимки, айтсам ёки ёзсам, ажам аҳлининг ақли шошиб қолади. Мен уларнинг бойликлари ҳисобига етолмадим ва бу ердагидек осойишта ҳаётни бошқа ҳеч қаерда кўрмадим.

Бир тарсо одамни кўрдим: Мисрнинг энг катта бойларидан экан. Айтишларича, унинг кемалари ва бошқа молу мулкнинг ҳисобига етиб бўлмас экан. Қайсидир бир йили Нил суви етарли даражада кўтарилмай, ғалла қимматлашибди. Султон вазири ҳузурига тарсонни чақириб, унга: «Йил яхши келмади ва раиятнинг аҳволидан султоннинг кўнгли ғашланиб қолди. Сен ё пулга ё қарзга имконинг етганича ғалла бергин», дебди. Тарсо шундай жавоб берибди: «Султон ва унинг вазири бахтига мен шунча ғалла ҳозирлаб қўйганманки, Мисрни олти йил нон билан таъминлашга етади».

Бу вақтда Миср аҳолиси, шубҳасиз, Нишопур аҳолисидан беш баравар кўп эди. Ҳисоб илмидан хабардор одамга шунча ғалласи бор одамнинг бойлиги қай даражадалиги маълум бўлади. Султон одил ва раият эминлигидан уларда шу ҳол вужудга келган. Султон ҳеч кимга жабру зулм қилмайди ва одамлар ҳам ҳеч нарсани яширмайди.

«Дорулвазир» деб аталган карвонсаройни кўрдим. Бу ерда қасаб газламаси сотишади. Пастки қаватда тикувчилар, юқорида ямоқчилар яшашади. Карвонсарой соҳибидан йиллик даромадини сўрадим. «Ҳар йили йигирма минг магриби динор, — деди у. — Аммо шу кунларда бинонинг бир қисми хароб бўлиб, уни қайта қуришмоқда. Ҳозирда бизга ойига минг динордан, яъни, йилига ўн икки минг динор тўлашяпти».

Менга шаҳарда бундан ҳам каттароқ карвонсарой йўқлигини айтишди. Лекин бунга қарийб тенг келадиганлари икки юзга яқин экан.

Султон зиёфати таърифи

Мисрдаги одатга биноан султон йилда икки марта байрамлар пайтида элга дастурхон ёзиб зиёфат қилади ва хосу омга кўриниш беради. Зодагонлар султон ҳузурини, авом эса, бошқа сарой ва

уйларда зиёфат ейишади. Мен бу ҳақда жуда кўп эшитган бўлсам ҳам, ўз кўзим билан куришни ҳавас қилардим. Мен танишиб ва дўстлашиб қолганим султон дабирларидан бирига дедим:

— Мен ахам маликлари ва ҳукмдорларидан бўлмиш султон Маҳмуд Газнавий ва унинг ўгли Масъуд боргоҳида бўлдим. Улар улуг подшоҳлар бўлиб, неъмат ва бойликлари ҳисобсиз эди. Эндиликда амир ал-муъминин мажлисини ҳам томоша қилмоқ истасим бор.

У дарҳол пардадорга (бу ерда уни «соҳибусситр» деб аташди) мен ҳақимда кўрсатма берди.

Тўрт юз қирқинчи йил рамазон ойининг сўнгги куни (1049 йил март) зиёфатгоҳ ҳозирлашди. Эртага ийд куни бу ерга султон ташрифи кутилди. Пардадор мени у ерга бошлаб борди. Сарой дарвозасидан кириш билан шийпонлар, айвонлар ва бошқа турли-туман иморатларга кўзим тушди. Агар уларнинг васфини тўла келтирсам, ҳикоям чўзилиб кетади.

Бу ерда мурабба шаклидаги ўн икки қаср юксалиб турарди. Биридан иккинчисига ўтганимда, ҳар гал навбатдагиси кўзимга олдингисидан гўзалроқ бўлиб кўринарди. Ҳар бирининг майдони юз аршга юз арш, фақат биттасиники олтмиш аршга олтмиш арш эди. Уша бинода хонанинг бутун эини эгаллаган ва баландлиги тўрт газ бўлган тахт турарди. Тахтнинг учала томони олтиндан ясалган бўлиб, унда ов манзараси ва бошқа манзаралар тасвирланган. Шунингдек, чиройли хат билан лавҳа битилган.

Гилам ва шоллар рум ипаги ва буқаламундан эди. Уларни тўшаладиган жой андозасига мослаб тўқишгани кўриниб турарди.

Турдаги тахтга чиқиш учун кумуш зинапоя ясалган. Тахтнинг ўзи шундай эдики, агар бутун китоб унинг таърифини ёзишга бағишланганида ҳам, бунинг уддасидан чиқмоқ амримаҳол.

Айтишларича, султон зиёфат берган куни эллик минг ман шакар ширинликлар тайёрлашга ажратиларкан. Зиёфат хонасида турунж дарахтига монанд қилиб ясалган дарахтни кўрдим. Унинг шох, барг ва мевалари шакардан эди. Султон ошхонаси қаср ташқарисида ва унда юзлаб ошпазлар ишлайди. Қушқдан ошхонага ер ости йўли бор.

Бу ерда ўрнатилган тартибга биноан ҳар куни султон шаробхонаси учун ўн тўрт туя қор келтирилди. Бу ердан аён ва зодагонлар улушларини олишарди ва шаҳар аҳли ҳам зарурат юзасидан сўрашса, беришарди. Шунингдек, шаҳар аҳолисига дори-дармон ва ҳоказолар керак бўлса ҳам, ҳарамга мурожаат қилиб, у ердан олишарди. Турли малҳамлар, балисон¹ мойи олмоқ тартиби ҳам шундай эди ва мазкур нарсалар сўралганида оғриниш ёки рад қилиш ҳоллари юз бермасди.

Миср Султонининг хулқи ва феъли таърифи

Миср аҳолисининг эмин ва осойишталиги шу даражада эдики, баззоз, сарроф ва заргарлар дўконларининг эшигини ёпмай, фақат парда осиб қўйишар, бирон кимса молларига кўз олайтирмас эди.

¹ Эфир.

Султоннинг ўзи ҳам қадрлайдиган бир яхудий заргар бўлиб, унинг беҳисоб бойлиги бор эди. Жавохирлар олди-сотдисиди ҳамма унга эътиҳод қиларди. Бир куни қандайдир жанжал чиқиб, сарбозлар яхудийга ташланиб, уни ўлдириб қўйишди. Сўнгра султон қаҳридан кўрқиб, йигирма минг сарбоз отланиб майдонга чиқишди. Шаҳар аҳолиси бундан даҳшатга тушди. Отлиқлар туш пайтигача майдонда туришди. Сарой дарвозасидан мулозим чиқиб, дарвоза олдида туриб қичқирди:

— Султон ҳазратларига итоат қиласизларми, йўқми?

Лашкар бир овоздан гуриллаб деди:

— Биз султоннинг қули ва унга итоат этамиз. Аммо гуноҳ қилиб қўйдик.

— Султон сизларга қароргоҳга қайтишни амр қилади, — деди мулозим ва сарбозлар дарҳол ўз жойларига қайтишди.

Ўлдирилган жухуднинг Абусаид исмли ўғли ва бир укаси бор эди. Овозаларга қараганда, унинг мол-дунёсининг ҳисоби ёлғиз Оллоҳагина аён эди. Айтишларича, унинг уйи томи усти мисли боғ бўлиб, барча дарахтлар ҳосил берарди.

Жухуднинг укаси султонга хат ёзиб, иккаласи юз минг мағриби динорни ҳазинага топширажакларини маълум қилди. У султондан кўрққани туфайли шундай қилган эди. Султон хатни ҳам-манинг кўз ўнгида йиртиб ташлашни буюрди ва жухуднинг ме-росхурларига қараб:

— Эмин-осуда уйингизга боринг, бирон кимса сизларга тег-майди ва биз бировнинг молига муҳтож эмасмиз, — деди.

Шомдан Қайрувонгача қаергаки борган бўлса, барча шаҳар ва қишлоқларда масжидларнинг чироқ ёғи, бўйра, жойнамоз ва имом, муаззин, фаррош ва бошқа хизматчиларнинг мойнаси учун сарфлайдиган маблағни султон вакили туларди.

Қайсидир йили Шом волийси ўз мактубида шундай деб ёзиб-ди: «Бу йил зайтун ёғи кам олинди. Агар фармони олий бўлса, биз масжидларга турп ва шолғом уругидан олинувчи ёғ, яъни, «зайти ҳор» берамиз». Унга шундай жавоб узатишди: «Сен вазир эмас, балки хизматкорсан. Худонинг уйи учун нимаики лозим бўлса, улар ўзгаришсиз ва кечиктирилмасдан берилиши шарт!»

Қозийулқуззотга ҳар ойда икки минг мағриби динор ва бош-қа қозиларга ҳар базмнинг даражасига қараб маош берилади, токим улар бировнинг молига тамаъ қилиб, одамларга зулм қи-лишмасин.

Ҳижоз ўлкаси таърифи

Зулқаъда ойи бошида биз Мисрдан чиқдик ва шу ойнинг йигирманчисиди Қулзумга келдик. Бу ердан кемага тушиб ўн беш кунда Жор шаҳрига келдик. Тўрт кундан сўнг эса, расулул-лоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам шаҳри — Мадинага етиб кел-дик.

Пайғамбар алайҳиссалом шаҳри саҳро чеккасида жойлашган. Замини намнок ва баъзи жойлари шўрхок. Оқар суви кам. Хурмо-зорларга бой. Қибла Мадинадан жануб тарафдадир.

Расулуллоҳ алайҳиссалом масжидининг катталиги Маккадаги Масжидил Ҳаромга тенг келади. Пайғамбар алайҳиссалом қабри

масжид минбари ёнидадир. Қибла томонга қараб турилганда қабр чап қўл тарафда бўлади. Хатиб хутба пайтида Пайғамбар алайҳиссалом номини зикр қилаётиб, ўнг томонга юзланади ва мақбарага ишора қилади. Мақбара мухаммас шаклида: масжиднинг бешта устунининг ўртасигача девор тикланган. Биров кирмаслиги учун усти панжара қилинган ва қушлар учиб кирмаслиги учун очиқ жойларига тўр ёпилган. Қабр ва минбар орасида мармар қопланган кичик саҳн бўлиб, бу жойни «равза» деб аташади ва, айтишларича, бу ерда жаннат боғларидан бири жойлашган, чунки Пайғамбар алайҳиссалом, «Қабрим ва минбарим орасида жаннат боғларидан бор», деб зикр қилганлар. Масжиднинг эшиги битта.

Шаҳардан жануб тарафдаги саҳрода гуристон бор. Ҳамза ибни Абдулмутоллиб розийаллоҳу анҳунинг қабри шу ердадир. Бу мавзеъни «Қубурушшухадо» (Шаҳидлар қабристони) деб аташади.

Биз Мадинада икки кун бўлдик ва сўнгра яна йўлга тушдик. Йўл машириқ тарафга кетарди. Мадинадан икки манзил нарида тоғ даралари бўлиб, бу ерни «Жуҳфа» деб аташарди. Бу ер Мағриб, Шом ва Мисрнинг мийқотидир. «Мийқот» деб ҳожилар эҳром киядиган жойга айтилади. Айтишларича, қайсидир бир йили жуда кўп ҳожилар тўпланганида тўсатдан қаттиқ сел келиб, ҳаммалари ҳалок бўлишибди. Шу сабабли бу ер «Жуҳфа» (яъни, кучли сел) деб аталаркан.

Мадинадан Маккагача юз фарсанг масофа, аммо йўл тошлоқ бўлгани учун биз саккиз кун юрдик. Олтинчи зулҳижжада яқшанба куни Маккага кириб келдик ва Бобуссафо дарвозаси ёнида тўхтадик. Бу йил Маккада қаҳатчилик бўлиб, тўрт ман нонни бир нишопури динорига сотишарди. Одамлар Маккани ташлаб кетишар ва атрофдан ҳам ҳожилар келмай қўйишган эди. Чоршанба куни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло мадади билан Арофот тоғига чиқиб ҳажни бажо келтирдик. Маккада икки кунни ўтказдик. Очиқ ва қашшоқликдан жуда кўп одамлар Ҳижоздан турли ёқларга бош олиб кетган эканлар. Мен бу сафар ҳаж маросими ва Макка шаҳри ҳақида батафсил сўзлаб ўтирмайман. Бошқа сафар бу ерга келиб, олти ой мужовир бўлиб яшаганимда кўрган нарсаларимни ўз жойида муфассал ҳикоя қиламан.

Мен яна Миср тарафга йўл олдим ва етмиш беш кундан кейин бу ерга етиб келдим. Бу йил Мисрга Ҳижоздан ўттиз беш минг одам келган бўлиб, султон уларни кийим-кечак ва бир йилга етадиган озиқ-овқат билан таъминлади. Чунки улар барчаси оч-яланғоч эдилар. Ёғингарчилик бошланиб, Ҳижоз заминида озуқа кўпайгач, султон муҳожирларга боз сарполар бериб, уларни Ҳижозга узатди.

Тўрт юз қирқинчи йил ражаб ойида (1048 йилнинг декабри) султоннинг қуйидаги мазмундаги ёрлиғини масжидларда халққа ўқиб беришди: «Ҳижозда қаҳатчилик ва ҳожиларнинг бормоғи маъқул кўрилмайди. Фуқаромиз ҳаж сафаридан сақланиб, Оллоҳ амр қилган бошқа юмушларни адо этаверсинлар».

Бу йил ҳам одамлар ҳажга боришмади. Лекин султон ўзининг Макка ва Мадина амирларига, Каъба хизматчиларига узатадиган ҳар йилги совға-саломларини қанда қилмоқни истамасди. Йили-

га икки бор узатиладиган бу совгалар бедов отлар, чопонлар ва Макка амири ва аъёнлари учун ҳар ойга уч минг динор пулдан иборат бўларди. Бу йил ушбу совгаларни Қози Абдулло исмли кишига топширдилар. У олдин Шомда қози бўлган экан. Мен ҳам улар билан йулга тушдим ва биргаликда Қулзумга келдик. Бу гал бешинчи зулқаъдада кема Жорга етиб келди. Ҳаж мавсуми яқинлашиб, вақт жуда кам қолган эди. Битта туя беш динорга ижарага бериларди. Мен жуда шошилиб йўл босдим ва саккизинчи зулҳижжада Маккага етиб келиб, Ҳақ субҳонаху таоло кумаги билан ҳажни бажо келтирдим.

Бу йил Мағрибдан катта қарвон келган экан. Улар ҳаждан қайтишаётганда Мадина ёнида бадавийлар йўл тўсиб, улпон талаб қилишибди. Икки ўртада олишув бошланиб, мағрибликлардан икки мингдан кўпроғи ўлдирилибди.

Худди шу йили Хуросондан ҳам бир гуруҳ одам Шом ва Миср йўли билан ҳаж сафарига чиқишибди. Кемада Мадинага келишибди. Зулҳижжа ойининг олтинчи куни бўлиб, Арофотга етишларига бир юз тўрт фарсанг бор экан. Арабларга дейишибди: «Кимки бизни ана шу қолган уч кун ичида Маккага етказса ва ҳажга улгурсак, ҳар биримиз қирқ динордан тўлаймиз». Бадавийлар рози бўлиб, уларни икки ярим кунда Арофотга етказишибди. Пулни олдиндан олишибди ва уларни битта-биттадан чопқир туяларга миндириб, маҳкам боғлашибди. Мадинадан чиқиб, туяларни Арофотгача чоптириб келишибди. Туяларга боғлоглик хуросонликлардан иккитаси ўлиб, қолган тўрттаси ҳам ўлар ҳолатда, аср намози пайтида, биз ўша жойдалигимизда етиб келишди. Шу ҳолга етган эдиларки, оёқда тик туролмасдилар. Гапиришга ҳам мажоли етмасди бечораларнинг. Кейинчалик бизга шуни сўзлаб бердилар: «Йўлда бадавийларга неча бор, олган пулингиз сизники бўлсин, лекин бизни қўйиб юборинглар, ортиқ тоқат қилолмаймиз, деб зорландик. Қулоқ солмай, туяларни чоптираверишди». Бу тўрт нафар хуросонлик ҳажни бажо келтириб, Шомга қайтиб кетишди.

Ҳажни адо этгач, мен ҳам Мисрга қайтдим. Чунки у ерда китобларим қолган эди. Бу йил Мисрга Мадина амири ташриф буюрди. У Ҳусайн ибни Али салаватуллоҳи алайҳумо авлодидан бўлгани учун султон унга йиллик маблағ тайинлаган ва шуни олишга борган эди. Мен у билан кемада Қулзумга бирга бордим. Ундан Мисрга ҳам бирга кетдик.

Мутолиблар бошлигининг ўлими

Тўрт юз қирқ биринчи йили, мен Мисрда эканлигимда, Ҳалаб малики султонга қарши исён кўтаргани ҳақида хабар келди. У султонга чокар¹ бўлиб, отаси ҳам Ҳалаб малики бўлган эди.

Султоннинг Умдатуддавла исмли навқари бўлиб, у мутолиблар бошлиғи ва ниҳоятда кўп бойликлар эгаси эди. Миср тоғларидан хазина ва дафиналар изловчи одамларни «мутолиблар» деб аташарди. Мағрибдан, Мисрнинг барча вилоятларидан, Шомдан келган одамлар Мисрнинг тоғу тошларида изғиб машақ-

¹ Вассал.

қатлар чекишади ва сарфу харажатлар қилишади. Хазина ва дафина топганлар кўп-у, аммо бор-будини сарфлаб бирон бойлик тополмаганлар ҳам оз эмас. Айтишларича, бу мавзеъда Фиръавннинг бойликлари кўмилган экан. Бойлик топиб олган одам, топганининг бешдан бир қисмини султон хазинасига топшириши лозим, қолгани ўзиникидир.

Хуллас, султон ушбу навкарларни катта лашкарга бош қилиб, Ҳалаб вилоятига узатди. Унга маликларга хос буюмлар, саропарда ва ҳоказолар инъом этди. Навкар Ҳалабга келиб исёнкорларга қарши жанг бошлаб юборди-ю, аммо ўзи ҳам жангда ўлдирилди.

Унинг мол-мулки шу қадар кўп эдики, хазинасидаги молларни икки ой давомида султон хазинасига ташишди. Уч юздан ортиқ канизаги бўлиб, кўпчилиги соҳибжамол эди. Султон уларни озод қўйиб юборишни буюрди. Эрга тегишни хоҳлаганларини эрга бердирди, қолганларига ҳам тегишли мол-мулкни бердириб, уйларига узатди. Биронтасига ихтиёрига қарши зурлаш ёки жабр қилиш ҳоллари бўлмади.

Навкар Ҳалабда ўлдирилгач, малик султоннинг яна катта лашкар узатишидан кўрқди. У хотини ва етти яшар ўглини беҳад кўп ҳадялар билан султон ҳузурига узатди ва бўлиб ўтган воқеалар учун узра сўради. Улар етиб келгач, қарийб икки ой шаҳар ташқарисида туришди. Чунки дарвозадан киритишмади ва тўқфалари ҳам қабул этилмади. Ниҳоят, шаҳар қози ва имомлари шафоат юзасидан султон даргоҳига кириб, уларни қабул этмоғини илтимос қилишди. Султон уларни қабул қилди ва сарполар бериб ўз юртларига жунатди.

Мисрдаги боғдорчилик таърифи

Агар Мисрда кимки боғ яратмоқчи бўлса, бунининг истаган фаслида қила олади. Чунки истаган дарахтини — хоҳ мевали, хоҳ манзарали дарахт бўлсин — ҳамини топиб ўтқаза олади. Ниҳолфурӯшлар бўлиб, улар харидор айтган кўчатни бир зумда топиб беришади. Улар ниҳолни томда, катта тувакларда ўстиришади. Шунинг учун кўплаб томлар боғни эслатади. Асосан норинж, турунж, анор, олма, беҳи каби мевали дарахтлар, шунингдек, турли гул ва ўсимликлар ўстиришади. Кимки сотиб олмоқни истаса, ҳаммоллар келиб тувакларни ичидаги кўчати билан кўтариб, айтилган жойга олиб боришади. Тувакни эрга қўйишади. Исталган пайтда кўчатни тувакдан олиб эрга ўтқазиш мумкин ва бу ҳол дарахтнинг ўсишига заррача зиён етказмайди. Боғ яратмоқнинг бунақа усулини бошқа бирон бир мамлакатда кўрганим ёки эшитганим йўқ. Инсоф билан айтганда, бу гоё ажойиб усулдир.

Мисрдан қайтмоғимиз баёни

Энди ўзимнинг Мисрдан Макка орқали ватанга қайтмоғимни баён қиламан. Ийд намозини Қоҳирада ўқиб, тўрт юз қирқ биринчи йил зулҳижжа ойининг ўн тўртинчисида, сешанба куни (1050 йил апрели) Мисрдан кемага ўтирдим ва Саидаъло орқали йўлга тушдим. Бу вилоят жанубда жойлашган бўлиб, Нил дарёси

унинг худудидан ўтиб Мисрга келади. Миср бойликлари манбаи асосан шу вилоятда. Нилнинг ҳар иккала қирғоғида жуда кўп шаҳару қишлоқлар бор: агар битталаб ёзаман деса, кўп вақтни олади.

Ниҳоят, Асют деган шаҳарга келдик. Бу шаҳарда афюн тайёрлашади. Уни уруғи қора кўкноридан олинади. Кўкнори ўсиб бош ҳосил қилгач, уни тилишади, шунда шира ажралиб чиқади. Ширани йиғиб олиб сақлашади ва мана шу афюндир. Бу кўкнорининг уруғи жуда майда ва зирага ўхшайди.

Асютда кўй жунидан ажойиб саллалар тўқишадики, ўхшаши оламда йўқ. Эронга келтириладиган ва «мисрий» деб аталувчи юқори сифатли жун Саидаъло вилоятидан олиб борилади. Мисрнинг ўзида жун йиғиришмайди. Асютда кўй жунидан тўқилган фута кўрдим; бунга ўхшадини на Лоҳур ва на Мултонда кўрганман. Кўринишидан уни ипак деб ўйлаш мумкин.

У ердан Қавс номли шаҳарга келдик. Бу ерда тошдан қурилган улкан биноларни кўрдим; шу қадар маҳобатлики, одам донг қолади. Шаҳарнинг кўҳна қалъаси ва девори ҳам тошдан бунёд этилган, биноларнинг кўпи ҳар бири йиғирма-ўттиз минг ман келадиган қатта тошлардан қурилган. Шуниси ажабланарлики, яқин ун-ун беш фарсанг масофада на тоғ ва на тош бор. Бу тошлар қаердан ва қандай қилиб келтирилди экан.

У ердан биз Ахмим шаҳрига етиб келдик. Обод ва гавжум шаҳар бўлиб, мустаҳкам кўргони бор экан. Хурмозор ва боғлари жуда кўп. Бу шаҳарда йиғирма кун туриб қолдик. Сабаб шу эдики, олдимизда икки йўл турарди: бири сувсиз саҳродан ўтади ва иккинчиси дарё йўли. Қайси биридан юришимизни билмай анча иккиланиб турдик. Ниҳоят дарё йўлидан жўнаб, «Ассувон» деб аталувчи шаҳарга келдик. Нил дарёси мана шу шаҳарнинг жанубида жойлашган тоғ дараларидан оқиб келади. Айтишларича, кемалар бу ердан юқорига суза олмайди, чунки сув тор дарадан ўтиб, баланд қоя устидан отилиб тушади. Бу шаҳардан тўрт фарсанг масофада Нуба мамлакати жойлашган. Бу мамлакат аҳолиси тарсо динидадир. Доимо Нуба малики тарафидан Миср султониغا ҳадялар узатилиб туради ва икки ўртада лашкарлар бошқа мамлакат худудига бостириб кирмаслиги ҳақида ахдномалар тузилади. Ассувон шаҳри гоят даражада мустаҳкам. Нуба тарафдан ҳужум қилиб қолмасликлари учун вилоят ва шаҳарни кучли қўшин ҳимоя қилиб туради. Шаҳар рўбарўсида Нил дарёси ўртасида орол бор. Чорбаққа ўхшаган бу оролда хурмозор ва зайтунзорлар, бошқа турли дарахт ва экинлар бор. Чигир ёрдамида сув чиқаришади. Хуллас, жуда сердарахт жой экан.

Биз бу ерда йиғирма бир кун туриб қолдик, чунки олдимизда бепойн саҳро ястаниб ётар, денгиз соҳилигача икки юз фарсанг масофа бор эди. Бу пайт ҳожилар қайтиб келадиган мавсум бўлиб, улар одатда туяларда келишарди. Биз туя кироя қилиб кетмоқ мақсадида туяқашларнинг қайтишини кутардик. Мен Ассувонда бўлганимда Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Филиз исмли киши билан танишиб қолдим. У порсо ва ҳимматли одам бўлиб, мантиқ илмидан хабардор эди. У менга туя кироя қилишга, ҳамроҳлар топишга ва йўл анжомларини ҳозирлашга ёрдам берди. Мен бир ярим динорга туя кироя қилиб, тўрт юз қирқ иккинчи

йил рабиулаввал ойининг бешинчи куни (1050 йил июли) бу шаҳардан жунаб кетдим. Йул жануб тарафга кетарди. Саккиз фарсанг йул босиб, Зайқа деган манзилга етиб келдим. Бу ер саҳро ўртасида бир дара каби, икки томондан худди девордек тоғлар тўсиб турарди. Даранинг кенглиги юз арш келади. Ўртасида қудуқ қазилган, суви кўп, аммо яхши эмас. Бу манзилдан нариёғи беш кунлик йўлгача сувсиз саҳродир. Шу сабабли ҳар бир йўловчи мешларга сув тўлатиб олди ва йўлда давом этдик.

Ниҳоят Ҳавзаб деган манзилга етиб келдик. Тоғи тошлоқ бўлиб, иккита ёриқдан сув оқиб тушар ва пастдаги чуқурда тўпланар эди. Сув яхши экан. Ҳамроҳларимиздан бири ёриқ олдида туриб, туялар учун сув олди. Етти кундан бери туялар сув ичмаган ва ўт емаган, чунки йўлимизда униси ҳам, буниси ҳам учрамаган эди. Бир кеча-кундузда туяларга бир маротаба дам берардик. Қуёш қаттиқ қиздира бошлагандан то намозга пайтигача дам олиб, сўнгра йўлга тушардик. Манзилларнинг қай аҳволдалиги бизга маълум эди. Баъзи жойларда тўхтаганимизда ҳатто олов ёқишга ҳеч нарса топилмасди. Манзил теварагига туя тезакларини териб ўт ёқиб, ўзимизга бирон таом ҳозирлардик. Туялар ҳам агар танбаллик қилсалар ташналикдан ҳалок бўлишларини билгандай, жуда тез юришар, уларга шигов бермоққа ҳам ҳожат йўқ эди. Бу биёбонда на бир йўл ва на унинг аломати қуринади, аммо туялар тўғри йўналишни ўзлари топишар ва ҳамиша машриқ тарафга қараб юришар эди. Баъзан ўн беш фарсанг йўл юриб оз-моз сувга дуч келардик, у ҳам шўр бўларди. Баъзан ўттиз-қирқ фарсанг масофада ҳам бир қатра сув топилмасди.

Тўрт юз қирқ иккинчи йил рабиулаввал ойининг йигирманчи куни биз Айзоб шаҳрига етиб келдик. Ассувондан Айзобгача ўн беш кун йул юрдик ва бу масофа тахминан икки юз фарсангдир. Айзоб шаҳри денгиз соҳилида жойлашган. Бу ерда жомеъ масжиди бор. Шаҳар Миср султонига қарашли бўлиб, аҳолисидан беш юз нафари эркак. Бу ерда божгоҳ жойлашган. Чунки бу ерга Ҳабашистон, Занжибар ва Ямандан кемалар келади. Келтирилган товарларни туяларга юклаб, биз ўтган саҳро йўли билан Ассувонга олиб боришади. Ассувонда яна кемаларга юклаб, Нил орқали Мисрга элтишади.

Қибла тарафга юзланганда, бу шаҳарнинг ўнг томонида тоғ қуринади. Тоғнинг ёнбошида серўт яйловлари бўлган улкан чўл ястаниб ётибди. Бу чўлда «Баджолар» деб аталувчи катта қабилა яшайди. Уларнинг ҳеч қанақа дини йўқ, ҳеч қайси пайғамбар ёки авлиёга иймон келтиришмаган. Сабаби уларнинг обод вилоятлардан ўзоқда яшашларидир. Қабила макон тутган саҳронинг узунлиги минг фарсангдан зиёд ва эни уч юз фарсангдир. Шунчалик кенг жойда бор-йўғи иккита кичкина шаҳарча бор. Бу саҳро бўйига Мисрдан Ҳабашистонга, яъни, шимолдан жанубга қараб, энига эса Нубадан Қулзум денгизига, яъни, ғарбдан шарққа қараб чўзилган. Баджолар шу кенг жойда яшашади. Улар ёмон одамлар эмас, ўғрилик ё талончилик қилишмайди. Фақат чорвачилик билан шуғулланишади. Мусулмонлар ва бошқалар уларнинг болаларини ўғирлашади ва Ислом шаҳарларига элтиб сотишади.

Қулзум денгизи қўлтиқ бўлиб, Адан вилояти ёнида оқёвусдан ажралиб, то Қулзум шаҳригача шимолга қараб чўзилган.

Айтишларича, бу денгизда уч юздан ортиқ орол бор экан. Оролларга кемалар қатнаб, ёғ ва қурут олиб келишади. Чунки бу оролларда сигир ва қўйлар кўп экан. Эшитишимча, ороллар аҳолиси мусулмон бўлиб, баъзилари Мисрга, қолгани Яманга бўйсунар экан.

Айзоб шаҳрида қудуқ ва булоқлар йўқ. Бу ерда ёмғир сувини истеъмол қилишади. Ёгин ёғмайдиган пайтларда баджолар сув келтириб сотишади. Биз бу ерда уч ой муддат яшаганимизда бир меш сув учун бир дирҳам, баъзан икки дирҳам тулардик. Бунча узоқ туриб қолганимизнинг сабаби кемамиз жўнаб кетолмагани эди. Чунки шамол доимо шимол тарафдан эсар бизга эса жанубий шамол керак эди. Маҳаллий одамлар мени куришганда: «Бизга хатиб бўлгин», деб таклиф қилишди. Мен рад қилмадим ва то қулай мавсум келиб, кемада шимолга жўнаб кетганимизча уларга хатиблик қилдим. Биз у ердан Жаддага келдик. Айтишларича, бу атрофдаги биёбонда зотдор туялар етиштирилар, уларни Миср ва Ҳижозга элтишаркан.

Айзобда бўлганимда мен сўзига ишонадиган одам шундай ҳикоя қилиб берди: «Бир йили бу шаҳардан кемалар Ҳижоз сари йўлга тушди. Кемаларда Макка амири учун туялар олиб кетиш аётган эди. Мен кемадаги йўловчилардан бири эдим. Туялардан бири улиб қолди, одамлар унинг лошини денгизга улоқтиришди. Шу он уни каттакон бир балиқ ютди. Туянинг фақат бир оёғигина унинг оғзидан чиқиб турарди. Бошқа бир балиқ пайдо бўлиб, туя ютган балиқни бутунича ўз комига тортди». Уша балиқни «қараш» деб аташаркан.

Мен бу шаҳарда Хуросонда «шафақ» деб аташадиган балиқ пўстини кўрдим. Олдин уни Хуросонда кўрганимда бирон тур калтакесакнинг териси бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Энди эса, унинг балиқ пўсти эканини билдим, чунки сузгичлари ҳам бор эди.

Мен Ассувонда бўлганимда бир дўстим бор эди. Исми, олдин ҳам зикр қилиб ўтганимдек, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Филиж эди. Мен Айзобга жўнаганимда у дўстона мурувват кўргузиб менга Айзобдаги ўз вакили номига бир хат ёзиб берган эди. Хатда: «Носир нимаики сўраса бериб, эвазига фақат олгани ҳақида тилхат ёздириб олгин», дейилган эди. Айзобда уч ой туриб қолганимизда мен бор маблағимни сарфлаб тугатдим ва ноиложлигимдан хатни ўша одамга элтиб бердим. У олижаноб одам экан ва менга шундай деди: «Худо ҳаққи, менда унинг жуда кўп моллари бор. Сенга хоҳлаган нарсангни бераман, фақат тилхат ёзиб берсанг бўлди». Мен Муҳаммад Филижнинг олиҳимматлигига қойил қолдим. Мендан бирон манфаат курмаган бўлса ҳам, шунча яхшиликлар қилди. Агар мен диёнатсиз одам бўлиб, фурсатдан фойдаланиб қолишни хоҳлаганимда, уша хат туфайли бу одамдан кўп моллар олишим мумкин эди. Лекин мен ундан фақат юз ман ун олдим. Бунча миқдордаги ун ҳам бу ерда арзон эмасди. Мен олганим ҳақида тилхат ёзиб бердим ва у одам тилхатимни Ассувонга жўнатди. Мен Айзобдан жўнаб кетмасимдан бурун Муҳаммад Филижнинг қуйидаги мазмундаги жавоб хати етиб келди: «У сендан қанча миқдорда мол сўрамасин, айтганини менинг ҳисобимдан бергин. Ўз молингдан берсанг ҳам, кейин мен сенга тўлайман».

Бу ҳикояни келтиришдан мақсадим шуки, то ўқувчилар инсон инсонга эътиҳод қилишини билиб қуйсинлар. Хайр-саховат ҳамма жойда бор, олижаноб одамлар доимо бўлган ва бўлишади.

Жадда денгиз соҳилидаги мустақкам девор билан ўраб олинган катта шаҳардир. У денгизнинг шимолий соҳилида жойлашган. Шаҳарда беш минг эркак аҳоли яшайди. Чиройли бозорлари бор, жомеъ масжиди шарқ тарафдадир. Шаҳар ташқарисида «Расулulloҳ алайҳиссалату васаллам масжиди» деб аталувчи масжиддан бошқа бирон иморат йўқ. Икки дарвозаси бор: бири шарқий дарвоза бўлиб, Макка тарафга қараган, ғарбий дарвоза эса, денгиз тарафдадир. Агар Жаддадан денгизни ёқалаб, жанубга юрилса, Яманга борилади. Яманнинг Саъда шаҳри бу ердан эллик фарсанг масофада жойлашган. Шимол тарафга қараб юрилса, Ҳижознинг Жор шаҳрига борилади. Жаддада дарахт ва экинзорлар йўқ. Зарур нарсаларни қишлоқлардан келтиришади. Бу ердан Маккагача ўн икки фарсангдир. Жадда амири Макка амирига бўйсунди ва унинг номи Тоҷулмаъоли ибн Абулфутухдир. Мен Жадда амири қабулида бўлдим. Менга ҳурмат курсатиб, бож тўлашдан озод қилди. Ҳатто Маккага «Бу одам донишманд, ундан ҳеч нарса олмаслик керак», деган мазмунда хат жўнатди.

Жума куни намозгар пайти мен Жаддани тарк қилдим ва жумодиллохир оғи сўнггида якшанба куни Макка дарвозаси олдига етиб келдим. Ҳижоз ва Яман вилоятларидан жуда кўп халқ ражаб оғининг биринчи куни умрани адо этиш учун бу ерга йиғилишган эди. Бу пайт худди рамазон ҳайити ва ҳаждагидек одам ниҳоятда гавжум бир мавсумдир. Йил яқин ва қулай бўлгани учун ҳижозликлар ва яманликлар йилига уч бор келишади.

Маккаи Муқаррама таърифи

Макка шаҳри баланд тоғлар ўртасида жойлашган. Қайси томондан борилмасин, то яқин келгунча шаҳар кўринмайди. Макка яқинидаги тоғларнинг энг баланди «Абуқубайс» деб аталади ва гўмбаз каби думалоқдир. Агар ёнбағридан туриб камондан ўқ узилса, тепасигача етади. Бу тоғ шаҳарнинг шарқ тарафидадир. Тепасида бир тош ҳужра бўлиб, айтишларича, уни Иброҳим алайҳиссалом қурган экан. Тоғ оралиғидаги водийда шаҳар жойлашган, эни ва бўйининг узунлиги икки ёй ўқи етадиган масофадан зиёд эмас. Масжид ал-Ҳарам водий ўртасида жойлашган ва унинг атрофини шаҳар кўчалари ва бозорлар ўраб олган. Масжид ал-Ҳарамнинг ғарб томонидаги «Боби Иброҳим» деб аталувчи дарвозаси олдидаги қудуқ атрофида бир неча баланд ва сершоҳ дарахт борлигини айтмаса, шаҳарнинг бошқа жойларида дарахт кўринмайди. Масжид ал-Ҳарамнинг шарқ томонида катта бозор бўлиб, у жанубдан шимолга қараб қўзилган. Бозорнинг жанубий чеккаси Абуқубайс тоғига бориб тақалади. Тоғ ёнбағридаги тошларни тартиб билан териб, зинапоёга монанд қилишган. Одамлар унинг поғоналарига чиқиб дуо ўқишади. Бозорнинг шимол томонида Марва тоғи жойлашган бўлиб, у қадар баланд эмас. Шаҳар ичидаги бу тоғнинг тепасига уйлар қурилган. Сафодан Марвага югуриш деганда, ушбу бозорнинг у чеккасидан бу чеккасига югуриш тушунилади.

Маккадан ярим фарсах масофада, барча йулларда махсус белгилар қўйилган ва масжидлар қурилган. Умрани адо этиш учун узоқдан келган одамлар бу ерда эҳром кийишади. «Эҳром киймоқ» деб тикилган либосларни ечиб, бир парча матони белгэ ўраш ва яна бошқа мато ёки чодрага ўраниб олишга айтилади Шундан кейин баланд овозда «Лаббайка Оллоҳумма лаббайка» деб хитоб қилиб, Макка сари юришади. Агар кимки ўзи Маккада бўлиб, умра қилмоқчи бўлса, йулдаги махсус белги қўйилган жойгача боради ва эҳром кийиб, «Лаббайка» деб хитоб қилгангина, умра қилиш учун Маккага киради.

Зиёратчи шаҳарга киргач, Масжид ал-Ҳарамга боради. Унғ томондан масжид атрофини айланиб чиқа бошлайди ва бунда Каъба доимо унинг чап томонида бўлади. Ҳажарул Асвад¹ турган рукн ёнига келгач, қора тошни ўпади. Тош ёнидан ўтиб, шу тарзда яна айланиб чиқади ва тагин Ҳажарул Асвад ёнига келиб, уни ўпади. Мана шу бир тавоф ҳисобланади. Шу тариқа етти марта тавоф қилинади: уч марта югуриб ва тўрт мартасида оҳиста юриб. Тавоф тугагач, Иброҳим алайҳиссалом мақомига келишади. Каъба рўбарўсидаги мақом орқасида туришади ва бунда мақом Каъба ва зиёратчи ўртасида бўлади. Бу ерда «тавоф намози» деб аталувчи икки ракат намоз ўқишади. Сўнгра Замзам қудуғи жойлашган бўлмага кириб, сувидан ичишади ё юзларига сепишади. Масжид ал-Ҳарамдан Бобуссафо эшиги орқали чиқишади. Бу эшикдан чиққан жойда Сафо тоғи жойлашган. Зиёратчилар Сафо тоғига кўтарилгач, Каъба тарафга қараб маълум дуоларни ўқишади. Дуохонликдан сўнгра пастга тушиб, бозор орқали Марвога боришади, яъни жанубдан шимол томонга қараб юришади. Бозордан ўтишаркан, юзларини Масжид ал-Ҳарам эшиклари томон қаратишади. Бу бозордан Расул алайҳиссалоту васаллам югуриб ўтган ва бошқаларни ҳам югурмоққа ундаган. Бозорнинг узунлиги эллик қадам ва икки тарафида тўртта минора бор. Одамлар Сафо тоғидан югуришганда бу ердаги икки минора орасидан ўтишади ва то бозорнинг нариги чеккасидаги икки минора оралигача югуриб боришади, сўнгра оҳиста юриб Марво тоғига келишади. Поғоналарга етгач, тепага чиқиб маълум дуоларни ўқишади ва орқага қайтишади. Боз ҳам бозордан ўтишади. Шу тарзда тўрт марта Сафодан Марвога ва уч марта Марводан Сафога бориб, бозордан жами етти бор ўтишади.

Марво тоғи ёнбағрида бир-бирига рўпара йигирма дўкон бор. Буларда ҳожилар соч олдиришади. Умра тамом бўлиб, Ҳарамдан чиқишгач, шарқ томондаги «Суқулатторин» деб аталувчи катта бозорга боришади. Гузал қилиб солинган бу бозорда асосан дорифурушлар савдо қилишади. Маккада иккита ҳаммом бўлиб, заминига бир хил яшил тош ётқизилганки, уни қайроқтош сифатида ҳам ишлатса бўлади. Менинг тахминимча, Макка шаҳрида икки мингга етар-етмас туб жой эркак киши бор. Қолган беш юз киши мусофир ва мужовирлардир. Уша пайтда бу ерда қаҳатчилик бўлиб, ун олти ман бугдой бир мағрибон динор турарди. Аҳолининг бир қисми шаҳарни тарк қилган. Маккада Ху-

¹ Маккадаги Қора тош.

росон; Мовароуннахр, Ироқ ва бошқа мамлакатлардаги ҳар шаҳарнинг ўз карвонсаройи бўлиб, бу пайтда уларнинг аксари вайрона ҳолида эди. Бағдод халифалари бу ерда жуда кўп иморатлар ва гузал бинолар қурдиришган. Аммо биз борган пайтимизда буларнинг баъзилари хароб бўлган, баъзилари эса айрим одамларнинг мулки бўлиб қолган эди.

Маккадаги қудукларнинг суви шўр, ичиб бўлмайдди. Аммо жуда кўп чуқур ҳовузлар қазиб, катта сув омборлари бунёд этишганки, уларнинг ҳар бирига ўн минг динар сарфланган. Буларни ёгингарчилик пайти тоғ дараларидан оқиб тушадиган сувга тўлдириб олишади. Аммо биз борган пайтимизда ҳаммаси бўм-бўш эди. Адан амирларидан бири — уни Шоддил ўғли деб аташарди — Маккага ер остидан сув келтиришга жуда кўп пул сарфлаган. Арофотда бу сувдан экинзор ва боғларни суғоришарди. Бу ерда полизлар кўплигидан Маккага сув кам қолади ва у ҳам шаҳарга етиб келмайди. Сув етиб келадиган жойда ҳовуз қазилган. Ҳовузда тўпланадиган сувни мешкобчилар шаҳарга элтиб сотишади. Шунингдек, йўлларда ҳам сув сотишади. Ярим фарсанг масофада «Бираззоҳид» деб аталувчи қудуқ бор. Ёнида ажойиб масжид бор. Бу қудуқнинг суви ширин ва мешкобчилар шаҳарга келтириб сотишади.

Макка оби ҳавоси ғоят иссиқ бўлади. Қадимги йил ҳисоби бўйича баҳманмоҳ (январ)да мен бу ерда янги узилган бодринг ва бақлажонни кўрдим. Ниҳоят, мен туртинчи маротаба Маккага келиб, тўрт юз қирқ иккинчи йил ражаб ойи бошларидан (1050 йил, ноябр) то зулҳижжа ойининг йигирманчисигача мужовир бўлиб яшардим. Эски тақвим бўйича фарвардин ойининг ўн бешларида (апрел) узум пишди ва қишлоқлардан келтириб шаҳар бозорларида сота бошлашди. Урдибеҳишт ойида (май) қовун мўл бўлиб қолди. Ҳатто қишда ҳам бу ерда ҳар хил мевалардан топилади ва дўконлар бўшаб қолмайди.

Арабистон ва Яман таърифи

Маккадан жануб томонга қараб юрилса, бир манзилдан сўнгра Яман вилояти бошланади ва бу вилоят замини то денгиз бўйига-ча чўзилган. Яман ва Ҳижоз ерлари ўзаро туташган ва ҳар икки вилоятда араб тилида сўзлашишади. Яманни бошқачасига «Хумайр», Ҳижозни эса «Араб» деб ҳам аташади. Ҳар икки вилоятни уч тарафдан денгиз суви ўраб олган ва шунинг учун бу замин оролсифатдир. Арабистонда обод жойлар кам. Аҳолиси асосан саҳройилар бўлиб, улар чодирларда яшаб чорвачилик билан шуғулланишади. Хумайр ўлкаси уч қисмдан иборат. «Тихома» деб аталувчи қисми Қулзум денгизи соҳилида жойлашган. Бу ерда шаҳарлар ва обод жойлар кўп. Саъда, Зубайд, Санъо ва бошқа бир қанча шаҳарлар ушбу водийда жойлашган. Хумайрнинг бошқа қисми тоғликлардан иборат бўлиб, «Нажд» деб аталади. Бу ерда кимсасиз ва совуқ даралар, мустаҳкам қалъалар бор. Бу ўлканинг учинчи қисми машриқ тарафдир. Бу ерда шаҳарлар кўп, Бухрон, Аср ва Беша шулар жумласидандир. Бу заминда ҳар бир ноҳиянинг ўз малики ёки раиси бўлиб, ҳамма бўйсунадиган султон ёки ҳукмдор йўқдир.

Ғумдон қасри Яманда, Санъо шаҳрида жойлашган. Ҳозирда ундан фақат шаҳар ўртасидаги бир тепалик қолган. Бу ерликларнинг айтишича, бу қаср эгаси жаҳонга ҳукмрон бўлган эмиш. Бу тепаликка жуда кўп хазина ва дафиналар кўмилган дейишади, аммо на султон ва на раият бу бойликларни қазиб олмоққа рағбат қилмайди. Санъо шаҳрида ақиққа ишлов беришади. Ақиқ тоғдан олинадиган бир хил тошдир. Уни қумга булаб оловда тоблашади. Сўнгра яна қумга булаб, офтобга қуйишади. Шундан кейин чарҳда ишлов беришади. Мен Мисрда бўлганимда султонга Ямандан келтирилган шамширни кўрдим: унинг дастаси ёқутга ўхшаш қизил ақиқ парчасидан ясалган эди.

Масжиди Ҳарам ва Каъба хонаси таърифи

Аввал айтиб ўтганимиздек, Каъба хонаси Масжиди Ҳарам ўртасида ва Масжиди Ҳарам Макка шаҳри ўртасидадир. Унинг узунаси шарқдан ғарбга, эни шимолдан жанубга чўзилган. Аммо масжид девори тўғри эмас, бурчаклари ёйиқ бўлгани учун айлана шаклга мойилдир. Зеро, масжиднинг қай бир жойида туриб намоз ўқишса ҳам, Каъбага юзланмоқ лозим. Масжиднинг энг узун томони Иброҳим алайҳиссалом дарвозасидан Бани Ҳошим дарвозасигача бўлиб, тўрт юз йигирма тўрт аршдир. Эни эса шимол тарафдаги Бобуннадвадан жанубдаги Бобуссафогача уч юз тўрт аршдир. Айланага мойил булгани учун баъзи жойлари торроқ ва айрим жойлари кенгроқ кўринади.

Масжид теварагига учта мармар сутунли усти ёйиқ равоқ тикланган. Шифтининг масжид ҳовлиси тарафдаги узун томонида қирқ бешта ва энида йигирма учта тоқи қилинган. Мармар сутунлар жами саксон тўрттадир. Айтишларича, буларнинг ҳаммаси Бағдод халифасининг фармонига қура денгиз йўли орқали Шомдан келтирилган. Яна ҳикоя қилишларича, сутунларни Маккага келтиргач, кемаларга боғланган ва кела-келгунча узилиб-титилиб кетган арқонларни сотишибди. Бу савдодан олтмиш минг мағриби динор олишибди. Ушбу сутунлардан бири Бобуннадва ёнида бўлиб, қизил мармардандир ва, айтишларича, у вазни баравар тиллага сотиб олинган. Шундай битта сутун вазни тақрибан уч минг мандир. Масжиди Ҳарамга кириладиган ўн саккиз жой устига тоқилар қилинган бўлиб, уларни мармар сутунлари кўтариб туради. Биронтасига эшик урнатилмаган ва истаган пайт бемалол кириш мумкин.

Машриқ томонда тўрт дарвоза бор. Шимолий бурчакда уч тоқили Бобуннаби¹ жойлашган. Шу деворнинг жанубий бурчагида бошқа икки тоқили дарвозани ҳам «Бобуннаби» деб аташади. Бу икки дарвоза орасидаги масофа юз аршдан кўпроқдир. Бу дарвозалардан чиққан жойда атторлар бозори жойлашган. Расул алайҳиссаломнинг уйи шу ерда бўлган ва намозга ушбу дарвозадан кирганлар. Бу дарвозадан нарироқда, худди шу шарқий деворда Боби Али жойлашган. Бу дарвозадан амиралмуъминин Али каррамаллоху ваҳҳаху намозга кирган ва у уч тоқилидир.

Жанубий деворда, яъни, масжиднинг узун томонида етти дарвоза бор. Ярим доира кунжда жойлашган биринчиси Бобуд-

¹ Пайғамбар дарвозаси.

даққоқин бўлиб, у икки тоқилидир. Ғарб томонга бир оз юрилса, бошқа икки тоқили «Бобулфасонин» деб аталувчи дарвоза бор. Ундан нарида беш тоқили Бобуссафо бўлиб, унинг ўртадаги тоқи улкан ва икки ёнбошида иккитадан кичик тоқилар қилинган. Расулulloҳ алайҳиссалом шу дарвозадан чиқиб, ибодат қилмоқ учун Сафо тоғига борган. Уртадаги тоқи бўсағаси каттакон оқ тошдан. Аввал бу ерда қора тош бўлиб, Пайгамбар алайҳиссалом табарруқ оёқларини қўйганда, муборак оёқ излари муҳрланиб қолган. Бу изни қора тошдан авайлаб қирқиб олиб, оқ тошга ўрнатганлар. Оёқ бармоқлари масжид томонга йўналган. Баъзи ҳожилар оёқ изига юзларини босишади, баъзилари оёқ қўйишади. Мен табарруқ изга юзимни қўйишни вожиб билдим. Бобуссафодан ғарб томонга бир оз юрилса, икки тоқили Бобуссатво, ундан нарироқда яна икки тоқили Бобуттамморин, сўнгра эса Бобулмаъмил жойлашган. Бу икки тоқили дарвоза қаршисида Абуҷаҳлнинг¹ уйи бўлиб, эндиликда бу ер ҳожатхонадир.

Масжид эни бўлмиш ғарбий деворда уч дарвоза бор. Биринчиси жанубий кунждаги икки тоқили Боби Урватдир. Девор ўртасида уч тоқили Боби Иброҳим алайҳиссалом жойлашган. Шимолий деворда эса, тўртта дарвоза бор. Ғарбий кунжда якка тоқили Бобулвасит, нарироқда шарқ тарафда ҳам якка тоқили Бобулмушаварат жойлашган. Масжиднинг шимоли-шарқий кунжида Боби Бани Шайба бор.

Каъба хонаси масжид ичкарисидадир. У чўзиқ мураббаъ шаклида бўлиб, узунаси шимолдан жанубга, эни шарқдан ғарбга чўзилган ва узунаси ўттиз, эни ўн олти аршдир. Эшиги Шарқ тарафдир. Ичкари кирганда ўнг қўл тараф рукни ироқи, чап қўл тараф рукни Ҳажаруласваддир. Жанубий-ғарбий бурчакни «рукни ямани», шимоли-ғарбий бурчакни эса «рукни шоми» деб аташади. Ҳажарул-Асвад девор бурчагидаги каттакон тошга ўрнатилган бўлиб, агар қоматдор одам ёнида турса, унинг кўкрагига тўғри келади. Ҳажарул-Асваднинг узунлиги бир қаричу тўрт бармоқ, эни саккиз бармоқ бўлиб, шакли думалоққа мойилдир. Ҳажарул-Асваддан хона эшигигача тўрт арш бўлиб, бу ораликни «Мултазам» деб аташади. Хона эшиги ердан тўрт арш баланд қилинган ва ерда турган одамнинг буйи бўсағага етади. Ёғоч нарвон яшашган ва лозим пайтларда уни қўйишади ва одамлар кўтарилиб Каъба хонасига киришади. Нарвон кенг бўлгани тўфайли ундан ўн одам ёнма-ён кўтарилиб туша олади. Хона сатҳи ҳам шунча миқдорда баланд кўтарилган.

Каъба ичкариси таърифи

Каъба девори эни, яъни, йўғонлиги олти қаричдир. Хона заминига оқ мармар қопланган. Хонада учта бўлма бор ва бири эшик қаршисида, қолган иккитаси шимол тарафдир. Томни кўтариб турган ёғоч сутунлар сож дарахтидан ясалган ва битта айланасини истисно этганда барчаси чор қирралидир. Шимол тарафда ерга ётқизилган узунчоқ қизил мармар тахтача бўлиб, айтишларича, Расул алайҳиссалом шу ерда намоз ўқир эканлар.

¹ Муҳаммад пайгамбарнинг (а. с.) ашаддий муҳолифларидан бири.

Бундан воқиф бўлган ҳар бир кимса худди ўша жойда намоз ўқимоққа интиларди. Хона деворлари рангбаранг мрамар билан қопланган. Ғарб тарафда олтита кумуш меҳроб бўлиб, деворга мих билан қоқилган. Уларнинг ҳар бири одам бўйи баробарида, зар ва кумуш, ҳал ишлатиб обдан безатилган. Меҳроблар ердан баландроқдадир. Деворларнинг ердан тўрт арш баландликкача бўлган қисми оддий ва безаксиз, ундан тепаси эса то шифтгача мрамар билан қопланиб, зарҳал нақшлар чизилган. Биттаси рукни ироқи, иккинчиси рукни шоми ва учинчиси рукни яманида жойлашган ҳар уч бўлманинг бурчакларида деворга кумуш мих билан иккитадан ёғоч тахта қоқиб қўйилган. Бу тахталар Нуҳ алайҳиссалом кемасидандир. Ҳар тахтанинг узунлиги беш газ ва эни бир газдир. Ҳажарул-Асвад ортидаги бўлмага қизил ипак тўшалган. Каъбага кирганда ўнг томон бурчакда эни ва бўйи уч газга уч газ бўлган бир бўлма бўлиб, унда томга олиб чиқадиган зина жойлашган. Бўлманинг бир тавақали нуқрагин эшигини «Бобурраҳмат» дейишади ва унга кумуш қулф солинган. Томга чиқишда шифтда яна бир кўтарма эшик бўлиб, унинг ҳар икки томонига кумуш қопланган. Каъба шифти ёғочдан қилинган, лекин бутун юзасига ипак қоплангани учун ёғоч кўринмайди. Олд девор тепасида, шифт тагида заррин китоб бўлиб, унга Маккани Аббосий халифалар қўлидан тортиб олган Миср султони номи битилган. У Ал-Азизуддиналлоҳдир. Яна шу деворга қоқилган тўртта катта кумуш тахталарнинг ҳар бирига ўз даврида ушбу тахталарни узатган Миср султонлари номлари ёзилган.

Сутунлар орасида учта кумуш қандил осилган. Каъба томи биллурга ўхшайдиган Яман мрамари билан қопланган. Хонанинг тўрт бурчагида тўртта дераза бор ва уларга ойна қўйилган бўлиб, ёруғлик шулардан тушади, аммо ёмғир ўтолмайди. Шимоллий девор ўртасида новдон ўрнатилган ва узунлиги уч газдир. Унга бошдан-охир заррин хат ёзилган.

Шимол тарафда Каъба ташқарисида бир ярим газ баландликда девор тикланган. Ёй шаклидаги бу деворнинг икки чеккаси Каъба бурчакларига тақалган. Девор ўртаси эса Каъба деворидан ўн беш газ масофададир. Девор ва унинг олдидаги майдонга рангоранг нақшли мрамарлар билан қопланган ва бу жойни «Ҳижр» деб аташади. Томдаги сув тарновдан Ҳижрга оқиб тушади ва тарнов остига меҳроб шаклидаги яшил тош қўйилган. Бу тош катталиги шу қадарки, унинг устида намоз ўқимоқ мумкин. Иброҳим алайҳиссалом мақоми Каъбадан шарқ тарафдадир. Бу бир тош бўлиб, унда Иброҳим алайҳиссаломнинг икки оёғи изи бор. Мақом ва Каъба оралиги уч аршдир.

Замзам қудуғи таърифи

Замзам қудуғи Каъба хонасидан шарқ тарафда, яъни, Ҳажарул-Асвад турган бурчак тўғрисидадир. Хона ва қудуқ оралиғи қирқ олти аршдир. Қудуқ оғзи уч ярим газга уч ярим газ бўлиб, суви шўрроқ, лекин ичса бўлади. Қудуқ атрофи икки ярим арш баландликдаги оқ мрамар ихота билан ўраб олинган. Ихотанинг тўрт тарафида ҳовузлар бўлиб, уларга сув қуйишади ва одамлар таҳорат учун шу ҳовузлардан сув олишади. Туқилган

сув пастга оқиб кетиши учун қудуқ ва ихота оралигига бўйра тўшалган. Ихота эшиги шарқ томондадир. Замзам ихотаси қаршисида, ундан шарқ томонда яна бир мурабба шаклидаги гумбазли бино бўлиб, уни «Сиқоятулҳож» деб аташади. Бу ерда сув тўлдирилган хумлар бор ва ҳожилар улардан сув ичишади. Сиқоятулҳожидан шарқ томонда узун қилиб солинган уч гумбазли бино, уни «ҳизонатуззайт» деб аташади. Бу ерда шам, мой ва қандилларни сақлашади.

Каъба атрофига сутунлар тикланган, бир-бирига тўсинлар билан бирлаштирилган. Бу тўсинлар безак ва нақшлар билан безатилиб, кечаси шам ва чироқлар осиб учун ҳалқа ва илмоқлар ўрнатилган. Уларни «машоъил» деб аташади. Каъба деворидан мазкур машоъилгача бир юз эллик газ масофа бўлиб, у ер тавоф қилинадиган жойдир.

Шундай қилиб, Масжиди Ҳарам саҳнида Каъбаи Муаззам ша-рафа-ҳуллоҳи таолодан бошқа яна учта уй; Замзам ихотаси, Сиқоятулҳож ва Ҳизонатуззайт бор. Масжид атрофидаги усти ёпиқ айвон деворлари ёнига Мағриб, Миср, Шом, Рум, икки Ироқ,¹ Хуросон, Мовароуннаҳр ва бошқа ўлкалар шаҳарларига қарашли сандиқлар қўйилган.

Маккадан тўрт фарсанг шимолда Бурқа ноҳияси жойлашган. Бу ерда Макка амири ўз лашкари билан туради. Оқар сув ва дарахтзорлари бўлган ушбу ноҳиянинг майдони эни ва бўйига икки фарсангдандир. Шу йил мен ражаб ойининг биринчи кунидан бошлаб Маккада мужовир бўлдим. Бу ерда бутун ражаб ойи мобайнида ҳар кун қуёш чиққанда Каъба эшигини очиш одати бор.

Каъба шаррафаҳуллоҳи таоло эшигини очиш маросими таърифи

Каъба хонаси эшигининг калити Бани Шайба деган араб қабиласида бўлиб, хонанинг хизматини ҳам шу қabila қилади. Бунинг эвазига улар Миср султонидан маош ва сарполар олишади. Қabila оқсоқоли калитни доимо узидан сақлайди. У Каъбага борганида беш-олти киши унга ҳамроҳ бўлади. Улар келишгач, ҳожилардан ўн киши таъриф қилганимиз нарвонни кўтариб келтириб, эшик олдига қўйишади. Оқсоқол нарвондан кўтарилиб, остона олдида тўхтади ва яна икки одам чиқиб, сариқ ипак мато ёйиб, бири бу, бошқаси нариги чеккасидан ушлаб, эшикни очаётган оқсоқолни тўсиб туришади. Оқсоқол қўлфни очиб, ҳалқалардан чиқариб олади. Бу пайт эшик олдида жуда кўп ҳожилар тўпланишади. Эшик очилганда, улар қўлларини кўтариб дуо ўқишади. Маккадаги барча одамлар ҳожиларнинг овозини эшитгач, Каъба эшиги очилишини билишади ва бутун халқ баланд овозда дуо ўқиб, гўё Маккага улкан ғулғула тушгандек бўлади. Сўнгра оқсоқол ичкари киради. Икки одам ипак матони олдингидек ушлаб туришади ва оқсоқол икки ракат намоз ўқийди. Ташқари чиққач, эшикнинг икки табақасини ҳам очиб, остонада турган ҳолда ба-

¹ Ироқи аҳам ва Ироқи араб.

ланд овозда хутба ўқийди ва Расулulloҳ алайҳиссалом ва унинг хонадонига саловот бағишлайди. Сўнгра оқсоқол ва унинг ёронлари эшикнинг икки томонида туришади ва ҳожилар хонага кира бошлайдилар. Ҳар бир ҳожи икки ракат намоз ўқиб чиқади ва бу ҳол кун ярмигача давом этади. Каъбада намоз ўқиганда эшик тарафга юзланишади, аммо бошқа тарафларга юзланиб намоз ўқимоқ ҳам раводир. Каъба одамга лиқ тўлиб, бошқа киши киришига имкон қолмагач, мен одамларни санай бошладим ва жами етти юз йигирма киши бор экан.

Шаъбон, рамазон ва шаввол ойларида душанба, пайшанба ва жума кунлари Каъба эшигини очишади ва зулқаъда ойи бошлангач, бошқа очишмайди.

Жаъронада қилинадиган умра таърифи

Маккадан тўрт фарсах шимолда Жаърона номли мавзеъ бор. Бу ерда Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам ўз лашкари билан тўхтаб, ун олтинчи зулқаъдада эҳром кийиб, бу ердан Маккага бориб умра қилганлар. Бу ерда иккита қудуқ бўлиб, бирининг номи Биъруррасул¹, иккинчисиники Биъри Али ибни Абутолиб² саловотуллоҳи алайҳумо. Иккала қудуқнинг ҳам суви ғоят ширин бўлиб, ораларидаги масофа ун газдир. Пайғамбар бажо келтирган ишлар суннат бўлганидан бу ерда белгиланган мавсумда умра қилишади. Қудуқлар яқинида бир қоя бўлиб, тошлар юзасида косага ўхшаб кетадиган чуқурликлар бор. Айтишларича, пайғамбар алайҳиссалом шу чуқурликда ўз қўллари билан ҳамир қорган эканлар. Одамлар бу ерга келиб, қудуқ сувидан олиб чуқурликларда ҳамир қоришади. Атрофда бутазорлар куп бўлиб, ўтин териб келишади ва нон ёпиб, уни табаррук нарса сифатида уйларига элтишади.

У ерда яна бир баланд қоя бўлиб, ривоятларга қараганда, Билол Ҳабаший³ унинг тепасида туриб азон айтган экан. Ҳануз одамлар бу қояга чиқиб, намозга чақириб азон айтишади. Мен у ерга борганимда издиҳом ҳаддан зиёд эди. Кажавали туяларнинг ўзи мингдан ортиқ бўлиб, бошқаларининг сону саногига етиб бўлмас эди.

Мен Мисрдан Маккага бу гал келганим йўл уч юз фарсангдир. Маккадан Ямангача ун икки фарсанг. Арофот водийси тепаликка ўхшаш пастак тоғлар билан ўралган. Водийнинг кенглиги эни ва бўйига икки фарсангдандир. Олдин бу ерда Иброҳим алайҳиссалом бино қилган масжид бўлиб, ҳозирда гиштин минор вайронасигина сақланиб қолган. Пешин намози пайтида хатиб унга чиқиб хутба ўқийди. Сўнгра азон айтилиб, сафарда расм бўлганидек, жамоат билан икки ракат намоз ўқишади. Шундан сўнг хатиб туяга минади ва ҳамма машриқ томон йўл олади. Бир фарсанг масофада чоғроқ қояли тоғ бўлиб, уни «Жабалур-

¹ Пайғамбар қудуғи.

² Али ибн Абутолиб қудуғи.

³ Билол ибн Рабоҳ қўл бўлиб, пайғамбар томонидан озод қилинган. Ажойиб овоз эгаси бўлганидан муаззинлик вазифасига тайинланган.

рахмат» деб аташади. Бу ерда тўхталиб, то кун ботгунча ибодатга машғул булишади.

Шоддилнинг Адан амири бўлган ўгли водийга узоқ жойдан сув келтирган. У беҳисоб маблағ сарфлаб сувни бу тоғдан Арофот водийсига оқизган ва у ерда ҳовузлар қаздирган. Улар ҳаж пайтида ҳожилар учун сувга тулатиб қуйилади. Уша Шоддилнинг ўгли Жабалуррахмат тоғи тепасида тўрт тоқили азим иморат қурдирган бўлиб, арофа куни ва кечаси унинг гумбазида кўплаб чироқ ва шамлар ўқишади ва уларнинг ёғдуси икки фарсангдан кўриниб туради. Айтишларича, бу иморатни қуришга ижозат олиш учун у Макка амирига минг динор берган.

Тўрт юз қирқ иккинчи йил зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни (1051 йил, апрел) Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло мадади билан мен Тўртинчи маротаба ҳаж қилдим. Кун ботгач, хатиб ва ҳожилар Арофотдан бир фарсанг масофадаги Машъаралҳарамга боришади. Бу ерни «Муздалифа» деб аташади. Мақсурага ўхшаш бино қурилган бўлиб, одамлар унда намоз ўқишади. Минода шайтонга отиладиган тошларни шу ерда йиғишади. Одатга кўра бу кеча, яъни, ҳайит кечаси бунда бўлиб, бомдод намозини ўқишади. Қуёш чиққач, ҳожилар Минога бориб қурбонлик қилишади. Бу ерда катта масжид бўлиб, «Хайф масжиди» деб аталади. Минода хутба ва ҳайит намози ўқиш расм эмас, чунки Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрмаганлар. Ойнинг ўнинчи куни Минода бўлиб, тош отишади. Бу ҳолнинг шарҳи «Ҳажнома»да айтиб ўтилган.¹

Ойнинг ўн иккинчисида кимки ватанига қайтишга қарор қилган бўлса, шу ердан жўнаб кетади, бошқалар Маккага боришади.

Маккаи Муқаррамадан қайтмоғим баёни

Шундан сўнг бир бадавийнинг туясини то Лаҳсогача кироя қилдим. Маккадан у ергача ўн уч кунлик йўл деб айтишди.

Худои таоло уйи билан видолашиб, тўрт юз қирқ иккинчи йил зулҳижжа ойининг ўн тўққизида жума куни, қадимги тақвим бўйича хурдодмоҳнинг бошида (1051 йил, май) Маккадан йўлга чиқдим. Етти фарсанг йўл юргач, бир яйлоққа етиб келдим. Бу ердан тоғ кўриниб турарди. Тоғ тарафга қараб йўлга тушдик. Йўлимизда водий ва қишлоқлар. Биърул Ҳусайн ибн Салома деб аталувчи қудуқ бор эди. Ҳаво салқин бўлиб, йўл шарқ томонга кетарди.

Зулҳижжа ойининг йигирма иккинчисида душанба куни Тоифга етиб келдик. Маккадан бу ергача ўн икки фарсангдир. Тоиф — тоғ устида жойлашган. Хурдод ойида чунон совуқ эдики, офтобрўяда ўтиришга тўғри келарди. Маккада эса бу пайт қовун пишиғи эди. Тоиф шаҳарчасининг мустаҳкам кўргони бор. Бозори ва масжиди кичкина экан. Оқар суви бўлиб, анорзор ва анжирзорлари жуда кўп экан. Шаҳар яқинида Абдуллоҳ ибн Аббос², розияллоҳу анҳунинг қабри бор. Ёғдод халифалари бу ерда катта

¹ Шайтонга тош отиш маросими назарда тутилмоқда.

² Абдуллоҳ ибн Аббос — Муҳаммад пайгамбар (а. с.) амакиларининг ўғли ва Аббосийлар сулоласининг асосчиси. Ҳижрий 68 йил (мелодий 687 йил) Тоифда вафот этган.

масжид қурдиришган. Қабр масжиднинг бир бурчагида, меҳроб ва минбарнинг ўнг томонида жойлашган. Одамлар масжид атрофида уйлар қуриб жойлашиб олишган.

Тоифдан чиқиб пасту баланд тоғ йўлида давом этдик. Тез-тез кичик қишлоқ ва қўрғонлар учраб турарди. Менга қоялар орасидаги вайрона бир қўрғонни кўрсатишди. Араблар: «Лайлининг уйи шу бўлган», деб айтишди. Лайли ва Мажнун қиссаси гоёат ажибдир. У ердан биз Мутор қалъасига етиб келдик. Тоифдан бу ергача ўн икки фарсангдир. У ердан Сурайё деб аталувчи ноҳияга бордик. Хурмозорлар жуда кўп бўлиб, экинзорларни чигир ёрдамида чиқарилган қудуқ суви билан суғоришаркан. Айтишларича, бу ерда ҳеч қандай ҳоким ва султон йўқ экан. Ҳар жойнинг ўз меҳтари ва раиси бўлиб, бошқа ҳеч кимга бўйсунмайди. Аҳоли талончилик ва хунрезликка машғул бўлиб, доимо бир-бирлари билан уруш ва хусумат қилишади. Тоифдан бу ергача йигирма беш фарсанг деб ҳисоблашади. У ердан ўтиб «Жиз» деб аталувчи қалъага келдик. Ярим фарсанг жойда тўртта қўрғон бўлиб, биз улардан энг каттаси — «Ҳисни бана Нусайр» деб аталувчи қўрғонда тўхтадик. Камроқ бўлса-да, хурмо дарахтлари бор экан. Биз туясини кироя қилган одамнинг уйи Жизда эди. Бу ерда ўн беш кун туриб қолдик, чунки бизни нарига бошлаб борадиган хафир¹ йўқ эди. Бу ўлка бадавийларининг ҳар қабила ўз чорвасини боқадиган ҳудудлари бўлиб, бегона ҳудудга қадам босолмасди. Кимники хафирсиз кўрсалар, ушлаб бор-будини шилиб олишар, ҳатто кийимларини ҳам қолдиришмас эди. Шу сабабли улар еридан ўтиш учун қабила аҳлидан хафир олиш керак эди. Хафир йўл бошлаб борар ва уни «қаловуз» деб ҳам аташарди.

Иттифоқан, биз ерларидан ўтишимиз лозим бўлган бадавийлар қабиласининг (бу қабилани «Бани Савод» деб аташарди) сардори Жизга келиб қолди ва биз уни ўзимизга хафир қилиб олдик. Унинг исми Аbugоним Аббос ибн ал-Баир эди. Биз унинг ҳамроҳлигида йўлга тушдик. Бир тўда бадавий бизни кўриб, ўстимизга бостириб келишди. Улар, ўлжа топдик, деб уйлашган эди. Чунки улар ҳар бир бегона одамни ўлжа ҳисоблашади. Сардорлари бизга ҳамроҳлиги туфайли ҳеч нарса дейишмади. Агар бу одам бўлмаганида, эҳтимол бизни ўлдиришарди. Барибир буларнинг орасида ҳам бир неча муддат туриб қолишга тўғри келди. Чунки бизни яна нарига бошлаб борадиган хафир йўқ эди.

Бу ерда биз ҳар бирига ўн динордан тўлаб иккита хафир ёлладик. Бу пул эвазига улар бизни бошқа қабила ҳудудидан ўтказиб қўймоқлари керак эди. Бу араб қабиласининг етмиш ёшли кексалари менга ўз умрлари давомида туя сутидан бошқа овқат ейишмаганини сўзлаб беришди. Чунки бу чўлда фақат туяларгина ея оладиган шўрадан бошқа бирон гиёҳ битмайди. Улар ҳатто бутун олам шунақа бўлса керак, деб уйлашаркан. Шу тарзда мен бун неча бор у қабиладан-бу қабилага ўтдим. Ҳамма жойда хавф-хатар ва таҳдидга дуч келмоқ мумкин эди. Аммо Оллоҳ таборак ва таоло бизнинг бу пурхатар жойдан соғ-саломат чиқишимизни хоҳлаган экан.

¹ Хафир — йўловчиларни ўз ҳимоясига олган қабила томонидан бериладиган ҳомий ва йўлбошловчи.

Сунгра даралар орасидаги Сурбо деган жойга етиб келдик. Бу ерда гумбазга ухшаган тоғлар бўлиб, буларга ўхшашини мен бошқа ҳеч бир вилоятда кўрмаган эдим. Баландлиги шу қадарки, ёй ўқи чуққисига етмаса керак. Товуқ тухуми янглиғ қаттиқ ва силлиқ бўлиб, ҳеч бир ёриқ ё нотекислик кўринмасди. Биз бу тоғлар ёнидан ўтиб кетдик.

Менинг ҳамроҳларим калтакесак кўриб қолсалар, тутиб олиб ейишарди, қаердаки бадавийлар бўлса, туя сути ичишарди. Мен калтакесак еёлмас, туя сутига ҳам иштахам йўқ эди. Йўлда бир хил дарахтлар учраб, уларнинг катталиги мошдек келадиган меваси бор эди. Мен шу мевалардан бир мунча териб, шунга қаноат қилдим. Кўп нарсаларни кўриб, азоблар чекиб, ниҳоят, бисёр машаққатлардан сўнг сафар ойининг йигирма учинчи куни (1055 йил, июл) Фалажга етиб келдик. Маккадан бу ергача бир юз саксон фарсангдир. Фалаж — чўл уртасидаги катта ноҳия, лекин ўзаро урушлар натижасида хароб ҳолга келган. Биз бўлган пайтимизда обод жойи буйига ярим фарсанг ва энига бир мил эди. Бу жойда ўн тўртта қўрғон бор. Одамлари ўғри, муфсид ва жоҳилдирлар. Ўн тўрт қўрғон икки муҳолиф тарафга қарашли бўлиб, улар орасида мудом хусумат ва адоват мавжуддир. Улар «Биз тангри таоло Қуръонда зикр қилган Асҳоби ар-рақим авлодиданмиз», деб таъкидлашарди. Бу ерда тўртта кориз бўлиб, суви асосан хурмозорларни суғоришга сарф бўлади. Экинзорлари баландроқда, кўпроқ қудуқ сувидан суғоришади. Дала юмушларида ҳўкиз эмас, балки туяларни ишлатишади ва мен умуман, бу ерда ҳўкиз кўрмадим. Экинзорлари кам ва ҳар одам ўзига ажратилган озгина ундан нон ёпиб ейди. Кундузлари хурмо ейишади. Мен бу ерда Басра ва бошқа жойдагилардан ҳам кўра яхшироқ хурмо кўрдим. Бу ернинг одамлари гоёта қашшоқ ва бадбахтдирлар. Шу қашшоқликларига қарамай, ҳар куни уруш, адоват ва қон тўкишга машғул эдилар. Бу ерда хурмонинг «майдун» деб аталадиган навини кўрдим, ҳар донаси ўн дирҳам¹ келарди. Уртасидаги данаги бир ярим дирҳамдан ошмасди. Айтишларича, бу хил хурмони йигирма йил сақласа ҳам, айнимас экан. Уларнинг савдо-сотигида Нишопур олтини муомала қилинади.

Мен Фалажда тўрт ой бўлдим ва бу кунларни шундай ҳолатда ўтказдимки, ундан ёмонини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Икки қоп тўла китобларимни айтмаса, бошқа ҳеч қандай мол-дунём йўқ эди. Бу ернинг одамлари оч-яланғоч эдилар. Намозга борганда қилич ва қалқонини ўзлари билан олишарди. Турган гапки, булар китоб сотиб олишмайди. Биз бир масжидда яшардик. Менда бир оз шангарф ва ложувард бўёғи бор эди. Масжид деворига байт битиб, орасига баргли новданинг расмини чиздим. Улар буни кўриб ҳайратланишди ва бутун қўрғон аҳолиси йигилиб, томошага келишди. Улар менга шундай дейишди: «Агар масжидимиз меҳробига нақшлар чизсанг, сенга юз ман хурмо берамиз». Юз ман хурмо уларнинг назарида катта бойлик эди. Чунки мен у ерда бўлганимда қуроолланган бир гуруҳ араблар келиб улардан беш юз ман хурмо беришни талаб қилишди. Улар рози булмагач, тўқнашувда қўрғон аҳлидан ўн киши улдирилди

¹ Бир дирҳам оғирлик ўлчови сифатида тахминан уч граммдир.

ва келгиндилар минглаб хурмо дарахтларини чоғиб ташладилар. Шунга қарамай, ақалли ун ман хурмо беришмади. Мен билан шартлашишгач, меҳробга нақш солдим. Бу юз ман хурмо бизга нажот бағишлади. Чунки озиқ-овқат тополмасдан ҳаётдан умидимизни узган ва бу саҳродан қандай чиқиб кетишимизни тасаввур ҳам қилолмас эдик. Обод вилоятларга етиб олиш учун қайси тарафга қараб юрманг, хатарли ва ҳалокатли икки юз фарсанг биёбондан ўтиш керак эди. Шу тўрт ой мобайнида мен бирон марта беш ман бугдойни бир жойда кўрмадим.

Ниҳоят, Ямомадан карвон келди. Улар чарм олиб Лаҳсога элтишмоқчи экан. Чунки Ямандан Фалажга чарм олиб келиб тожирларга сотишарди. Бир араб мени Басрага олиб бора олишини айтди, аммо туя кироясига тўлашга ҳеч вақом йўқ эди. Бу ердан Басрагача икки юз фарсанг бўлиб, туя кирояси бир динор эди, чунки яхши туялар икки-уч динорга сотиларди. Нақд пулим бўлмагани сабабли насиёга кетишга тўғри келди. Аммо: «Басрада ўттиз динор берсанггина, сени олиб борамиз», — дейишди. Басрани бир бор ҳам кўрмаган бўлсам-да, зарурат юзасидан рози бўлдим. Араб менинг китобларимни туяга юклаб, укамни ҳам туяга миндирди. Мен пиёда йўлга тушдим. Етикан юлдузи йўналишида юрдик ва ер юзаси хамвор бўлиб, тоғ ва дўнгликлар йўқ эди. Ер юзаси қаттиқ бўлган жойларда (тақирларда) ёмғир суви туриб қолган эди. Ҳеч жойда йўл асари кўринмаса-да, сезгиларимизга таяниб, кечаю-кундуз йўл юрдик. Энг ажабланарлиси шунда эдики, бизда бирон белгиси бўлмаслигига қарамай, тўсатдан суви бор қудуққа дуч келиб қолдик.

Алқисса, тўрт кечаю кундуздан сўнг Ямомага етиб келдик. Ямомада катта ва қадимий қалъа бор эди. Қалъа ташқарисида шаҳар ва бозор бўлиб, бунда ҳар турли ҳунармандлар бор эди. Жоме масжиди жуда чиройли. Бу жойнинг амирлари қадимдан Али (р. а.) авлодидан бўлишган ва ҳеч ким бу ноҳияни улар қўлидан тортиб олмаган. Чунки яқин атрофда қудратли султон ё подшоҳ бўлмаган. Улар зайдимазҳаб бўлиб, азон пайтида шундай дейишади: «Муҳаммадин ва Алийю хайрулбашар ва ҳайъаала хойруламал». Бу ноҳияда оқар сувли коризлар ва хурмозорлар бор. Айтишларича, хурмо мўл-кўл бўлганида минг мани бир динор тураркан. Ямомадан Лаҳсогача қирқ фарсангдир. Қишда у ёққа борса бўлади, чунки баъзи жойларда ёмғир суви бўлиб, уни ичиш мумкин. Ёзда бир қатра ҳам сув топилмайди.

Лаҳсо — ёлз ўртасидаги шаҳар. Унга қайси томондан борманг, азим саҳродан ўтишга тўғри келади. Султони бор мусулмон шаҳарларидан Лаҳсога энг яқини Басрадир. У ердан Басрагача бир юз эллик фарсангдир. Басрада ҳеч қачон Лаҳсо фатҳига азм қилган султон бўлмаган.

Лаҳсо таърифи

Бу шаҳар яқинидаги маҳаллалар, қишлоқлар — бари қалъа сифатдир. Шаҳар атрофида заранг тупроқдан кетма-кет тўрт девор тикланган. Ҳар икки девор оралиги бир фарсанг келади. Бу шаҳарда серсув булоқлар бўлиб, ҳар бири беш тегирмонни айлантиришга етгулик сув беради. Бу сувнинг ҳаммаси ушбу но-

ҳияда сарфланади ва девордан ташқари чиқазилмайди. Қалъалар ўртасида катта шаҳарларга хос барча нарсаларга эга бўлган ғоят чиройли бир шаҳар қурилган. Шаҳарда йигирма мингдан ортиқ қурол кўтаришга яроқли эркак бор. Уларнинг султони улуг оқсоқолларидан бири бўлган экан. У одамларни мусулмонликдан чиқишга даъват этиб: «Сизни намоз ва рўзани бажо келтирмоқ мажбуриятидан озод этаман. Сизнинг мендан ўзга паноҳингиз йўқдир», деган. Унинг номи Абусаид экан. Агар бу шаҳар аҳлидан «Қайси мазабдансан?», деб суралса, «Биз бусайидлармиз», деб жавоб беришади. Улар намоз ўқишмайди, рўза тутишмайди, лекин Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни эътироф этишади. Абусаид уларга: «Мен вафотимдан кейин яна сизларнинг олдингизга келаман», дебди. Унинг гўри Лаҳсо шаҳри ўртасида бўлиб, у ерда чиройли машҳад қурилган. У ўзининг фарзандларига улардан олти киши вилоятни идора ва ҳимоя қилишини, у яна қайтиб келгунича раиятга адолат билан ҳукм юргизиш ва бир-бирлари билан ёвлашмасликни васият қилибди.

Энди улар «Дорулмулк» деб аталадиган катта қасрда яшашади. Бу қасрда бир пайтнинг узида олти киши ўтира оладиган тахт бор. Улар бир-бирлари билан иттифоқликда фармон ва ҳукмлар чиқазишади. Вазирлари ҳам олтига. Олти султон бир тахтга, олти вазир бошқа тахтга ўтириб, ҳар бир иш юзасидан кенгаш қилишади. Уша вақтда уларнинг ўттиз минг дирҳамҳарида занги ва ҳабаш қуллари бўлиб, дала ишлари ва боғдорчиликка машғул эдилар. Раиятдан ушр олишмайди. Агар бирон киши камбағаллашса, ё қарздор бўлиб қолса, ишлари яшиланиб кетиши учун ёрдам қилишади. Агар бирон одам бошқа бировга қарз берган бўлса, ундан қарзидан ортиқча ҳеч нарса талаб қилолмайди. Агар шаҳарга келган мусофир, ўзини боқа оладиган касб-хунарга эга бўлса, унга ишлаши учун керакли асбоб-ускуналар сотиб олишига етарли пул беришади. Бу пулни, қанча олган бўлса, худди шунча миқдорда, ўзи хоҳлаган пайтда қайтариб беради.

Агар ҳўжалик эгаларининг биронтаси мулкида офат юз берса-ю, у ўз кучи билан бартараф қилолмаса, улар бу мулкни обод қилиш учун ўз қулларини узатишади, бу иш учун мулк соҳибидан ҳеч нарса олишмайди. Лаҳсода султонга қарашли тегирмонлар бўлиб, халқнинг ғалласини ун қилиб беришади-ю, эвазига ҳақ олишмайди. Тегирмонни қуриш ва сақлаш харажатлари, тегирмончиларнинг маоши султон хазинасидан туланади. Султонларни «саодат», вазирларни «шойира» деб аташади. Лаҳсода жоме масжиди йўқ ва хутба, намоз ўқишмайди. Фақат ажамлик Али ибн Аҳмад деган бир одам қурдирган масжид бор. Бу одам мусулмон ва ҳожи бўлиб, жуда бой экан. Бу шаҳарга келган ҳар бир ҳожига у моддий ёрдам беради. Бу шаҳарда савдо-сотик ва бошқа ҳар турли олди-берди муомаласида қўрғошин ишлатилади. Қўрғошинни чарм қопда олиб юришади ва бир қопга олти минг дирҳам сиғади. Муомала пайтида қопларни санаб, керагича олишади. Бу тангаларни ҳеч ким вилоят ташқарисига олиб чиқолмайди. Бу ерда ажойиб фўталар туқишади ва Басра ҳамда бошқа шаҳарларга элтишади. Бирон киши намоз ўқиса, унга халал бермайдилар, лекин узлари намоз ўқишмайди. Султон қабул қилганида, кимки у билан сўзлашмасин, яхши жавоб бериб ўзи-

ни камтар тутади. Ҳаргиз шароб ичишмайди, Абусаид қайта тирилганида минади, деб унинг мақбараси эшиги олдида кечаю кундуз тушовланган отларни навбати билан алмаштириб ушлаб туришади. Айтишларича, Абусаид ўз ўгилларига шундай дебди: «Мен келганимда сизлар мени танимасликларинг мумкин. Белги шуки, ўз қиличим билан бўйнимга урасизлар. Агар ўзим бўлсам, тирик қоламан». — Бу қоидани ў яна бошқа бирон кимса абу-саидлик даъвосини қилмасин деб ўрнатган.

Султонлардан бири Бағдод халифалари замонида Маккага лашкар тортиб, уни эгаллаган. Каъба хонасини тавоф қилаётган зиёратчиларни ўлдириб, Ҳажарул Асвадни — Қора тошни сутундан кўпориб олиб, Лаҳсога келтирган. Бу тош одамлар учун магнотис бўлиб, жаҳоннинг ҳар тарафидан одамларни ўзига қараб тортади, дейишарди. Улар Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васалламнинг шараф ва шукуҳи у ерга тортишини билишмасди. Қора тош бу ерда кўп йиллар турди, лекин ҳеч ким келмади. Ниҳоят, Ҳажарул Асвадни улардан сотиб олиб, яна ўз жойига элтишди.

Лаҳсо шаҳрида ҳамма ҳайвонлар: мушук, ит, эшак, мол, қўй ва ҳоказолар гўшти сотилади. Бирон нарсани сўйиб сотаётганда харидор қанақа гўшт сотиб олаётганини билиши учун, ҳайвоннинг калласи ва терисини гўшти ёнига қўйишади. Бу ерда итларни худди бўрдоқи қўйлардек чунон боқиб семиртиришади ва боқувдаги ит семизлигидан юролмай қолгач, сўйиб ейишади.

Лаҳсодан шарққа қараб юрилса, етти фарсангдан сўнг денгиз келади. Денгиз йўли билан юриб Баҳраинга бориш мумкин. Бу узунлиги ўн беш фарсанг бўлган оролдир. Унда катта шаҳар ва хурмозорлар бор. Бу денгиздан марварид олишади. Гаввослар олиб чиққан марвариднинг ярми Лаҳсо султонлари ҳиссасидир. Лаҳсодан жанубга қараб юрилса, Уммонга етиб келиш мумкин. Уммон араб заминидадир. Уни уч томондан одам ўтса оёғи, қуш учса қаноти куядиган биёбон ўраб олган. Уммон вилояти саксон фарсангга саксон фарсангдир. Вилоят иқлими гоёт иссиқ бўлиб, унда «норгил» деб аталадиган ҳинд ёнғоғи усади.

Лаҳсода хурмо мўллигидан, туяларни ҳам хурмо билан боқишади. Баъзи пайтлар минг мандан кўпроғини бир динорга беришади. Лаҳсодан шимолга қараб юрилса, етти фарсангдан сўнг Қатиф ноҳиясига борилади. Бу ерда ҳам катта шаҳар ва хурмозорлар бор.

Араб амирларидан бири Лаҳсога юриш қилиб, бир йил уришиб, шаҳарнинг тўрт деворидан биттасини эгаллаб, уни кўп горат қилди, лекин бундан ортиқ ҳеч нарсага эришолмади. Мени кўриб қолиб, юлдузлар ҳолатидан сўраб-суриштирди:

— Мен Лаҳсонини эгалламоқчиман, қўлимдан келадими ёки йўқми? Ахир улар динсиз-ку, — деди.

Мен ўзимга маъқул бўлиб кўринган жавобни бердим.

Менинг назаримда, бадавийлар ҳам динсизликда Лаҳсо аҳлидан қолишмас, чунки баъзи одамлар бир йил давомида бир марта ҳам қўлини ювмас эди. Бу гапларни ёлғондан тўқиганим йўқ, балки ўз кузатишларим юзасидан айтаётирман, чунки мен уларнинг орасида тўққиз ой узлуксиз яшадим. Туя сутини ичолмасдим, қаерданки чанқоғимни босишга сув сўрасам, сут таклиф

этишарди. Олмасдан яна сув сурасам, менга шундай дейишарди: «Қаерда сув курсанг, уша жойдан сўрагин. Фақат кимда ҳам сув бўлиши мумкин?» Улар умрларида на ҳаммом ва на оқар сувни кўришган.

Энди яна ҳикоямизга қайтамиз. Биз Ямомадан Басра томонга қараб йўлга тушганимизда, йўлдаги манзилларнинг баъзиларида сув бор, бошқаларида эса йўқ эди.

Тўрт юз қирқ учинчи йил шаъбон ойининг йигирманчи куни (1051 йил, декабр) Басра шаҳрига етиб келдик. Шаҳар уч томондан баланд девор билан ўраб олинган бўлиб, фақат дарёга қараган томони деворсиз эди. Бу дарё «Шаттулараб» деб аталарди. Дажла ва Фурот дарёлари Басра вилояти сарҳадида туташиб, уларга Хувайза анҳори ҳам қўшилгач, Шаттулараб дарёси ҳосил бўлади. Шаттуларабдан иккита катта анҳор чиқазилган бўлиб, улар оралиги бир фарсангдир. Ҳар икки анҳор тўрт фарсанггача қиблага қараб оқади. Сўнгра қўшилиб жанубга қараб бир фарсанггача ягона ўзанда оқади. Бу икки анҳордан сон-саноксиз ариқ ва ариқчалар бошланиб, турли томонга таралиб кетган. Ариқлар бўйида хурмозор ва боғлар барпо этилган. Анҳорлардан шимоли-шарқ тарафда оқадиган баланддагисини «Наҳри Маъқил» деб, жануби-ғарбда жойлашган пастдагисини «Наҳри Убулла» деб аташади. Бу икки анҳор узун тўртбурчак шаклида катта орол ҳосил қилган. Басра шу тўртбурчакнинг қисқа томонида жойлашган. Басранинг жануби-ғарб тарафи чўл бўлиб, обод жойлар, сув ва дарактзорлар йўқ.

Басра шаҳри таърифи

Биз бўлган пайтимизда шаҳарнинг кўп жойлари хароба ҳолида эди. Обод жойлар гўж бўлмай, шаҳар бўйлаб сочилган, бир маҳалладан бошқасига ўтиш учун ярим фарсанг миқдоридега вайроналар орасидан юришга тўғри келади. Аммо девор ва дарвозалари мустаҳкам ва халқи тўқ эди. Султон хазинасига шаҳардан катта даромад келарди. Бу пайтда Басра амири Абу Наср ибн Абу Қолинжор Дайлами бўлиб, бир пайтнинг узида у форс малики ҳам эди. Вазири форс бўлиб, исми Абдусанмур Шоҳмардон эди.

Ҳар куни Басрада уч жойда бозор бўлади. Эрталаб савдосотиқ қилинадиган жойни «Суқулхузоъа» дейишади, тушда Суқи Усмон, кечкурун эса Суқулқаддоҳинда бозор бўлади. Савдосотиқ уларда қуйидаги тарзда бўлади: кимнинг қандай моли бўлса, саррофга топшириб, бу ҳақда ундан хат ёздириб олади. Сўнгра ўзига лозим нарсаларни олади ва бу нарсалар учун ҳам саррофга хат ёзиб беради. Қисқаси, олди-сотти пул ишлатилмасдан, сарроф хатлари орқали амалга оширилади. Биз дастлаб келганимизда озиб кетганимиз ва ярим яланғочлигимиз билан девоналарга ўшардик. Соч-соқолимизга устара тегмаганига уч ойдан ошган. Ҳаво совук, тузукроқ кийимимиз бўлмаганидан мен ҳаммомга бориб исинишга қарор қилдим. Мен ва укамнинг белида фақат эски лунги бўлиб, устимизга совукдан ҳимояланиш учун йиртиқ шол ёпиниб олган эдик. Мен: «Ким ҳам энди бизни ҳаммомга кўяди?» дедим. Китоб соладиган бир хуржуним бор эди,

шуни сотиб, тушган пулидан бир неча мис дирҳамни ажратиб қогозга урадим. Буни ҳаммом ходимига берсам, зора у купроқ ювинишимизга қўйса, баданимиздаги кир-чирлардан халос бўлардик, деб ўйладим. Пулни унинг олдига қўйганимда, у бизга назар ташлади ва бизни девоналар хаёл қилиб бақирди: «Қани, йўқолларинг, ҳозир одамлар ҳаммомдан чиқишади!» Хуллас, бизни ҳаммомга киргизмади. Бу ердан хижолат билан кўчага чиқиб, тез юриб кетдик. Ҳаммом олдида болалар ўйнаб юришган эди. Улар ҳам бизни девоналар деб ўйлаб, изимиздан югуришди ва шовқин-сурон кўтариб, бизга тош ота бошлашди. Биз бир бурчакка яшириниб, дунёнинг ишларидан таажжуб қилдик.

Туякаш биздан ўттиз магриби динор талаб қилар, қандоқ тўлаймиз, деб бошимиз қотган эди. Шу пайтларда Аҳвоз маликининг вазири Абдулфатҳ Али ибн Аҳмад Басрага келди. У шеър адабдан хабардор фозил одам, сахийлиги билан ном қозонган экан. У ўғиллари ва аъёнлари билан келиб мақом тутган, лекин ишга машғул эмас эди. Мен бир форс олими билан танишган эдим ва унинг вазир билан алоқаси бор экан, гоҳи пайтлар ҳузурда бўларди. Бу форс ҳам камбағал бўлиб, бизнинг аҳволимизни ўнглашдан ожиз эди. У биз тушиб қолган аҳвол ҳақида вазирга сузлаб берибди. Вазир эшитган заҳоти бир одамни от билан менинг олдимга юборди: қанақа аҳволда бўлсанг ҳам, отга мин-у, менинг ҳузуримга келавер. Мен ўзимнинг ёмон ҳолатим ва яланғочлигимдан уялиб, бормоқни муносиб кўрмадим. Хат ёзиб ундан узр сурадим ва «Кейинроқ хизматингизга борурман», дедим. Бундай йўл тутмоққа менда икки сабаб бор эди: биринчиси — қашшоқлигим ва иккинчиси — у хатимни уқигач, илмлардан хабардор фозил одам эканимга ишонч ҳосил қилади ва шунда хижолат тортмасдан олдига бора оламан, деб ўйладим.

Кийим-кечак сотиб олишим учун у дарҳол менга ўттиз динор узатди. Мен бу пулга икки киши учун яхши либослар сотиб олиб, учинчи кун вазирнинг мажлисида ҳозир бўлдим. Мен олижаноб, фозил, ёқимли чеҳрали, камтар, тақводор ва хушсухан бир одамни кўрдим. Унинг тўрт ўғли бўлиб, катта ўғли суҳандон, маълумотли ва ақлли йигит, уни Раис Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Али деб аташарди. У шеърлар ёзар, донишманд ва парҳезли йигит эди.

Вазир бизни ўз яқинига жойлаштирди ва шаъбон ойи бошидан рамазон ойи ўртасигача шу ерда бўлдик. Туя кираси учун арабга беришимиз лозим бўлган ўттиз динорни ҳам вазир ўз ҳисобидан тўлашни амр этди. Худойи таборак ва таоло барча бандаларини қарз балоси ва қарздорлик азобу уқубатларидан халос этсин!

Биз йўлга тушмоққа истак билдирганимизда у иззат-икром билан денгиз йулидан узатди. Ушбу олижаноб инсон кўмаги ила Форсга заҳмат чекмасдан эсон-омон етиб бордик. Қодир ва меҳрибон Худойим олижаноб инсонлар кўнглини доимо шод қилсин!

Басрада Али ибн Абутолиб солаватуллоҳи алайҳи. номи билан боғлиқ ун уч машҳад бор. Улардан бирини «Бани Мозин машҳади» деб аташади. Пайғамбар алайҳиссалату васаллам ҳижратидан сўнгги ўттиз бешинчи йил рабиъулаввал ойида (655 йил сентябр) амирал муъминин Али солаватуллоҳи алайҳ Басрага келган. Бу пайтда Ойиша розийаллоҳу анҳо унга қарши жанг

қилмоққа ҳозирланарди. Амирал муъминин Масъуд Наҳшалининг қизи Лайлига уйланган ва бу машҳад ўша хотиннинг саройи бўлган. Амирал муъминин бу уйда етмиш икки кун яшаб, сўнгра бу ердан яна Кўфа тарафга қайтиб кетган. Жомеъ масжиди яқинидаги яна бир машҳадни «Бобуттиб» деб аташади. Басра жомеида узунлиги ўттиз арш, йўғонлиги беш қаричу тўрт бармоқ келадиган, бир томони бошқа тарафига нисбатан йўғонроқ бир ёғочни кўрдим. Ҳиндистонда ўсадиган дарахтлардан эди. Айтишларича, бу ёғочни амирал муъминин олиб келтирган. Қолган ўн бир машҳаднинг ҳар бири турли мавзеда жойлашган ва мен уларнинг барчасини зиёрат қилдим.

Дунёвий ишларимиз ўнлангач, иккаламиз ҳам яхши либослар кийиб, бир куни бизни киритишмаган ўша ҳаммомга бордик. Эшикдан кирганимизда ҳаммом ходими ва бошқа шу ерда ҳозир бўлган мижозлар барчаси жойларидан тик туришди. Биз ҳаммом ичкарасига киргач, дарҳол ходимлар келиб хизматимизда бўлишди. Чиққанимизда ҳаммом даҳлизидagi одамлар яна жойларидан туриб, то биз кийиниб чиқиб кетганимизча ўтиришмади. Ҳаммом ходимларидан бири хизматдошига: «Бу йигитлар фалон куни биз ҳаммомга қўймаган икки одамдир», деди. Улар бизни тил билмайди деб уйлашарди. Мен арабчалаб дедим: «Рост айтасан, биз ўша куни устига йиртиқ шол ёпиниб юрган одамлармиз». У одам хижолат бўлиб, биздан узр сўради. Бу икки ҳолат йигирма кун мобайнида юз берди. Буларни ҳикоя қилишдан мақсадим одамларга шуни англатишки, ҳаёт рўбарў келтирадиган қаттиқликлардан нолимаслик керак. Оллоҳ таолонинг фазлу раҳматидан ноумид бўлмаслик керак, чунки у раҳмлидир.

Басра яқинида денгиз ва дарё сувининг кўтарилиши ва пасайиши таърифи

Уммон денгизи одатда бир кеча-кундузда икки марта кўтарилади ва ўн газ баландликка чиқади. Энг баланд нуқтасига етгач, тадрижий равишда пасая бошлайди ва ўн-ўн икки газ пастга тушади. Мен айтган ўн газ баландликка кўтарилиш Басрада соҳилда ўрнатилган сутун ё деворда кузга аниқ кўринади. Агар соҳил текис ва тепаликлар бўлмаса, сув жуда узоққа боради. Дажла ва Фурот шу қадар секин оқадики, баъзи мавзеларда ҳатто дарё суви қайси тарафга оқаётгани ҳам сезилмайди. Денгиз суви кўтарилиши таъсирида дарёлар суви ҳам то қирқ фарсангача кўтарилади ва шунда гўё дарёлар ортга қайтиб тескари оқаётгандай туюлади. Денгиз соҳилидан бошқа жойларда сувнинг кўтарилиш даражаси ернинг паст-баландлигига боғлиқ; паст жойларда сув жуда баланд; тепаликларда эса саёзроқ бўлади.

Айтишларича, сувнинг кўтарилиши ва пасайиши оининг вазиётига боғлиқ. Ой Зухал сайёраси доирасига кирганда кўтарилиш даражаси энг юқори бўлади. Ой икки уфқдан бири, яъни, машриқ ё мағрибда бўлганида пасайиш даражаси энг юқорига етади. Бундан ташқари, ой қуёшга яқинлашганда денгиз суви кўпаяди, яъни, бундай пайтларда кўтарилиш даражаси анча юқори бўлади. Ой қуёшдан уч бурж узоқлашганда эса, аксинча, сув

камаяди, яъни, кўтарилиш унча кучли бўлмайди, энг юқори даражага етмайди ва, аксинча, пасайиш бу пайтда энг юқори даражага етади. Ушбу далилларга асосланиб, сувнинг кўтарилиши ва пасайиши ойга боғлиқ дейишади ва яна Оллоҳ билгувчидир.

Убулла шаҳри анҳор буйида жойлашган ва анҳор ҳам ана шу ном билан аталади. Менга обод шаҳар бўлиб кўринди: унда қасрлар, бозорлар, масжиду работлар шу қадар кўп эдики, барчасини таърифламоқ имконсиздир. Шаҳарнинг ўзи анҳорнинг шимолида жойлашган, лекин анҳордан жануб тарафда ҳам маҳалла, масжид, работ ва бозорлар бор. Бинолар гоёт муҳташам бўлиб, улардан ҳам кўркамроғи оламда йўқдир. Шаҳарнинг бу қисми «Шикқи Усмон» деб аталади. Фурот ва Дажла кўшилувидан ҳосил бўлган катта дарё, яъни, Шаттулараб Убулладан шарқ тарафдадир. Шаҳар эса жануб тарафда. Убулла ва Маъқил анҳорлари, мен муқаддимда айтиб ўтганимдек, Басрада бир-бирига туташади, Басранинг йигирма ноҳияси бўлиб, ҳар ноҳияда кўплаб қишлоқ ва экинзорлар бор.

Басра музофотлари таърифи

Улар қуйидагилар: Ҳишон, Шараба, Балас, Ақа, Мисоналмуқим, Наҳрулҳарб, Шаттулараб, Саъд, Сом, Жаъфари, Алмашон, Ассумд, Алжуна, Жазиратулузмо, Мурувват, Ашшарир, Жазиратулурш, Алхумайда, Жубара, Алмунфаридот.

Айтишларича, илгари Убулла анҳорининг қуйилиш жойида улкан гирдоб бўлиб, кемалар ўтолмас экан. Шунда Басранинг энг бой-бадавлат кишиларидан бўлмиш бир аёл тўрт юз кема кўририб, уларни хурмо данаги билан тўлдириб, устини маҳкам ёпиб, уша жойга чўктиришни буюрибди. Шундан сўнг кемалар бемалол ўтадиган бўлибди.

Ниҳоят, тўрт юз қирқ учинчи йил шаввол ойи ўртасида (1052 йил, феврал) биз Басрадан чиқиб кемага тушдик. Убулла анҳори бўйлаб тўрт фарсанг кемада юрдик: ҳар икки тарафда боғу бўстон ва хушманзара кўшкларнинг кети узилмасди. Анҳордан ҳар тарафга қараб шохобчалар кетган, катталигидан ҳар бири гуёки дарёга ўшарди. Шикқи Усмонга етиб келгач, Убулла шаҳри рўбарўсида кемадан тушдик ва шу ерда жойлашдик.

Ойнинг ўн еттинчи куни «Буси» деб аталадиган катта кемага чиқдик. Ҳар икки соҳилда жуда кўп одамлар бўлиб, кемани кўришгач: «Сенга Худойи таоло йўл кўрсатсин, ё Буси», деб дуо қилишарди. Уббодонга етиб келдик ва одамлар кемадан тушдилар. Уббодон шаҳри денгиз соҳилида ва бу ерда Шат икки шохобга ажраб кетгани учун у ер оролга ўхшаб қолган. Шу сабабли Уббодонга қайсики тарафдан борилмасин, сувдан ўтишга тўғри келади.

Уббодондан жануб тарафда оқёнос бошланади. Сув кўтарилганда то Уббодон деворигача етиб келади, пасайганда қарийб икки фарсанг узоқлашади.

Баъзи йўловчилар Уббодонда бўйра харид қилишади. Кейинги кун тонгда кемани денгизга чиқаришди ва шимол тарафга қараб йўлга тушдик. То ўн фарсанг масофагача денгиз сувини ичса бўларди, чунки бу сув тил шаклида денгизга ичкарилаб кирган

Шатнинг чучук суви эди. Куёш чиққанида, узоқда денгизнинг ўрта-сида чумчуққа ўхшаган бир нарса куринади. Яқинлашганимизда, у каттара бошлади. Тўғрисига етганимизда, у биздан чап томонда бўлиб, орадаги масофа бир фарсанг келарди. Шу пайт қарши шамол эса бошлади ва лангар ташлаб, елканларни туширишди. Мен «У нарса нимадир?» деб сураганимда, «Хашшоб», деб жавоб беришди. Бу тўртта улкан сож дарахти ёғочидан манжаниққа ўхшатиб ясалган бир қурилмадир. Ёғочлар тўртбурчак шаклида бириктирилган ва асоси кенг, тепаси эса торроқдир. У сувдан қирқ газ тепага чиқиб турибди ва устига сопол ва тошлар терилган. Сўнгра ёғочлар билан шипга ўхшатиб ёпишган. Томда яна тўрт тоқи тиклашган ва бу ерда назоратчи туради. Бу хашшобни, баъзилар айтишича, бой бир савдогар қурдирган, бошқалар эса, уни қандайдир подшоҳ қурдирганини таъкидлашарди. У асосан икки мақсадга хизмат қилади. Биринчидан, у жойлашган ҳудуд тубида кўчма қумлар бор ва бу ерда денгиз саёзроқ. Шу сабабли катта кемалар бу ердан ўтмоқчи бўлса, қумга ўтириб қолиши мумкин. Кечалари бу ерда шамол ўчирмаслиги учун шиша ичида чироқ ёқишади. Одамлар ёғдуни узоқдан куриб эҳтиёт бўлишади, чунки бундай жойга бориб қолган кема қутулиб кетолмайди. Иккинчидан, у олам томонларини аниқлаш учун хизмат қилади. Шунингдек, қароқчилар борлигини хабар қилиш ва кемаларнинг хатардан узоқлашиши каби мақсадларда ҳам фойдаланишади. Бу хашшобдан ўтганимиздан сўнг, у кўздан йўқолгач, ўшанга ўхшаш яна биттаси куринди. Фақат, қоровулхона тепасида гумбаз йўқ эди. Эҳтимол ҳали қуриб битказишмагандир.

Меҳрубон ва Арғон шаҳарлари таърифи

У ердан биз Меҳрубон шаҳрига етиб келдик. Бу — денгизнинг шарқий соҳилида жойлашган катта шаҳар. Катта бозори ва кўркам масжиди бор. Аммо улар фақат ёмғир сувини истеъмол қилишади. Чучук сувли қудуқ ва коризлар йўқ. Бу ерда ҳовуз ва сув омборлари бўлиб, ҳеч қачон сув қаҳатчилиги рўй бермайди. Учта катта карвонсарой қурилган, ҳар бири баланд ва мустаҳкам қалъага ўхшайди. Жомеъ масжиди минбарига Яъқуб ибн Лайс¹ номи битилганини кўриб қолдим ва бировдан бу ҳолнинг сабабини сўрадим. «Яъқуб ибн Лайс бу шаҳарни ҳам эгаллаган. Хуросон амирларидан бошқа ҳеч бири бунга муваффақ бўлолмаган», деб жавоб берди у. Мен бўлган пайтимда бу шаҳарда Форс малики Абу Қолинжор ўғиллари ҳокимлик қиларди. Бу шаҳарга озиқ-овқатни бошқа шаҳар ва вилоятлардан келтиришади, чунки бу ерда балиқдан бошқа нарса йўқ. Шаҳарда божгоҳ ва бандаргоҳ бор. Агар бу шаҳардан соҳил бўйлаб жанубга юрилса, Тавоҳ ва Козарун ноҳияларига бориш мумкин. Менга Меҳрубон шаҳрида бир қанча вақт қолишга тўғри келди. Чунки, одамларнинг айтишича, йўллар беҳатар эмас, Абу Қолинжорнинг ўғиллари бир-бири билан ёвлашиб жанг қилишмоқда экан. Уларнинг ҳар

¹ Бағдод халифаларининг Хуросондаги ноибларидан бири. Марказий ҳокимиятга қарши исён кўтариб мағлуб бўлган.

бири ўз атрофига тарафдорларини тўплаган ва вилоятда нотинчлик ҳукм сураётган экан.

Менга «Аргон шахрида бир машҳур олим бўлиб, унинг номи шайх Садид Муҳаммад ибн Абдумалик», дейишади. Бу шаҳарда туриш жонимга тегиб кетган эди. Шу сабабдан у одамнинг номи эшитишим билан унга хат ёзиб, ўз аҳволимни баён қилдим ва бу шаҳардан бирон бехатар жойга боришда менга мадад қилмоғини сўрадим. Хатни жўнатганимнинг учинчи куни ўттизта қуролланган пиёда аскар менинг олдимга келиб, дейишди: «Бизни шайх сени Аргонга олиб бормоқ учун жўнатди». Уларнинг ҳимоясида Аргонга жўнадик.

Аргон катта шаҳар бўлиб, йигирма минг эр одами бор. Унинг шарқий чеккасидан дарё оқиб ўтади ва бу дарё тоғдан келади. Дарёнинг шимолий соҳилидан тўртта катта анҳор чиқазилган бўлиб, улар шаҳар ичкарасига сув олиб киради. Бу анҳорларни қазишга катта пул харж қилинган ва улар шаҳардан анча нарига ўтиб кетади. Қирғоқларида боғу бўстонлар барпо этишган: хурмо, норинж, турунж ва зайтунларнинг кети узилмайди. Шаҳар шундай қурилганки, ҳар бир уйнинг остида, шу уй катталигига мос ертўлалар қилинган. Барча ертўлаларнинг бир чеккасидан сув оқиб ўтади. Ёзда шаҳар аҳолиси ертўлаларга тушиб сув салқинида ором олишади. Бу шаҳарда турли мазҳабларга мансуб одамлар бор. Муътазиллийлар имомининг исми Абусаид ал-Басрий бўлиб, у фасоҳатли ҳамда ҳандаса ва ҳисоб фанларида чуқур билимлар эгаси бўлган одам эди. Бир куни у билан баҳслашиб қолдик: калом, ҳисоб ва бошқа фанлардан бир-биримизга саволлар ёғдирдик ва жавоблар бердик.

Муҳаррам ойининг биринчи куни (1052 йил май) биз бу шаҳарни тарк қилиб, тоғ йўли орқали Исфаҳон сари жўнадик. Йулда тор дарали бир тоғни кўрдик. Айтишларича, бу тоғни Баҳром Гур қилич билан чопиб ташлаган ва шу сабабли уни «Шамширбурид» деб аташади. Бу ерда ўнг қўл томондаги ёриқдан оқиб чиқиб, баланд жойдан тиккасига тушадиган шаршарани кўрдим. Одамлар: «Бу шаршара ёз бўйи тинмай оқади, қишда эса музлаб қолади», дейишади. Сўнгра биз Аргондан қирқ фарсанг масофада жойлашган Лурдгон шахрига етиб келдик. Лурдгон Форс вилояти чегарасида жойлашган. У ердан биз Хонлунжон шахрига келдик. Шаҳар дарвозасига султон Тўғрулбек¹ номи ёзилганини кўрдим. Бу ердан Исфаҳонгача етти фарсангдир. Хонлунжон аҳолиси ниҳоятда тинч ва осойишта ҳаёт кечиради. Ҳар бир одам ўз касби ва уй-рўзгор юмушларига машғулдир.

Исфаҳон, Табас, Тун ва Қоин шаҳарлари орқали Балхга қайтиб келмоғимиз баёни

Биз бу шаҳарни тарк қилдик ва тўрт юз қирқ тўртинчи йил сафар ойининг саккизинчи куни Исфаҳон шахрига етиб келдик. Басрадан Исфаҳонгача бир юз етмиш фарсангдир. Бу — во-

¹ Салжуқийлар сулоласидан бўлган султон, 1038—1063 йиллар ҳукмронлик қилган.

дийда жойлашган оби ҳавоси бағоят латиф шаҳар. Қаерданки ўн газ чуқурликда қудуқ қазилса, муздек ширин сув чиқади. Шаҳар атрофи баланд мудофаа девори билан ўраб олинган. Кунгурадор деворда дарвозалар ва жангоҳлар бор. Шаҳар уртасида улугвор жоме масжиди бор. Шаҳар деворининг узунлиги, айтишлаоича, уч ярим фарсанг экан. Шаҳарнинг барча маҳаллалари обод бўлиб, бирон жойда вайроналар кўрмадим. Бозорлар жуда кўп. Мен саррофлар бозорида бўлдим ва бу ерда икки юздан ортиқ сарроф бор эди. Ҳар бир бозор девор билан ўраб олинган ва дарвозалари бор. Шунингдек, маҳаллалар ва кўчаларнинг ҳам мустаҳкам девор ва дарвозалари бор. Карвонсаройлари озода. «Тироз» деб аталадиган кўчада элликта яхши карвонсарой бўлиб, ҳар бирида кўплаб тожир ва мусофирлар истиқомат қилишади. Биз ҳамроҳ бўлиб келган карвонда бир минг уч юз харвор¹ юк бор эди. Аммо шаҳарга шундоқ катта карвон келгани сезилмади деса ҳам бўлади. Чунки жой танглиги, ўрин ва кундалик озиқ-овқат таъминоти юзасидан муурожаат этганларни рад қилиш каби ҳоллар бу шаҳарда курилмайди.

Султон Тўғрулбек Абутолиб Муҳаммад ибн Мекоил ибн Салжук раҳматуллоҳи алайҳ Исфаҳонни эгаллаганда, бу шаҳарга ҳоқим қилиб асли нишопурлик бўлган хушхат, мулойим табиат ва хушрўй бир одам тайинланган, уни Хўжа Амид деб аташарди. У хушсухан ва сахий бўлиб, фозил одамларни қадрларди. Султон уч йилгача шаҳар аҳолисидан ҳеч қандай солиқ олмасликни амр этган эди. Ҳоқим бу фармонга амал этар ва тарқалиб кетган одамлар яна уз масканларига қайтиб келишган эди. Ҳоқим олдин султон девонида дабир² бўлиб хизмат қилган.

Биз келишимиздан олдин ёмон қаҳатчилик юз берган экан Аммо биз келганимизда арпа урим-йиғими бўлаётган эди. Бир ярим ман бугдой нонини бир дирҳамга беришар ва уч ман арга ноннинг ҳам нархи шунча эди. Шаҳарликлар олдин саккиз ман нон бир дирҳамдан қиммат бўлмаганини таъкидлашарди.

Мен форсийзабон аҳоли яшайдиган улкаларнинг ҳеч бирида Исфаҳондан ҳам кўра кўркам, обод ва аҳолиси кўп шаҳар кўрмадим. Айтишларича, бугдой, арпа ва бошқа хил донларни йигирма йил сақласа ҳам чиримасдан тураркан.

Кўплар олдин, мудофаа девори бўлмаган пайтда шаҳар ҳавоси бундан ҳам тозароқ бўлганини суйлашарди. Девор тиклангач, ҳаво ўзгариб, баъзи маҳсулотлар тез айнийдиган бўлибди. Аммо қишлоқлар ҳавоси ҳануз олдингидай. Карвон йўлга кеч отлангани учун биз Исфаҳонда йигирма кун туриб қолдик.

Йигирма саккизинчи сафарда шаҳардан чиқиб йўлга тушдик ва Ҳаймобод деган қишлоққа етиб келдик. У ердан водий ва Маскиён тоғи орқали Ноин қасабасига келдик. Исфаҳондан бу ергача ўттиз фарсангдир. Ноиндан нарига қирқ уч фарсанг йўл юриб, Гарма қишлоғига етдик. Бу қишлоқ Биебон ноҳиясидан ва ушбу ноҳияда ўн-ўн иккита қишлоқ бор. Бу мавзенинг иқлими иссиқ бўлгани учун хурмозорлар кўп. Бу ноҳия илгари Куфж қабиласи³ қўл остида экан. Лекин биз бўлган пайтимизда мазкур

¹ Харвор — бир эшак кўтара оладиган юк.

² Мунши, котиб.

³ Кирмон тоғларида яшаган бир қабила.

ноҳияни амир Гелаки улар қўлидан тортиб олган ва кичкина қалъаси бўлган Пиёда қишлоғида ўз ноибини қўйган эди. Ноиб вилоятни идора қилади ва йўлларининг беҳатарлигини таъминлайди. Агар куфжлар йўлларда қароқчилик қилсалар, уларга қарши ўз саркардаларини узатади. Саркардалар уларни ушлаб, талаган молини тортиб олиб, ўзларини қатл қилишади. Бу мухтарам одамнинг муҳофазаси туфайли йўллар беҳатар ва халқ осойиштадир. Худойи таборак ва таоло барча одил ҳокимларни ўз паноҳида сақласин ва уларга мададкор бўлсин, ҳамда утганлар руҳига раҳмат қилсин!

Биёбон ноҳияси йўлларида ҳар икки фарсангда кичик гумбазли сардобалар қурилган бўлиб, уларга ёмғир суви тупланadi. Сардобаларни қурганда шўр ерларни четлаб утишган. Гумбазли қилиб қурилганининг сабаби шундаки, йўловчилар унга қараб йўлни йўқотишмайди ҳамда қиш совуғи ва ёз жазирамасида унда бирпас дам олишади.

Йўлда биз кўчма қўмли улкан майдонни кўрдик. Кимки йўлдан адашса, бу кўчма қўмлар орасидан омон чиқолмайди. Бу ердан ўтгач, олти фарсанг масофагача ер шўр бўлиб, ер юзаси шишиб кетгандек бўлиб кўринарди. Агар кимки йўлдан четлашса, оёғи ерга ботиб кетарди. Ниҳоят, Зубайда работига етиб келдик. Бошқа ном билан «Мароми» ҳам деб аталадиган бу работнинг бешта сувли қудуғи бор. Агар бу работ ва сув бўлмаганда ушбу биёбонни ҳеч ким кесиб ўтолмасди. У ердан биз Табас вилоятига бордик ва Рустобод қишлоғида тўхтадик. Тўққизинчи рабъулаввалда (1052 йил июл) биз Табасга етиб келдик. Исфакондан Табасгача бир юз ўн фарсанг дейишади. Табас қишлоққа ўршаб кўринади-ю, аммо гавжум шаҳар. Сув камлигидан экинзорлар унчалик кўп эмас. Лекин хурмозорлар ва боғлар бор. Агар бу ердан шимол тарафга қараб юрилса, қирқ фарсангдан сўнг Нишопур келади. Жануб томонда сахро йўли билан қирқ фарсанг масофада Хабис жойлашган. Шарқ томонда эса тикка тоғлар бор.

Бу пайтда шаҳар амири Гелаки ибн Муҳаммад эди. У бу шаҳарни қилич кучи билан олган. Ҳаёт бу ерда хавфсиз ва осойишта эди. Кечаси ҳовлилар дарвозаларини қўлфлашмас, мол-ҳоллар ташқарида эди. Ваҳоланки, шаҳар девор билан ураб олинмаган. Ҳеч бир аёл бегона эркак билан сўзлашмоққа журъат қилолмайди, сўзлашса, ҳар иккаласини қатл этишади. Шунингдек, амирнинг адолати ва ҳимояси туфайли бу ерда ўғри ва қотиллар йўқ эди. Бутун Араб ва Ажам ўлкаларидан мен фақат тўрт жойда ушбу ҳолни кўрдим, биринчиси — Лашкархон ҳокимлиги давридаги Дашт ноҳияси, иккинчиси — амирлар амири Жистон ибн Иброҳим давридаги Дайламистон, учинчиси — амир ал-мўъминин Алмустансирубиллоҳ вилоятида ва тўртинчиси — Табасда, амир Абулҳасан Гелаки ибн Муҳаммад ҳокимлиги пайтида. Қанчаки сафар қилган бўлсам, шу тўрт жойдаги каби эмин-осойишталикни бошқа жойларда кўрмадим ва эшитмадим.

Амир бизни Табасда ўн етти кун меҳмон сифатида ушлади. Бизнинг шарафимизга зиёфатлар берди. Кетар вақтимизда совғалар бериб, яна узр сўраб қолди. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ундан хушнуд бўлсин. У узининг жиловдорини то етмиш икки фарсанг масофадаги Завзангача бизга ҳамроҳ қилиб узатди. Табасдан

чиқиб ун икки фарсанг йул юргач, Риққа қасабасига етиб келдик. Бу ерда оқар сув, экинзор ва боғу бўстонлар бор. Қалъаси ва масжиди ҳам бўлиб, атрофда қишлоқлар ва далалар ястаниб ётибди.

Рабиъулохир ойининг тўққизинчи куни (август) Риққадан чиқдик ва шу ойнинг ўн иккинчи куни Тун шаҳрига етиб келдик. Риққа ва Тун оралиги йигирма фарсангдир. Тун бир пайтлар катта шаҳар бўлган, ammo мен курган пайтимда унинг кўп жойлари вайрона ҳолида эди. Шаҳар водийда жойлашган, оқар сувли ариқлар, коризлар, шарқ томонида кўплаб боғлар бор. Қалъаси анча мустаҳкам. Менга бу шаҳарда тўрт юзта гилам тўқийдиган корхона борлигини айтишди. Шаҳардаги ҳовлиларда писта дарахтлари жуда кўп эди. Ҳолбуки, Балх ва Тоҳаристон аҳолиси, писта тоғдан бошқа жойда ўсмайди ва булмайди, деб таъкидлашади. Тундан чиқиб йўлга тушганимизда амир жиловдори менга қуйидаги ҳикояни сўзлаб берди:

— Бир куни биз Тундан Канобудга кетаётган эдик. Қаердан-дир қароқчилар пайдо бўлиб, бизга ҳужум қилди. Бир неча одам кўрққанидан ўзларини кориз қудуқларига¹ ташлашди. Ичимизда бир йигитнинг мушфиқ отаси бор эди. У келиб бир одамдан ҳақ эвазига қудуққа тушиб углини чиқаришни илтимос қилди. Одамлардан қанақаки арқон ва тасмалар бўлса, ҳаммасини ҳозирлашди ва бу ерга жуда кўп киши йиғилди. У одам қудуқ тубига етиши учун арқонни етти юз газ пастга туширишга тўғри келди. У йигитнинг белига арқонни боғлади ва юқорига тортиб чиқаришди, ammo аллақачон жони узилган экан. Қудуқдан чиққан одам кориздан жуда кўп сув оқиб ўтаётганини айтди. Бу кориз тўрт фарсанггача боради ва, айтишларича, Кайхисрав фармони билан қазилган.

Рабиъулохир ойининг йигирма учинчи куни Қоин шаҳрига етиб келдик. Тундан бу ергача ўн саккиз фарсанг, ammo йўл ёмонлигидан карвон бу масофани тўрт кунда аранг босиб ўтади. Қоин мустаҳкам девор билан ўраб олинган катта шаҳар. Девор ташқарисида хандақ қазилган. Жоме масжиди шаҳар ўртасида. Масжид мақсураси ёнида улкан бир тоқи бўлиб, бутун Хуросонда ундан ҳам муҳташамроғини кўрмаган эдим. Ammo бу тоқи масжидга тегишли эмас. Шаҳардаги барча иморатлар гумбазлидир. Агар Қоиндан шимоли-шарқ тарафга қараб юрилса, ўн саккиз фарсангдан сўнг Завсан келади. Қоинда Абумансур Муҳаммад ибн Дўст деган бир одамни кўрдим. Айтишларича, у ҳар хил илмлар: тиб, нужум ва мантиқдан хабардор экан. У менга шундай савол берди: «Фалак ва юлдузлардан ташқарида қандай модда бор?» — Мен жавоб бердим: «Модда деб фалакда мавжуд нарсаларга айтилади. Ундан ташқарида ҳеч нарса йўқ». У деди: «Хўш, у ҳолда фалақдан ташқарида номоддий маъни борми?» «Албатта, — деб жавоб бердим мен, — олам чегараланган ва фалак-ул афлокни унинг сарҳади деб ҳисоблашади. Сарҳад деб бир нарсани бошқа нарсдан ажратиб турувчи чизиқ назарда тутилишини ҳисобга олсак, фалакнинг ташқарисидаги нарса унинг ичкарисидадиган тафовутлидир, деган хулосага келамиз».

¹ Яъни, ер ости канали — коризга туташган қудуқлар.

«Хуш, олам ташқарисида номоддий маъни борлигини ақл исбот этар экан, бунинг ҳам нариги томонда чеккаси борми, — дея савол ёғдиришда давом этди у. — Агар чеккаси бўлса, у қаерда? Ёки чеккаси бўлмаса, чексизлик қандай мавжуд бўла олади?»

Ушбу мавзуда бир муддат суҳбатлашганимиздан кейин, у деди: «Бу нарсага мени гоят ҳайратлантиради?» «Ҳа, кимни ҳам ҳайратга солмаган бу», — дедим мен.

Хуллас, Завзанда Убайд Нишопур ғавго кутаргани ва Завзан ҳокимининг исёни туфайлидан мен Қоинда бир ой туриб қолдим. Шундан сўнг амир Гелакининг жиловдорига қайтмоққа рухсат этдим ва Қоиндан чиқиб, Сарахс томонга йўл олдим. Жумодилохир ойининг иккинчи куни Сарахсга етиб келдим. Басрадан Сарахсгача менинг ҳисобимда тўрт юз тўқсон фарсанг масофа экан. Сарахсдан сўнг Работи Жаъфари, Работи Амрави ва Работи Неъматни орқали йўл юрдим. Бу уч работ бир-бирига яқин бўлиб, йўл устида жойлашган. Ун иккинчи жумодилохирда Марвудга етиб келдик. Икки кундан сўнг шаҳарни тарк қилиб, Обигарм йўлидан юриб, ойнинг ун тўққизинчи куни Борёбга келдик. Бу ергача ўттиз олти фарсанг экан.

Хуросон амири Чағрибек Абусулаймон Довуд ибн Мекоил ибн Салжуқ бу пайтда Шибурғонда бўлиб, ўз дорулмулки Марвга жунамоққа ҳозирланаётган экан.

Йўл нотинчлиги туфайли биз Санглон томон юрдик. У ердан Седара орқали Балхга отландик. Седара работига етиб келганда укам Хўжа Абулфатҳ Абдулжалил Хуросон амирининг Абунаср деган вазири аёнлари орасида эканлигини эшитдим. Хуросондан кетганимга етти йил бўлган эди. Дастгардга етганимизда Шибурғон тарафга олиб кетилаётган куч-кўронни кўрдик. Менга ҳамроҳ бўлган укам: «Бу куч-кўрон кимники?» деб сўради. «Вазирники», деб жавоб беришди унга. «Сизлар Абулфатҳ Абдулжалилни танийсизларми?» деб сўради яна укам. «Унинг хизматкори биз билан», деб жавоб беришди. Шу аснода бир одам бизга яқинлашиб, қаёқдан келаётганимизни сўради. Ҳаждан келаётганимизни эшитгач, у деди: «Менинг хўжайиним Абулфатҳ Абдулжалилнинг икки биродари ҳам бундан бир неча йил бурун ҳажга кетишган эди. Хўжайиним интизорлик билан улар йўлига куз тикмоқда. Аммо кимданки сўрамасин, улар ҳақида бирон хабар айтишмади». Укам унга: «Мен Носирдан мактуб келтирдим, хўжайининг келса, унга бераман», деди.

Бир оздан сўнг карвон йўлда тўхтади. Биз ҳам йўл ўртасида тўхтадик. Хизматкор деди: «Хўжайиним етиб келгач, сизларни кўролмаса, жуда хафа бўлади. Агар ўша мактубни менга берсангиз, мен унга бераман ва у бениҳоят хурсанд бўлади». Укам унга деди: «Сенга Носирнинг мактуби керакми ё ўзимиз? Мана Носир, олдинда турибди».

Хизматкор шодлигидан нима дейишини билмай қолди ва биз биргаликда қишлоқлар оралаб ўтган йўлдан Балх шаҳри сари равона бўлдик. Укам Хўжа Абулфатҳ эса, дашт йўлидан Дастгардга келиб, вазир билан бирга Хуросон амири ҳузурига отланаётган экан. Биз ҳақимизда эшитиши биланоқ Дастгарддан қайтиб, Жамугиён кўприги устида бизни кутиб турибди. Шанба куни бўлиб, тўрт юз қирқ тўртинчи йил жумодилохир

ойининг йигирма олтинчи куни (1052 йил октябр) эди. Неча дафъа ҳалокатли ҳодисаларга дуч келиб, ҳатто жонимиздан ва яна кўришишдан умид узиб юрганларимиздан сўнг, мана, ниҳоят бир-биримизга етишдик ва жигарларимиз дийдорини кўриб шод бўлдик. Худойи субҳонаҳу ва таолога шукрлар қилдик. Балх шаҳрига етиб келган кунимиз, мен ўз аҳволимизни баён қилувчи ушбу уч байтни битдим:

Гарчи бу жаҳон ранжию алами бисёр,
Бари ўтар, ҳар нарсанинг ўз поёни бор.

Эски шу чарх тиним билмай айланар тун-кун,
Тунлар ўтиб, келган каби кунлар биз учун.

Қайтадиган бир йўл эди биз очган дафтар,
Эвоҳ, охир насибадир қайтилмас сафар.

Бутун босиб ўтган йулимиз, Балхдан Мисргача, ундан Маккага ва Басра орқали Форсга етганимиз ва ундан Балхга келганимизча, атроф жойларга зиёратлар қилганимиз ва ҳоказоларни кўшмаганда ҳам икки минг икки юз йигирма фарсангни ташкил қилади. Саргузаштим давомида нимаики кўрган бўлсам, рост-гўйлик билан тасвирладим. Бировлардан эшитиб қаламга олган ҳикояларимда ҳақиқатга хилоф жойлари бўлса, ўқувчилар бунини мен ҳақирдан кўрмасинлар ва менга таъна-маломатлар қилмасинлар. Агар Оллоҳ субҳонаҳу таоло тавфиқ ва мадад бериб, Машриқ тарафга ҳам сафар этмоқ муяссар бўлса, барча кузатишларимни оқизмай-томизмай қоғозга туширгумдир. Инша Оллоҳу таоло.



Журналимиз янги йилда ўзининг Сиз соғинган олдинги шаклида /70x108 1/16 форматда, ҳозирги чиқиш турганидан кўпроқ безалган ва муҳим, Сизни мамнун этадиган пухта, кўркем асарларга кенг ўрин берган ҳолда нашр этилади.

«Шарқ юлдузи» бошқа нашрларга нисбатан арзон. Йиллик баҳоси — 1500 сўм.

Бизнинг индексимиз — 911.

Журналга истаган ойдан обуна бўлиш мумкин.

Шу кунларда 1999 йил учун обуна давом этмоқда.

Мундарижа

НАСР

Гулнора Раҳмон. Марварид шодаси. Қисса	3
Носир Хисрав. Сафарнома	187

НАЗМ

Рўзи Қодирӣ. Жон ҳуррият оғушида, жўшар эрким чаш-маси	34
Гулчеҳра Нур. Қотиллик	37
Чоршаъм. Куйламоқ шавқида тонг	74
Баҳром Рўзимухаммад. Камалак рангини қўшар гунчага . .	76
Дилором Исмоилова. Кўзларимда парчаланар ой	79

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1225 ЙИЛЛИГИГА

Нажмиддин Мирмаҳмуд. Имом ал-Бухорий ва ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ	42
--	----

АҲМАД ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА

Иброҳим Раҳим. Аҳмад Фарғоний. Драма	49
---	----

САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ.

Аҳмад Лутфий. Кун ботиш арафалари	83
--	----

МУШОИРА

Субҳидам сабоси настарин тусда	167
---	-----

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Хувайдо тасавву-фий шеърларида фалсафий-бадиий талқин	176
--	-----

Қутлов

Мели Норматов. Ёнимиздаги одам	182
---	-----

Безовчи расом Р. Қунгирова.

Мусаҳҳиҳ М. Йудошев

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ● Таҳририят уз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) буйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ● Обунага монеталик кўрсатилган ёки ойнома уз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темура тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 26.06.98 й. Босишга рухсат этилди 11.08.98 й. Қоғоз формати 84x108¹/₃₂. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 7.860 нуска. Буюртма № 2577.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.